

ХАМСАТУЛ=МУТАХАЙИРИН  
✿  
ҲОЛОТИ САИД, ҲАСАН АРДАШЕР  
✿  
ҲОЛОТИ ПАҲЛАВОН МУҲАММАД

✿  
МУҲОКАМАТУЛ=ЛУФАТАЙН

✿  
МЕЗОНУЛ=АВЗОН

✿  
ТАРИХИ МУЛУКИ АЖАМ

✿  
УН ТҶҲҲИНИЧИ ТОМ,



**ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ  
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ  
ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ**

**Таҳрир ҳайъати:**

**ОЯБЕК, ҒАФУР ҒУЛОМ, ВОҲИД ВОҲИДОВ,  
АЗИЗ ҚАЮМОВ, ҲАМНА СУЛАЙМОН, ПОРСО ШАМСИЕВ,  
ҲОДИ ЗАРИФ, РАМЗ БОБОЖОН**

**Мударрир:  
СУҲҒАМА ҒАНИЕВА**



**ХАМСАТУЛ-  
МУТАХАЙИРИН**

**Нашира тайёрловчи**  
**ПОРСО ШАМСИЕВ**



... Бани одам ашроф ва хавосси хилватларида хусусан ва ақли олам сойир авоми анжуманларида умуман тасаввур ва аноният умурининг худройи ва ужб ва нафсоният оламининг даштпаймойи Алишер алмуттахаллис бин-Навойй... андоқ арз қилур ва бу навъ шарҳга еткурурким... шайхуно ва мавлоно Абдурахмонил-Жомий...

Р у б о и й:

Ким гунбази гардандаи олий бунёд,  
То даврида таъжилға бўлгай муътод,  
Одамки бўлуб халифа ёйди авлод,  
Авлодида ер ўйла халаф бермас ёд.

Бу навъ соҳиб давлати бузургвор ва бу янглиғ соҳиб камоли нубувват кирдор бу хоксори паришон рўзгорни азим илтифотлари била сарбаланд ва ғариб навозишлар била аржуманд қилиб, абнойи жинсим аро сарфароз, балки жинси башардин мумтоз қилур эрдилар. Чун покиза руҳларининг қудсий ошён тоири бадан қафасидин равзаи фирдавс сори парвоз тузди ва муборак жисмларининг олий макон пайкари дорул-фано мақбасидин дорул-бақо анжуманига майл кўргузди, агарчи ақли оламга мотам юзлаиди, аммо соҳиб мотам бу номуроди сўгвор эрдим ва сойир авлоди одамга азо воқеъ бўлди ва лекин соҳиб азо бу ношоди таъзият шиор эрдим.

Чун бу мотамда мажруҳ кўнгул озори ва маҳзун хотир изтироб ва изтирори ҳаддин ошти. Бу ранж таскини ва

бу ошуб итмийнони учун хаёлға андоқ келдиким, ул сипеҳри иззу иқбол била бу хокийваши фурумоя ва ул меҳри авжи камол била бу зарраи камсармоя орасида ўтган ҳолатдин бир неча варақ нигориш қилғаймен ва мақолотдин бир неча муқаддима гузориш бергайменки, ул умур<sup>1</sup> зоҳир ва ботинимға мужиби мубоҳот ва қувонмоқ ва дунё ва охиратимға боиси ифтихор ва ўқунмоқдур. Ва агар ул навъ илтифотларни маҳбубдин муҳибға халойиқ бовар қилмасалар — ул ҳазратнинг мусаннафотида<sup>2</sup> мазкурдур ва ул тарийқ хусусиятларни муроддин муридға жуз мақолол билмасалар — куллиётларида мастурким, бу даъвоға икки далили мувофиқ, балки икки гувоҳи содиқдур, чун бу рисола хаёлға келди, биносин бир муқаддима ва уч мақола ва бир хотимаға қўюлди ва бу беш дафъа сўзгаким, ўқувчиларға кўп мужиби таҳайюр эрди — «Хамсатул-мутаҳаййирин» тасмия қилилди<sup>3</sup>.

**Муқаддима** — аларнинг насаблари ва валодатлари ва сойир авқотларининг сулуки ва бу фақир алар хизматлариға қачон мушарраф бўлгоним.

**Аввалги мақолат** — алар била бу фақир орасида ўтган иттифоқий умур ва ғаробатлиқ сўзларким, андин аларнинг бу фақирға хусусият ва илтифотлари маълум бўлур.

**Иккинчи мақолат** — алар била бу фақир орасида битилган руқъалар бобидаким, ҳоло аларнинг куллиётида мазкурдурур ва муншаотларида мастурким, фақир жавоб битибмен ё акс.

**Учунчи мақолат** — кутуб ва расоил бобидаким, аларнинг мусаннафотидур ва бу фақир аларнинг таълифиға боис ва таснифиға сабаб бўлубмен ва бу маъни ҳамул кутубнинг кўпроғида зоҳирдур.

**Хотима** — ул кутуб ва расоил бобидаким, бу фақир алар хизматида таълим ва истифода юзидин ўқубмен ва аларнинг ҳаётларининг охирининг тарихи ва ул ҳолат кайфияти.

### Муқаддима

Аларнинг шариф валодатлари ўзларининг муборак назмлари мазмунидин андоқ маълум бўлурким, секиз юз ун еттида<sup>4</sup> эркандурким, уз валодатлари замонидин секиз юз тўқсон уч<sup>6</sup> йил ўтган тарихда жамеъ ҳолатким, аларға

утгандур — назм қилибтурлар ва ул ғариб қасидадур ва анга «Рашҳулбол»<sup>6</sup> от қўюбтурлар ва матлаи будурким:

Манам чу гўй ба майдони фусҳати маҳу сол,  
Ба савалқони қазо мунқалиб зи ҳол ба ҳол,

Ба соли ҳаштсаду ҳафдаҳ зи ҳичрати набавӣ  
Ки зад зи Макка ба Ясриб суродиқоти қалол,

Зи авқи қуллаи парвозгоҳи иззу қидам,  
Бад-ин ҳазизи ҳавон суст кардаам пару бол.

Ба ҳаштсаду наваду се кашидаам имрӯз  
Зимои умр дар ин тангнои ҳиссу хаёл<sup>7</sup>.

Ва бу қасидани айтқон тарихдин сўнгра яна беш йил умр гулзоридин баҳраёб ва ҳаёт чашмасидин сероб эрдилар. Секиз юз туқсон секиздаким<sup>8</sup>, ёшлари замонидин сексон икки йил ўтмиш бўлғайким, пок руҳларининг қудсий ошён булбули риҳлат навосин оғоз қилиб, гулшани фирдавс хавосига парвоз қилдиким, анинг кайфияти шарҳ била ўз ерида иншооллоҳ сабт бўлғай.

Аларнинг олий насаблари имомул-мухтаҳидин Муҳаммад бинни Ҳасан бинни Абдуллоҳ бинни Товус бинни Ҳурмуз Шайбонийга<sup>9</sup> борурким, Ҳурмуз бани Шайбон қабиласининг малики эрмишким, Бағдодда салтанат қилибдур ва жоҳилият замонида амирул-мўъминин Умар<sup>10</sup>... илғида ислом шарафига мушарраф бўубтур ва бани Шайбон қабиласи насаб шарафида арабнинг кўпроқ қабойилига мужиб мубоҳот ва тафохурдур ва ўз оталари ва улуг оталари зуҳд ва тақво била машҳур ва қазо ва фатво<sup>11</sup> била доим машгул эрмишлар ва Жом вилоятида сокин ва шайхул-ислом Аҳмади Жом ватанида мутавааттин ва аларнинг бу қитъаси бу маънига далилдур:

Мавлидам Қому рашҳан қаламам,  
Қуръан қоми шайхул-исломист.  
Лоҷарам дар қаридан ашъор  
Ба ду маънӣ тахаллусам Қомист<sup>12</sup>.

Алар кичик ёшлиғ эканда ҳам алардин муфрит фаҳм ва табъ осори зоҳир бўлур эрмиш. Ул жумладан будурким, орифи комил ва муршиди мукамил мавлоно Фаҳридин

Луристонийки, ўз замонининг ягонаси ва ҳақиқат баҳрининг гавҳари яқдонаси эркандур — Жом вилоятида аларнинг оталари уйига тушгандур, алар тўрт ё беш ёшларида эмди мактабга борур вақтлари эрмиш, ҳазрати мавлоно аларни ўз қошларида ўлтуртуб, бармоқ ишорати била ҳавога машҳур отларни: «Умар» ё «Али»дек битир эрмиш ва алар тааммул била ўқур эрмишлар ва ҳазрати мавлоно аларнинг туфулиятда бу навъ зиҳн ва закосидин мутабассим, балки мутаажжиб бўлур эрмишлар. Андоқки, бу сўз «Нафаҳотул-унс»<sup>13</sup>да дағи мазкур бор. Туфулиятлари айёмидағи бу навъ осор ва аломот кўп манқулдур. Сабт этарга машғул бўлунса сўз узалур.

Бори кичик ёшдин шабоб аҳдининг авойилиғачаким<sup>14</sup>, Жом вилоятида эрмишлар — аларга фонда еткурур киши оз топилагон жиҳатидин:

Қуёш ул навъки мағриб сори,  
Ё наби уйлаки Ясриб<sup>15</sup> сори.

шаҳрга<sup>16</sup> азимат қилибдурлар ва Ироқ дарвозасида «Низомия» мадрасасидаки, мавлоно Зайниддин Абубакр Тойбодий ва мавлоно Саъиддин Тафтазоний ва баъзи Амир Хисрав Деҳлавийни ҳам дерларким, анда сокин бўлгондурлар, маскан қилиб, таҳсилга машғул бўлубтурлар ва оз фурсатда абнойи жинсдин ишни ўтқариб, балки шаҳрнинг мутабаҳҳир уламосидин илм ва фазлни ошуруб, аларга улум ва фунун ҳеч қайсида замон аҳлидин кишига эҳтиёж қолмайду.

Рубоий:

Ҳар кимга етар мавҳибати субҳоний  
Ким айлағай они олими раббоний,  
Билмоққа улум истилоҳин жоний,  
Оз вақт фалак муштағил айлар они.

Агарчи бир неча вақт биззарурат улум касбиға иштиғол кўргузубдурлар, аммо ҳеч вақт назм ойинидин холи эмас эркандурлар. Чун аларга биззот машраби тавҳид воқеъ бўлгондур, ҳақиқат жамолин мажоз музоҳири мушоҳадасида муояна кўруб, беихтиёрлиғлар даст берур эркандур. Ул маънини назм либосида адо қилмоқдин гузирлари йўқ эркандурким, бу восита била ўтқа таскин ва ўтлуқ



кўнгулга ором бўлур эркандур. Бу жиҳатдин назмдин ҳаргиз фориг бўлмайдурлар ва бу боисдин назмга тадвин ва девонга тазйин воқеъ бўлубтур ва мурури айём ўтуб, аларнинг назми ҳар синф шеърдин оламнинг золининг қулоқ била билагин самин дурлар била музайян ва жайб била этагин оташин лаъл била мамлу ва мулавван қилибтурлар ва ғарибдурким, зоҳир улумининг такмили вақтида неча иш аларга муяссар бўлубтурким, бу умматда ўтган акобир ва соҳиб камоллардин ҳеч қайсиға воқеъ бўлғони зоҳир эмас.

Ул жумладин бири шеърдурким, борча аснофин ул навъким, ҳар синфидаким биров саромад ва мусаллам бўлгондур, алар ул кишидек, балки ортуғроқ ўз ҳақ ва мулки қилдилар.

Яна бир: тасаввуф масоили истилоҳотин андоқ такмилқилдиларким, ўтган машойих ва авлиёulloҳ...нинг расоил ва кутубидинким, гояти ийҳомдин ул шариф илмнинг идрокидин кўпроқ толиби номурадлар маҳрум, балки орий эрдилар — ул илмни ўз рисола ва китобларида хўброқ алфоз ва адо била ул навъ таснифлар қилдиларким, кўпроқ фақирлар анинг мутолаасидин ҳазз топиб, баҳраманд бўлурлар.

Яна бир: тариқат одоби сулукида андоқ дақиқ равияш била тарийқларини туздиларким, ҳеч киши аларнинг зоҳир улуми ва шеър ва муаммо ва иншо ва бу навъ нималардин шарифроқ ниҳоний амрға машғул эрконларин билмадилар ва фаҳм ҳам қилмадилар ва бу ишта чун ҳеч мутанаффисқа муршиди комил мулозамати ва иродатидин гузир йўқдур, ҳазрати қутби тариқат ва ғавси ҳақиқат мавлоно Саъдиддин Кошғарийким, «Нақшбандия» хожалари силсиласининг ул замонда комил ва мукамил муршид ва халифаси эрди — суҳбатин ва мулозаматин ихтиёр қилиб, замонининг сойир муршидлари ва комиллари хизматлариға: шайх Баҳовиддин Умардек ва мавлоно Боязид Пуроний ва мавлоно Муҳаммад Асаддек бузурғлар суҳбати шарафиға доғи мушарраф бўлур эрдилар.

Аmmo толиби илмлик ва шоирлик суратидаким, бу шариф илм сатр ва китмониға бу икки ишдек парда мумкин Эрмас топилмоқ, невчунким дарвешлик фано касбидур, балки фанойи маҳзур ва бу икки иш маҳз даъво ва жадал ва аноният ва худписандлиқдур.

Аларнинг камолоти овозасин эшитиб, йироқ йўллар қатъ қилиб муборак суҳбатлариға мушарраф бўлурға

келганлар аларни асҳоб орасида ғоятн бетаайюнлиқдин мутлақо танимаслар эдиким, ултурур-қўпарда ва айтмоқ ва эшитмоқ ва емоқ ва киймоқда ўзлари била сойир мулозимлари орасида тафовут йўқ эрди.

Киши улуми зоҳирийдин ва маънавийдин бир масъала илқо қилғунча ҳаргиз алар оқдин қарони маълум қилгонлари маълум бўлмади. Аммо масъала илқосидин сўнгра доғи бори улумға маҳорат ва истиҳзор ул мартабада эрдиким, ҳаргиз ҳеч китобга боқмоққа эҳтиёж бўлмади.

Мунча ишнинг зимнида ишқи зоҳир тариқиким, «Алмажозу қантаратул-ҳақиқат»<sup>17</sup> иборат андин бўлғай — аларға андоқ муставли эрдиким, ҳар мулойим мазҳарининг ҳусн ва малоҳатиким, ҳақ жамолияти тажаллиси била зуҳур қилмиш бўлғай ё жавр ва бедоди офатиким, жалолият сифати била жилва кўргузмиш бўлғай, ул сифотидин зоти айният мушоҳада қилиб, сабабни мутлақо орадин мўртафеъ кўруб, кўзларига мусаббидин ўзга нима келмаган жиҳатидин бетоқат бўлиб, ҳарне ул изтиробда аларға ишқ шиддатидин ва шавқ суубатидин юзланса эрди жонсуз шеърлар ва дилфуруз ғазаллар иштиғоли била ул таҳаммулсизлиққа итмиёнон берурлар эрди.

Ва бу ҳол доғи аларға одоби тариқатдаким, тасаввуфда бонси фано бўлғай, кўп мадад берур эрди. Чун фаноийи вужуди мавҳум ҳосил бўлди ва ишқ ва шавқ ўти забона тарта киришти, ҳар ойинаким, беихтиёрлиғлардин қаландарвашлиғ ва сару по бараҳналиғ ва тоғ ва водий тутмоқ ва мақсуди аслийдин ўзга барчани унутмоқлик даст берур, аларнинг бу шевасин зоҳир аҳли ишқи зоҳири маҳзга ҳамл қилиб, аслий мақсудларидин ғофил ва отил қолурлар эрди. Аммо, алар ғайри мақсуди аслий ҳар навъ суратдаким, ўзларин кўргузур эрдилар — барча ўз ҳолларининг пардаси ва рўйпўши эрди.

Бир неча йнаким, бу ҳолға ўтти — зоҳир улум фазоилида даврнинг уламо ва фузалосига фоиқ бўлуб, ботин ҳолида дағи бийик маротиб ҳосил қилиб, ғариб кутуб ва расоил тасаввуф илмида алардин рўзгор авроқин музайян қилиб, даврон аҳлиға бу шариф илмнинг истилоҳоти била дақиқ масоилин равшан ва мубарҳан қилдилар, андоқким, мусаннафот теъдодида иншооллоҳ битиб бўлғай.

Шоҳрух султон замони авоситидин султон Абусаид замонининг авоилиғача шаҳрда сокин эрдилар. Андин сўнгра Хиёбон бошида ҳазрати пир маҳдум Саъдиддин Кошғарий мазори бошида иқомат расмин зоҳир қилдилар ва

шаҳрнинг жамеъ уламо ва акобири ва ашрофи аларга мулозамат ва тараддуд бунёд қилдилар, то ул подшоҳи замоннинг аркони давлат ва аён ҳазрати ва олийшон умаро ва рафъе макон судур ва вузаро, балки аср подшоҳи аларнинг остониғаким, мақсуд қибласи ва мурод каъбаси эрди — ташриф келтурурлар эрди, балки ўзларини мушарраф қилурлар эрди. Андоқки, даврнинг аржумандлари ва аҳднинг сарбаландлари ул ҳазратнинг олийшон остониға юз еткурурлар эрди ва илтижо келтурурлар эрди. Сойир ниёзмандлар ва оммаи бехеш ва пайвандлар ҳам кўзларин ул эшик туфроғидин ёрутурлар эрди.

Бу фақирини ҳақир бу сўнги жамоат зумрасида Хиёбон бошида кўрган замонида мухтасар битилган рисола сабақиға мумтоз бўлдум...

#### Аввалги мақолат

Ул ҳазрат била бу фақир орасида ўтган иттифоқий умур ва ғаробатлиқ сўзларким<sup>18</sup>, андин аларнинг бу фақирға илтифот ва хусусиятлари зоҳир бўлур.

\* \*  
\*

Бир кун мавлоно шайх Абдуллоҳ котиб муқарраби ҳазрати борий Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг «Илоҳийнома»ға мавсум муножот рисоласин фақир қошиға келтуруб эрди ва мавлоноийи мазкурнинг кутуб байъ ва широсиға<sup>19</sup> ҳам муносабати, ҳам ҳазрати хожаға авлодлиғ нисбати бор. Фақир ул рисоланинг аввал саҳифасин очиб, хутбасин ўқумоқ бунёд қилдим, бу хаёл билаким, бир саҳифа ё ғоятташ бир варақ ўқулғай, андоқки эл маъҳудидур, сўзнинг хублуғ ва равонлиғидин ҳеч ерда бас қила олмадим, то рисолаким, икки жузвдин ортуғроқ эди — итмомға етти. Мажлис ҳузвори воқиф бўлуб, таажжуб қилдиларким бир рисолаким, икки жузвға яқин, балки ортуғроқ бўлғай, бир таважжуҳ била боштин-оёққача ўқумоқ холи аз ғаробат эмас.

Тонгласи ҳазрати Махдум бандахонаға ташриф келтурдилар. Ул рисола ҳозир эрди, олиб очиб, муборак назарларин солдилар. Туно кунги асҳоб андоқки рўзғор аҳлининг ойини ва даъби бўлур, таажжуб изҳори юзидин туно

утган воқеани ул ҳазрат хизматларида арз қилдилар. Алар табассум қилиб, дедиларким: «Ажаб амри иттифоқий бизнинг ва сизнинг оралиқда воқеъ бўлгон армиш: икки ё уч кун бурунроқ мавлоно шайх Абдуллоҳ ушбу рисолаи бизнинг қошимизга келтуруб эрди, биз доғи аввалдин бунёд қилдук, охирига дегинча ҳеч ерда турмоқ бўлмай туганди».

Тонгласи мавлоно шайх Абдуллоҳ келди, то китобин ё баҳосин олғай. Баъзи анга айттиларким: «Фалон (яъни банда) бу китобни аввалдинким ўқумоқ бунёд қилди, тугагунча иликдин қўймади».

Ул таажжуб юзидин дедиким: «Ҳазрати Махдумий хизматлариға ҳам элтиб эрдим, аларға ҳам ушбу ҳол воқеъ бўлди».

\* \*

\*

Бир кун ул ҳазрат хизматларида асҳоб ҳозир эрдилар ва ҳар навъ сўз ўтадур эрди. Бурунроқ фақир аларнинг шайба<sup>20</sup> қасидалариғаким, матлаи будур:

Сафед шуд чу дарахти шукуфадор сарам  
В-аз ин шукуфа ҳамин меван ғам аст барам<sup>21</sup>.

Изҳори бу навъ ақида эрдимким, бу навъ ғариб манойиқлиқ ва кўп чошнилик ва нозук хаёллиқ, салис иборатлиқ, латиф адолиқ шеър фақир кўрмайдурмен, бовужуди улким, қасидагўйларким, муқаддамдурлар қасойидларин кўп мутолаа қилибмен ва асҳобдин баъзи мусаллам тутса, баъзи мусаллам тутмоқға кориқ кўринур эрдилар; ва ул ҳазрат мажлисларида сўз қасойид услуби сори тортти, чун ҳар навъ ўтти, фақир шайбанинг васфин орага солдим ва таърифиди беихтиёр бўлдум, то сўз ҳамул ерга еттиким, арз қилдимким: «Фақир муқаддимини маликул-каломлардин ҳеч қайсидин андоқ қасида эшитмайдурмен».

Ул ҳазрат табассум қилиб айттиларким: «Мутааххирлардин биз ҳам андоқ шеър эшитмайдурбиз».

Жамъи сокит бўлуб, фақир бир неча ул бобда баст қилиб, абъёт ўқур эрдим. Алар мунбасит бўлуб, тасдиқ била талаққи қилур эрдилар, то ул жамъа фақирнинг сўзининг сидқи тамом зоҳир бўлуб, ўз ақидаларидин айланиб, фақирнинг ақидасига келдилар.

«Фаноийя» боғчасин ясардаким, ул ҳазрат ҳавиларининг ичинда ер иноят қилиб, бериб эрдиларким, фақир ўзига муҳтақир манзил ясабмен.

Подшоҳ Марв қишлоғига азимат қилғонда фақир Дарвеш Ҳожи Ирқбандниким, замоннинг чобукдаст боғбонларидиндур — таъйин қилдимки, баҳор улғоч, ул боғчага раёҳин ва ашжор эккай. Баҳор бўлғонда Дарвеш мазкур келиб, ул боғчанинг буйрулғон ишига қиём кўргузурда ул ҳазрат дағи гоҳи келиб, муборак хотирлари ташхизи учун бир оз замон анда бўлур эрмишлар ва баъзи йиғочларга дағи илтифот қилиб, ер кўргузур эрмишларки, қайда эккай.

Дарвеш Ҳожи тунд мизожлиқ девона кишидур. Баъзида муноқаша қилур эрмиш ва ул ҳазратга хуш келиб, мунбасит бўлур эрмишлар. Бир кун йиғочқа алар ер таъйин қилибтурлар. Девона боғбон инод юзидин дебтурким: «Мунда экмасмен». Алар инбисот била дебтурларким: «Невчун экмассен?» Ул дебтурким: «Ражадин ташқаридур, тонгла черик келса, Мир Шайхим боғбонлиқда воқиф кишидур, кўруб эътироз қилғусидур». Алар дебтурларким: «Боғча Шайхимнинг эмас, Алишернингдур, ул эътироз қилмағусидур».

Черик шаҳрга келгандин сунгра Дарвеш Ҳожининг тундликларидин асқоб нақллар қилурлар эрди. Ул ҳазрат дағи завқ ва нишот юзидин ул йиғочни кўргузуб, ўтган ҳикоятниким, алар била Дарвеш Ҳожи орасида воқеъ бўлғондур, нақл қилур эрдилар.

Бир кечаси бир улғу киши маҳаллида жамоати азиэлар хизматида туштум. Мутаҳҳари Удийким, хушовозликда Зухранинг<sup>22</sup> отаси ва хушхонликда анинг фарзанди руҳафзоси бўла олур эрди. Тағаний маҳаллида Хожа Ҳасан Деҳлавийнинг бу шеърин уқуйдур эрдиким:

Зиҳи дарунаи дилро замон-замон ба ту майле<sup>23</sup>,

то бу байтга еттиким:

Мисоли қатраи борон сиришки ман ҳама дур шуд,  
Чунин асар диҳад, алҳақ, тулуи чун ту суҳайле<sup>24</sup>.

Мажлис аҳли мутаайин хуш табъ эл эрдилар ва мири мажлис ҳам хуш табъ ва подшоҳнишон. Муғаннийға баъзи эътироз юзидин ва баъзи танбеҳ юзидин дедиларким: «Сиришки ман ҳама дур шуд» ўқума, «дур шуд» урниға «хун шуд» ўқукн, «дур шуд»нинг маъноси йўқтур. Мири мажлис дағи аҳли мажлисға муттафиқ бўлди. Бу фақир ҳеч нима демадим. Мажлис ҳуззори фақирға дағи машғуллуқ бунёд қилдиларким: «Сен дағи невчун бу сўзда асҳоб била мувофиқ эмассен?» деб. Фақир дедим: «Мен ул жонибменким қонл адо қилди, яъни:

Мисоли қатраи борон сиришки ман ҳама дур шуд

ростдур, балки мундоқ керак».

Барча ҳужум қилиб, фақирға ғулу қилдилар. Фақир айттимки: «Чун сиз барча бир жониб бўлдунгиз, мен ялғуз. Сизға уз муддаомни собит қила олмон, аммо бир кишини ҳакамликға мусаллам тутсангиз, ғарав боғлармен».

Барча иттифоқ қилиб айттиларким, ҳазрати маҳдум олам афозилининг ҳаками, балки ҳокимидур, аларни мусаллам тутмас киши йўқтур. Чун сўз мунға қарор топти. Фақир алар била ғарав боғлаб, мажлиснинг кайфиятин ва ул баҳсининг сабабин ва ул байтда «хун» лафзи муносиброқ ё «дур» лафзи мувофиқроқдур деб, мақсуднинг иснодин ҳамул замон битиб, ул ҳазрат хизматлариға йиборилди. Бир яхши замондин сўнгра боргон киши жавоб келтурди ва ул ҳазрат бу мисрани битиб эрдиларким:

«Сухан дурр асту тааллуқ ба гуши шаҳ дорад»<sup>25</sup>.

Ул жамоат мулзам бўлуб, фақирға аларнинг тарбият ва мададлари бу навъ етти. Маълум эмаски, ҳарғиз киши бу навъ мухтасар жавоб ҳеч саволда айтмиш бўлғай. Тонғласи бу сўз шуҳрат тутти. Эл ёд тутуб, мажолисда нақл қилурлар эрди.

\* \* \*

Подшоҳ ул йилки Хуросон тахтин олгондаким, «Жаҳоноро» боғи тарҳин солдилар. Бир панжшанба куни ул ҳазрат хизматларида Гозургоҳдин Дашт юзи била Хиё-

бон сори бориладур эрди. Сайид Гиёским, ул боғнинг таъмири ва боғбонлиги анга мутаайин эрди, йулда йулуқтиким, аробаларга улугроқ сарв йиғочларин боғлардин сотун олиб, қунгариб юклаб, «Жаҳоноро» боғига элтадур эрди. Ул ҳазратга салом бериб, алар илтифот қилиб, мутояба била дедилар:

— Яна ҳеч сарв йиғочи қолдиму? Не, бўйла сарв йиғочи юклабсен, оё неча йиғоч бўлғай?

Ул дедиким:

— Санаббиз, юз турт ададдур.

Алар дедиларким:

— Ажаб ададдур.

Фақир дедимким:

— Муносиб ададдур, невчунким, «қад» адади<sup>26</sup> била муносибдур.

Алар дедиларким:

— Ростдур,— дағи фақирни таҳсин қилдилар.

\* \* \*

\*

Бир кун алар йул била борадур эрмишлар. Маҳмуд Ҳабиб отлиғ девонаи хуморийи абтарий бор эрди, маст ва ошуфта аларга йулуқуб, беадабона сўзлар айтиб, балки сафоҳатлар қилибтур, аммо алар мутлақ илтифот қилмайдурлар, дағи анинг сори боқмайдурлар. Яна бир кун фақир алар хизматида борадур эрдим. Ҳамул девона фақирни алар билан кўрдиким, борадурмен. Ул ердинким, жунун аҳли ва абтар халойиқ фосид хаёлоти бўлғай, соғинмиш бўлғайким, алар анинг туно кунги беадаблиқларидин фақирга шаммаи изҳор қилғайлар ё қилмиш бўлғайлар. Аларга бетақриб сўз қотиб, узрхоҳлиқлар бошлади. Фақир таажжуб қилиб, алардин истифсор қилдимким: «Бу девонанинг паришон узрхоҳлиқлари, оё, не жиҳатдин эркин?»

Алар сўзни ўзга сори юткаб, туно кун ўтган ҳолатдин ҳеч нима изҳор қилмадилар. Аммо асҳобдин туно кун ўтган сўз маълум бўлди. Ул девона беэтидоллиқлар қилса эрди, анга таъзир ва адаб қилилур эрди. Фақир тиладимким, анга адаб буюрғайман.

— Сен ҳеч нима демагилким, анга адаб етгусидур.

Бир неча кун ўтмадиким, яна бир девона ани уруб ўлтурди.

Курратул-айни салтанат Музаффар Ҳусайн мирзонинг<sup>27</sup>  
Аҳмад Ҳусайн отлиғ фарзанди тенгри раҳматиға борганда  
алар азо сурар дастур била «Боғи Сафед»ға келиб эрди-  
лар. Фақир ул азиз фарзанд марсияси била ул азиз ота  
дуоси бобида бу байтни айтиб эрдимким:

Гар шамъ мурд, меҳри фалакро мадор бод,  
Гар қатра рехт, оби бақоро қарор бод<sup>28</sup>.

Ул ҳазрат хизматларида астагина уқудум. Султонзода  
мажлисларида алар давот ва қалам ва коғаз тиладилар,  
дағи бу байтни битидиларким:

Фарзанд меваест зи шохи дарахти умр,  
Гар з-он ки мева рехт, шаҷар пойдор бод<sup>29</sup>.

Ва султонзода ниёзмандлиғлар қилиб, бу байтнинг му-  
саввадасин олиб, азим таъзимлар қилиб узоттилар.

\* \*  
\*

А л а р Макка сафаридин қайтиб шаҳарға келганда под-  
шоҳ рӯзгор ҳаводиси иқтисосидин Балх юрушиға бориб эр-  
дилар. Чун ҳумоюн роётким, Балхдин қайтиб, тахтға озим  
бўдилар, истиқбол расми била Мурғоб вилоятиғача ке-  
либ эрдилар. Подшоҳ била мулоқотдин сўнгра бандахонаға  
ташриф келтуруб, кеча анда бўдилар. Кеча алар истиро-  
ҳат қилур учун, бир янги такаллуфлиқ оқ уй<sup>30</sup> бор эрди,  
ани тиктурулди, то ул ҳазрат анда осойишға машғул бўл-  
дилар.

Иттифоқо ул кеча бир ғариб тунд ел эстиким, урдунинг  
кўпроқ оқ уй чодирларин йиқиб, ажаб ошуб эл орасиға  
солди. Алар учун тиккан оқ уйни дағи йиқиб, ушотибдур.  
Алар хизматидаги асҳоб дегандурларким:

— Ҳайф бу уйдинки, яхши уй эрди, ажаб пора-пора  
бўлди. Муни тиккан фаррошлар, оё, не дегайлар?

Алар дебтурларким:

— Не дегайлар, айтғайларким, кошки бу шум қадам-  
лиқ муллолар бизнинг уйға келмасалар эрди.



Ҳам ушбу тарихда эрдиким, фақир сипоҳилиқдин мутанаффир бўлуб, маносибни тарк қилиб, мулозиматни ўқсутуб эрдим. Алар танбеҳ ва насиҳат юзидин сўрдиларким:

— Бу навъ амре масмуъ бўлди, бу жиҳат на эрди эркин?

Фақир дедимким:

— Инсон жинси суҳбат ва ихтилотидин малул бўлуб эрдим, бу ишға ул боис бўлди.

Алар дедиларким:

— Инсон кимни хаёл қилиб эрдинг, бизга дағи кўргуз?

Қўрқуб эрдимким, манъ қилғайлар. Бу жавобдин билдимким, муборак хотирларига бу иш хейли нохуш келмаган эрмиш. Хотирим жамъ бўлди.

\* \* \*

Алар мавлоно Соғарий била кўп мутояба қилурлар эрди. Бир кун алар хизматида мавлоно Соғарий ҳозир эрди. Алар анинг шеърин таъриф қилур рангда анинг била мутояба қилур эрдилар. Ва мавлоно Соғарий ўз шеърин бағоят аҳтимом юзидин карру фар била ўқугувчи эрди. Андоқки, бир оз нима бевуқуфроқ киши қошида ўқуса эрди, кўп яхшилиқға ўткарур эрди. Фақир ўқумогин ҳам таъриф қилдимким, бовужуди хўб айтмоқ хўб ҳам ўқур. Алар табассум била айттиларким: «Бизга мундоқ бозий берур». Алар бу қитъани айтиб эрдиларким:

Қ и т ъ а:

Соғарӣ мегуфт: дуздони маонӣ бурдаанд-

Ҳар кучо дар шеъри ман як маънии хуш дидаанд.

Дидам аксар шеърҳояшро яке маънӣ надошт,

Рост гуфтаст ин ки маъниҳошро дуздидаанд<sup>31</sup>.

Ул вақтким, фақир «Хамса»ға татаббуъ қилдим, бир дostonда ҳазрати Шайх Низомий ва Амир Хисрав Деҳлавий ва ул ҳазрат маддоҳлиқларидаким, ўзумни ихлос ва ниёзмандлиқ юзидин аларға тобеъ ва пайрав тутуб, сухангузорлиқ воқеъ бўлуб эрдиким:

Каҳфи фано ичра алар бўлса гум,  
Мен ҳам ўлай робиухум калбуҳум<sup>32</sup>.

Ул учурда мавлоно Соғарий доғи бу маснавийга бир неча байт татаббуъ қилиб эрди ва фақирни мухотаб қилиб, бир мақсуд орасида бу навъ бир байт айтиб эрдиким:

Мир ки гуфт: «робиухум калбуҳум»  
Ефта файзи сухан аз қалбуҳум<sup>33</sup>.

Фақирга уқуғонда бу байтгаким етти — фақир мутояба юзидин айттимким:

— «Аз қалбуҳум» таркибида «аз» — «мин» маъноси биладур, «мин» ҳуруфи жоррадиндур ва мадхулин мажрур қилур ва бу таркибда уз амалин қилса қофия ғалат булур<sup>34</sup>.

Мавлоно Соғарий мундоқ жавоб бердиким:

— Бок йўқтур, ҳазрати махдум ҳам бу эътирозни қилдилар.

Бу сўз тақриридин фақирга неча ғараздур. Бири: мавлононинг бир байтда бурунқи мисраида номавзунлуғи ва иккинчида: айтғониким, бир маснавий байтида мундоқ фоҳиш ғалатлар қилса, андоқ улуғ ерларга не навъ илик урғай, яна бири: фақирнинг эътирозига жавоб берганининг ғаробати, куллийроғи ва мутоябаомиз эътирозда ул ҳазрат била фақир орасида таворуд<sup>35</sup> воқеъ булғони.

\* \*  
\*

Бир кун подшоҳ ҳазратлари бандахонада эрдилар: «Тортиладурғон аъймадин, айттилар, ул ҳазратга доғи нишона бермак муносибдур».

Қарор анга туттиким, Хожа Деҳдор элтғай. Элтган нималар орасида ҳамоноким бир эътидолдин ташқари семиз қуй учаси дағи бор эрмиш. Хожа Деҳдор андинким, фарти иштиҳодур, ул уча таърифида муболаға андоқ қилмиш булғайким, аларга андин Хожанинг рағбати, балки ортуғроқ тамаи маълум булмиш булғай. Демиш булғайларким: «Ултур ва машғул бул». Хожа андоқ пешакорлар ул таомни емоқда кўргизмиш булғайким, аларга бу рубойини айтурга боис булмиш булғай.

Рубоӣ:

Эй Хоҷа, маро зи лутфи худ парвардӣ,  
З-овардани пушти дунба фарбеҳ кардӣ,

Биншасги-ю дунбаро ба рагбат хурди,  
Бурди ба шикам он чӣ ба пушт оварди<sup>36</sup>.

Яна бир қатла Хожа Деҳдордин мутанаввиъ аътималар  
била алар хизматиға йиборилиб эрди. Анда доғи бир қўй  
қўзи учаси бор эрди. Анга ўхшарки, Хожа ўзига ул ҳадоё-  
ни иснод қилиб, мубоҳотгуна қилмиш бўлғай — алар бу  
бобда бу қитъани айтиб эрдиларким:

Хоҷа овард баҳри суфраи мо  
Пушти он як-ду гусфанд ки кушт,  
Лекин аз дасти нахвати чудаш  
Нашуд олудаам бад-он ангушт,  
Ҳаст аз он бо худаш тасавури он,  
Ки ба Ҳотам ҳамерасад ба ду пушт<sup>37</sup>.

Фақир кўпроқ авқот ниёзмандлиқ юзидин нақд ё жинс-  
дин тухфа ва табаррук алар хизматиға йиборсам Хожа  
Деҳдордин йиборилаур эрди. Анга ўхшарки, баъзи вужуҳ-  
ни санамоқда бобил-хилофгуна воқеъ бўлғондур. Алар бу  
қитъани айтиб эрдиларким:

Хоҷа Деҳдор аз атиййи Мир  
Ҳар чӣ орад зи дирҳаму динор,  
Музди по баргирифта, мегуяд  
Ношумурда ки понсад асту ҳазор.  
Ҳеч дар хотираш намегардад  
Фикри шармандагии рўзи шумор<sup>38</sup>.

Яна бир қатла ушбу навъ моддада ҳам бу қитъани ай-  
тиб эрдилар:

Ба Деҳдор гуфтам ки бардор бахш,  
Аз он суфра ки зи вай сар афроштам,  
Эи инсоф дам зад, к-азон бахши худ:  
Ҳамон бас ки дар роҳ бардоштам<sup>39</sup>.

\* \*  
\*

Бир қатла фақир аларнинг қадимий девонин мав-  
лоно Абдуссамадгаким, замоннинг хушнависларидиндур  
ва хуш таъб ҳам бор, буюруб эрдим ва улча мақдур такал-

луфдур қилилиб эрди. Девон тугангандин сўнгра алар хизматига элтиб, муқобала истидъоси қилилди. Алар айттилар: «Бир-икки кун мунда турдик<sup>40</sup>. Биз миқдоре мулоҳаза қилали. Котибин хуш табъ киши дерлар. Шоядки, эҳтиёт қилиб эркинким, муқобала қилурга эҳтиёж булмағай».

Тонгласи фақир алар хизматига еттим, айттиларким: «Бу китобни ғариб навъ битибдур, анга ухшарким, илтизом қилмиш бўлғайким, галатсиз мисраъ битмағай, баъэн ерда бирор-иккирор, балки ортуқ абъёт ҳам тарк қилибтур, ўзи-ўқ мунда бўлса, чун хушнавис кишидур, кўп эҳтиёт жиҳатидин шояд хейли рўзгори зоеъ бўлғай».

Гуфту шунид кўп ўтти, охир фақир дедимким: «Агар сизнинг муборак қаламингиз била ислоҳ топса мужиби мубоҳот ва зебу зийнат бўлур». Оқибат қарор анга туттиким, ўз муборак қаламлари била ислоҳ қилғайлар. Ҳад ва ниҳоятдин ортуқ галатлар эрдиким, ҳам ҳақ ва ҳам ислоҳ қилдилар, то итмомға етти, девоннинг охирида бу қитъани битиб эрдиларким:

Хушнависе чу орази хубон  
Суханамро ба хатти хуб ороост.  
Лек ҳар чо дар ў зи саҳви қалам  
Гоҳ чизе фузуду гоҳе кост.  
Кардам ислоҳи он бо хати хеш,  
Гарчй н-омад чунончи дил мехост.  
Ҳар чй ў карда буд бо суханам  
Ба хати ў қусур кардам рост<sup>41</sup>.

Султон Яъқуб фақирдин китоб тилаганда андин нафисроқ китобим йўқ эрдиким, ҳар мисраида ул ҳазратнинг муборак қалами кириб эрди ва аларнинг-ўқ қудсий осор анфоси эрди — йнбордим ва бу битилган кайфиятни шарҳ била битидим. Уқуб, хушвақтлиғлар қилиб, қитъани ёд тутуб, мактубда миннатдорлик изҳор қилиб эрдилар.

\* \*  
\*

Б и р с а б о ҳ ул ҳазрат бандахонаға ташриф келтуруб эрдилар. Ул уйда бир-икки жуфт товус бор эрди. Суз асносида андоқки, товуг не дастур била катакдин чиқормоқ маъҳуддур, товусларни асрағучи ҳам уйларидин суруб чиқорди, ҳамул замон жилва қила бошлаб, қуйруғларин чатр

кила бошладилар. Алар сунъ наққошининг нақшбандлиғи ғаробатида мутаажжиб бўлуб, товус бобида ҳар навъ сўз утар эрди, то сўз анга етиштиким, баъзи эл қошида бу сўз борким, товус жуфт бўлмай байза қўяр, баъзи қошида будурким, мастлиқ вақтида эркагининг кўзидин бир қатра сув модасининг кўзига томиб, ул тухм моддаси бўлур. Алар фақир сори боқиб, айттиларким: «Бу сўз йироқ эрмаским, эътибори бўлғай, невчунким, машҳурдурким, Мир Хисрав баъзи расоилида бу маънини изҳор қилмиш бўлғай, ул Ҳиндустонда бўлгон кишидур, то анга таҳқиқ бўлмағай, битимамиш бўлғай».

Фақир агарчи бу сўзнинг маъзи кизб эканин билур эрдим, аммо алар юзида Амир Хисрав сўзин на тасдиқ қилдим, на такзиб, ва ҳеч жавоб бермадим. Алар жавоб бермаганнинг сабабин сўрдилар. Заруратдин фақир айттимким: «Шояд Ҳиндустонда товусга бу ҳол воқеъ эркин». Алар мутаажжиб бўлдилар: на Мир Хисрав сўзи исботида муболага қилдилар, на фақирнинг сўзининг нафйида. Невчунки, ҳеч жониб аларга яқин эрмас эрди. Аммо фақирга ажаб ҳол воқеъ бўлдиким, Мир Хисравдек кишининг сўзикам, алардек бузургвор айтқайлар ва мен тасдиқ қилмағаймен. Бу фикрга туштумким ўз муддаом исботини не навъ қилғайменким, бу ҳолатда маст нар товус югурди, дағи модасин босиб жуфт бўлди. Алар кулуб дедиларким: «Мундоқ иттифоқий иш оз воқеъ бўлмиш бўлғай, шубҳа рафъ бўлуб, муддао исботи зоҳир бўлди».

\* \*  
\*

Аларнинг Сафиуддин Муҳаммад отлиғ фарзандлари тенгри раҳматига борди. Азо сўрар ойинин бажо келтурурга отланиб, алар хизматиға борадурғонда ёри азизим Шайхим Суҳайлий йўлда йўлуқти, қаён борадурғонин билгач, ҳамроҳ бўлди. Андин сўнгра мавлоно Сонийй йўлуқти, ул доғи қўшулди. Алар хизматиға борғоч, акобир ва ашрофдин жамъи касир алар хизматида эрдилар. Мажлисда ўлтурғоч, фақираларнинг рутбаси шавкатидин ва мажлис савлатидин ҳаср бўлуб, ҳеч навъ сўзким, далолат азо сўрмоқға қилғай — айта олмадим. Ҳамроҳларим худ ўзларин менга тобеъ тутуб эрдилар. Бир ламҳа ўтгандин сўнгра худ сўз айтурнинг вақти ўтти. Бу фақир бағоят хижолатзада бўлуб, тарихға муносиб алфоз хаёлиға туштум. Иттифоқи

ҳасанадин «бақои ҳаёти шумо бод»<sup>42</sup> алфозин аввал қатлаким. ҳисоб қилдим, рост келди. Эҳтиёт учун яна бир қатла ҳисоб қилилди. Шубҳа рафъ булгондин сунгра давог ва қалам тилаб, бу алфозни битиб, рақамин устига сабт қилиб, аларга эътироз юзидин тутта бердим. Алар таҳсинлар қилиб дедиларким: «Бу тарихни биз назм силкига тортали».

Бу навъ назм қилдиларким:

Гули бӯстони латофат Сафӣ  
Чу шуд сӯй ҷаннат зи боги фано,  
Азизе пай пурсӣ таърих гуфт,  
Ки «бодо бақои ҳаёти шумо»<sup>43</sup>.

\* \*

\*

Бир кун фақир алар хизматида эрдим ва яна киши йуқ эрди. Анварий қасойиди бобида сӯз ўтадур эрди. Алар бу навъ таъриф қиладур эрдиким: «Биз анинг ашъорин, батахсис қасойидин оз кӯруб эрдуқ, бу яқинда бир-икки девони бизнинг илигимизга тушубтур, гоҳи анга машгул бўладурбиз, баъзи ерда айтса бўлғайким, башар каломидин ўтуб, эъжоз ҳаддига етмиш бўлғай, ғариб таркиблар ва ажиб адолар назарга келадур».

Чун фақир асқоб орасида муттаҳам<sup>44</sup> мунга борменким, Анварийга муътақиддурур ва анинг шеърин кӯп ўқур. Филвоқеъ мундоқдур. Бағоят хушвақт бўлуб айттим: «Илтмосим борким, ул қасидасинким будур:

Гар дилу даст баҳру кон бошад,  
Дилу дасти худоягон бошад<sup>45</sup>,

бир қатла ўқуб мулоҳаза қилилса».

Алар мутабассим бўлуб айттиларким: «Ажаб сӯз айттинг, биз бу уч-тўрт кунда бу қасидасин ўқуб, хушҳол бўлуб, гоят хуш келгандин жавоб ҳам айтибмиз»,— деб мусаввадани бир худранг варақда чиқариб, фақирнинг илигига бердиларким: «Ўқуб кӯр». Матлаи бу эрдиким:

Ҳар киро дар даҳон забон бошад,  
Дар санои шаҳи қаҳон бошад<sup>46</sup>.

Биз фақирлар не истиҳқоқ била таъриф қила олғайбиз. Мунча густохлиқ қилилдиким, ул қасидани сиҳр хаёл

қилур әрдук, бу шеър ани паст қилгондек курунадур, ҳа-  
моноки муъжиза деса булғай.

\* \*

\*

... Хуш ул замонким, замон мундоғ бузургворлар ша-  
риф вужудлари била ораста ва даврон мундоқ рафеъ миқ-  
дорлар хилқатлари билан пийроста әрди. Ҳайф ва юз минг  
даригким, ул қуёшлар уёқиб, бир неча тийра рӯзгор хуф-  
фошлар пару бол очиб, назарбозлиқ ва баланд парвозлиқ  
ҳавосида жилва қилурлар.

Ва ул тенгизлар суғолиб, бир неча кудурат осор хайдек  
мулавваслиққа фошлар нахват елидин зулол осор таҳаррук  
ва баҳркирдор тамаввуж нуқуши кўргузурлар...

#### Иккинчи мақолат

Ул ҳазрат била бу фақир орасида ўтган руқъалар<sup>47</sup> бо-  
бидаким, ул руқъалар ҳоло аларнинг куллиетида мазкур-  
дур ва муншаотлари орасида мастурким, бу фақир жавоб  
битибмен ё акси.

\* \*

\*

Бу руқъани бу фақир Марвдин арзадошт қилиб әр-  
димким, ихтисор жиҳатидин анда битилган рубоий била  
ихтисор қилилур.

Рубоӣ:

То дур фитода сарам аз хоки дарат,  
Ҳар рӯз диҳам ба номае дарди сарат,  
Бехуд гардам чу нома ояд зи барат  
Ман беҳабар аз нома, чӣ донам хабарат<sup>48</sup>.

Алар бу руқъани битиб әрдиларким:

Э-он дам ки фитод иттифоқи сафарат,  
То бӯ ки кунам гаҳе ба хотир гузарат,  
Гар мурғ парад ба сӯи ту ё бод вазад,  
Хоҳам ки диҳам ба номае дарди сарат<sup>49</sup>.

Чун қалам бардоштам ва андеша гумоштам, чуз эъти-  
зори руқъаҳои мутатобеъ ки дар ин чанд рӯз воқеъ шуда,  
маъни дар дил нагашт ва сурате ба хотир нагузашт. Агар-

чи ин низ тої аз дагдагаи тасдеъ нест ва авқоти шарифро бешоибай тазеъ не.

Гар бинолам пеши ту, он нола дарди сар бувад  
В-ар бихоҳам уэр, он дарди сари дигар бувад<sup>50</sup>.

Неча кундин сунгра ҳам Марвда бу руқъа алар ҳазратидин келдиким:

Таҳийёте ки чун аз дил барояд  
Ҳама руҳониёнро ҷон физояд.  
Шамими он дар ин фируза манзар  
Димоғи қудсиён дорад муаттар<sup>51</sup>.

Руқъанинг охирида бу икки байт эрдиким:

Ҷуз ин коре мабодат гоҳу бегоҳ,  
Ки дар зилли залили, давлати шоҳ,

Хати ҳаззи худ аз дил бартарошӣ.  
Барои ҳақ паноҳи халқ бошӣ<sup>52</sup>.

Фақир жавобида ва аларнинг руқъаси таърифида бу руқъани арз қилиб эрдиким.

М а с н а в и й:

Саломе, к-аш чу мурғи ҷон сарояд  
Чу руҳуллаҳ равонбахшӣ намояд,

Ҳама алфозаш аз айни мувосо  
Чу нутқи Аҳмади мурсал дилосо<sup>53</sup>.

Сунғи икки байт жавобида бу икки байт битилиб эрдиким:

Умедам он ки аз иршоди Маҳдум,  
Ба рӯи нома гардад ҳар чӣ марқум.

Эи амраш чун қалам сар барнатобам,  
Ба тавфиқи вуқуаш баҳра ёбам<sup>54</sup>.





Подшоҳ Марв қишлоғида эрканда Устод Ҳасан Нойнинг фавтининг хабари Ироқдин келди. Фақир ҳазрати Мавлавий<sup>55</sup> маснавийсининг аввалги байти муносабат жиҳатидин тазмин<sup>56</sup> қилиб эрдим. Бу навъким.

Т а з м и н:

Шарҳи ҳақри шоҳи устодон Ҳасан,  
«Бишнава аз най чун ҳикоят мекунад».

Банд-банди у чудо гашта зи ҳам,  
«Аз чудоиҳо шикоят мекунад»<sup>57</sup>,

битиб, шаҳрда ҳазрати Махдум хизматларига йборилиб эрди. Алар келур кишидин ҳам бу байтни тазмин қилиб, бу руқъани йбориб эрдиларким,

Т а з м и н:

Шуд наи хома диламро тарҷумон,  
«Бишнава аз най чун ҳикоят мекунад».

Бо забони тезу чашми ашкрез  
«Аз чудоиҳо шикоят мекунад»<sup>58</sup>.

Ҳикоеи тамодии айёми фироқ ва шикояти таволини лаёли иштиёқ беш аз он аст ки ба мадодгории давоти даҳонбаста ва ба дастёрии хомаи забоншикаста дар тули ин нома арзи он мақдур бошад ва дар тайи ин саҳифа нашри он маншур, лоҷарам садди он боб карда илтимос меравад ки:

Дар он соат, ки беташвишӣ агъёр  
Дар он фархундамаҷлис бошадат ёр,  
Заминбӯй ба таъзиме ки донӣ  
Заминбӯсии дуоғуён расонӣ<sup>59</sup>.

Давлате аз интиҳо масун ва саодате аз инқитоъ маъмун бод...»



Ҳ а м у л юрушда фақир бу руқъани битиб йбориб эрдимким:

Наи килкат шакари маъниро  
Карда чун найшакар аз ҷавф бурун.  
Хати уро хати мушкинсурат  
Дар таҳи хат рухи зебо мазмун,  
Балки ҳар донае аз нуқтаи у  
Тоҷи маъниро дури макнун.

«Руқъае ки аз рӯи илтифот фиристода буданд, бал гав-  
ҳаре ки аз баҳри табъи Уммон симот берун оварда — ра-  
сид. Бар ҳар тақдир бар тоҷи торак дӯхта шуд ва хонаи  
чашму дил бад-он афрӯхта гашт.

Офтоби иршод бар сари толибони рубъи маскун ва  
бар сарвақти қобилони ҷавфи гардун тобанда бод, вассалом»<sup>60</sup>.

Ул ҳазрат бу руқъани жавоб битиб, йибориб эрдилар-  
ким.

#### Қ и т њ а:

Наи килки ту тифли маъниро  
Ба наботи ҳусн бипарварда,  
Гурраи субҳро зи турраи шом  
Рашки рухсори навхатон карда.  
Қисса кутаҳ, шаби дарози маро  
Пора-пора ба рӯз оварда<sup>61</sup>.

Саҳифаи шарифаи машҳун ва маонӣ ва ибороти лати-  
фаи мамлу аз нукот ва хурдадонӣ наздикони дур ва дуру-  
ни наздик ба ҳузурро мушарраф сохт. Дар сурати ҳар хат-  
те ҳаззе рӯй намуд ва аз акси ҳар ҳарфе фараҳе партав  
андохт. Аз шавкати шиква ғунчаҳои шукру сано дамони  
ва аз хори гила гулҳон маҳмидату дуо шукуфонид.

#### Ш е њ р:

Гар лутфи ту бигзарад ба хористонҳо,  
Хористонҳо шавад баҳористонҳо<sup>62</sup>.

Ҳикояти гила ва шикоят бинобар он воқеъ шуд, ки  
эшон аз руқъаи ин фақир тасаввур кардаанд ва дар таҳти  
тақдир ва таҳрир овардаанд ва илло маснавий:

Н-ояд аз ту чунон муомилае,  
Ки касеро расад аз он ғилае,  
Нест аз ту ба чуз ғила ғила чанд  
З-он ки лутфи туаш зи бех биканд...<sup>63</sup>

\* \*  
\*

Бир кун ул ҳазрат хизматида эрдим ва ҳар навъ назмдин сӯз утар эрди. Суз асносида Мир Хисрав...нинг «Даръёи аброр»<sup>64</sup> отлиғ қасидаси мазкур бўлди. Бу фақир гуё анинг таърифида муболага қилдим ва муҳиқ эрдим. Невчунким, Мир Хисравдек кишидин мундоқ машҳурдуким, демиш бўлғайким: Агар афлок ҳаводиси ва рӯзгор навоибидин менинг борча назмим замона саҳифасидин маҳв бўлса ва бу қасидам қолса менга басдур, невичунким, ҳар киши ани ўқуса билурким, назм мулкида менинг тасаруф ва иқтидорим не мартабада эркандур». Аммо неча доғи мундоқ бўлса, бу фақирдин ул ҳазрат мажлисларида таърифда ифрот муносиб эрмас эрди. Ул ҳазрат ҳеч нима демадилар, то мажлис тарқади.

Ҳамул учурда подшоҳ Марв қишлоғига озим бўлдилар. Иттифоқо неча кундин сўнгра азимат бўлди. Фақир ул ҳазратдин ижозат тилай хизматлариға бордим. Истижозадин сўнгра фотиҳа ўқуб, рухсат бердилар. Дағи қўюнларидин бир жуз чиқориб, фақирға иноят қилдилар. Олиб очгим эрса «Даръёи аброр» жавоби «Лужжатул асрор»<sup>65</sup> эрдиким, ҳамул кунларда айтиб эрдилар. Ҳар киши ўқуса билурки «Даръёи аброр»дин якдастроқ ва рангинроқ. Ниёзмандлиқ қилиб, қулоқ тутуб, отланиб, манзилға таважжуҳ қилдим ва манзил туққуз работ эрди. От устида қасидани ўқуб, хушҳоллиқ била борурда ҳаёлға «Тухфатул-афқор»<sup>66</sup> қасидасининг матлаи келди. Манзилға тушгандин сўнгра битиб, бир бекдин ул ҳазрат хизматлариға йиборилдиким, агар тугатурга лойиқ бўлса ва ишорат бўлса машгуллуқ қилайин, йўқ эрса хайр.

Ул ҳазрат руқъаларида таърифлар қилиб, муболағалар айтиб эрдиларким, «албатта тугатсун», деб.

Фақир Марвга боргунча ани ул ҳазрат отиға тугаттим ва Марвдин ул ҳазрат хизматлариға битиб йиборилди. «Даръёи аброр» матлаи будурким:

Кӯси шаҳ холиву бонги гулгулаш дарди сар аст,  
Ҳар кӣ қоней шуд ба хушку тар шаҳи баҳру бар аст<sup>67</sup>.

«Лужжатул-асрор» матлаи будурким:

Кунгури айвони шаҳ к-аз хохи Кайвон бартар аст,  
Рахнаҳо дон к-аш ба девори ҳисори дин дар аст<sup>68</sup>.

«Тухфатул-афкор» матлаи будурким:

Оташин лаъле ки тоқи хисравонра зевар аст,  
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.

Буд явми чомаъ шаҳри раҷаб таърихи он,  
Турфатар к-ин рӯзу моҳ итмоми онро мазҳар аст<sup>69</sup>.

Бу тарихда гаробат борким, тарихнинг ой ва кунининг  
зикридин йили ҳисоби «жумал қоидаси»<sup>70</sup> била ҳосил бу-  
лур.

\* \*  
\*

У л ҳ а з р а т бу руқъани битиб йбориб эрдиларким:  
«Баъд аз адои вазонфи дуо мақрун ба иҷобати самнал-  
лоҳу лиман дуо марфуъ он ки ба тозагӣ қосиде расид ва  
қасидаи тозае расонид.

Ш е ъ р:

Чу ҳарфе чанд хондам э-он қасида  
Дили хосонаш андар қайд дидам.  
Дар он асно чу шуд чашми басират  
Кушода ҷумла дилхо сайд дидам.

Харчанд аз матлаъ то мақтаъ дар ҳар байт ва мисраъ  
хотир ба суръати нуқуди мубоҳӣ ба ҳар ҳарфе фуру шуд,  
чун сиёҳӣ ҳеч нуқсоне чуз он ки дафъи айнул-камолро дар  
ҳусни калом ва лутфи мақол кӯшида буданд ва аз ҳеч чизе  
сохтаи ин ноқисро либоси авсофи камол пушида ба назари  
андеша дарнаёмад, оре.

Н а з м:

Машшота чу чеҳраи бутон орояд,  
Аз нил хате кашад паи дафъи газанд.

Аз фаҳвои он чунон маълум шуд ки хизмати эшонро иродати иқбол бар қиблаи мақсуд ва эъроз аз намудҳои бебуд мутааққад шуда... Аммо агар чунончи дар тағйирӣ умури суварӣ ва тарки иштиғоли ғайри зарурӣ, чун мулоими мизоқи азизон нест, муболага наравад ва дур намена-мояд, ҳеч ҷо нест, ки мақсуд зоҳир нест ва ҷамоли зуҳу-рашро камоли зуҳур сотир не...»<sup>71</sup>.

Ва руқъа ҳошиясида қасида силаси бир бӯрк била са-рафроз қилиб, бир рӯймол мужиби обрӯй қилиб эрдилар. Мундоқ битиб эрдиларким: «Тоқияи фарқи тоқи такал-луфро ва порай карбоси нашфи рутубати дасти аз ҷаҳон шустаро фиристода шуд»<sup>72</sup>.

Чун «Тухфатул-афкор» қасидаси шуҳрат тутти, подшоҳ ҳазратлариға етишти. Чун Амир Хисрав ва алар, балки ҳар кишиким айтибтур — салтанат тариқининг нафӣи во-қеъ бӯлубтур, фақир чун азизларға татаббуъ қилиб эр-дим — ҳамул тариқ маръий бӯлуб эрди. Подшоҳ чун ўқуб таҳсин қилдилар. Подшоҳнинг камоли вусъати машраб ва ниҳояти ҳусни хулқларидин бу фақир маҳжуб бӯлуб, хаёлға келдиким, бу қасидаға яна бир татаббуъ қилиб, дарвишлар маддоҳлигини қилиб, аммо ҳукумат таврини таъйин қилилмай, подшоҳнинг муборак отиға тугатилгай. Бу матлаъ хотиримға келиб эрдиким.

Н а з м:

Хирқаи пур баҳя к-аҳли фақрро к-он дар бар аст,  
Бар фирози олами маънӣ сипеҳру ахтар аст<sup>73</sup>.

Чун бурунги матлаъ айтилғонда алар ҳазратиға йибориб ниёз юзидин арз қилиб, татаббуъ қилурға истижоза қилиб эрдим ва ишорат бӯлғондин сўнгра айтилиб эрди. Бу матлаъни дағи Марвдин битиб, шаҳрға алар хизматиға йиборилди. Мунинг дағи таърифидида рангин руқъа битиб, истиҳсонлар кўргузуб йибориб эрдилар. Бу икки байт бул руқъадиндурким.

Б а й т:

Зиҳи карда аз шавқи шаҳбози табъат  
Ҳумоёни қудсӣ ҳавои тазарви  
Эи мардум фиристода як матлаи хуш,  
К-аз аҳли сухаи мисли ў нест марвӣ<sup>74</sup>.

Фақир ул вақтдаким, мулозиматга машғул эрдим —  
доим ул ҳазратга махласим бобида илтимослар қилур эр-  
дим. Алар ҳар навъ сўз била фақирга таскин берур эрди-  
лар.

Бир кун Мурғоб навоҳисида эрконда мулозимат ма-  
шаққати ва ашғол касратидин изтирор юзланганда алар  
хизматиға бир киши йибориб, бу рубойини руқъада арз  
қилдимким.

Рубой:

То кай чу сабо ҳар тарафам қилвагарӣ,  
Хоҳам сӯи сарви худ кунам пайсипарӣ,  
Фаръёдкунону хок бар сар сар фиғанон  
Гӯям ки халосам кун аз ин дарбадарӣ<sup>75</sup>.

Алар насихат юзидин мавъизаомиз руқъа битиб бу ру-  
бойини айтиб эрдиларким.

Рубой:

Аз дидан қон агар ба қонон нигарӣ,  
Аз тафриқаи қаҳон кучо гусса хӯрӣ,  
Ин тафриқа ҳаргиз чу нагардад сипарӣ,  
Бо тафриқа қамъ бош, то баҳра барӣ<sup>76</sup>.

\* \*  
\*

Алар Макка сафариға борғонда Бағдоддин бағоят  
рангин нома битиб эрдилар. Ул нома аввалида бир газал  
битиб эрдилар, Матлаи будурким:

Бар канори Дақла дур аз ёру маҳқур аз диёр,  
Дорам аз ашки шафақгун дақлаи хун бар канор<sup>77</sup>.

Борур кишидин ул газалға татаббуъ қилиб, нома йибо-  
риб эрдим. Матлаи будурким,

Шоми ҳиҷрон к-ӯ ба мағриб шуд ниҳон хуршедвор  
Ё рабаш, субҳи висол аз қониби машриқ барор<sup>78</sup>.

Аммо руқъанинг охирида бу рубойни ҳам битиб эрдим,

р у б о й:

Ин нома, на нома, дофеи дарди ман аст,  
Ороми даруни ранҷпарварди ман аст,  
Таскини дили гарму дами сарди ман аст,  
Яъне хабар аз моҳи қаҳонгарди ман аст<sup>79</sup>.

Алар Маккадин қайтгонда Ҳалабдин бу руқъага жавоб битиб эрдилар ва бу рубойи анда эрдиким:

Ин руқъа, на руқъа, мояи ҳар тараб аст,  
Таҳсили нишоту айшро хуш сабаб аст,  
Э-ин сон ки бувад мухтасару пурмаънӣ  
Гӯё зи «Ҷавомиул-калим» мунтахаб аст<sup>80</sup>.

\* \* \*

Алар Макка сафаридин келганда подшоҳ Балхда эрдилар ва фақир бир қосидни аларни кӯруб, саломатлиғ хабарларин келтурсун деб шаҳрға йибордим. Таҳният омиз руқъа ҳам битиб эрдим. Анда бу рубойи мастур эрдиким,

р у б о й:

Инсоф бидеҳ, эй фалаки минофом,  
То э-ин ду кадом хубтар кард хиром,  
Хуршеди қаҳонтоби ту аз матлаи субҳ,  
Е моҳи қаҳонгарди ман аз қониби Шом<sup>81</sup>.

Алар бу руқъанинг муқобаласида бағоят рангин руқъа битиб йибордиларким,

р у б о й:

Бо килки ту ғуфт нома, к-эй гоҳи хиром,  
Сад тухфаи хуш ба Рум овард зи Шом.  
Гар пой ту дар миён набошад — нарасад  
Маҳчуронро аз қониби дӯст паём<sup>82</sup>.

\* \* \*

Ул вақтдаким, шаҳзодаи беҳамто Кичик мирзо тоба сароҳу золи музилли хатокӯш, девонаи сияҳ рун сияҳпушқа йулуқмайдур эрди, бидъатлар тариқиға носих ва аҳли суннат ва жамоат қондасиға росих эрди, тавозуъ ва

ниёз наҳажига хурсанд ва фақру фано аҳлига мухлис ва ниёзманд эрди, фақирнинг «Тухфатул-афкор» қасидамдинким, аларнинг отига айтилибтур ва юқори мазкур бўлди — ул маҳаллидинким, алардин назари қабул истидъоси қилиб, арзи ниёз изҳори бўлур эрди, бу байтником:

Як назар фармо, ки мустасно шавам э-абнои чинс,  
Саг чу шуд манзури Наҷмиддин сагонро сарвар аст<sup>83</sup>,

битиб ҳамул истидоъ била Самарқандга ҳазрати малози аҳлуллоҳ Хожа Носириддин Убайдуллоҳ... хизматиға йибориб эрди. Эл Кичик мирзодин бу тарийқни мустаҳсан тутуб, ани дуо қилурлар эрди. Ул тоифадин баъзи бу байтни ҳам таъриф қилурлар эрдиким, бу мазмунда яхши воқеъ бўлубтур.

Мирсарбараҳнаким, замон аҳлининг мутааййин хуш табъ ва зарифи эрди, фақирни мухотаб қилиб, бу байтга эътироз қилдиким: «Ағарчи сен бу байтда изҳори касри нафс қилибсен ва ўзунгни итга нисбат берибсен, аммо абнойи жинсга дағи ушбу нисбат воқеъ бўлубтур. Шоядки абнойи жинс бу нисбатдин ор қилиб, қабул қилмағайлар. Ташбиҳеким, кишининг ўз касри нафси жиҳатидин бир жамоатга иҳонат етгай — яхши бўлмағай».

Фақир айттимким: «Ўзумни итга ташбиҳ қилбмен: касри нафс жиҳатидин эмас, балки нафсоният туғенидин баёни воқеъдур. Абнойи жински, дебмен, сизни демаймен, сойир итларни дебменким, кўй-кўчада юрурлар».

Мирн мазкур бу сўзимдин мутаассир бўлиб, кўз ёши била дуо ва таҳсин қилди. Ва Мирнинг бу саволи ва фақирнинг жавоби шуҳрат тутти. Аларнинг дағи муборак самъига етишганда истехсон қилиб, дебдурларким: «Ул байти худ яхши байтдур, аммо жавоби ҳам ул байтидин яхшироқ воқеъ бўлубтур», — деб бу фақирни гойибона фотиҳа била баҳраманд ва аржуманд қилибтурлар. Фақир эшитгач, мужиби нишот ва хуш ҳолиқ ва боиси инбисот ва форигул-боллиқ бўлди.

\* \* \*

Фақир Астробод йўлида Тахти Сулаймон даҳанасидин алар хизматиға бу рубойни битиб эрдиким,



рубой:

Эй бод, дилам бишуд дигар қониби ёр,  
Ҷон ҳам бибару ба пой у соз нисор  
В-он гаҳ қадре зи хоки пояш бардор,  
Баҳри эвази қони мани дилшуда ор<sup>84</sup>.

Алар жавобида бу рубойни битиб эрдиларким:

рубой:

Эй бод, чу омади зи сарманзили ёр,  
Омад ба дилам з-омаданат сабру қарор.  
Н-омад ба қарор аз ин қадар қон зинҳор  
Уро бибару ба он ки дони бисупор<sup>85</sup>.

Чечакту ҳаддида алардин бу руқъа келиб эрдиким:

«Саломе карда аз «син» тездандон,  
Кушода уқдаҳо аз риштаи қон,  
Саломе аз каманди турраи «лом»,  
Дили соҳибдилон оварда дар дом,  
Саломе хуштар аз фирдавси аъло,  
«Алиф» дар вай кашида қад чу тубо.  
Ба зери он «алиф» аз чашмаи «мим»  
Аён дар пой тубо айнаи Тасним.

Туҳфаи суҳбати шариф ва ҳадъи маҷлиси муниф ғар-  
донида маъруз он ки чун хизмати мавлавиро шавқи рикоб-  
бусӣ инонгир шуда буд, худро ба фитроки ӯ бастан воқиб  
намуд, лоҷарам ин руқъаи масҳуб бар рисолае ки ба таҷ-  
дид ва таҳрир пайваста ба ҳузур фиристода шуд, агар мас-  
лаҳат донанд ба арзи ҳумоюн расонанд ва илло — байт:

Ҳар чӣ на мақбули дили поки туст,  
Боядаш аз сафҳаи авроқ шуст.

Давлати оҷчили муфизии ба саодати оёни ба риваҷи ак-  
мал муяссар бод ва муҳассал, вассалом»<sup>86</sup>.

Бу руқъалари келган вақтда аларнинг муборак мизож-  
лариға ориза воқеъ бўлуб, неча кун беҳузур бўлуб, яна  
сиҳҳатлари хабари келди. Фақир бу руқъани битиб йибо-  
риб эрдиким:

«Ниёзе ки аз саҷдан аз ҳад афзун  
Шуда қабҳааш доғ аз нуқтаи «нун»,  
Пас он гоҳ зи «ё» аз пай шавқи дидор,

Эи рӯи рақам оҳи дил карда изҳор.  
Ва гар аз «алиф» дар вафо буда якто  
Чу сарви чаман омадӣ пой бар қо.  
Эи «зо» то кунад шони ғамро мунаввар,  
Аён сохта моҳи болояш ахтар.

Баъд аз арзи чунин ниёзе, ки марқум ғашт ва рафън  
иҳлосе ки бар забони хома гузашт, маърузи ройи бандаго-  
ни остони қудсий ошъён он ки чунин истимоъ афтод, ки  
даҳ-понздаҳ рӯз оризае даст дода буда ва моҳи тамоми сипеҳри маънӣ рӯ ба заъф ниҳода, мухлисонро аз ин хабар сипеҳросор саргардонӣ ва зарракирдор парешонӣ даст дод.

Алҳамду лиллоҳ вал-минна, ки баъд аз ду ҳафта ҳамон  
пайкари улви-хиром рӯ ба бурҷи сиҳҳат ва ҷамол оварда  
ва майл ба авҷи қуввату камол карда, саҷадоти шукр  
баҳо оварда, фалонро баҷиҳати таҳқиқи ин ҳол ва тасдиқи  
ин мақол фиристода шуд. Мултамас ин, ки ба зудӣ бозаш  
гардонанд ва фақиронро аз хушии он хабар ба хушҳолии  
тамом расонанд ва кайфияти рисолаи аз нуқот мамлу ва  
машҳун ва гузаштани он дар маҷлиси ҳумоюн ба зудӣ маъ-  
рузи маҷлиси олай хоҳад шуд.

Сояи иршод бар сари бандаву озод муаббад ва мухал-  
лад бод, вассалом»<sup>87</sup>.

\* \* \*

П о д ш о ҳ Қундуз вилояти азиматиға черик отлангон-  
да аларнинг ва ҳеч кимнинг ул юруш дилхоҳи эмас эрди.  
Фақирға деб эрдиларким: «Улча мумкин бор, бу юруш-  
нинг манъиға саъй қилгайсен ва ул матлуб сурат боғлама-  
гай, азимат жазм бўлса, бизга битиб йиборгайсен».

Улча мумкин ва мақдур эрди — саъй қилилди. Чун ҳақ  
субҳонаҳу ва таоло тақдири борурға эркондур, Тахти хотун  
деган ердин азимат мусаммам бўлди. Фақир алар хизмати-  
ға бу кайфиятни битиб, руқъа йибордим. Бу рубойи ул  
руқъанинг аввалида эрдиким,

р у б о й:

Тарафи қаннати фирдавс кучо парвоят.

Чун шудӣ аз ҳарами мулк ба сайри малакут,  
Буд дар анҷумани хайли малак ғавгоят.

Тутиёни ҳарами қудс ба дил муштокат,  
Булбулони чамани инс ба қои шайдоят.

Кимиёкори қаҳо меҳри дигар дод тулуъ  
Чархро аз асари равшании симоят.

Нуҳ фалак чарх занон омада бар атрофат,  
Буда гӯё ба сари ҳар як аз он савдоят.

Шур дар олами арвоҳ бияфтод, аз он,  
Ки ниюшанд ба чон нуктаи руҳ-афзоят.

Руҳи ақтоб расиданд ба истиқболат,  
Чони автод фитоданд ба хоки поят.

Даст бар даст рабуданд туро то ҷое,  
Ки дар ин ғамкада ҳам хостӣ оиро роят.

Ту шудӣ восили мақсуди ҳақиқию бимонд  
То қиёмат ба ҷаҳон шевану вовайлоят.

Дар фироқи ту ғамин монд дили ғамзадагон,  
Тира э-ин гушои мотамкада мотамзадагон.

\* \*  
\*

Ту бирафтию дили халқи ҷаҳон зор бимонд,  
То қиёмат ба фироқи ту гирифтор бимонд.

Э-оташи оҳи дили сухтагон то ба абад  
Дудҳо дар хамаи ин гунбази дағвор бимонд.

Аҳли тавҳид, ки бе муршиди комил гаштанд,  
Садашон мушкили ҳалношуда дар қор бимонд.

Соликонро, ки камол аз ту расидӣ ба сулук,  
Ақзҳо дар равишу нуқс дар атвор бимонд.

Уламоро, ки шудӣ машъали дарс аз ту мунир,  
Тира шуд машъалу то ҳашр шаби тор бимонд.

Сад халал роҳ бадин ёфт, ки диндоронро  
Субҳа бишкасту ба каф риштан зуннор бимонд.

Сирри ҳақ рафт паси пардаи китмон, ки зи ашк  
Ба гил андуда дури махзани асрор бимонд.

На ки сад хори алам бар дили аҳрор халид,  
Ки дусад бори ситам бар тани аброр бимонд.

Толибоиро равиши роҳи фано рафт зи даст,  
Ҳар яке дар паси сад пардаи пиндор бимонд.

Чӣ тазалзул, ки зи фавти ту дар айём афтод,  
Э-он тазалзул чӣ халалҳо, ки дар ислом афтод.

\* \*  
\*

Э-ин азо дар ҳама олам на гадо монда, на шоҳ,  
Ки кашиданд ба сӯғи ту дусад нолаву оҳ.

Абрсон гиръякунон, наъразанон соя фиканд  
Бар сари наъши ту хуршеди карам — зилли илоҳ.

Гар муяссар шудаяш наъш кашидӣ бар дӯш  
Чун мани сӯхтадил қониби мадфан ҳамроҳ.

Шаҳриёрони қаҳон чок зада қома ба тан,  
Пеши тобути ту пӯянда ба аҳволи табоҳ.

Сарбаландони қаҳон дар таҳи наъшат шуда паст,  
Ҳама гиръёну кашон бори ту бо пушти дутоҳ.

Шуда ҳар пояи наъши ту ба дӯши як қутб,  
Лек ҳар чор шуда нудбагару вовайлоҳ.

Оламеро ба сӯи олами дигар бурдан  
Натавон чуз ба чунин боркашонӣ огоҳ.

Чазаи акбаре афтод, ки бо ин ҳама чашм,  
Чарҳи гардун натавонист бад-он сӯй нигоҳ.

Гарчи шоми ту шуд аз нур чу маҳтоб сафед,  
Ҳеч кас лек надидаст чунон рӯзи сиёҳ.

Ба намозат, ки ҳазорон зи башар пайвастанд,  
Сад ҳазорон зи малонк ба ҳаво саф бастанд.

Ҳама бурданд ба афғону дили чок туро,  
Чой карданд чу ганҷе ба дили хок туро.

Хайли арбоби иродат ҳамаро чок ба дил,  
Ҳар яке хост кашидан ба дили чок туро.

Сари покони ҷаҳон будӣ, аз он вэзиди пок,  
Пок оварду диғар бурд ҳамон пок туро.

Ғарқан баҳри висолӣ, ки ба чашми ҳиммат,  
Равза чун гулхану тубист чу хошок туро.

Руҳи покат чу ба болои нуҳум чарх шитофт,  
Э-ин ки тан зери замин рафт, куҷо бок туро.

Ҳама покони ҷаҳонро ба тани пок расид,  
Онҷӣ омад ба тани пок зи афлок туро.

Сайри афлокат аз он шуд, ки зи вэзид дархост  
Баҳри ҳамрозини худ хоҷаи лавлок туро.

Ақли кулл будӣ аз идроки маонӣ э-он рӯ  
Натавонад, ки тааққул кунад идрок туро.

Қисми ёрони ту гар зорию ғамнокӣ шуд,  
Лек зоре набувад чун мани ғамнок туро.

Зада саф хайли акобир, ки барояд Махдум,  
Муҳлисонро макун аз дидани рӯят маҳрум.

Дӯстон, дар ҳама фан нодиран олам ку?  
Афзалу афсаҳи аҷноси бани одам ку?

Дар биёбони таманнош халойқ мурданд,  
Ба давои ҳама он Хизри Масиҳо дам ку?

Дили аҳбоб шуд аз теғи фироқаш сад захм,  
Он ки будӣ ҳамаро хулқи хушаш марҳам ку?

Хома рӯ карда сияҳ, синан худро зада чок,  
Ки худованди ман он бар уламо аълам ку?

Ҳуҷра холию парешон шуда авроқи кутуб,  
Соҳиби ҳуҷра кучо, нозири онҳо ҳам ку?

Дар саро нест ба ҷуз худкушии ғамзадагон,  
Он ки таскин диҳад иррову хурушон ғам ку?

Дар Хуросон натавон гуфт, ки кас хуррам нест,  
Кас ки дар руи замин ёфт шавад хуррам ку?

На ки дар хонақаҳи зуҳд фитод ин мотам,  
Дар хароботи фано низ ба ҷуз мотам ку?

Эй ки будан ба фано аҳд кунӣ боқии умр,  
Андар-ин дайри фано аҳди бақо маҳкам ку?

Ишқбозон зи ғам оташ ба дил афрухтанд,  
Ҷонгудозон ҳам аз ин оташи ғам сӯхтанд.

\* \*  
\*

Эй, ки дар пеш гирифтӣ сафари дуру дароз,  
Ки бад-ин навъ сафар ҳар кӣ бишуд н-омад боз.

На ки оз нӯғи қалам боз бибастӣ раҳи сеҳр,  
Балки аз банди забон бурдӣ аз офоқ эъжоз.

Нафаси қудсият аз кас натавон ёфт дигар,  
Ваҳйро баъда набӣ э-он ки нашуд кас мумтоз.

Шоҳро монд ба ҷои э-оташи ҳичрони ту суз,  
Бандаро дар дили сад пора зи доғи ту гудоз.

На шаҳу банда, ки то рӯзи қиёмат дар даҳр  
Ҳар ки бошад бувад аз мотами ту навҳатироз.

Гарчи рӯ дар тутуқи васл наҳуфтӣ, ки шавӣ  
То абад ҷилвакунон дар ҳарами иззату ноз.

Мадад аз руҳи пуранвори худат низ расон,  
Ки харобанд зи ҳаҷри ту базе аҳли ниёз.

Эй рафиқон, ҳамаро оқибати кор ин аст,  
Фикри анҷом касе беҳ, ки кунад аз оғоз.

Ҳар кӣ сад қарн бимонад ба ҷаҳон ҳам ба фусун  
Бирабояд зи ҷаҳонаш фалаки шӯъбадабоз.

Шоҳи маънӣро гар сурат афтод чунин,  
Бод то ҳашр шаҳ сурату маънӣ омин<sup>125</sup>.



A decorative border featuring a winding vine with several stylized flowers and leaves. The flowers have five petals and a central dot. The vine starts on the left, curves upwards, then downwards, and ends on the right with a heart-shaped leaf.

**ҲОЛОТИ САИИД  
ҲАСАН АРДАШЕР**

Нашра тайёрловчи  
ПОРСО ШАМСИЕВ





Лутф айлабон, эй насими қудс осор,  
Бир қатла фано гулшанига айла гузор.  
Аҳбобгаким топтилар ул ерда қарор,  
Мендин ер ўпуб арзи ниёз эт зинҳор.

Солики фоний ва гавҳари коний, орифи маоний Сайид  
Ҳасани Ардашер... сияр ва ҳолотида.

Аларнинг отаси Ардашер Бойсунғур мирзо мулозими  
эркандур. Қушчилик шевасида мулозамат қилур эркандур.  
Ул фанда ғояти мулоямат ва ниҳояти маҳоратдин қушбе-  
гилик мансабиға етибдур, балки мундин дағи кўп бийикрак  
маносиб касб этибдур.

Б а й т:

Кўп ҳунарлик кимса шаҳларға этар дамсозлиқ,  
Қуш тилин билган Сулаймонға этар ҳамрозлиқ.

Аммо ўзлари ҳам ул оталари мулозамати ва мутобаати-  
да Бойсунғур мирзо хизматларида бўлбтурлар, ва кичик  
ёшдин ўқумоқ ва битмакка таъълари мулойим ва мойил эр-  
миш.

Б а й т:

Чун таъби мулойим бўлур ўргангали мойил,  
Оз вақтда кўп навъ қилур касби фазойил.

Чун алар кичик ёшдин фазойил ва камолот иқтисобиға авқотларин сарф қилур эрмишлар. Бот абнойи жинсдин ҳар билик бобида мумтоз, балки кўпрак замоннинг таъ ва фазл аҳлиға фойиқ ва сарафроз бўлубдурлар.

Аммо адаб ва ҳилм ва тавозуъ ва ҳаё зотларига анинг-дек голиб эрмишким, бу мужмал мазкур бўлгон фазойил-динки, тафсили: сарф ва наҳв ва луғат ва арабият ва ман-тиқ ва калом ва фикҳ ва ҳадис ва тафсирдур ва сойир тас-нифот, мисли: шеър ва муаммо ва тарих ва нужум ва адвор ва мусиқий бўлғай, агар баъзи мажolisда сўз ўтса эркан-дур, бовужуди улки, мажлис аҳлининг купидин яхшироқ билур эркандурлар ҳам ҳаё ва адаб жиҳатидин, ҳам би-ровга илзом ва хижолат етмасун деб, куп сўз айтмас эр-мишлар, балки куп мажolisда такаллум ҳам қилмас эр-мишлар.

Бу ҳамида ҳисол ва писандида афъол жиҳатидин яхши ва ямон аҳли замон қошида азиз ва мукаррам ва муҳтарам бўлур эрмишлар.

Б а й т:

Пок гавҳарки, бўлди пок шиор,  
Шоҳлар боши устида ери бор.

Ул подшоҳ бу ҳолатларидин аларға фарзандона илти-фотлар қилур эрмиш ва ўзининг баъзи фарзандларигаким, баъзи ҳолоти кўнглиға ёқмас эрмиш, аларнинг қилиқлари-дин таассуф еб, дер эрмишким: «Не бўлғай, сенинг афъол ва ҳисолинг ҳам фалонига ўхшаса эрди!» Ва бу сўздин га-рази алар эрмишлар.

Ва фалак қазосидин ва рўзгор ҳаводисидин андоқи, ўз-га подшоҳлар яна бир мулкка азимат қилибдурлар, ул под-шоҳ дағи аларға пайравлиқ тариқин бажо келтурдилар ва аларнинг отаси ҳам ўзга ерга қадам урди.

Ф а р д:

Кетарга келур мунча шоҳу гадо,  
Агар худ ўғулдур ва гар худ ато.

Алар зоҳир улуми<sup>1</sup> иштиғолидин фарогат топибдурлар. Сипоҳилиқдин мутанаффир эрмишлар.

Аммо аларнинг бори подшоҳзодалариким, Бойсунғур мирзонинг ўғлонлари бўлғай, мисли: Алоуддавла мирзо ва

Султон Муҳаммад мирзо ва Бобир мирзо бир-биринин сунгра мутаоқибки, тахтга ултурубтурлар, ҳарқайси аларнинг риоят ва тарбиятига машғул бўлубтурлар. Алар хизмат ва тараддудин ибo қилибдурлар ва ижтиноб кўргузубдурлар. Ва ҳаддин утгандин сунгра андоқки, шабоб айёмининг иқтизосидур, ўзларин май ичмакка ва лаванд-вашлиқларга ва ошиқпешалиқларга солибдурлар. Чун зот ва кўнгуллари ва тийнатлари ариғлиқга машҳур ва муқаррар эрмиш, замоннинг асил мирзозодалари тараддуд ва ижобсиз ва таҳоший ва изтиробсиз алар била мусоҳиб бўлур эрмишлар ва аларнинг суҳбатин муғтанам тутар эрмишлар.

Назм:

Фонийвашеки, ҳам сўзидур пок, ҳам ўзи,  
Хуш давлат ул кишигаки тушгай анинг кўзи.

Бойсунгур мирзо замонинин Бобир мирзо замонининг охиригача бир қарнга яқин кўпрак авқотларин бетаайюн утқарибдурлар.

Салтанат тахти Султон Иброҳим мирзога қарор тутгандаким, тарих секкиз юз олтмиш эрди, бу фақир алар суҳбатига мушарраф бўлдум. Алар тариқ ва равиши бу фақирни андоқ шефта қилдиким, бир кун алар мулозаматиға етмасам эрди, сабру тоқатим қолмас эрди ва алар ҳам келиб аҳвол сўрарлар эрди: «Ташвише бўлмамиш бўлғайким, букун сендин хабар топа олмадук».

Ва бу фақирни фақр тариқиға далолат ва иршод қилурлар эрди ва назм айтурга тарғиб кўргузурлар эрди. Чун ул авқотда фақирнинг назмлари Хуросонда шуҳрат тутуб эрди, алар дағи илтифот қилиб, баъзи абётни кўп ўқурлар эрди ва мажолисда хушвақт бўлурлар эрди. Ул жумладин бу матлаъдурким, фард:

Фурқатингдин заъфарон узра тукармен лолалар,  
Лолалар эрмаски бағримдин эрур парғолалар.

Яна бир буқим:

Ул паривашким бўлубмен зору сарғардон анга,  
Ишқдин олам манга ҳайрону мен ҳайрон анга.

Бу байтни дағи кўп ўқурлар эдиким:

Лабинг кўргач илигим тишларам ҳар дам таҳайюрдин,  
Ажаб ҳолатки, тутмай болни бармоқ ялайдуремен.

Маснавийдин бу байт ёдларида эрди:

Ҳар нечаки пухта бўлса тадбир,  
Берур анга гушмол тақдир.

Ва туркигўй шуародин Мавлоно Лутфий шеърларидин  
абёт ўқурлар эрди ва бу матлаин таъриф қилурлар эдиким:

Нозуклик ичра белича йўқ тори гисуйи,  
Ўз ҳаддини билиб белидин ўлтурур қуйи.

Ва бу матлаиға дағи муътақид эрдиким:

Улки ҳусн этти баҳона элни шайдо қилғали,  
Кузгудек қилди мени ўзини пайдо қилғали.

Ва бу матлаин ҳам ўқур эрдиларким:

Лайлатул-меърожнинг шарҳи сочи тобиндадур,  
Қоба қавсайн иттиҳоди қоши меҳробиндадур.

Мавлоно Муқимийнинг ул таржиға муътақид эрди-  
ларким:

Сен-сен асли вужуди ҳар мавжуд,  
Сендин ўзга вужудға не вужуд.

Форсий ашъордин ҳазрати Хожа Ҳофиз Шерозий... девониға кўп ақидалари бор эрдиким, балким ул девондин аксари аларнинг хотирида эрди ва кўп абёт мажолисда ул девондин мазкур қилурлар эрди ва маснавий жинсидин Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ... «Бўстон»иға муътақид эрдилар ва ҳазрати Шайх Фаридиддин Атторнинг «Мантиқут-тайр»ининг кўпрагин ёд билурлар эрди ва кўп ўқурлар эди ва кўп сўз хотирларида бор эрди. Батахсис «Кимиёи саодат»дин ва шайх Азизи Насафий... расолин ҳам таъриф қилурлар эрди ва андин сўзлар нақл қилурлар эрди.

Ва замоннинг шуаро ва фузало ва зурафосидин аларнинг висоқи холи эрмас эрди, балки дарвешлар ва аҳлул-

лоҳ дағи доим аларнинг уйин мушарраф қилиб, суҳбат тутар эрдилар. Ва шаҳрнинг созанда ва хонанда ва ғундаси доим алар суҳбатида ҳозир бўлулар эрди. Бу мазкур бўлгон зурафодин ҳаргнэ йуқ эрдиким, аларнинг манзилида киши бўлмағай, балки бу тоифанинг мажмаи аларнинг висоқи эрди ва бу жамоат доим анда.

Б а й т:

Хуш улким, анга лутф бирла худо  
Улуснинг қабулини қилди ато.

Йигитлик айёмидаким, риндлиқ ва лавандвашликлар бошидур, бу тоифа кундуз ва кечалар аларнинг масканидин чиқмаслар ва барча асбоб алар учун муҳайё эрди. Ва ишрат ва нишот асбобидин бошқа борур чоғларида ҳарқайсиға ўз хурди ҳолиға кўра узрхоҳликлар била егулукдин ё бирор нима харжидинким, ул тоифа қошида куллийдур, риоят қилиб, мардумлиқ ва инсоният тариқи била лутф кўргузур эрдиларким: «Ўй сизнингдур, ҳарқачон илтифот қилсангиз хизматға турубмиз», деб узатурлар эрди, ва аларнинг ҳамида ахлоқи ом эрди. Улуғ-кичикка сучук сўз ва муфрит хулқ зоҳир қилурлар эрди.

Ва риндлиқ таврида неча нима аларға даст бериб эрдиким, бу тоифанинг озиға муяссар бўлуб эркан; бири сахон зотийким, анда такалуф бўлмағайким, базл ва зиёфат вақтида оз ва кўпнинг тафовути кўрунмағай ва ўзидин элга кўп нима оз ҳам кўрунмағай ва элдин ўзига жузвий нима бағоят кўп ва куллий кўрунуб бирга ўн аваз еткурурунинг фикрида бўлғай.

Н а з м:

Ўзидин элга дарё — қатра осо,  
Вале элдин ўзига қатра — дарё.

Яна бири: шафқати муфритки: борча риндларни азиз тутқайлар ва мо-амкана риоятларини вожиб кўргайлар ва алардин ҳар хато ва залал воқеъ бўлса мувоҳазасига машғул бўлмағайлар ва ислоҳиға кўшиш қилғайлар ва саҳвларин афв қилиб, юзларига келтурмағайлар, то аларға хижолат воқеъ бўлмағай ва аларни рифқу мудоро била ул мақомдин ўтғайлар.

## Б а й т:

Бу иш эрур валоят аҳли иши,  
Қила олмас бу ишии ўзга киши.

Яна бири: лутф ва тавозуъ ва адаб ва юмшоқ сўзким,  
бу барчадин азимроқдур.

Яна бири: таҳаммул ва бурду борлиқдурким, ҳар киши-  
дин ҳарна аларға етишсаким, филвоқеъ нафси амрда қатиф  
бўлғай, ани суҳулат била утқариб, ўзига кўп тараддуд йўл  
бермағайлар.

Яна бири: кўнгулнинг юмшоқлиғиким, дардмандона  
сўздин ва назмдин ва нағмадин мутаассир бўлғайлар ва  
аларнинг ул ҳоллари асҳоб ва ёронларга асар қилғай ва  
бу — мажлиснинг тузи ва малоҳатидур.

Яна бири: эотий бетакаллуфлуқким, филвоқеъ алар  
қошида ипак била палос орасида тафовут бўлмағай, балки  
мутакаллиф либослар макруҳ кўрунғай ва дарвешона кий-  
маклиқ мулоимроқ бўлғай.

Бу сифатларда ҳақ субҳонаҳу ва таоло аларни комил  
халқ қилиб эрди ва риндлиқ ва тажарруъ айёмида сойир  
риндлардин кўпрак ичар эрдилар. Андоққи, баъзи икки  
қатла ва баъзи уч қатла маст бўлуб, мажлисдин чиқиб, уюб,  
яна мажлисга келурлар эрди ва алар ўз ҳолларида эрдилар.  
Оқшомки, мажлис аҳли одати била усруб, уюр чоғ  
бўлса эрди, алар бирин-бирин усрук бошига етиб,  
мулозимлиқ элни мулозимлариға топшуруб, навкар-  
сиз номуродларни муҳофазат қилиб, ёнлари остиға  
нима солдуруб, бошлари остида нима ястаб, илайлариға  
кўзалик сув қўйдуруб, баъзининг кафш ва дасторларин ва  
ёғлиқларин ва анинг учида тугунгинаси бўлса, белгулукла-  
рин мулозимларға топшуруб, хотирларин ул тоифа жамъи-  
дин сўнгра хуфтан намозин адо қилиб, ўз ҳужраларида  
осойишға машғул бўлур эрдилар. Бу мажлис иштиғоли  
жиҳатидин ҳаргиз аларға намоз қасдан қазо бўлмади. Ва  
агар баъзи кунлар алар суҳбатида сода юзлук йиғитлар  
маст бўлғунча ичиб, чун алар атворига анча эътимодлари  
бор эрдиким, ўз уйларидин эминрак билурлар эрди, ҳам  
йиқилсалар эрди аларни атодек кишиларнинг амнобод уй-  
лариға ётқузуб қуфл қилдуруб, муътамад амин кишилар  
алар муҳофазати учун таъйин қилиб, эшикни устидин боғ-  
латиб, ул муҳофизға ташқаридин посбонлиқ буюрурлар эр-  
ди. Ва сабуҳий вақтиғача бир-икки қатла барча усрук ёт-  
фон риндлардин ўзлари юруб хабар тутарлар эрди.

## Б а й т:

Риндлардин бир анингдек йуқ эрур огоҳ ринд.  
Шоҳ эди ринд аҳлига, балким эрди шоҳи ринд.

Ва бу авқотдаким, бу навъ риндлиқларга муртакиб эрдилар, ҳар намозда муножотлар қилиб, ҳақ субҳонаҳу ва таолодин ўзларига тавба ва тавфиқ тилар эрдилар. Ва мутабаррак мазоротга бориб азиз дарвешлар ва аҳлуллоҳ мажолисига етиб, ўз махласлари учун фотиҳалар дарйўза қилур эрдилар ва ул бузургворларким, алар хизматиға мушарраф бўлурлар эрди — қабул ва илтифот назарлари топар эрдилар.

Ва асрнинг уламо ва ашроф ва айммаси била доим мусоҳиб эрдилар ва чигатой улусининг олий миқдор беклари улча ёшга ва йулга алардин улуг эрдилар ва улча тенг эрдилар, аларни шарафи нафс жиҳатидин ўздин улуг тутуб, анга кўра таъзим қилурлар эрди. То ул вақтгачаким, султони Соҳибқирон Хуросон тахтин олдилар, чун мулкнинг мутааййин халқи подшоҳ хизматиға мушарраф бўлдилар. Алар дағи ҳамул дастур била подшоҳнинг муборак дийдорига кўзларин мунаввар қилдилар. Подшоҳнинг муборак хотириға аларнинг мулозамати ёқти ва суҳбат ва сўзи бағоят хуш келди ва инояти мутаоқиб қилдилар. Алар подшоҳнинг хотири учун андоқ тараддуд ва ихтилот ва мулозамат қилдиларким, подшоҳнинг кўнгул қушин сайд қилдилар, чунки яхши мулозимлардин яхшироқ, зарурийроқ ҳеч нима бўлмас. Батахсис, мулозимким, алардек мунча ҳаманда хисолғаким, мазкур бўлди, муттасиф бўлғай.

Ҳар ойинеким, улуг маносиб тақлифи воқеъ бўлди, чун подшоҳ аларни подшоҳона риоятлар ва дарवेशона юмшоқ ва чучук сўзлар била сайд қилиб эрдилар, йуқ дея олмадилар. Иш ул ерга еттиким, салтанат корхонасининг мусташори бўлдилар ва мулку мол ишиға даҳл қилдилар ва андоқ сулук воқеъ бўлдиким, подшоҳ шокир ва сойир халойиқ ва раоё аларнинг зикри хайриға зокир бўлдилар ва подшоҳ хилватида анису маҳрам ва анжуманда рафиқу ҳамдам эрдилар.

Хуросон мулкнинг куллий ихтиёрин подшоҳ аларнинг сонб райиға ва тадбири мулк оройиға вобаста қилғудек эрдиким, чун аларга фақри зотий ва фанойи жибилий мавжуд эрди ва ёшлари олтмишдин ўтуб эрди ва зотий муносабат майлиға голиб бўлди ва аслий мақсуди шавқ туғъён қилабошлаб, мулозамат тарийқидин истиғфор зоҳир қил-

дилар. Ва филвоқеъ холиқ ибодатининг тарки ва махлуқ бандалиғининг иштиғоликим, айни бебоклик ва маҳзи беоқибатлиғдур, андоқ иш илайга келурким, девсорларнинг таҳаммули қолмас, то малак осорларга ва фаришта кирдорларга не етгай.

Б а й т:

Дунёки қатиг дурур гаронборлиғи,  
Қаттиғроқ анинг улусининг ёрлиғи.  
Кўпрак нимаким, бўлса гирифторлиғи,  
Кўпрак келур эл оллиға душворлиғи.

Вой, дунё шуглининг ибтилосидин! Ва юз минг вой, дунё аҳлининг зулму жафосидин, балки малолат ва изосидин! Оҳ, замон жавру бедодидин! Наузу биллоҳ, абнойи замон қасду ифсодидин! Қалам жардаи хушхиромининг инонин бу равишдин уюрмак керак, йўқ эрса, инони ихтиёрни иликдин олиб, сўз узар ва мақсудум бозорин бузар.

Алқисса, чун аларга ҳақ йўлининг сулуки домангир бўлуб, мулозаматдин ижтиноб зоҳир қилиб, истиғфор тариқидин кириб, арзга еткурдилар. Подшоҳга бу амр маҳол кўрунуб, ибо зоҳир бўлди, алар тазаллум ва тазарруъ оғоз қилдилар. Ҳеч навъ била мақбул тушмади ва алар икки йилғача подшоҳнинг муборақ хотири учун чериклар машаққатин тортиб, сафарлар балосига ўзларин солиб юрудилар ва инъом ва улуфа мутлақо олмадилар ва дарвешона кисват била мулозамат қилурлар эрди.

Подшоҳи исломпаноҳ чун кўрдиларким, алар борасида куч бўлғудекдур, таҳқиқ билдиларким, ҳақ йўли ва ибодатининг шефтаси бўлубтурлар, бовужуди мунча қатла маҳсуслардин аларга иноят ва муҳаббат юзидин мулозамат тариқида илтимос воқеъ бўлди, чун алар подшоҳи ҳақиқий қулуғининг мубталоси бўлуб эрдилар, фойда бермади.

Б а й т:

Ёр кўйида юзида мубтало булгон нетар,  
Гулшан ичра гулни, балким, жаннат ичра хорни?

Чун подшоҳ улча имкони бор илтимосда муболаға қилдилар. Кўрдиларки, аларнинг гирифторлиғи андоқ ерда эрмаски, ўзлуклари била ё бировнинг сатъи ва эҳтимоми била



халослиқ мумкин бўлмай. Кўрдиларки, ортуғроқ муболага воқеъ бўлса, зулм бўлгудекдур, раҳм қилдилар ва чорасиз рухсат воқеъ бўлди.

Ул кунки, бу рухсат иши сурат боғлади — ғариб кун эрдиким, подшоҳ зор йиғлайдур эрди, ва алар худ зор-зор йиғлайдурлар эрдилар. Ва салтанат мажлиси ҳузвориға ҳам бу ҳол эрди, невчунки, борча халқға алардин керак эрди.

Алқисса, чун алар навкарлиқ балосидин ва сипоҳилиқ ибтилосидин тенғри инояти била халос бўлдилар, черикдин қайтиб, шаҳрда сокин бўлдилар ва ул авқотда жаноби ҳақиқатмаоб, қутби доираи ҳақиқат ва муршиди аҳли шарият ва тариқат кошифи улуми раббоний Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Табодгоний (қаддасаллоху рӯҳоҳул азиз)ки, ҳазрати шайхул-машойих олимил-муршиди тавоифил-умам шайх Зайнул-миллати вад-дин Ал-хавоқий (раҳимаҳумуллоху таоло)нинг ихтиёрий хулофосидин эрдилар, иршод маснадида толиблар ва муридлар такмилиға машғул бўлур эрдилар, барча асбоби суварийни барҳам уруб, ул бузурғвор хизматиға бориб, фақр тариқин ихтиёр қилдилар ва неча йил алар суҳбат ва мулозаматларида сулук қилиб, хонақоҳларида азим арбаинлар чиқардилар ва фақру фано сулукида куллий манозиллар қатъ қилдилар ва улуғ мартабалар ва бийик мақомларға қадам қўйдилар.. ва аларнинг сулук ва муомалаларин ул хонақоҳ аҳли дарвешлар борча мусаллам тутуб, изҳори иродат ва ихлос қилурлар эрди.

Иттифоқо бу фақирнинг манзили ул дарвешлар хонақоҳлари живорида воқеъ бўлуб эрди ва ул ердинки, илтифоти зотийси бу фақир била бор эрди ва фарзанд деб эрдиларким, ўз ҳавлим гўшасида алар учун бир мухтасар маскане алоҳида тартиб қилиб эрдим, гоҳики, муфрит риъзатлардин таъьларига калоле воқеъ бўлса эрди, хотирлари ташхизи учун ул масканға келиб, бир кун-икки кун туруб, яна хонақоҳға ўз хилватлариға борурлар эрди.

Аларнинг аввалғи арбаини бу фақир ҳазрати мавлоно Муҳаммад Табодгоний (қуддиса сирруҳу) мулозаматлариға бориб эрдим, алар ҳолидин сўрдум, дедилар: «Бу кун бир мақомдадурларки, солиқ аввалғи арбаинда ул мақомға етса, дарде анинг олиға келурким, агар букон муфрит юзланса, ишининг гуфториға далолат қилур, аларға бу ҳол юзланбдур ва бағоят умидворлиғларедур.

Уйла ошиқки, ҳижрондин кўруб дарду малол,  
Шодлиғдин йиғлагай топқонда даврони висол.

Бу фақир аларнинг хилватлари эшигига бордим: гариб ҳой-ҳой йиғламоқда эрдилар, ҳеч нима дей олмадим ва мутаассир бўлуб йиғлаб қайтдим.

Бу фақир аҳл дарвешлар мулозаматига кўп етибмен.

Сайид Муҳаммад аларнинг ёлгуз фарзанди эрди. Адаб ва тавозуъ ва ҳилм ва ҳаё таврида ул отага муносиб ўғул эрди. Таъби хўб ва сурати маҳбуб ва ахлоқи ҳамида ва атвори писандида, ўн тўрт ёшда толиби илмиги шогирд китобликка етиб эрди. Ҳирот халқининг ўз таврида яғонаси ва нодираси эрди. Бу синида анга қазо етти. Аксар ани танир-билур эл ўзни соҳиб азо туттилар. Батахсис, бу фақирким, ани фарзанддек улғайтиб эрдим, аларгаким, асл ота эрдилар, асло тафовут қилғони маълум бўлмади. Сўзлари бу эрдиким, «Ал-ҳукму лиллоҳ», эғасига биздин кераклик экандур — элтти, умид улдурким, раҳмат қилгай».

Ани чиқорур кун ариғ тўи кийиб, ариғ дастор чирмаб, мотамийларгаким, андуҳу изтироб юзидин беихтиёр йиғлар эрдилар, алар насихат қилиб, таскин берур эрдилар, хусусан бу фақирга. То мадфанга, бу фақир ясагон ҳазирага элттилар, алар ўзлари суннат тариқи била мақбара ичига тушуб, азиз фарзандни шаръ важҳи била охират ерига қўюб, тенгрига топшуруб, талаби ғуфрон учун дуолар қилиб чиқтиларким, ҳеч навъ тағайюр ҳоллариға зоҳир бўлмади.

Наъш била борғон дарвешлар ва акобир ва ашрофни ҳайрат лол қилиб, таажжуб беҳол қилди. Бу навъ фано ва истиғроқ ва ҳавсала башар хайлидин, номаълумдурким, кимда бўла олгай.

Алар дер эрдиларким, дунё жоҳининг мастлиги чоғир мастлигиға ўшшамаским, чоғир мастлиги ичган кунидур, аммо жоҳ мастлиги агар соҳиб жоҳ йиллар жоҳ устидадурким, мастдур, анинг махмурлиги жоҳдин маъзул бўлғонидадур. Не мускир хамрдурким, бадмастлиги одамийни йиллар ўзидин беҳабар қилгай.

Бир кун бир тақриб била ашъё орасида тафовут бобида фаза аҳлидин биров бу машҳур байтни ўқудиким.

Б а й т:

Лаъл санг асту деги сангин санг,  
Лек андар миён тафовутҳост.

Алар қойилининг мақсудининг нақизи жонибидин сўз бошлаб дедиларки, шайхе айтибдурки, тош қозон ва лаъл—

иккаласи тошдур ва лекин ораларида тафовут бор. Тош қозондин ғайри нафъ ҳечнима мутасаввар эрмаским, лазиз ва мулаванн атъима анда пишарким, хосу ом андин мунтафеъ булурлар ва лаълдин халойиққа анвои зарар мутасаввардур.

Ва иттифоқо ул учурда Султон Абдусайд мирзо ҳар кишида жавоҳир бўлса олиб, бўлмаса тафаҳҳусида муболагалар қилнб, элга анвои изо ва зарар етказиб эрди. Ва бу байтни ўқуғон мажлисда ҳам тош қозонда ош пишадур эрди.

Яна бир мажлисда қарилиғнинг машаққатларининг бобида сўз ўтадур эрди, ҳар киши бир нима дейдур эрди. Дедиларким: «Қарилиғда ҳеч ниманинг завқи йигитликдагича эрмас: ғизодин ва шарбатдин, ҳатто сувға дегунча».

Бир улуқ киши сўрдиким: «Барчани мусаллам тутдуқ, аммо сувнинг завқи нечук йигитликдагича бўлмагай? Ҳар киши сувсиз бўлса хоҳ қари, хоҳ йигит сув ичгач, аташи дафъ бўлуб, завқ топар».

Алар дедиларким: «Рост, завқ топар, аммо тафовут бор. Йигитликда ҳарорати ғаризий ғолибдур; қарилнқда ул ҳарорат қолмас. Сувсиз кишининг ҳарнеча ҳарорати ғолиб бўлса, ул ўтға сув таскин берур. Аммо қариким, ғаризий ҳарорати мунтафий бўлмиш бўлғай, аташ анга ғариза ҳароратдин ориз бўлмай, ул сувни ичмиш бўлса, қачан андин завқ топғай».

Маҳрур мизож йигитлар барча мусаллам тутуб, аларни бу ҳикмат сўзларидин таъриф қилдилар.

Ҳаётларининг охирида ҳаж сафари муддаосин қилдилар. Аммо кўп мавонё пайдо бўлди ва муяссар бўлмади.

Самарқандға ҳазрати Хожа Носириддин Убайдуллоҳ шарафи суҳбатлариғаким, замон аҳлининг кўпи, хусусан Самарқанд аҳли Хожани «Қутб»ға нисбат берурлар эрди, мушарраф бўлурға азимат қилдилар. Хожа била неча кун суҳбатлар тутуб, таъзим ва ташрифлар топиб, яна Ҳирот шаҳриға азимат килдилар. Ва тарих секкиз юз туқсон тўртда — етмиш уч ёшларида оламдин ўттилар.

Ва аларнинг фавти замонида бу фақир шаҳрда йўқ эрдим. Подшоҳ ҳукми била бир сори бориб эрдим. Келгандин сўнгра, чун соҳиб азо фақир эрдим, таъзият қондасин бажо келтуруб, шаҳрнинг шимоли ҳаддида тоғ этагида алар учун ҳазира ясадиким, «Жўйи нав» суви анинг ичидин ўтар, бағоят бийик ва хушҳаво ердур.

Ва хели азизларким, аларға тирикликда мусоҳиб эрди-

лар ва қабрлари пароканда ерларда воқеъ эрди, йиғиштуруб, алар жаворида қўюлди. Бу жиҳатдин баъзи азизлар ул ерни «Азизлар ҳазираси» дебдурлар ва бу исм машҳур ҳам бўлубдур.

Ва алар фавтиниинг тарихи бу абъётдин ҳосил бўлур.

### Т а р и х:

Сархайли фано Сайид Ҳасан рафт,  
Ки чоң у биҳишти қовидон бод.  
Пан он покрав чустанд тарих,  
Биғуфтам: «Чаннати покаш макон бод».

.....





Нашрга тайёрловчи  
ПОРСО ШАМСИЕВ



Эй чарх, не даврларки даст эттинг,  
Даврингда муҳаббат аҳлини маст эттинг,  
Ҳаркимники, оламда забардаст эттинг,  
Охир ажал илгида ани паст эттинг.

Тариқ фаносида муфаррад ва фано тариқида мужаррад, жаҳондаги паҳлавонларнинг паҳлавони жаҳони ва паҳлавонлиғ жаҳонининг жаҳон паҳлавони, сурат ва маънида бешабиҳ ва беназир, яъни паҳлавон, шамсул-миллати вад-дин Муҳаммад куштигир сийрат ва суратида.

Паҳлавоннинг насабида саъдат шарафи бор, аммо чун тағойиси Паҳлавон Абусаидким, замоннинг паҳлавон ва мусаллам куштигири эркондур ва Паҳлавон кичик ёшлиғ эрконда ул фанда кундин-кунга андин ғариб осор ва ажиб намудорлар зоҳир бўлур эркондур. Андоқки, оз фурсатда жамиъ абнойи жинс борини мағлуб қилиб, бориға фоиқ ва голиб келибдур. Чун рўзгор ҳарунлиғидин ва лайлу наҳор буқаламунлиғидин Паҳлавон Бусаид ҳаёт вадиятин муқтазойи ожилга топшурубдур. Паҳлавон истиҳқоқ била паҳлавонлиқ сартакиясига ўлтурубтур ва бу тойифа сарҳалқалиғин тавъ ва рағбат била қабул қилибдурлар. Невчунки ул агарчи куч ва забардастлиқда замонининг мунфариди эркондур, аммо куштидонлиғ ва забардастлиғда ҳам андок экондур ва бу тойифадин бу ўтган тўрт-беш юз йил, балки минг йилда анингдек ҳеч ёд бермайдур ва нақл қилмайдур. Бовужуду улки, ўз фанндаки, кушти бўлғайким, шуҳрати

ул исм биладур ва онча якфанлиқда ва мардум афканлиқда кичик ёшлиқ эркондурким, шоғирд куштиғир эркондур ва бу фанда не варзиш қилур эркондур. Чун қобилияти баланд тушгандур ва мудоямати табъи борча фунунға муносиб ва баҳраманд воқеъ бўлгондур — кўп фазойил ва камолот ҳам касб қилгондурким, замон аҳли борчада Паҳлавонни мусаллам тутар эрдилар.

Ул жумладин адвор ва мусиқий илмидурким, чун лаҳжаси ва ҳусни савти хўб экандур ва усули мазбут ва ҳаракоти ва саканоти маргуб. Ул дақиқ фанда кўшиш ва саъй кўргузуб, дахлн том ва маҳорати молокалом топиб эрди ва дилкаш нақшлар ва амаллар ва дилписанд қавллар ва ғазаллар тасниф қилур эрди ва хўб айтур эрди. Андоқки, эшитган хавос ва авом хушҳол бўлмоқда беихтиёр ва ўрганмақда беқарор эрдилар.

Ул асрнинг бу фанда моҳирлари мисли: Устод Муҳаммад Хоразмий ва Мавлоно Нуъмон ва Мавлоно Соҳиб Балхий ва Шайх Сафойи Самарқандий ва Хожа Юсуф Андижонийдек кишиларнинг таснифоти муқобаласида ишлар ясабдур; ва нақш ва суфия ва амал ва қавл ва жир чорзарблардек ва чун ўзи аларнинг кўпидан ҳам хушгўйроқ ва ҳам хушхон эрмиш, ишларининг шуҳрати кўпроқ воқеъ бўлур эрмиш.

Машҳур амалларидин бири «чаҳоргоҳ» амалидурки, Мавлоно Тўти ...нинг ул шеъриндиким, матлаи будур:

Соқиб, де рафта ҳасту аҳволи фардо нопадид,  
Хешро имрўз хуш дорему фардору кй дид?

ким, Мир Бузург Тирмизий отиға боғлабдурким, бағоят хушоянда ва мулойим эшитилур ва далил буким, Хуросон мулкида, балки Самарқанд ва Ироқда ҳамул ишни билмас гўянда йўқтур, балки ғайри гўянда дағи беҳад ва ҳаср халойиқнинг ёдидадур. Яна «сегоҳ» амалидурким, Мавлоно Хисравийнинг шеъриға боғлабдур ва матлаи будурким:

Эй зи тоби оразат шамъе ба ҳар кошонай,  
В-эй асири пурхами зулфат дили девонай.

ким, Бобир отиға боғлабтурки, ул дағи бағоят муассир ва



хушоянда ишдур. Яна «сегоҳ» амалидурки, Мавлоно Котибийнинг ул шеъриниким, матлаи будурким:

Гаҳ теги ту дар қатли аҳли дид барояд,  
Ба як мушоҳада мақсуди сар шаҳид барояд.

Бу ишни боғламоқдин гарази бу матлаъ әрмишким:

Маноли Котибӣ аз шомӣ ғам ки субҳи саодат  
Ба юмни давлати Султон Абусаид барояд.

ким, Султон Абусаид мирзо отиға боғлабтур, ниҳоятдин ташқари дилпазир иш тушубдур.

Ва улким, Султони соҳибқирон хизматига мушарраф бўлди, Машҳаддин «тегди ғизол» шаъбасида ул ҳумоюн ҳазратнинг исмиға ўзининг бу шеъринки:

Ончо ки бар дарғаҳат рӯи ниёз овардаем,  
Рӯи дил дар қаъбаи иқбол боз овардаем

амал ясаб әрди ва бозғуйида бу икки байтин боғлаб әрди ва инсоф оламида бу икки байтдек оз айтибдурки, мамдуҳнинг бешинчи отасиға зикр бўлмиш бўлғайким:

Султон Ҳусайн хисрави ғозӣ ки мисли ў  
Ҳаргиз набуда дар садафи рӯзгор дур.  
Шоҳ аст шаҳриёр падар бар падар ки ҳаст,  
Мансур Бойқарои Умаршайхи бин Темур.

Бу амалда бәсе мақомот ва шааботе дарж қилиб әрдиким, таърифдин мустағнидур ва асру дилпазир ва бағоят беназир боғланиб, яна ишлар ҳам мисли: «қавл» ва «ғазал» ва «чорзарб»дек ва «савт» ва «нақш» худ беҳадду адд боғлабдурки, халойиқ орасида машҳурдурки, борчасин дарж қилнлса мужиби итноб бўлур.

Ва шеър ва муаммо бобида илмий ва амалийсида Паҳлавон соҳиб вуқуф ва жалд әрди, ул навъким, замон шуаросининг юзидин бирига онча шуур ва вуқуф йўқтур ва аксар назм аҳли ҳар навъ шеър айтсалар әрди — Паҳлавон назарига еткурурлар әрди ва анинг ислоҳ ва тағйир ва табдилини қабул қилур әрдилар ва ўзининг дағи шеър ва

муаммо фаннида табъи мулойим эрди. Андоқки, бу матлаъ Паҳлавоннингдурки:

Гуфтамаш: «Дар олами ишқи ту корам бо ғам аст?  
Гуфт хандон зери лаб: «Ғам нест, кори олам аст».

Ва «Куштигир» тахаллус (қилур эрди) ва бу табънинг тахаллуси асру хуб воқеъ бўлбтурки:

Аз хаёли печтоби кокули мушкини у,  
Дуди дил бар фарқи «Куштигир» ҳамчун парчам аст.

Муаммо тариқида худ мухтариъ эрди. Жамъики муаммо айтурлар, баса захмат била бир байтдин ё бир рубойдин бир исм ҳосил қилурлар. Паҳлавон устод абъетидинким, қойил муаммо қасди қилмамиш бўлғай, табъи ўзи била исмлар пайдо қилиб эрди ва бу кўп воқеъ бўлбтурким, ҳоло ушшоқ орасида бор. Ул жумладин, ҳазрати Хожа Ҳофиз Шерозийнинг девоининг бурунги ғазалининг матлаидинки, бағоят машҳурдур, «Али» исм чиқорибдурки:

Ало ё айюҳас-соқӣ, адир каъсан ва наввилҳо,  
Ки ишқ осон намуд аввал, вале афтод мушкилҳо.

Хам Хожа Ҳофиз бу матлаидинким:

Ҳолиё маслаҳати хеш дар он мебинам,  
Ки кашам рахт ба майхонаву хуш биншинам.

«Амин» исм ҳосил қилибдур. Бу байтдинким:

Ганци зар гар навбад ганци қаноат боқист,  
Он ки он дод ба шоҳон ба гадоён он дод.

«Тақий» исм ҳосил қилибтурур.

Ва яхши рубойлари ҳам бор. Хоҳ бир маҳалда биров учун айтгон, хоҳ бировнинг руқъасига жавоб юборган. Баъзи ёронлариға бу рубойни битиб юбориб эрдиким:

Гар қон ачалам зи тани ношод барад,  
Ҳошо ки маро меҳри ту аз ёд барад.

Хоҳам ки шавам хок маро бод барад,  
Бошад ки ба суи Астаробод барад.

Ва ҳам баъзи мухлис ва муътақид ёронлари руқъаси  
жавобида айтиб эрдиким:

Аз оҳуи роми худ фаромӯш макун,  
В-аз сайде ки роми худ фаромуш макун.  
Ҳарчанд ки бошад — фаромӯшкорӣ,  
Аз сари гуломи худ фаромӯш макун.

Ва мулоийм қитъалари ҳам бор. Ул жумладин бири будурким, жўйи «Султоний» ёқасида Паҳлавон бир лангаре бунёд қилибдурки, анинг таърифини қилмоқ — қуёш равшанлиқға ва майни мастлиқға таъриф қилгондекдур ва бир қатла Султони соҳибқирон овдин қайтгонда ул такияга тушубдур ва Паҳлавон ҳозир эрмас эркандур. Бу жиҳатдан бағоят мутараддид ва мутаассир бўлубтур. Ул маҳалда узр учун бу қитъани айтиб эрдиким:

Такъяи моро шараф бигузашт аз чархи барин,  
По ба ру афканда соя соя парвардигор,  
Гарчи гардун атласи худ кард пойандози шоҳ,  
Кош ман мебудамӣ то ҷони худ кардӣ нисор.

Дағи яхши сўз маснавийси ҳам борки, назм аҳлининг мутаайинларига ул навъ абёт воқеъ бўлмайдур. Ул жумладин будурким, паҳлавон Пирий куштигирким, Паҳлавони номурод умрин анинг тарбиятига сарф қилди ва назари бу эрдиким, қаригон чоғдаки, ул жаҳон паҳлавони куштигир бўлуб, Султони соҳибқирон матбуъ табъ надими мажлиси ва паҳлавон фарзанди муниси ва шамъи мажлиси бўлғай ва ул бевафолиқ қилиб, Паҳлавондин айрилди ва Паҳлавон номуслиқ ва ғайратлиқ жиғархор киши эрди ва андуҳдин кунглида сўз ва баданида гудоз эрди, аммо мутлақ ҳеч кишига изҳор қилмас эрди. Аммо ҳеч навъ махфий сирри ва рози йўқ эрдиким, бу фақирдин яшурун бўлғай. Андоқки бу фақирнинг ҳам андин. Алқисса, қаригонининг шарҳида ва паҳлавон Пирийнинг бу қаригон чоғда умрдек бевафолиқ бобида маснавий айтибдурки, бу фақир абъётин беш байт ва ўн байт айтур маҳалда ўқур эрди, бирнеча байт сабт қилилди ва ул абёт будурким:

Чу бар чарх равшан шавад ҳоли ман,  
Ба сад дида гиръяд бар аҳволи ман.

Маро бор будӣ гули навшукуфт,  
Дареғо ки боди хазонаш бируфт.

Ҳама умр тухми беҳи коштам,  
Чу вақти баромад набардоштам.

Зи он талх шуд зиндоғонӣ маро,  
Ки пири фиканд аз ҷавонӣ маро.

Кунун ман на он шери заңчириям,  
Бадар бурда ҳам зи ғам пириям.

Ба хурди падар тифл аз он парварад,  
Ки то дар бузургӣ ғам нахурад.

Зи он дар ҷавонӣ бор оядаш,  
Ки дар аҳди пирӣ ба кор оядаш.

Маро пири он навъ охир фиканд,  
Ки ҳечам ҷавонӣ нашуд судманд.

Бу маснавий ниҳоятин подшоҳ дуоси била хатм қилиб-  
дур ва ҳол аҳли бу абётдин маълум қилурларким, Паҳла-  
воннинг табъида не миқдор дарди ҳол чошниси бор экан-  
дур.

Яна санойи ва аруз қофиясида ҳам кӯп соҳиб вуқуф эр-  
ди. Дағи қироат илмин ҳам яхши билур эрди ва хуб мах-  
раж ва тажвид била қуръон ўқур эрди ва гоҳи ҳуффоздин  
қироат бобида сӯрар эрдиким, алар жавобидин ожиз бўлур  
эрдилар ва Паҳлавондин истифода қилур эрдилар.

Яна нужум илмин онча билур эрдиким, ҳар мавлид  
учун ройжан толеъ битийолур эрди.

Яна тиб ва ҳикматга кӯп мулоямати бор эрди. Мавлоно  
Кутби одамдинким, бу мулкнинг мутааййин табибидур —  
бу фанни касб қилур эрди. Мавлоно Улоул-мулк табиб била  
Мавлоно Абдуссаломки, беназир муолиж эрди — Паҳлавон-  
га мусоҳиб эрди ва дойим бу фан баҳсида ва ғуфту шунуф-  
тида алар Паҳлавон сӯзиларин мусаллам тутуб, муолажа-  
ларин ҳам таъриф қилур эрди ва асҳобидин ҳарқайсиға

мараз тори бўлса эрди, кўпи ул эрдиким, ўзи муолажа қилур эрди...

Яна фикҳ илмида ибодотдин фаройиз ва сунан ва вожибот ва мустаҳаббот ва бу ибодотга мувофиқ адъияким, кўпрак фуқаҳо ва зуҳҳодга мазбут ва маҳфуз эмас, Паҳлавонга мазбут эрди.

Ва устод абётин: маснавий ва қасида ва ғазал ва ҳар синф шеърдин хўб ва ҳам кўп ёдида эрди. Андоқки, ҳар маҳалда ҳар навъ муносиб назмлардин ширин иборот ва тақаллум била ва баъзи маҳалда рангин алҳон ва тараннум била андоқ адо қилур эрдиким, аксар мажлис ҳуззориға насридин хабар ва назмидин асар воқеъ бўлуб, риққатлар даст берур эрди ва кўп машойихлар ва аҳлулло ва дарвешлар мажлисиға баҳраманд ва хизмат ва мулозаматларидин сарбаланд ва аржуманд бўлуб, шарафи қабул топиб, ва ба се ҳар сифатдин аҳли тариқ паҳлавонлар ва улуг кишиларга шойишта хизмат қилиб, қисватлар ҳавола қилиб эрдилар. **Ҳақ** субҳонаҳу ва таоло анга қобилият каромат қилиб эрди. Ҳар навъ ишга хотир мутаважжиҳ қилса эрди — ул навъ дахл қила олур эрдиким, ул фан аҳлининг моҳирлариға мустаҳсан тушгай ва бир навъ қабулиятни анинг зотида халқ қилиб эрдиким, ҳар навъ халойиқ била ихтилот қилғоч, аларнинг кўнглига матбуъ ва табъиға маҳбуб эрди ва писандида атвори бегоят ва ҳамида ахлоқ ва шиори бениҳоят, мизожида базл ва саҳо ғолиб, ва табъида шафқат ва раҳо муфрит, улугларга зотий ниёзмандлиғ ва хизмат ва кичикроқ нотавонларга расми меҳру шафқат ва сарпайвандлиқ ва мутавасситул-ҳолларга иши мулоямат ва хўб забонлиқ ва фуқаро ва масокинға варзиши мувофақат ва нафърасонлиғ. Кечароклик ва кундузлик йиғирма тўрт соатда Паҳлавоннинг такъясида хоҳ сафарда, хоҳ ҳазарда табх иштилоғилидин фароғат йўқ эрди, турлук-турлук атьима эрди. Андоқки, бу неъмат ва ағзиядин фуқаро ва масокин ва муқим ва мусофир маҳзуз эрдилар. Ағниё ва аҳли тамкин ва озодалар ва шоҳзодалар ва акобир ва ашроф ҳам баҳраманд эрдилар, ҳаттоким, султонус-салотини ҳам етгач, бу мазкур бўлгон атьималар ҳам тортилуур эрди ва етмасалар эрди — Паҳлавоннинг ушоқлари кўтариб тоғга элтурлар эрди ва агар, элтмасалар эрди — юқоридин киши келиб, тилаб элта борурлар эрди ва ашриба ва фавокиҳ ва ҳалвиёт ҳамул атьимаға яраша муқаррар эрдиким, тортилуур эрди ва ҳар тарафдин келган фуқаро ва ғурабо ва аксараш ўн кун, балки бир ой-икки ойғача таваққуф қилса-

лар эрди — бу маъкулот аларнинг илайига кулфатсиз, балки икки-уч қатла тортилуру эрди ва улоғларига арпа ва сомон, улоғлар ва ўзларига ораста маскан ҳам тайёр эрди. Ва бу халойиқдин кўпи андоқ эрдиким, боруру чоғларида Паҳлавон мурувват ва карамидин йўл харжиси ва баъзи дарвешона либослар ва табаррукларга ҳам мустафид бўлуб эрдилар. Жамии аҳли туруқ ўзларини Паҳлавоннинг фотиҳа ва такбирига еткурмағунча ўз тариқларида ишлари тамом бўлмас эрди.

Борча содот ва машойих ва уламо ва фуқаронинг маҳбул-қулуби эрди, ва подшоҳ эшигида аркони давлатдин олийшон беклар ва олиймакон ичкилар ва судуру ва сойир халойиқга Паҳлавоннинг суҳбати нафрўз ва байрамча бор эрди, ҳаттоки султонзодалар тиламас эрдиларким, бир лаҳза онсиз бўлмағайлар эрдиким, подшоҳзодалардин нечаси муътамад отланиб, Паҳлавоннинг такъясига бориб, суҳбатлиге қилғайлар эрди. Ул дағи борчасига лойиқ хизматлар қилиб, суҳбатлар тузатиб, неъматлар тортиб, созандалиғ ва гуяндалиг буюруб, самоъ ва рақс қилиб, аларни хушҳол ва мунбасит узотуру эрди.

Ва султонус-салотиннинг ғариб шафқат ва улфати ва ажиб иноят ва нисбати Паҳлавон борасида бор эрди. Ҳеч суҳбат тиламаслар эрдиким, Паҳлавондин айру қилғайлар. Борча мажлис ва маҳфилда Паҳлавон ҳозир эрди ва суҳбатнинг хушлуғига боис эрди.

Ва шеър ва муаммо ва мусиқийки, суҳбатнинг мужибнишот ва инбисотидуру, чун Паҳлавоннинг борчада вуқуф ва даҳл ва тасарруфи зоҳир, балким ул фунунда аҳли фандек моҳир эрди — суҳбатнинг юзи Паҳлавонга эврулуру эрди. Ва султонус-салотиннинг надими мажлис ва аниси анжуман ва килвати ва ҳар розда маҳрами ва ҳар ҳолда ҳамзабон ва ҳамдами эрди. Такаллуфсиз ва муболагасиз подшоҳдин гадоғача ва аҳдуллодин яҳуд ва тарсоғача Паҳлавонни севмас ва тиламас киши йўқ эрди.

Субҳоналло, юз минг ҳамд ва сипос ва санайи беҳад ва қиёс ул қодир сунъиғаким, ҳар бандасиғаким, бир овуч туфроқдин халқ қилибдуру, мунча қобилият ва қабулият ва ахлоқи ҳамида ва атвори писандида ва зоҳир юзидин мунча фазлу камол ва маъни тарафидин мунча важди ҳол бера оларким, бир жаҳон халқин мулоямат била сайд ва бир олам аҳлин занжири иродати била гирифтори беқайд қилғай.

Алқисса Паҳлавоннинг борча навъ ишларининг хушлу-  
ги баёнида ва ҳар тавр сийрат ва суратининг дилкашлиғи-  
нинг шарҳида забонварлар тили қосир ва дostonгустарлар  
нутқи ожиздур.

Қирқ йилга яқин бу фақир била мусоҳиби жоний ва  
маҳрами рози ниҳоний эрди. Фалокат айёмидин зоҳир юзи-  
дин таайюн ва иститоат замонигача кўпрак авқот била  
эқандур. Биз иковдин — иков ҳар кўйда югурган, ўзни ҳар  
аҳли дил шарафи мулозаматиға етурган. Анинг рифқу му-  
вофақатин не тил билан тақрир қила олғаймен ва не қалам  
таҳрири била баён қила олғаймен.

Мундин ўтмаски, қирқ йил бир менингдек худрой ва  
бесарупой ошuftасори паришон рўзгор киши била мусо-  
ҳибки қилғайки, хотирға келмаски, андин хотирға ғуборе  
ўлтирмиш бўлғай ва кўнгулға етмаски, ҳаргиз андин кўн-  
гулға озоре етмиш бўлғай, балки андоқ нисбат қилмиш бўл-  
ғайким, кундин-кунга муҳаббат риштаси маҳкамроқ ва ма-  
ваддат қоида ва тариқи муаккад ва мустаҳкамроқ бўлмиш  
бўлғай ва ҳол улким, етмиш икки фирқа била маоши ушбу  
наҳаж била воқеъ эрдиким, ҳар киши анинг мулояматин ўз  
ҳолиға мулоҳаза қилса эрди — хаёлиға бу келур эрдиким,  
андин махсусроқ ва мулоимроқ ёри ва мусоҳиби йўқ эрди  
эркан.

Анинг зеҳн ва закоси латофатидин ва ҳофизаси тезлиги  
ва зарофатидин бир неча калима хотирға келур; адо қил-  
моғи холи аз муносабате эмас. Султон Абусаид мирзо за-  
монидаким, Хуросон аҳли Самарқанд аҳлиға асир эрди-  
лар ва ҳар навъ зулм ва тааддики, алардин воқеъ бўлса бу  
асирлар мутеъ ва фармонпазир.

Бу фақирни айни ифлос ва фалокат ва сарнавиш ва  
ранжуриш Машҳад сори тортиб элтти ва анда етгандин  
сўнгра мафосил марази тори бўлуб, бир ғушада йиқилдим.  
Иттифоқо Паҳлавон хизматлари ҳам ул айёмда Машҳадда  
эрди. Бу фақирнинг ҳолидин хабар топгондин сўнгра ҳар  
кун қадам ранжа қилиб, улча қондан шафқат ва ёрлиғ ва  
тариқи муҳаббат ва ғамхорлиқ бажо келтурур эрдилар —  
ангачаки мараз дафъ бўлди. Ва Мавлоно Абдуссаллом Ше-  
розий раҳимаҳуллоҳки, ул замоннинг моҳир ҳакими ва  
ҳозиқ табиби эрди — бу заифға муолиж эрди. Андоқки,  
атиббо даъбидурки, мариз мизожида маразни зойил қил-  
гондин сўнгра чун адно хилт жилд тахтида қолур — тарад-  
дуд ва далк буюрурларки, ул маводни таҳлил била дафъ  
қилғай — ул дағи бу фақирға буюруб эрди. Паҳлавон меҳ-

рибонлиқ ва шафқат юзидин ҳар кун нёдатимга келур эрди ва далк ходимлиғи ва тариқин чун киши андин яхшироқ билмас эрди ва ўзи ҳам ҳаким шева киши эрди — илтифот қилиб, ул амрға иштиғол кўргузур эрди. Қазоро, бир кунким, саҳари фақир бу шеърни айтиб эрдиким, матлаи будурким:

Ҳар қаён боқсам юзумга ул қуёшдин нур эрур,  
Ҳар сори қилсам назар ул ой манга манзур эрур.

Ва бу шеър етти байт эрди ва мусаввида қилиб жайбимга солиб эрдим ва ҳануз кишига ўқумайдур эрдим ва кўрсатмайдур эрдим.

Паҳлавон илтифот юзидин маъхуд дастури била эғнимни тутар эрди, муқаддима бунёд қилдиким:

— Сени бу кун дерларким туркча шеърни яхши айтурсен ва туркча назм айтур элдин эшитиб, бизга бу сўзни мусаллам тутарлар. Бизнинг бир саволимиз бор.

— Жавоб берай, сиз бори саволингизни айтинг.

Деди:

— Саволимиз будурки, туркигўй, шуародин улча шеърлари рўзгор сафҳасида сабтдур, қайси яхшироқ айтибдурлар? Ва сенинг ақиданг анинг яхши айтмоқиға борур, сен бегонурсен?

Ҷақир дедим:

— Борча яхши айтибдурлар, мен бегонурмен.

Паҳлавон деди:

— Сен такаллуф ва касри нафсни қўй, воқеъ юзидин сўз айтки, буки, борини бегонурмен, дерсен, борча худ бирдек эмас, албатта, тафовут бор.

Ҷақир айттимким:

— Мавлоно Лутфий ҳоло мусалламдурлар ва бу қавмининг устоди ва маликул-каломидур.

Деди:

— Нечук Сайид Насимий демадинг?

Ҷақир дедим:

— Хотирга келмади ва бар тақдир келмок, Сайид Насимийнинг назми ўзга ранг тушубдур, зоҳир аҳли шуаросидек назм айтмайдур, балки ҳақиқат тариқин адо қилибдур. Бу саволда сенинг ғаразинг мажоз тариқида айтур эл эрди.

Паҳлавон эътироз юзидин киноятомиз дедиким:

— Раво бўлғайки, Сайид Насимий борида Лутфий назмини писанд қилгайсен ва ҳол улким, Сайид Насимийнинг



назми зоҳир юзидин мажоз тариқиға шомилдур ва маъни юзидин ҳақиқат тариқиға — ва юқори битган байтни ўқудиким, фақир бу саҳар айтиб эрдим. Чун матлаъни ўқуди, ўзга абъётин ҳам мутаоқиб баён қилди ва тахаллусиким, бу навъ воқеъ бўлубтурким:

Гар Навоий сиймбарлар васлин истаб кўрса ранж,  
Йуқ ажаб, невчунки хом этган киши ранжур эрур.

Навоийни Насимийға тағйир бериб ўқуди ва филвоқеъ бу байтда Навоий лафзидин Насимий лафзи муносиброқдур ва фақир мутаажжиб бўлдум. Оқистароқ илгимни жайбимга элттим ва мулоҳаза қилдим: ўзум битиб жайбимга солгон мусввидада мавжуд эрди ҳайрат, ва таажжубим ортти. Ва Паҳлавон ҳамул айтган сўзни иода қиладур эрди ва ул шеърнинг абётин мукаррар ўқур эрди. Ва бу фақир бетаҳаммул бўлуб сўрдумким ул иш кайфиятин маълум қилгаймен. Ул ўзин йироқ тутти ва ўз сўзида русух кўпрак зоҳир қилди. Фақир муболаға қилгон сойи Паҳлавон ҳам муболаға кўргузди. Зарурат юзидин сўрдумки:

— Бу шеърни қачон ёд қилиб тутуб эрдинг?

Дедиким:

— Ун икки йил бўлгайки, Бобир мирзонинг мажлисида бу шеър ўтар эрди, менга бағоят хуш келди, битиб олиб ёд туттум.

Бори ҳар ҳол била букун ўтти, ул такъясига борди. Тонгла ҳамул дастур била яна келди, яна суҳбат бўлди, яна бу сўз ораға тушти. Яна фақир сўрдум ва илқоқ қилдимким, бу иш кайфиятин маълум қилгаймен. Бу қатла худ дедиким:

— Ул вақтки, мен бу шеърни ёд туттум, куштигирлардин ҳам нечаси бор эрдилар ҳам ўргандилар,— деб учтўрт пиёда сорт куштигирники, анинг била келиб эрдилар, тилаб дедиким: «Уқунг, андоқки менинг била ўрганиб эрдингиз». Алар дағи пайдарпай равон ўқудилар. Фақирға таажжуб устига таажжуб воқеъ бўлди ва Паҳлавон сўзи сидқида муболаға қилур эрди. Агарчи муболаға ҳожат эмас эрди, невчунким, сидқи даъвосида неча тонук ҳам ўткарди.

Оқибат андоқ маълум бўлдимким, эгнимни улайдургонда жайбимда қоғоз кўрубтур, оқисталиқ била ул қоғозни чиқориб кўрубтур ва маълум қилибдулки, ушбу яқинда

айтилгон шеърдур. У қозғони очуқ ёнида қуюбдур ва ёд тутубдур ва чирмаб, жайбимға солибдур. Ҳамул замон бўлгон сўзларни ораға солибдур. Оқшомки, такъясига борибдур, куштигирларига таклиф била ўргатибдур ва буюрубдурки, эҳтимоми тамом била такрор қилибдурларки, равон ўқур чоғда равон ўқуғайлар.

Паҳлавоннинг ул навъ ғариб ишлари ва ажиб зарофатларики, табъға мужиби таажжуб ва ақлга боиси таҳайюр бўлғай — кўп эрди.

Ва бу фақир Астарободдин анга бир руқъа битиб эрдимким:

Дар силсилаи фақр ба иршоди туем,  
Дар шому саҳар ҳамеша бо ёди туем,  
Дар доираи фано ба авроди туем,  
Яъне ки яtimi Нейматободи туем.

Паҳлавон жавоб битган руқъада бу рубоийни битиб эрдиким:

Э, Мир, ту пиру мо ба иршоди туем,  
Доим ба дуоғуно бо ёди туем,  
Ин шаҳр ба ту хуш асту мо бо ту хушем,  
Мурдему хароби Астарободи туем.

Султон соҳибқирон асари иноятинин ва маҳзи тарбиятинин Паҳлавоннинг иши улуг бўлди. Андоқки, улуғлуқға таъзим қилурлар эрди ва истиҳқоқи бор эрди ва Нейматободдаким, анинг такъяси эрди — подшоҳ давлатинин юзга яқин куштигир яна мунча ҳамдин ортуқ сойир худдом Паҳлавон хизматида бор эрдиларким, юзча куштигирдин ўнчати талабқаш ва йигирмага яқини қадаргир ва жалди навхостаким, борча маъракада тутарлар эрди. Ҳаттоким, салотин замоннда ҳам яна ўн-ўн беш созанда ва гуянда ва хонандаким, ул силсила аҳлидин ҳечқачон ҳечқайсиға даст бергани маълум эмас. Ва мунга яраша борча тартиб ва одоб ва тазйин ва асбоб муҳайё эрдикки, баяк бора Паҳлавоннинг ушоқларинин бири бу фақир қошиға изтироб била югуруб келдикки, Паҳлавонга бевосита гаши воқеъ бўлубтур ва ҳуши зойил бўлуб, беҳуд йиқилибдур, сизга хабар қилдуқки, табиб юборгайсиз. Фақир филҳол Мавлоно Абдулҳай била Мавлоно Нуриддинким, ҳозир эрдилар, таъжил била юбордим. Алар бошиға етгунча Паҳлавон худ ўзга олам

азиматиға оёқ урган экандур. Атиббо бир замондин сунгра Паҳлавон мотамидин гамзада бўлуб, юз дарду ҳасрат била қайтиб келдилар.

Бу ҳолдин султони соҳибқирон мизожиға ғариб андуҳ ва изтироб тушуб, гоят ҳузн ва малолатдин талх-талх шўроба тўкуб, ҳой-ҳой йиғлади ва шаҳзодалар дағи ушбу дастур била мотам амриға муртакиб бўлдилар ва аржони давлатдин олий миқдор умарон завил — иқтидор ва вузаро ва соҳиб тамкин ичкилар ва хусусият ойин гулчеҳралар ва сойир эшик аҳлики, борча Паҳлавонға ёр ва ҳаводор эрдилар, беихтиёр сўгворлиқ расмини бажо келтуруб, ўзни мотамий туттилар ва шаҳр аҳолисидин содоти олийшон ва уламон олиймакон ва машойихи изом ва қузоти киром ва хавос ва авоммажмуи таъзият тутуб, либосиға тағйир бериб, марсия ва тарихлар айтиб, дайинини ўзларига иқрор қилдилар, балки ҳарбири бошқа-бошқа ўзларин соҳиб азо кўргузуб, ошуб ва шайн зоҳир қилдилар. Ва зарофат осор шуаро ва диққат шиор зурафоки, Паҳлавоннинг борча вақт мусоҳиби эрдилар ва ҳақиқат маоб аҳли тариқ ва тариқат интисоб аҳли таҳқиқ, Паҳлавон дойим аларнинг хизмат ва дилжўйлиғиға иштигол кўргузур эрди — борча малул ва ғиръён ва ул мотамдин паришон ва бесомон бўлдилар ва теграсидаги ёри ушшоқ ва мулозимлар ва ҳамнишин ва сойир фуқаро ва масокин «вовойло, вомусибато!» ниқобин фалаки асирға тортиб, навҳалар ва нудбалар кўргуздилар.

Ва султони соҳибқирон Паҳлавоннинг мадфанин Нейматобод ичидаким, Паҳлавон учун ясагон ер эрди — тағйин қилдилар ва анда дафн қилдилар. Ва подшоҳона жашн тузуб, азим ошлар бериб, хатм қоидасини бажо келтурдилар.

Чун ҳазрати маҳдумий Шайхулисломий каҳфул-аномий Мавлоно Нуриддин Абдурраҳмонил-Жомий... дин бир йил сунгра Паҳлавон ҳамул ҳазратнинг пайравлиғиға бу фано танғнойидин бақо гулшани фазосиға хиром кўргузди ва ул ҳазратнинг Паҳлавон била бениҳоят илтифотларин ва беҳадду гоят махсус мулоямат ва ҳолатларин бор эрди, фавтининг тарихи ғариб услуб била воқеъ бўлубдурким, фавтларининг тарихи бўлур:

Муҳаммад Паҳлавони ҳафт кишвар,  
Ки дар даҳраш навбад ақрону амсол.  
Сару сарҳалқани аҳли тариқат,

Ки рафт аз қайди гетӣ фориғул-бол.  
Эи баъди қутби олам орифи Ҷом,  
Ки ӯ маҳдуми даврон буд аз иқбол.  
Пас аз соле сӯи ҷаннат хиромид,  
Аз ин дерина дайри мухталиф ҳол.  
Агар пурсад касе таърихи фавташ,  
Бигуям «Баъди маҳдуми ба як сол»!

. . . . .



A decorative border of black ink-style floral and vine motifs surrounds the text. It features stylized leaves, small flowers, and swirling lines that frame the text from the left and bottom.

МУҲОКАМАТУЛ=  
ЛУҒАТАЙН

**Нашрга тайёрловчи**  
**ПОРСО ШАМСИЕВ**



... Такаллум аҳли<sup>1</sup> хирманининг хушачини ва сўз дурри самини махзанининг амини ва назм гулистонининг андалиби нагмасаройи, яъни Алишер алмутахаллис бин-Навойи... мундоқ арз қилурким, сўз дурредурким, анинг дарёси кўнгулдуру ва кўнгул мазҳаредурким, жомии маонийи жузв ва кулладур. Андоқки, дарёдин гавҳар гаввос воситаси била жилва намойиш қилур ва анинг қиймати жавҳарига кўра зоҳир бўлур. Кўнгулдин доғи сўз дурри нутқ шарафига соҳиби ихтисос василаси била гузориш ва оройиш кўргузур ва анинг қиймати ҳам мартабаси нисбатига боқа интишор ва иштиҳор топар. Гавҳар қийматиға нечукки, маротиб асру кўпдур, ҳаттоки, бир дирамдин юз тумангача деса бўлур.

Қ и т ъ а :

Инжуни олсалар муфарриҳ<sup>2</sup> учун,  
Минг бўлур бир дирамға бир мисқол.  
Бир бўлур ҳамки, шаҳ қулоққа солур:  
Қиймати мулк, ибраси амвол<sup>3</sup>

Сўз дуррининг тафовути мундин доғи беғоятроқ ва мартабаси мундин ҳам бениҳоятроқдур. Андоқки, шарифидин ўлган баданға руҳи пок етар, касифидин ҳаётлиқ танга заҳри ҳалок хосияти зуҳур етар.

Сүз гавҳаредурки, рутбасининг  
 Шарҳидадур аҳли нутқ ожиз.  
 Андинки эрур хасис муҳлик, 3  
 Кўргузгуча дурур Масиҳ муъжиз.

Ва бу сўзининг танаввуи тааққулдин нари ва тасаввурдин ташқаридур. Агар муболағасиз ижмол юзидин қалам сурулса ва ихтисор жонибидин рақам урулса, етмиш икки навъ била тақсим топарида худ ҳеч сўз йўқтурки, етмиш икки фирқа каломига далолат қилгай; аммо улча тафсилийдур. Улдурким, рубъи маскуннинг етти иқлимидин ҳар иқлимда неча кишвар бор ва ҳар кишварда неча шаҳр ва қасаба ва кент ва ҳар даштда неча хайл-хайл саҳронишин улус ва ҳар тоғнинг қўлларида ва қуллаларида ва ҳар баҳрнинг жазойирида ва савоҳилида не тавойиф бор. Ҳар жамоат алфози ўзгаларидин ва ҳар гуруҳ иборати ёналаридин мутағаййир ва бир неча хусусият била мутаммайиздурки, ўзгаларда йўқтур.

Андоқки, туюр ва баҳойим ва сибоънинг<sup>4</sup> тиллариким, ҳар бирининг ўзгача хуруш ва такаллумлари бор ва ғайри мукаррар наво ва тараннумлари. Аммо чун алфоз ва иборатдин мурод маънидур ва мазкур махлуқотдин мақсуд инсондур ва ул мазҳари маоний ва баён, сўз анинг сўзиндадур ва такаллум анинг каломида борур.

Эмди келдук сўз баёниға ва калом достониға: Мунча мутанаввиъ шаҳр ва қуро ва жибол ва саҳро ва беша<sup>5</sup> ва дарё халқиким, битилди ва танаввуъ ва тағайюрини шарҳ этилдикки, мажмуида маъни адосида алфоз тилга келур ва ул алфоздин маъни фаҳм бўлур.

Барчасидин араб тили фасоҳат ойини била мумтоз ва балоғат тазъйини била муъжиза тироздурким, ҳеч такаллум аҳлининг мунда даъвоси йўқтур ва сўзи сидқ ва иши таслим-ўқдурким, малики аллом жалло ва алонинг каломи муъжиз низоми ул тил била нозил ва расул (алайҳис-салавот вас-салом) нинг аҳодиси<sup>6</sup> саодат анжоми ул лафз била ворид бўлудур. Ва авлиёйи кибор ва машойихи олий миқдор... кўпрак ҳақойиқ ва маорифки сурубтурлар ва маоний зеболарин тақрир либосиға кижурпдурлар ул фархунда иборат ва ул хужаста алфоз ва ишорат била воқеъ бўлудур...

Мундин сўнгра уч навъ тилдурким, асл ва муътабардур



ва ул тиллар иборати гавҳари била қойилининг<sup>7</sup> адосига зевар ва ҳар қайсининг фуруи<sup>8</sup> бағоят кўптур. Аммо туркий ва форсий ва ҳиндий асл тилларнинг маншандурки<sup>9</sup>, Нуҳ пайгамбар... нинг уч ўглигаким, Ефас ва Сом ва Ҳомдур етишур. Ва бу мужмал тафсили будурки, Нуҳ... туфон ташвиридин нажот ва анинг маҳлақасидин ҳаёт топти, олам маъмурасида башар жинсидин осор ва инсон навъидин намудор қолмайдур эрди. Ефасники, таворих аҳли Абул-турк битирлар, Хито мулкига йиборди ва Сомники, Абул-фурс битирлар Эрон ва Турон мамоликининг васатида волий қилди ва Ҳомники, Абул-ҳинд дебдурлар, Ҳиндистон билодига узатти. Ва бу уч пайгамбарзода авлод ва атбон мазкур бўлгон мамоликда ёйилдилар ва қалин бўлдилар.

Ва Ефас ўғлонники, Абул-туркдур, тарих аҳли иттифоқи била дебдурларки, нубувват тожи била сарафроз ва рисолат<sup>10</sup> мансаби била қардошларидин мумтоз бўлди. Ва уч тилки, туркий ва форсий ва ҳиндий бўлғай, бу учовнинг авлод ва атбон орасида шоеъ бўлди... Чун арабий тил ва мақол била калом ва ҳиндий алфоз била музаҳрафоти нофаржом, бири ғояти шараф ва улувви манзиладин ва бири ниҳояти наҳусат ва дунувви мартабадин орадин чиқтилар. Қолди туркий алфоз била мақсуд адоси ва форсий иборат била калом маъноси.

Андоқ маълум бўлурки, турк сортдин<sup>11</sup> тез фаҳмроқ ва баланд гидроқроқ ва хилқати софроқ ва покроқ махлуқ бўлур ва сорт туркдин тааққул ва илмда дақиқроқ ва камол ва фазл фикратида амийқроқ зуҳур қилибдур ва бу ҳол туркларнинг сидқ ва сафо ва туз ниятидин ва сортларнинг илм ва фунун ва ҳикматидин зоҳир дурур. Ва лекин тилларида камол ва нуқсон ҳайсиатидин фоҳиш тафовутлардурки, алфоз ва иборат вазъ қилурда турк сортқа фоиқ келубдур ва ўз алфозида ишорат, иборатиға мазиятлар кургузуптурки, ўз маҳаллида иншооллоқ мазкур бўлғай. Яна туркнинг мулоямати таъбининг сортдин ортуғлуғига далиле мундин возиҳроқ ва шоҳиде мундин лойиҳроқ бўла олурмуким, бу икки тоифанинг йигити ва қариси, балки улукдин кичик бўриси орасида ихтилот аласавиядур.<sup>12</sup> Ҳар миқдорки, бу бирининг у бири била омишиш ва гуфту-гузори бор, ул бирнинг ҳам бу бир била ҳамонча такаллум ва гуфтори бор. Ва сорт орасида аҳли табъ ва дониш ва зумраи илму зиҳн ва бийниш кўпракдур. Ва турк элида ажлоф ва сода эл сортдин эиёдадур. Аммо

туркнинг улугдин кичигига дегинча ва навкардин бегига дегинча сорт тилидин баҳраманддурлар, андоқким ўз хурд аҳволига кўра айта олулар, балки баъзи фасоҳат ва балогат била ҳам такаллум қилурлар. Ҳатто турк шуаросиким, форсий тил била рангин ашъор ва ширин гуфтор зоҳир қилурлар. Аммо сорт улусининг арзолидин ашрофигача ва омийсидин донишмандигача ҳеч қайси турк тили била такаллум қила олмаслар ва такаллум қилгоннинг маънисин ҳам билмаслар. Агар юздин, балки мингдин бири бу тилни ўрганиб сўз айтса ҳам, ҳар киши эшитса билур ва анинг сорт эканини фаҳм қилур ва ул мутакаллим ўз тили била ўз расволиғига ўзи иқрор қилгондекдур. Ва туркнинг асли хилқатда сортдин таъби мулоимроқ эрканга мундин булжажаброқ тонуг йўқдурки, ҳеч қайси мунунг муқобаласида дам ура олмаслар ва сорт биажманҳим агар турк иборати адосида ожиздур, муҳиқ<sup>13</sup> ҳам бор. Невчунки, турк алфози возии асру кўп вақтда муболага изҳори қилиб, жузвий мафҳумот учун алфоз вазъ<sup>14</sup> қилибдурки, соҳиб вуқуф киши то зоҳир қилмас, инонса ҳам бўлмас.

Андоқки: қувормоқ ва қуруқшамоқ ва ушармак ва жийжаймоқ ва унгдаймоқ ва чекримак ва дўмсаймоқ ва умонмоқ ва ўсанмоқ ва нгирмак ва эгармак ва ўхранмак ва торикмоқ ва алдамоқ ва арғадамоқ ва ишанмак ва игланмак ва айланмоқ ва эрикмак ва игранмак ва онунмоқ ва қистамоқ ва қийнамоқ ва қўзгалмоқ ва сонрулмоқ ва чайқалмоқ ва дендашимоқ ва қийманмоқ ва қизганмоқ ва никамак ва сийланмоқ ва танламоқ ва қимирдамоқ ва серпмак ва сирмамак ва ганоргамак ва сивриқмоқ ва сивгинмоқ ва қилимоқ ва ёлинмоқ ва мунглаймоқ ва индамак ва тергамак ва теврамак ва қинггаймоқ ва шиғалдамоқ ва синграмоқ ва яшқамоқ ва исқармоқ ва кунгранмак ва сухранмоқ ва сийпамоқ ва қораламоқ ва сурканмоқ ва куйманмак ва нигранмоқ ва тушалмак ва мувгаймоқ ва танчиқамоқ ва танчиқолмоқ ва кўруксамак ва бушурганмоқ ва бўхсамоқ ва киркинмак ва сукадамак, бўсмоқ, бурмак, турмак, томшимоқ, қаҳамоқ, сипқормоқ, чичаркамак, журканмак, ўртанмак, сизгурмоқ, - гурпаклашмак, чупрутмоқ, жиргамоқ, бичимоқ, қикзанмоқ, сингурмак, кундалатмак, кумурмак, йнғирмак, кунгурдамак, кинаркамак, кезармак, дўштулмоқ, чидамоқ, тузмак, қазганмоқ, қичигламоқ, гангирамоқ, ядамоқ, қадамоқ, чиқанмоқ, кундурмак, сундурмак, суқлатмоқ.

Бу юз лафздурки, ғариб мақосид адосида таъйин қилибдурларки, ҳеч қайси учун сорт тилида лафз ясамайдурлар-

ки, барчаси муҳтожун илайҳдурки, такаллум чоғида киши анга муҳтож бўлур. Кўпи андоқдурки асло анинг мазмунин тафҳим қилмоқ бўлмас ва баъзиники, англатса бўлғай, ҳар лафз тафҳими учун неча лафзни таркиб қилмагунча бўлмас, ул дағи арабий алфоз мадади била. Ва турк алфозида бу навъ лафз кўп топилур. Масалан, бу мазкур бўлгон юз лафздин бир нечага машғуллуқ қилиб собит қилали, то хасм муқобалада илзом бўлсунки, ўзгаларни мунга қиёс қилсун.

Шуаро акобиридинки, баъзи «май» таърифида муболаға қилибдурлар, ва бу муътаддун биҳ амредурки, май ичмоқ қавондида сўз кўп суруп, зарофат ниҳоятсиз зоҳир қилурлар. Бири сипқармоқ лафзидурки, муболаға мундин ўтмас. Туркча назмда бу матлаъ бордурким,

Б а й т:

Соқийё, тут бодаким, бир лаҳза ўзумдин бораёй,  
Шарт буким, ҳар неча тутсанг лабо-лаб сипқарай.

Оё! Бу сипқарай лафзи мазмунига етганда, форсий шеърда не илож қилғайлар. Ва томшимоққи, ғоят завқдин бот ичмас ва лаззат топа-топа, оз-оз ичар. Бу гариб маъни адосида туркчада бу матлаъ бордурки.

Б а й т:

Соқий чу ичиб, манга тутар қўш:  
Томший-томший ани қилай нўш.

Ва бўхсамоқ лафзи адосида турк бу матлаъни дебдурки,

Б а й т:

Ҳажри андуҳида бўхсабмен, била олман нетай,  
Май иложимдур кўпуб дайри фанога азм этай.

Форсийгўй турк беклар ва мирзодалар бўхсамоқни форсий тил била тиласаларки, адо қилғайлар.

Ва шеърнинг бино ва мадори ишққа эврулур ва ошиқликда йиғламоқдин куллийроқ ва донмийроқ амр йўқтур ва анда танаввуъ бор: йиғламсинмоқ мазмунидаки, турк мундоқ дебдурки,

Б а й т:

Зоҳид ишқин десаки, қилгай фош,  
Йиғламсинуру кўзига келмас ёш

Ва инграмак ва синграмакким, дард била яшурун оҳис-  
та йиғламоқдур ва ораларида тафовут оз топилур, туркча-  
да бу матлаъ борким,

Б а й т:

Истасам давр аҳлидин ишқингни пинҳон айламак,  
Кечалар гаҳ инграмакдур одатим, гаҳ синграмак.

Форсида бу мазмунки бўлмагай, шоир не чора қилгай?  
Ва сиқтамоқким йиғламоқда муболағадур, турк бу навъ  
адо қилибдурки,

Б а й т:

Ул ойки, кула-кула қироғлатти мени,  
Йиғлатти мени демайки, сиқтатти мени.

Яна бийик ун билаки, эътидолсиз ошуб била йиғлағай-  
лар, ани ўкурмак дерлар ва туркчада ул маънида бу мат-  
лаъ борким,

Б а й т:

Ишим тоғ узра ҳар ён ашк селобини сурмакдур,  
Фироқ ошубидин ҳар дам булут янглиғ ўкурмакдур.

Чун ўкурмак муқобаласида форсий тилда лафз йўқтур,  
форсийгўй шоир мунунгдек ғариб мазмун адосидин маҳ-  
румдур. Яна йиғламоқнинг ўкурмаки муқобаласида инчир-  
мак дағи бор ва ул инчка ун била йиғламоқдур ва ул турк  
лафзида бу навъ таркиб била адо топибдурким,

Б а й т:

Чарх зулмидаки, бўғзумни қириб йиғлармен,  
Йигирур чарх (киби) инчкириб йиғлармен.

Аммо йиғламоқта ҳой-ҳой лафзин [адода] ўзларин  
туркийгўйларга шарик қилибдурлар ва бу лафз ҳам ас-

лан туркий услубдур ва фақирнинг бу мақтаи машҳурдур-  
ким.

Б а й т:

Навой, ул гул учун ҳой-ҳой йиғлама кўп,  
Ки ҳа дегунча не гулбун, не гунча, не гул бор!

Яна турк алфозида қимсанмоқ ва қизганмоқ икки ғариб  
лафздурки, анинг адоси бу байтда борки,

Б а й т:

Узорингни очарга қимсанурмен,  
Вале эл кўрмагига қизганурмен.

Фарсийгўй шуаро мундоқ хўб мазмун адосидин маҳ-  
журдурлар.

Ошиқ аёғига тикан кирмакка алар «хор» лафзи била  
таарруз қилибдурлар, аммо чуқурки муълим<sup>15</sup> роқдур, бу  
лафзлари йўқтур ва бу туркчада мундоқ адо топибдурким,

Б а й т:

Чуқурларким, сенинг йўлунгда тевралмиш аёғимга,  
Чекиб ул кўй гардин сурма тортармен қароғимга.

Яна ишқ тариқида маҳбуб наззораси муяссар бўлса,  
ошиқнинг ниёз юзидин телмурмаги асру муносиб ишдур ва  
бу лафз аларда йўқтур ва мунунгдек лафзлари ҳам йўқтур  
ва бу туркчада мундоқ дейилибдурки,

Б а й т:

Тукадур қонимни ҳар дам кўзларинг боқиб туруб,  
Ким неча юзумга боққайсен йироқдин телмуруб.

Яна турк лафзининг маҳбуб жонибидин ясанмоғи му-  
қобаласида сорт лафзида ораста ва оройиш лафзи бор.  
Аммо безанмак муқобаласида демайдулар ва ул ясанмоғ-  
нинг муболагасидур ва ани мундоқ дебдурларким,

Б а й т:

Эрур бас чу ҳусну малоҳат санга,  
Ясанмоқ, безанмак не ҳожат санга?

Ва хўбларнинг куз ва қошлари орасинки, қабог дерлар,  
форсийда бу узвнинг оти йўқтур. Маснавийда бир жамоат  
хўб таърифида мундоқ дейилибдурким,

Б а й т:

Менгизлари гул-гул, мижалари хор,  
Қабоглари кенг-кенг, оғизлари тор.

Яна ишқ атворидаким, ашк ва йиғламоқ муқобаласида  
оҳ ва иссиғ дам умдадур. Турклар дамни чоқинга, оҳни ил-  
диримга нисбат бериб дебдурларким,

Б а й т:

Фироқинг ичра улус уртамакка, эй моҳим,  
Чоқин дурур дамиму илдирим дурур оҳим.

Сорт тилида чоқин ва илдиримдек мутааййин ва муъ-  
табар икки нимага от қўймайдурлар ва араб тили била  
барқ ва сайқа била адо қилибдурлар.

Ва ҳусн таърифида улугроқ холгаким, турклар менг от  
қуюптурлар, алар от қўймайдурлар. Турк бу таърифни  
бу навъ адо қилибдурким,

Б а й т:

Анингким, ол энгинда менг яратти,  
Бўйи бирла сочини тенг яратти.

Агар бирин-бирин алфоз вазъидаким, алар тақсир қи-  
либдурлар, таарруз қилилса, сўз узар. Невчунки, кўп во-  
қеъдур.

Яна шеърда барча таъб аҳли қошида равшан ва маж-  
муъ фусаҳо оллида мубарҳандурки, тажнис ва ийҳом<sup>16</sup> ба-  
ғоят куллийдур. Ва бу фархунда иборат ва хужаста алфоз  
ва ишоратда форсийдин кўпрак тажнис омиз лафз ва ийҳом  
ангиз нукта борки, назмга мужиби зеб ва зийнат ва боиси  
такаллуф ва санъатдур. Масалан: от лафзики, бир маъниси  
алам<sup>17</sup> дур, яна бир маъниси маркабдур ва яна бир маъниси  
амрдурки, тошни ё уқни от, деб буюрғайлар. Бу тажнис-  
да мундоқ дейилибдурким,

Б а й т:

Чун парию ҳурдур отинг бегим,  
Суръат ичра дев әрур отинг, бегим,

Ҳар хадангиким, улус андин қочар,  
Нотавон жоним сари отинг, бегим.

Ва бу икки байтки, тажниси томдур, ҳам турк шуароси хоссасидурки, сортда йўқтур ва мунн туюғ дерлар. Ва мунунг таърифин «Мезонул-авзон» отлиғ арузга битилибдур, анда қилилибдур.

Яна ит лафзи ва анда доғи бу навъ уч маъни бор, андоққи.

Б а й т:

Эй рақиб, ўзни анга тутсанг ҳам ит,  
Бизга раҳм айлаб анинг куйидин ит.  
Гарчи бор дузахча ишқинг шуъласи,  
Бизни уз илгинг била ул сори ит.

Ва туш лафзида ҳам бу навъ уч маъни бор. Ва яна ён лафзида ва ён лафзида ҳам бу ҳолдур ва бу навъ лафзики анда уч маъни бўлғай, ҳад ва ҳасрдин кўпрак топиладур.

Ва хили лафз ҳам топиладурки, тўрт маъниси бўлғай, андоққи, бор лафзики, бир маъниси мавжуддур ва бир маъниси амрдур борувга ва бир маъниси юкдур ва бир маъниси самардур.

Ва андоқ лафз ҳам топиладурки, беш маъниси бўлғай: соғин лафзидекки, бир маъниси ёд қилмоққа амрдур ва бири сутлук қўй отидур ва ишқ масти ва мажнунн ва бемори муқобаласида соғин деса, ҳар бирига итлоқ қилса бўлур.

Яна андоққи, туз лафзики неча маъни ирода қилса бўлур. Бири тузқи, ўқ ё найзадек нимани дерлар. Яна туз — хамвор даштни дерлар. Яна туз — рост кишини дерлар. Яна туз — соғини тузмакка амр қилмоғни, яна туз — икки киши орасида мувофақат солмоғни (дерлар). Яна туз — бир мажлис асбобини ҳам деса бўлур.

Ва кўк лафзин ҳам неча маъни била истеъмол қилурлар. Бири кўк — осмонни дерлар. Яна кўк оҳангдур. Яна кўк теграда кўкламакдур. Яна кўк қадоғни ҳам дерлар. Яна кўк сабза ва ўланғни дағи дерлар.

Бу навъ алфоз ҳамки, уч маъни ва тўрт маъни ва ортуғроқким, ирода қилса бўлғай, кўп борки, форсий алфозда андоқ йўқтур.

Ва маъруф ва мажҳул қофияда «вовий», «ейий» ҳамки, форсий ашъорда воқеъ бўлур, икки ҳаракатдин ортуғ бўл-

мас, «вовий» андоққи: худ ва дуд ва зур ва нур, ва «ёйий» андоққи: пир ва шер.

Ва туркий алфозда бу маъруф, мажҳул ҳаракат тўрт навъ топилур: ҳам «вовий»си ҳам «ёйий»си. «Вовий»си андоққи, ўтки шайъи муҳриқдур<sup>18</sup> ва ўт мурур<sup>19</sup> маъниси би-ла ва ўт муқаммирға бурд жиҳатидин амр<sup>20</sup>, ва ўтки бори-дин ириқ ҳаракатдур, каллани ўтға тутуп, тукин аритур маънидадур. Яна бир мисол: тўрки, домдур, яна тўрки ан-дин дақиқроқдурки: қуш ултур йиғочдур ва тўрки, андин дақиқроқдур: уйнинг тўридур ва тўрки, барчадин ариқдур: тўрлуғни ё ашиқни тўрмак уйдур.

Ва «ёйий» мисол уч ҳаракатдин ортуқ топилмас: безки сорт «кадуд» дер ва бизки «мо» ва «наҳну» маъноси биладур ва бийзки «дарафш» дерлар. Яна бир мисол: Терки, термак маъниси биладур. Терки андин дақиқдур, улдурки, сортлар ани «арақ» ва «хай» дерлар. Ва тирки, боридин ариқдур, ўқ маъниси биладур. Ва бу навъ алфоз кўп, уч ҳаракат биладур ваъз қилибдурларки, ҳоло шоеъдур. Ва неча ҳарфқа иборат вусъати учун, балки қофия суҳулати учун бир-бирига ширкат берибдурлар. Ул жумладин бири, «алиф» биладур «ҳо» орасида муносабат ва мушоракат бериб-дурларки, бир лафэни ҳам охири алиф лафэ биладур қофия қилса бўлур. Андоққи, «аро» лафэин «саро» ва «даро» би-ла қофия қилса бўлур, «сара» ва «дара» биладур ҳам қофия қилса бўлур. Яна бир мисол: андоққи, «ядо» лафэин «садо» биладур қофия қилса бўлур, «бода» биладур ҳам қилса бўлур. Ва «вов» биладур «замма» орасида ҳам ул навъ ширкатдур. Ан-доққи, «эрур» лафэин «хур», «дур» лафэи биладур қофия қил-са бўлур, «ғурур» ва «зарур» лафэи биладур ҳам жойиздур. Ва «ё» биладур касра орасида дағи бу навъдур, андоққи, «оғир» ва «боғир» алфозин «содир» ва «қодир» алфо-зи биладур қофия қилса бўлур, «таъхир» ва «тағйир» алфо-зи биладур ҳам бўлурки, форсий алфозда бу суҳулатлар йўқтур.

Ва бу алфоз возеълари кўп нимада жузъиётқа таарруз қилиб, ғариб мазмун ва мафҳумлар учун алфоз ваъз қи-либдурлар. Андоққи, баъзи масодирда ўтти.

Яна ғизо ва ҳар таомки, еса бўлур, егулук дерлар, ва сорт элининг кўпи, балки барчаси емақни ҳам ва ичмақни ҳам «хўрданӣ» лафэи биладур адо қилурлар.

Ва улук қардош ва кичик қардошни иккаласин «баро-дар» дерлар ва Турклар улугни — «оға» ва кичикни «ини» дерлар. Ва алар улуг, кичик қиз қардошни ҳам «хоҳар»



дерлар. Ва булар удуғни — «бгачи» ва кичикни «сингил» дерлар. Ва булар отанинг ога-инисин «опага» дерлар. Ва онанинг ога-инисин — тағойи» (дерлар). Ва алар ҳечқайси-га от тағйин қилмайдурлар ва араб тили била «эм» ва «хол» дерлар. Ва кўкалтошни туркча тил била дерлар. Ва атка ва энагани ҳам бу тил била айтурлар.

Бир мутааййин нимаким «оқ уйдур», анга «хиргоҳ» от қўюптурлар. Аммо анинг ажзосининг кўпини турк тили била айтурлар. Андоқки, тунгук ва узук ва турлуғ ва босруғ ва чиг ва қанот ва кўзавак ва увуғ ва боғиш ва бусага ва эркина ва ало ҳозал-қийс.

Ва ов ва қушки, салатин одоб ва русумида ҳар қайси бошқа мутааййин ишитур, икаласин, «шикор» дерлар. Ва овда умдаки кийикдур, турк анинг эркагин «ҳуна» ва тишисин «қилчоқчи» дер. Яна суйқуннинг ҳам эркагин «буру» ва тишисин «марал» дер. Сорт оҳу ва гаваздин узга нима демас. Ва бир шўру шайнлиғ овки, тунгуз овидур, анинг ҳам эркагини «қобон» тишисин «мегажин» ва ушоғин «чўрпа» дерлар. Ва сорт барчасин «хук» ва «гуроз» лафзи била айтур.

Ва келдук қушқаки, анда муқаррар ва машҳур илбосун урдакдур. Ва сорт эл илбосунни худ билмас. Тағи турк урдакнинг эркагин «суна» ва тишисин «бўрчин» дер. Ва сорт мунга ҳам от қўймайдур. Ва нар ва мода иккаласин «мурғоби» дер. Ва урдакнинг анвои билур қушчилар қошида, масалан, жўрка ва эрка, суқтур [ва] олмабош ва чокирқанот ва темирқанот ва алдалдага ва алапака ва богчол ва бу йўсунлуқ дерларки, етмиш навъ бўлурким, сорт борисин мурғоби-уқ дер. Ва агар бир-биридан мутамайяз қилса, туркча от била-уқ айтур.

Яна от анвоидаки, тубучоқ ва аргумоқ ва яка ва ёбу ва тоту йўсунлуқ — борини туркча-уқ айтурлар. Ва отнинг ёшин даги кўпракин туркча айтурлар. Бир қулунни «курра» дерлар. Узга: той ва ғунан ва дунан ва тулаи ва чирга ва ланга дегунча фасихроқлари туркча дерлар ва кўпраги муни ҳам билмаслар.

Ва отнинг иярин агарчи «зин» дерлар, аммо кўпрак ажзосин, мисли: жибилгир ва ҳано ва туқум ва жазлиғ ва уларчоғ ва ганжуга ва жилбур ва қушқун ва қантар ва туфак ва туқа йўсунлуқ кўпин туркча айтурлар ва қамчин агар «тозёна» дерлар, аммо булдурғасин ва чубчурғасин туркча айтурлар.

Ва жиба ва жавшан ва кӯҳа ва қолгандуруқ ва қорбичи ва кежим ва оҳа йўсунлуқ уруш асбобин ҳам турк тили била айтурлар.

Ва маъҳудий албиса<sup>21</sup> дин мисли: дастор ва қалпоқ ва наврузий ва туппи ва ширдоғ ва дакла ва ялак ва ёғлиғ ва терлик ва қур йўсунлуғ нималарини борисин турк тили била айтурлар.

Егулуклардин агарчи қуй мучаларидин баъзиға от қуюптурлар, аммо орқани ва ошуглуғ иликни ва ён сунгакни ва қобургани ва иликни ва ўрта илик ва бўғузлағуни туркча айтурлар. Ва яна баъзи емаклардин қаймоғ ва қатлама ва буламоғ ва қурут ва улоба ва манту ва қуймоғ ва уркамочни ҳам туркча айтурлар. Ва қимизни ва сузма-ни ва бохсумни ва бўзани дағи туркча айтурлар. Яна тут-моч ва умоч ва кумоч ва толгонни ҳам туркча айтурлар. Ва бу навъ жузъиётқа машғуллуқ қилса бағоят кўп топилаур.

Аммо куллийрак калимотни адо қилали: араб тили-нинг сарфий истилоҳининг абвобнда бир бобдурки, ан-га — муфоала боби от қуюптурларки, лафз бир мазкур бўлаур, аммо икки киши феълиға муштамилдурки, бир навъ воқеъ бўлғай. Андоқки, «муораза» ва «муқобала» ва «мушоара» ва «муколама» ва куллий бобдур ва мунда азим фавонд ҳосил. Ва форсийгўйлар мунча фасоҳат ва балоғат даъвоси била бу фойдадин маҳрум. Аммо турк булагоси бу фойдага таарруз қилибдурлар. Ва масдарга бир «шин» ҳарфи илҳоқ қилмоқ била ул мақсудни топиб-дурлар. Андоқки, «чопишмоқ» ва «топишмоқ» ва «қучуш-моқ» ва «упушмак» ва бу шое лафздур. Ва бу лафз возен азизларга жойи таслим ва таҳсиндурки, бағоят хуб қи-либдурлар. Ва бу фасоҳат била сорт фусаҳосидин тамом сижилибдурлар.

Яна арабий сарф истилоҳда икки мафъуллуқ<sup>22</sup> феъл-лар борки, анинг адоси дағи муътабар ва куллийдур. Ан-дин дағи сортлар орий қолибдурлар. Ва атрок анга ҳам хўброқ важҳ била мутобаат қилибдурлар. Арабий андоқ-ки, «Аътайту Зайдан дирҳаман»<sup>23</sup>, бу таркибда уч лафз мазкур бўлаур. Алар лафзға бир ҳарф орттургон била мунга ўхшаш бир замирни ортубдурлар, бағоят мухтасар ва му-фид тушубтур. Андоқки, югурт ва қилдурт ва яшурт ва чиқарт.

Яна бир адолари борки, баъзи алфознинг сунггида «ч, и» ки, «чи» лафзидур, ортурурлар, ё мансабнинг ё ҳу-

нарнинг ё пешанинг изҳори учун; форсийда йўқтур, балки алар ҳам туркча айтурлар.

Мансабда андоқки, қўрчи ва сувчи ва хизоначи ва керак-яроғчи ва чавгончи ва найзачи ва шукурчи ва юртчи ва шилончи ва ахтачи йўсунлуғ кўптур.

Ҳунар ва пешада андоқки, қушчи ва борсчи ва қўруқчи ва тамгачи ва жибачи ва йўрғачи ва ҳалвочи ва кемачи ва қўйчи. Андоқки, қуш ҳунарида дағи бу истилоҳ бордур, андоқки, қозчи ва қувчи ва турначи ва кийикчи ва товушқончики, сорт лафзида йўқтур. Ва алар мазкур бўлгонларнинг кўпин туркча айтурлар.

Яна бир навъ иборат ва адолари борким, бировдин бир ишни гумон элтмак била ул ишни ул кишига нисбатгуна берурлар, йўқки, таққиқ юзидин, балки мазанна ва гумон ҳайсиятидин, аммо мунда диққат кўптур. Андоқки, боргудек ва ёргудек ва келгудек ва билгудек ва айтқудек ва қантқудек ва ургудек ва сургудек ва бу форсийда бўлмас.

Ва баъзи алфознинг охирида бир «чим» ҳарфи васл қилурлар ва анинг била ул феълда суръат йўсунлуқ ирода қилурлар. Андоқки, тегач ва айтгач ва борғоч ва ёргоч ва топқоч ва сотқоч; яна бир «ре» ҳарфики, баъзи лафзнинг охирига илҳоқ қилурлар, андин муболага ва саъй ирода қилурлар, андоқки, билакўр ва қилакўр ва кетакўр ва етакўр. Ва яна бир ранг ё бир сифатнинг ҳумули ҳолига муболага учун анинг аввалида, аввал ҳарфига бир «п» ё «мим» изофа қилиб, ул шайъга зоида қилурлар; «п» мисоли: оп-оқ, қоп-қора, қип-қизил, сап-саринг, юп-юмалоқ, яп-ясси, оп-очуғ, чуп-чуқур, бу навъ хили ҳам топилур; «мим» мисоли: кўм-кўк, ям-яшил, бўм-бўз.

Яна бир «вов» ва «лом» баъзи лафзга илҳоқ қилиб бир махсус сифатқа таъйин қилурки, салотиннинг хоҳ разм асбоби учун ва хоҳ базм жиҳоти учун муътабардур. Андоқки, җировул, қаровул ва чингдовул ва янковул ва сузовул ва патовул ва китповул ва ясовул ва баковул ва шиговул ва дақавулким, алар мундин улвийдурлар.

Яна баъзи лафзга бир «лом» илҳоқ қилурларким, ул шайнинг ул сифатда русухига далолат қилур. Андоқки, қаҳол ва ясол ва қабол ва тунқол ва бирқол ва тўсқол ва севаргол.

Бу алфоз ва иборатда бу навъ дақойиқ кўпдурким, бу кунга дегинча ҳеч киши ҳақиқатиға мулоҳаза қилмагон жиҳатдин бу яшурун қолибдур. Ва ҳунарсиз туркнинг си-

там зариф йигитлари осонлиққа була форсий алфоз била назм айтурга машғул бўлубтурлар. Ва филҳақиқат агар киши яхши мулоҳаза ва тааммул қилса, чун бу лафзда мунча вусъат ва майдонида мунча фусҳат топилур, керакким мунда ҳар навъ сухангузорлиғ ва фасихғуфторлиғ ва назмсозлиғ ва фасонапардозлиғ осонроқ бўлғай ва воқеъ осонроқдур.

Андин сунграким, турк тилининг жомеияти мунча да-лоил била собит бўлди, керак эрдиким, бу халқ орасидин пайдо бўлгон табъ аҳли салоҳият ва табъларин ўз тиллари турғоч, ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишга буюрма-салар эрди. Ва агар иккаласи тил била айтур қобилият-лари бўлса, ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди. Ва агар муболаға қил-салар, иккаласи тил била тенг айтсалар эрди. Бу аҳтимол-ға худ йул берса бўлмаским, турк улусининг хуштабълари мажмуи сорт тили била назм айтқайлар ва билкулл турк тили била айтмағайлар, балки кўпи айта олмағайлар ва айтсалар ҳам сорт турк тили била назм айтқондек фасих турклар қошида ўқуй ва ўтқара олмағайлар ва ўқусалар ҳар лафзларига юз айб топилғай ва ҳар таркибларига юз эътироз ворид бўлғай.

Бас бу ҳайсиятлардин андоқ маълум бўлурким, бу тил-да ғариб алфоз ва адо кўпдур. Муни хуш оянда тартиб ва рабоянда таркиб била боғламоғининг душворлиғи бор. Мубтадий<sup>24</sup> табъи ул назмни душворлиғ била боғламоқдин кўфт топиб, мутанаффир бўлур ва осонроқ сари майл қилур. Чун неча қатла бу навъ воқеъ бўлди, табъи хўй қилди, чун табиат муътод<sup>25</sup> бўлди, ўз муътодин қўюб ғайри муъ-тодгаким, мушкилрак ҳам бўлғай, майл қилмоғи мутааз-зирдур.

Яна улким, фаҳм жинси ожизларни ҳам мойил, балки муштағна ушбу навъга кўрар ва замон ва расм аҳли тари-қидин чиқмоғни муносиб кўрмас ва бу навъ била қолур. Ва мубтадийға яна одатдурким, табъидин ул нима бош урса, чун ўз зодаи табъи ўзига маҳбуб эканга мажбулдур, тиларки, ани бу фан аҳлига арз қилиб жилва бергай. Чун бу фан аҳли форсийғўйдурлар ва турк алфозидин баҳра-манд эмаслар, табъи ул жонибдин эъроз қилиб, бу фанга машғул эл сари майл кўргузур.

Эмдики майл кўргузди, муносабатлар топиб ҳам бу хайлдин бўлур. Андоқки, бу замонда бўлубтур. Бори ҳар тақдир билаки бор, бовужуд турк алфозининг форсийға

мунча мазияти ва нафс амрда мунча диққати ва вусъати назм тариқида шоеъ эмас эрди ва китмон ниҳон хонасиға тушуб эрди, балки матрук бўлурға ёвушуб эрди.

Бу хоксорға сабо авоили<sup>26</sup> даким, оғиз ҳуққасидин бирор гавҳар зоҳир бўла бошлар, ул гавҳарлар ҳануз назм силкига кирмайдур эрдиким, замир дарёсидин назм силкига тортилгон гавҳарлар табъ гаввоси саъйи била оғиз соҳилига келабошламоқ кўргузуп эрди. Чун мазкур бўлгон қонда билаким, адо топти — майл форсий сари бўлди. Аммо чун шуур синни<sup>27</sup> га қадам қўюлди, чун ҳақ субҳонаҳу ва таоло табъга гаробат сари майли эзтий ва диққат ва душвор писандлиққа шуруъни жибиллэй қилиб эрди, турк алфозига дағи мулоҳазани лозим кўрулди — оламе назарға келди, ўн секкиз минг оламдин ортуқ, анда зеб ва зийнат; ва сипеҳре табъга маълум бўлди; туққуз фалақдин ортуқ, анда фазл ва рифъат; махзане учради, дурлари кавокиб гавҳарларидин рахшандароқ; ва гулшане йўлуқти, гуллари сипеҳр ахтаридин дурахшандароқ; ҳарими атрофи эл аёғи етмақдин масун<sup>28</sup> ва ажноси гаройиби ғайр илғи тегмақдин маъмун<sup>29</sup>. Аммо махзанининг йилони хунхор ва гулшанининг тикани беҳад ва шумор. Хаёлға келдиким, ҳамоноки, бу йилонлар неши наштаридин табъ аҳли хирадмандлари бу махзаидин баҳра топмай ўтуптурлар; ва кўнгулга андоқ эврүлдиким, гўе бу тиканлар сарзаниши зараридин назм хайли гулдастабандлари бу гулшандин базм тузгуча гул иликлай олмай йўл тутуптурлар.

Чун бу тариқда ҳиммат олий эрди ва табъ бебок ва лоуболий<sup>30</sup>, ўтарға қўймади ва тамошосидин тўймади. Ул олам фазосида табъ сипоҳи турктозлиглар тузди ва ул сипеҳр ҳавосида хаёл қуши баланд парвозлиглар кўргузди ва ул ганж жавоҳиридин замир сайрафиси<sup>31</sup> ниҳоятсиз қийматлиг лаъл ва дурри самин олди. Ва ул гулшан раёҳинидин кўнгул гулчинн ҳад ва гоятсиз нақҳатлиг гул ва ёсуман қўйнига солди.

Чун бу мавоҳиб била гинолар ва бу ғанойим била истигнолар муяссар бўлди, мунунг натойижи гуллари рўзгор аҳлиға беҳад ва миқдор очила бошлади ва бошларига беихтиёр сочила киришти.

Ул жумладин бири: «Ғаронбус-сиғар» девонидурким, кичик ёшда тақририм гузориш ва таҳриримдин нигориш топибдурким, маоний ғурабосидин ғариб алфоз либосига кюрүпмен ва халқ кўнглин ул ғарибистон аҳли ўти била куйдурупмен.

Яна «Наводируш-шабоб» девонидурки, йигитлик авонлида баёним килкидин намойиш девонига ва оройиш бустониға кирибдурким, ул наводир тамошосидин йигитлик мулкида ғавго солибмеи ва мулк йигитлари кўнглидин ором ва қарорни олибмен.

Яна «Бадоеул-васат» девонидурким, умр авсатида хаёлим хомаси анинг зебиға нақшбандлиғ ва зийнатиға сеҳрпайвандлиғ қилибдурким, ул бадеълар воситасидин шайдо кўнгуллар эшигин ишқ тоши била қоқибмен ва ул уйға фитна ва офат утин ёқибмен.

Яна «Фавоидул-кибар» девонидурким, ҳаёт авохирида тахайюлум хомаси ани рашки ниғорхонаи Чин ва ғайрати хулди барин қилибдурким, анда улуғларға фондалар зулолин еткурупмен ва ҳаваслари шуъласига насойиҳ зулолидин сув урупмен.

Бу тўрт девон овозасин чун рубъи маскунға еткурупмен, «Хамса» панжасига панжа урупмен. Аввалким, «Ҳайратул-аброр» боғида табъим гуллар очибдур, Шайх Низомий руҳи «Махзанул-асрор»<sup>32</sup>идин бошимға дурлар сочибдур.

Яна чун «Фарҳод ва Ширин» шабистониға хаёлим юз тутубтур. Мир Хисрав дами «Ширин ва Хисрав»<sup>33</sup>утидин чароғимни ёрутубтур.

Яна чун «Лайли ва Мажнун» водисида ишқим пўя уруб, Хожу Ҳимматий «Гавҳарнома»<sup>34</sup>сидан нисоримға гавҳарлар еткуруптур.

Яна чун «Сабъаи Сайёра» расадин замирим боғлабтур, Ашраф<sup>35</sup> «Ҳафт пайкар»нинг етти ҳурвашин пешкашимға яроғлабтур.

Яна чун «Садди Скандарий» асосин хотирим муҳандиси солибдур, Ҳазрати Махдум<sup>36</sup>«Хираднома»сидин кўси ислоҳ ва имдод чолибдур.

Бу «Хамса» шуғлидин чун фароғат топибмен, тахайюлум гети навардин салотин таърихи даштиға чопибмен, чун нома саводи зулматидин «Зубдатут-таворих»<sup>37</sup> адосин тузупмен, салотин улган отин бу ҳайвон суйи била тиргузупмен.

Чун «Насоимул-муҳаббат»<sup>38</sup> нафаҳоги баёнидин килким файзрасон бўлубтур, авлиё-уллоҳ муқаддас руҳи файзидин олам тўлубтур.

Чун «Лисонут-тайр» илҳони била тараннум тузупмен, қуш тили ишорати била ҳақиқат асрорин мажоз суратида кўргузупмен.

Чун «Насрул-лаолий» хазоини таржимасига еттим, «Назмул-жавоҳир»<sup>39</sup> била маъни абкорин ҳуллаларин му-  
рассаъ эттим.

Чун «Мезонул-авзон» баҳрларнда гаввос бўлдум, ул  
меъёр била Насири Тусий<sup>40</sup> уэрин қўлдум.

Яна доғи расоилга қалам сурупмен ва макотибга<sup>41</sup> ра-  
қам урупменки, форсий сеҳрсозлар ва паҳлавий афсона  
пардозлар ҳам анда авроқ ораста ва ажзо пироста қилиб-  
дурларким, доно ҳакам адолат юзидин кўз солса ва бурун-  
ги форсий ва сунгги туркий латойиф ва дақойиқидин баҳра  
олса, ҳукм сўрар замонида ва ҳар қайсининг мартабасини  
таъйин қилур авонида умидим улдур ва хаёлимга андоқ  
келурким, сўзум мартабаси авждин қуйи инмагай ва бу  
тартибим кавкабаси аъло даражадин ўзга ерни беган-  
магай.

Бу сўзлардин хасм мундоқ билмасун ва муддаий бу  
навъ гумон қилмасунки, менинг табъим турк алфозиға му-  
лойим тушган учун таърифида муболаға изҳор қилурмен  
ва форсий иборатқа муносабатим озроқ учун инкор ва наф-  
йига исрор кўргузуурменким, форсий алфоз истифосин ва  
ул иборат истиқсос<sup>42</sup>ин киши мендин кўпрак қилмайдур эр-  
кин ва салоҳ ва фасодин мендин яхшироқ билмайдур  
эркинким, умрум гулшанининг тоза баҳорининг таровати  
чоғи ва ҳаёт равзасининг наврас сабззорининг назоҳати  
вақтиким, ўн беш ёштин қирқ ёшқачадурки, инсон хайли-  
нинг табъи булбули ҳар гул жамолиға шефта ва руҳи пар-  
вонаси ҳар шамъ ҳусниға фирефта бўлур, вақт бу авқотдур.  
Ва бу авқотда кўп ғариб воқеъ қодисдурки, ул воқеа биров  
ҳусн ва нозин ё ўз ишқ ва ниёзин шарҳ этарга боис бўлур.  
Ва бу ҳол ғазал тариқида мунҳасирким, ё айтурға мутаам-  
мил бўлулғай ё ўқурига муштагил. Уқурига давовин<sup>43</sup>дин  
бу фақир мутолаасиға кўп машгул бўлмагон девон оз эр-  
кин. Батахсис ишқ ва дард аҳлининг роҳбар ва пешрави  
Амир Хисрав Деҳлавий девониким, ошиқлиқда дард ва  
ниёз ва сўз ва гудоз тариқин ул мунташир қилди ва онинг  
ишқи машъалидин бу партав олам тийра хокдонига ёйилди.

Яна ҳақиқат аҳлининг сархайл ва сарафрози Хожа  
Ҳофиз<sup>44</sup> Шерозий нукот ва асроринки, анфоси руҳул-  
қудсдин нишон айтур ва руҳуллоҳ анфосидин асар етку-  
рур.

Яна бу фақирнинг пири ва устози ва тариқат аҳли-  
нинг соҳиби иршоди, жамиъ аҳлуллоҳнинг муқтадо ва  
шайхул-исломи ҳазрати Махдумий Нурул-миллати вад-дин

Мавлоно Абдуллаҳмон Жомийнинг руҳпарвар латойифи ва руҳ густар заройифки, андин ҳар ғазал «кал-ваҳйил-мунзал» ва ҳар рисола, «кал-аҳодисин-набийи мурсал»<sup>45</sup> олий шон ва рафъе макондурким, алардин ҳар лафз қий-матда дурри саминдин обдорроқ ва ҳирқатда лаъли ота-шиндин барқ кирдорроқ. Ва иккаласи мазкур бўлгон азиз каломи муъжиз низомидин анда чошни ва насиб ва ўз ишқ ва камолоти ва ниҳояти ҳолоти мунга изофаки, ҳозо шайъун ажиб. Барчасига кўп қатла ўтупмен, балки кўпин ёд тутупмен ва қасойид ва ғазалиётларининг ғариб ва латофатин билибмен, балки ғариброқ ва латифроқларига татаббуъ<sup>46</sup> дағи қилибмен. Қасойиддин Амир Хисравнинг «Дарён аброр»иким, машҳур мундоқдурки, дер эмиш бўл-гайки, «Юэ минг байтдин ортуғ девонларим ғазалиёти ва қасойид ва маснавийларим абъёти агар олам саҳифасидин ююлса ва даврон сафиҳасидин маҳв бўлса ва бу қасида қолсаки, анда маъни истийфоси вофийдур»<sup>47</sup> бу фан аҳли-га менинг фазойилим далилига кофийдур»<sup>48</sup>. Матлаи маш-ҳурдурким.

На з м:

Кўси шаҳ холию бонги ғулгулаш дарди сар аст,  
Ҳар кӣ қоней шуд ба хушку тар, шаҳи баҳру бар аст.<sup>49</sup>

Бу шеърға Ҳазрати Махдумий Нуран жавоб айтубдур-лар ва отин «Лужжатул-асрор»<sup>50</sup> битибдурлар. Ва матлаи будурким.

Б а й т:

Кўнгури айвони шаҳ к-аз кохи кайвон бартар аст,  
Рахнҳо дон к-аш ба девори ҳисори дин дар аст.<sup>51</sup>

ки, агар ул «Дарёи Аброр»дур, бу абри баҳордурки, мар-табада андин баландроқ ва баҳрада андин фойдамандроқ-дурки, анинг устига соя солурга ёйила олур ва бошиға дур афшонлиғ дағи қила олур. Фақир иккаласи бузургвори рафъе миқдорға ниёзмандлиғ ва ғадолиғ юзидин татаббуъ қилибмен ва отин «Тухфатул-афкор»<sup>52</sup> дебмен. Ва матлаи будурким.

Б а й т:

Оташин лаъле ки тоқи хусравонро зевар аст,  
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.<sup>53</sup>



Ва кўп маъни ангез иборат ва таъмия<sup>54</sup> аmez ишорот изофа қилибменки, бу фан аҳлининг моҳирлари мусаллам тутуптурлар. Ва ҳар кишига бу бобда тараддуд бўлса, Ҳазрати Маҳдумий Нураннинг «Баҳористон» отлиғ китобинким, ани «Баҳористони ҳаёт ва нигористони нажот» деса бўлур, бу матлаъни битибдурлар ва истишҳод юзидин таърифин айтибдурларки, бу маншури давлат сипеҳр тоқига осилса ери бор ва бу тугройи саодатни Муштарий бўйнига овиза қилса мужиби мубоҳот ва ифтихордур. Ул китобни олдик ва бу маҳаллини топиб назар солдик ва билдикки, улча мен таърифиди таҳрир қилибмен, тақсир<sup>55</sup> қилибмен.

Яна Мир Хисравнинг «Миръотус-сафо»<sup>56</sup> отлиғ қасидасираким, халлоқул-маоний Хоқоний Шервоний татаббуъ қилибдур ва матлаи будурким,

Б а й т:

Дилам тифл асту пири ишқ устози забондонаш,  
Саводул-ваҷҳ сабақу, масканат кунчи дабистонаш.<sup>57</sup>

Ва Ҳазрати Махдумий Нуран анинг жавобида «Жилор-руҳ»<sup>58</sup> отлиғ қасидани дебдурлар ва матлаи будурким.

Б а й т:

Муаллим кист, ишқу кунчи хомӯшӣ дабистонаш,  
Сабақ нодонию доно дилам тифли сабақхонаш.<sup>58</sup>

Ва фақир ҳам «Насимул-хулд»<sup>60</sup> қасидасин икаласи бузургворга татаббуъ қилибмен ва матлаи будурким,

Б а й т:

Муаллим ишқу пири ақл дон тифли сабақхонаш.  
Пан таъдиби тифл инак фалак шуд чархи гардонаш.<sup>61</sup>

Бу қасидага дағи кўп маоний гавҳари дарж ва умр нақди харж бўлубдур.

Яна «Руҳул-қудс»<sup>62</sup> қасидасин баланд овоза қилибменки, қудсийлар руҳин андин тоза қилибмен ва матлаи бу дурурким,

Б а й т:

Зиҳи ба хоман қудрат мусаввар ашё,  
Ҳазор нақши аҷиб ҳар замон аз у пайдо.<sup>63</sup>

Яна «Айнул-ҳаёт»<sup>64</sup> қасидаси зулолин еткуррупменки, гафлат аҳлининг улук баданлариға жон киюруппен ва матлаи будурким.

На з м:

Хоҷибони шаб чу шодурвон савдо афкананд,  
Чилва дар хайли бутони моҳсимо афкананд.<sup>65</sup>

Яна «Минҳожун-нажот»<sup>66</sup> қасидасида ҳидоят тариқин тузупмен ва залолат аҳлиға нажот шаҳроҳин кўргузупмен ва матлаи будурким,

Б а й т:

Зиҳ аз шамъи рўят чашми мардум гашта нуронӣ,  
Чаҳонро мардуми чашм омади аз айни нисонӣ.<sup>67</sup>

Яна «Қувватул-қулуб»<sup>68</sup> қасидасинки, килким сабт этибдур, ҳақиқат йўлида заъфлиғ кўнгулларға ул қутдин қувват этибдур ва матлаи будурким,

Б а й т:

Чаҳон ки марҳалаи танги шоҳроҳи фаност,  
Дар ў масоз иқомат ки роҳи шоҳу гадост.<sup>69</sup>

Бу олти қасида ҳамд ва наът ва сано ва мавъизатдур ва аҳли тасаввуф ва ҳақиқат тили била маърифат.

Яна зоҳир шуароси тариқида ҳам тўрт қасидаки, «Фу-сули арбаа»<sup>70</sup>ға мавсумдур ва андин тўрт фасл: ҳарорат ва бурудат ва рутубат ва юбусат<sup>71</sup> кайфияти маълум, хомам рақам қилибдурки, тўрт фасл хосияти асаридек рубъи маскунға ёйилибдур.

Яна суханпардоз устози олий шон Хожа Калимиддин Салмон<sup>72</sup>ки, қасида майдонининг чобуксуворидур ва ўз замонининг беназир сухангузори, машҳурдурки, чун маснуъ<sup>73</sup> қасидаси тартибиға қалам сурубтур, ўн секкизда итмом еткурубдур. Воқиян ише қилибдурки, назм аҳли анинг тааммуқида ҳайрон ва тааммулида саргардондурлар. Тарсий санъати<sup>74</sup>ким, матлаъдин ўзга байтда бўла олмас, ул қасиданинг агарчи мустахраж матлаи ростдур, аммо асли матлаъда аввалги мисраънинг бир лафзида тахаллуф қилибдур ва матлаъ будурким,

Б а й т:

Сафои сафвати рўят бирехт оби баҳор,  
Ҳавои ҷаннати кўят бабехт мушки татор.<sup>75</sup>

Бу матлаъга татаббуъ қилгон куп суханварлар ва назм-густарлар чун муқобалада дебдурлар, лат ебдурлар. Бу фақирнинг матлаи будурки,

Б а й т:

Чунон вазид ба бўстон насими фасли баҳор,  
К-аз он расид ба ёрон шамими васли ниғор.<sup>76</sup>

Басорат аҳли мулоҳаза қилсалар билурларки, бу матлаъ тарсиъга воқеъ булур, айбдин муарро ва мурассаъга келур, эътироздин мубарродур. Бу навъ шеърнинг таъкид ва муболагаси учун яна бир рубоий ҳам дебменки, то халил бинни Аҳмад<sup>77</sup> рубоий қондасин вазъ қилибдур, тарсиъ санъатида рубоий айтилгон эшитилмайдур, балки йўқтур ва ул будурким,

Р у б о й:

Эй рун ту кавкаби қаҳон орое,  
Вэй буи ту ашҳаби равон осое.  
Бе мун ту, ё раб, чунон фарсое  
Гисун ту чун шаби фиғон афзое.<sup>78</sup>

Яна форсий газалиёт девони Хожа Ҳофиз тавридаким, жамиъ сухан адолар ва назм пийролар назарида мустаҳсан ва матбуъдур, тартиб берибменким, олти мингдин абъёти адади купракдурки, купрак ул ҳазрат шеърига татаббуъ воқеъ буллубтур. Ва баъзи Ҳазрати Шайх Муслиҳиддин Саъдий<sup>79</sup> ғаким газал таври мухтариридур. Ва баъзи Мир Хисравғаким, ишқ оташкадасининг шуъла ангизидур ва дард ғарибхонасининг ашкреси. Ва баъзи Ҳазрати Махдумий Нуранғаким, камол авжининг меҳри ломиридур ва мазкур булгон азизлар ҳолотининг жомиики, бу девон халойиқ орасида шоъдур ва рўзгор аҳлининг таъълари ул сари рожеъ ва анда куп турлук дилкаш адолар ва дилпазир маънолар воқеъдурки, тафсили бу фақирдин муносиб эмас. Ва анда ҳар навъ назм аснофидин, мисли: муқаттаот ва рубоийёт ва маснавий ва таърих ва луғаз<sup>80</sup> ва ул жумладин беш юзга яқин муаммоким, кўпи Ҳазрати Махдумий Нуран муборак назарига етибдур ва ул ҳазратнинг ислоҳ ва таҳсини шарафин касб этибдурким, хомамдин рўзгор сафҳасига ёзилибдур ва қаламим лайл ва наҳор авроқида нақш қилибдур.

Булардин доғи бошқа, йигитлигим замони ва шабоб айёми авонида кўпрак шеърда сеҳрсоз ва назмда фусун пардоз шуаронинг ширин ашъори ва рангин абётининг элик мингдин ортуқ ёд тутупмен ва алар завқ ва хушҳоллигининг ўзумни овутупмен ва салоҳ ва фасодларига фикр айтибмен, ва махфий фақойиқига тааммул ва тафаккурлар била етибмен, ва форсий алфоз айб ва ҳунари мулоҳазаси гидрокида табъим ўзин солмайду, балки ул водий қатъида килким равандаси тез гомлиг била қадам урмагон ер қолмайду.

Ва ўттуз йилдин ортуқ ва қирқ йилга яқиндурким, Хуросон мулкиким, фазлу камол аҳлига олам мамоликиннинг мисри муаззамини ва саводи аъзамидур, бу мулкнинг жамиъ назм аҳли шуаройи ширин каломи ва фусаҳойи вожибул-иҳтироми ҳар не ҳар маъни билаким, авроқ юзига оройиш ва ҳар алфоз билаким, ажзо узорига намоийш берибдурлар, бу фақир суҳбатига еткурубдурлар ва бу заиф оллинда ўтқарибдурлар ва ҳақ<sup>81</sup> ва ислоҳ илтимосин қилибдурлар, ва хотирга [хутур] қилгон нуктаки, айтилибдур, инсоф юзидин мусаллам тутуптурлар ва агар баъзи ибс қилибдурлар далоил била аларга хотир нишон қилибдур, андин сўнгра қабул қилиб, ўзларин шокир ва мамнун билдурлар.

Ва басо маоний аҳли хурдадонлар ва дақойиқ хайли дақиқ баёнларки, Анварий<sup>82</sup> ва Салмон шеърда ҳар бири бирининг жонибин тутуб баҳслар қилиб, сўзлари бир-биридин ўтмагандин сўнгра бу фақир оллига муҳокама учун келтуруптурлар ва ҳар не ҳукм топиб дурлар мусаллам тутиб, муноқашалари бартараф бўлубтур. Ва газалда Мир Шохий<sup>83</sup> ва Мавлоно Котибий<sup>84</sup> ва алар гайри тарафидин доғи бу йўсулук ва маснавийда ҳазрат Шайх Низомий ва Мир Хисрав Деҳлавий жонибидин дағи бу дастурлуғ кўп воқеъ бўлубтур.

Барчадин куллийрак санад буким, ҳазрати иршод паноҳи... Нуранки,... форсий сўзда жамиъ алар сўзидин юқориқроқ сўз йўқтур, кўпрак кутуб ва расоил ва газалиёт ва қасоиддаки, маоний гавҳарларин назм силкига кийдуруп эрдилар ва замир ниҳонхонасидин анжуман тамошоғоҳига жилва берур эрдилар, аннинг мусвадда<sup>85</sup>син бурунроқ бу фақирга илтифот ва эътиқод юзидин берур эрдиларким: «Бу авроқни ол ва боштин оёгига назар сол, хотирингга ҳар не айтқудек сўз келса айт», деб ва ҳар не ишорат бўлгониким, мазкур бўлди, зоҳир қилсам, мақбул тушар эрди.

Бу даъвога далил буким, ўндин ортуқ кутуб ва расоилда ул ҳазрат бу фақирнинг отин мазкур қилибдурлар. Ва кўпи табъ ва идрок ва мунга муносиб нималарга нисбат бериб, мастур қилибдурлар.

Бу қабул назари асаридин бир қарндин<sup>86</sup> ортуқ султонус-салотини сипеҳр ойин суҳбатларида ва фирдавс таъйин хизматларидаким аҳли каломдин ва мақолдин фаъл ва камол зумрасининг мажмаи<sup>87</sup> дур ва илм ва фазлнинг манбаидур, бу фақирнинг суъига мартаба рафеъ ва мақола васеъ эрди, ва ўзига суъ жиҳатидин азим эътибор ва суъига ўз жиҳатидин бийик поя ва миқдор.

Ва султонус-салотиники, мазҳари лутфи илоҳий ва муаҳри анвори ҳақойиқи номутаноҳийдур ва фархунда замири улум гавҳарининг даоёси ва хужаста хотири хоксор бандалар зотининг кимиёсидур, бу тоифанинг кўпрак истилоҳ ва қавоидидин олий мажлисда суъ ўтса мухотаб<sup>88</sup> бу фақир, фасоҳат ва балогат аҳли натойижи табъидин ҳар не мазкур бўлса мушорун илайх<sup>89</sup> бу ҳақирни қилур эрдилар. Ва ул миқдор бу туфроғнинг рутбасин фалакка еткуруп ва онча бу зарранинг поясин қуёшдин ошуруп эрдиларким, ўзларининг хуршед файъ табъларидин зуҳур қилгон рисолаки<sup>90</sup>, ўз гавҳаррез қаламларидин нигориш топибдур ва ўз камохий ҳолатлари кайфиятида гузориш сурати тутупдур, бу бойри бандаларини назм тариқининг барча навъида таърифлар битиб, соҳибқиронлиқ лақаби била сарафроз қилибдурлар ва бемисл ва анбозлиг васфи била мумтоз этибдурлар] ва муқаррардурки, ҳумоюн табълари замон мушкилотининг меъёридур, фархунда зиҳнлари олам дақойиқининг ҳаллоли ва соҳиб асрори.

Бандан хоксор агарчи туфроғдин ўксук эрдим, аммо ул қуёш тарбияти била ранго-ранг гуллар очтим ва бу афкандан беътибор агарчи заррадин камрак эрдим, ул саҳоб тақвияти била гуно-гун дурлар сочтим ва дилсуъ абётим муножот аҳлига ошуб ва гавго солди ва баъз афруъ газалиётим хароботийларга оҳу вовайло солди.

Ҳосили калом андин сўнграким, мунча қавий далоил ва азим шавоҳид била бу фақирнинг вуқуфи, балки маҳорати бу фаннинг форсий ва туркий назмида собит ва равшан бўлди, агар бирни яна бирга таржиҳ қилсам, керакки, бу тоифадин ҳеч кишига мусаллам тутуп, саддақа<sup>91</sup> демакдин ўзга мақол ва мажол бўлмағай. Батахсиски, мунча бурҳони қотей била ҳам қатъ топқай ва истишҳодға бу мусвадда-

127

нинг ҳам лафзи йўқки, ҳар ҳарфи фарёд урғайлар ва гавро кутарғайлар.

Яна бир куллия буқим, то мулк араб хулафоси ва салотинида эрди, фалак ул вақтда назм дабирига араб тили била жилва берди, андоқки, Ҳассон Собитдек ва Лақитдек<sup>92</sup> маликул-калом суҳан гузорлар ва маъний офарин фасоҳат шиорлар пайдо бўлдилар ва ўз тиллари била назм адосининг додин бердилар.

Бу муносабат била араб салотини дағи Иброҳим Маҳди<sup>93</sup>дек ва Маъмун халифа<sup>94</sup>дек ва булардин ўзга ҳам салотинзодалар фарро назмлардин қасоид айттилар ва фавонд зоҳир қилдилар.

Чун мулкдин баъзи ақолим ва кишварда сорт салотини мустақил бўлдилар, ул муносабат била форсийғуй шуаро зуҳур қилдилар. Қасидада Хоқоний<sup>95</sup> ва Анварий ва Камол Исмоил<sup>96</sup> ва Заҳир<sup>97</sup> ва Салмондек ва маснавийда устози фан Фирдавсий<sup>98</sup> ва нодири замон Шайх Низомий ва жодуи ҳинд Мир Хисравдек ва ғазалда мухтариин вақт Шайх Муслиҳиддин Саъдий ва яғонаи аср Хожа Ҳофиз Шероёнйдекки, буларнинг таърифи юқорироқ чун шаммаи сурулупдур ва васфларига қалам урулупдур. Сўзни узотмоқ ҳожат эмас ва калом татвилини маъни аҳли мустаҳсан демас. Ва бу муносабат била сорт салотинидин ҳам Султон Тўгрул<sup>99</sup>дек ва Шоҳ Шижоъ<sup>100</sup>дек олий қадр подшоҳлар ва рафеъ мартаба анжум сипоҳлар рангин абёт ва ширин ғазалиёт айттилар ва замонларида машҳур бўлди ва рўзгорлари авроқида мастур.

То мулк араб ва сорт салотинидин турк хонларга интиқол топти, Ҳулоғухон<sup>101</sup> замонидин султони соҳибқирон Темур Курагон<sup>102</sup> замонидин фарзанди халафи Шоҳрух Султон<sup>103</sup>нинг замонининг охиригача турк тили билан шуаро пайдо бўлдилар. Ва ул ҳазратнинг авлод ва аҳфодидин ҳам хуш табъ салотине зуҳурга келди: шуаро Саккокий<sup>104</sup> ва Ҳайдар Хоразмий<sup>105</sup> ва Атойи<sup>106</sup> ва Муқимий<sup>107</sup> ва Яқиний<sup>108</sup> ва Амирий<sup>109</sup> ва Гадоий<sup>110</sup>деклар. Ва форсий мазкур бўлгон шуаро муқобаласида киши пайдо бўлмади, бир Мавлоно Лутфий<sup>111</sup>дин ўзгаким, бир неча матлаълари борким, табъ аҳли қошида ўқуса бўлур. Ул жумладин бири будурким,

Б а й т:

Улки ҳусн этти баҳона элни шайдо қилғали,  
Кўзгудек қилди сени ўзини пайдо қилғали.

Ва салотиндин ҳам улгуча табъ асари ҳеч қайсидин зоҳир булмади ва варақ юзига нақш қилгуча нима қолмади, Султон Бобир<sup>112</sup>дин узгаким бу матлаъ алар табъи асаридурким,

Б а й т:

Неча юзунг куруб ҳайрон бўлайин,  
Илоҳи мен санга қурбон бўлайин.

То бу вақтқачаким, мулк бу дудмоннинг тахти салтанатиға хотам ва тожи хилофатиға сазовор ва мусаллам, асолат баҳрининг дурри шоҳвори, адолат маъданининг гавҳари олий миқдори, сипаҳбадлик маъракасининг Рустами Достоини, сипаҳдорлик майдонининг Соми Наримони, сарафрозлиғ тожининг гавҳари зебандаси, базмсозлиғ сипеҳрининг ахтари фархундаси, жаҳондорлиғ базмининг Искандари Жамшеджоҳи, жаҳонгирлиғ анжуманининг хуршеди олампахои, рифъат жаҳонининг қуллаи гардунхароши, адолат сипеҳрининг саҳоби гавҳарпоши, фаълу камол ҳадақасининг мардумаки бийноси, такаллум ва мақол ҳадиқасининг булбули хуш навоси ас-султон биннис-султон, ал-хоқон биннил-хоқон муиззус-салтанати вад-дунё вад-дин Абул-гози Султон Ҳусайн Баҳодирхон<sup>113</sup>...

Р у б о и й:

Ким то фалак офоқ уза давр қилур,  
Анжум гули ҳар тун бу чамандин очилур,  
Не шоҳ анинг зоти киби ёд билур,  
Не табъ анинг табъидек истаб топилур.

Токим фалак эврулур давом ўлсун анга,  
Иқбол бисотида мақом ўлсун анга.  
Ҳам нутқ била жонбахш калом ўлсун анга,  
Ҳам назм каломи мустадом ўлсун анга.

Жаҳонбонлиқ тахтида мақом тутти ва кишварситонлиқ маснадида ором топти — мулк силкига амният гавҳарларини чекти ва жаҳон мазраъида жамъият доналарини экти, чун салим (қалби) гавҳари кони маоний эрди ва мустақим зеҳни мавриди файзи субҳоний, калом аҳлиға тарфия ва ибтиҳожлар<sup>114</sup> ва калом хайлиға равнақ ва ривожлар даст берди. Ва ҳар илмда муфид таълифлар ва ҳар фанда мунтиж таснифлар қилдилар ва ғариб расоили маънавий зуҳур

қилди ва ажиб давовин ва ғазал ва қасоид ва маснавий ёйилди. Ва ўз шариф таъб ва латиф зеҳнларидин дағи, ағарчи ҳам форсий демакка қодир ва ҳам туркча айтмоққа моҳир эрди, аммо аслий таъб иқтизоси ва шоеъ такаллум муносабати адоси била туркий девон тадвиниға майл қилдилар ва дилпазир абёт ва беназир ғазалиёт тартиб бердиларки, то Уторид<sup>116</sup> фалак девонхонасининг қаламзан ва роқимидур ва сипеҳр байтул-интизомининг рақамкаш ва нозими, андоқ гулшан дақойиқ гулу раёҳини била ороста ва ул навъ махзәне маоний жавоҳири самини била пийроста кўрмайдур. Дақиқ маъни гулбузорларн салисалфоз кисбатларида жилванамой ва ғариб мақсуд моҳрухсорлари латиф адо ҳулаларида чеҳракушой. Девон демайки, баҳри Уммондур, ҳар ғазал анда жавоҳирдин мамлу бир сафина; сафина демайки, хазинадур, ҳар байти бир уй маоний гавҳарларидин анда юз давина; сўзнок абётини ўқуғувчининг нафаси эл кўнглин ўртамакка самуми офат ва дардмандона алфозини адо қилғувчининг уни харошидин маҳзунлар бағри жароҳат; иборатн нишотлиғ замирларни мотамзада қилғувчи ва ҳарорати муздек совуғон кўнгулларин оташкада қилғувчи; ҳуруфи тартибида сеҳрсозлиғлар ва адоси таркибида фусунпардозлиғлар ҳосилки, туркча тил била бу навъ девонки, мазкур бўлди ва таърифи бу сифат ва ойин билаки, мастур бўлдиким, бу йўсунлуқ ғаройиб йўқки, салотини мукаррами Доро ҳашамдин, балки шуаройи қудсий нафаси Масиҳ дамдин воқеъ бўлмайдур ва ораға кирмайдур, воқеъ бўлди ва ораға тушти ва анинг зулоли ҳаётининг файзи қуёш чашмасидин ўтгали ёвушти ва бу тоифанинг бебаҳралари бу руҳ нақдидин баҳраёб ва лаб ташналари бу оби ҳаётдин сероб бўлдилар. Бовужуд бу султонус-салотининг кимиё асар хотири ва хуршед осор замири дағи мунга мойилки, турк нозимлари ўз алфозлари билан шеърға машғуллуқ қилгайлар ва кўнгул гунчаси доғидинки, печлар чирманибдур баҳор насимидек анфос била гулдек очилгайлар. Ва илтифот ва эҳтимом юзидин баъзи маънилар топиб, назм қилурға ҳукмлар ҳам жорий бўлди ва сўз услубиға таъйинлар ва адосиға таълимлар ҳам изҳори бўлди.

Турк улусининг хуш таъб беклари ва мирзодалари ва соҳиби зеҳн пок таъблари ва озодалари андоқки, керак машғуллуқ асбобин туза олмадилар ва ул навъ таъб натижаси кўргуза олмадиларки, андин хушгўйлуқ умиди тутса бўлгай, балки бу умидни аларнинг рўзгорн ҳолиға ёвутса бўл-



гай. Турфароқ буким, бу навъ подшоҳи суҳандон тарғиби ва талқини эҳсони ва таҳсини қондан мутобаат ва мувофақатни унутуб ва жоддаи нофармонлиғ ва залолатни тутуб, кўпи, балки бориси форсийга мойил бўлдилар ва ул тил била назмга қойил. Бу иш мундин ўзга бўла олмаски, турк тили таърифида андоқки, юқорироқ мазкур бўлди: бовужуди алфоз касрати ва иборат вусъаси ва маоний ғаробати ва адо салосати дилпазир боғламоқда суубат бор ва дилпиганд тартиб бермакта таъ ранж ва уқубат топар, лозим кўрунди турк тили шарҳида бир неча вараққа зеб-оройиш бермак ва анда ҳазрати султонус-салотин мулоямати таъ ва маҳорати зеҳнларин шарҳ этмак ва ҳумоюн раъйлари тартиб берган девон бобида бир неча сўз густохлиғ сурмак ва ул ҳазрат камоли донолиқ ва вуқуф ва тавонолиғ ниҳоятин бу фан асҳобиға ва бу фазл арбобиға таълимлар бериб ва талқинлар қилиб, булар ул ҳазратнинг дақиқ сўзин ё англамай, ё англасалар буюрулгон йўсун била амал қилмай, ё қила олмай. Ва бу заифи хоксор ул ҳазратнинг қудсий нафаси посини асрап ва вожибул-изъон ҳукмларига итөө ва фармонбардорлиқ қилиб, кўнғлумдин ва тилимдин келганча ва қаламим ва илғимдин қувват фаҳм қилганча ул ҳазратқа бовужуди бандалиғ ва ул бандалиғ била саодатмандлиғ ва фархундалиғ — шоғирдликка дағи ўзумни мушарраф ва аржуманд ва мубоҳий ва сарбаланд қилдим. Ва йиллар турк тили ва назми қонда ва услубида билмаганларимни сўруп ва мушкилларимни ҳаллоли мушкилотим тобуғида арзга еткуруп, азим фондалар топиб, куллий натижалар кўрдум. Ул ҳазратнинг таълими ва тарбияти била ва раҳнамойлиғи ва тақвияти била ишим ул ерга еттиким, ул ҳазрат ўз пок таълари натижасидин зоҳир бўлгон рисолаки, ўз маориф нигор килки таҳрири эрди ва ўз латоиф осор нутқи таҳрири, алқобимни юқори адо қилдимки, не унвон била сабт қилдиларки, мукаррар қилмоқ ҳожат эрмас.

Бу бандага ҳам чун бу навъ азим давлатки, ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг «Ал-мутакаллим»<sup>116</sup> деган исмиға маъҳарийят бўлғай ва халойиқ орасида такаллумда ақрон ва амсолдин имтиёз ва эътибор ва улуғ от била овоза ва иштиқорғаки, ул ҳазратнинг иноят ва эҳтимомлари боис бўлди, ва юқори мазкур бўлгон давовин ва маснавий ва соиркутуб ва расоили маънавийки, то олам биносидур бу тоифадин ҳеч кимга ижтимое даст бермайдур ва ихтирое муяссар бўлмайду, даст берди ва муяссар бўлди. Агарчи бор-

чани ул ҳазратнинг шариф исмига мухайял ва ҳумоюн алқобиға музайял қилибмен, буларни соир иноятлари муқобаласида тутуп «Ал-мутакаллим» исмига мазҳариятим узрига туркий ва сорт луғати кайфияти ва ҳақиқати шарҳида бу рисолаи жамъ қилиб битидим. Ва анга «Муҳокаматул-луғатайн»<sup>117</sup> от қўйдум, то турк эли тили фасоҳат ва диққати ва балоғат ва вусъатики, ул ҳазрат бу тил ва иборат била назм бисоти тузупдурлар ва Масиҳо анфоси ва Хизир зулолидин ўлук тиргузмак тариқин олам аҳлига кўргузупдурлар, зоҳир қилдим. Ва хаёлимга мундоқ келурким, турк улуси фасихлариға улуг ҳақ собит қилдимки, ўз алфоз ва иборатлари ҳақиқати ва ўз тил ва луғатлари кайфиятидин воқиф булдилар ва форсийгўйларнинг иборат ва алфоз бобида таън қилур сарзанишидин қутулдилар. Алар дағи ранж ва машаққатим муқобаласида, чун бу махфий илмдинки, зоҳир қилибмен, вуқуф топсалар, умид улким, бу фақирни хайр дуоси била ёд қилғайлар ва руҳумни анинг била шод қилғайлар.

Рубоий:

Бу номаки, ёзди қаламим тортиб тил,  
Таърихин анинг жумодиюл-аввал бил,  
Куннинг рақамини чоршанба қилғил,  
Тўққуз юз йилдин ўтуб эрди беш йил.<sup>118</sup>





**МЕЗОНУА**  
**АВЗОН**

Нашрга тайёрловчи  
ИЗЗАТ СУЛОН



Комил ҳамд ва вофир шукр ул сониъгаким, инсон хилқати байтининг назмин аносир турт рукии била тузди ва бу байт арконин назм аҳлининг солим табъ ва мустақим зеҳни икки мисраи била манзум кўргузди. Ва жадид наът ва қариб дуруд ул нозимгаким, олам аҳли интизоми учун шариат мезонини адл авзони била рост келтурди, то ул ростлик сиқли ҳашр мезонига мадад еткурди.

Аммо баъд; солим ва мавзун табълиг назм аҳлига ва матбуъ табъ ва мулойим зеҳник шеър хайлига маъруз улким, бу банда ҳазрати султонус-салотин муиззус-салтанати вад-дунё вад-дин Султон Ҳусайн Баҳодирхон халладаллоҳу мулкаҳу ва адома умраҳу ва давлатаҳунинг ҳар навъ назм бобида таълим ва тарбиятлари била ва ҳар синф шеър услубида тафҳим ва тақвиятлари била аҷам шуароси ва фурс фусаҳоси ҳар қайси услубдаким, сўз арусига жилва ва намойиш бериб эрдилар, турк тили била қалам сурдум ва ҳар нечук қоидадаким, маъни абкориға зийнат ва оройиш кўркузуб эрдилар, чиғатой лафзи била рақам урдум. Андоқким, то бу мазкур бўлгон тил ва лафз биносидур, ҳеч нозимға бу даст бермайдур ва ҳеч роқимға бу муяссар бўлмайдур.

Аммо чун ул ҳазратнинг шариф мажлислари маоний жавоҳирининг кони эрди ва латиф табълари назм қавоидининг мезони ва замон шуароси олий даргоҳда ходим ва даврон булоғи ва зурафоси маолий боргоҳда мулозим эрди-

лар, мудом назм ва насрдин суъ мазкур ва аладдавом шеър ва муаммодин табъ натойижи мастур бўлур эрди ва ул ҳазратнинг дақойиқ шиор табълари назм ойини ва интишорига толиб ва ҳақойиқ осор зеҳнлари шеър тартиби ва иштиҳорига роғиб; андоқки, назм аҳлининг шакаррези ва муҳаббат хайлининг оташ ангези, дард ва шавқ тариқининг покрави, яъни Амир Хисрав Деҳлавий равваҳаллоху руҳаҳунинг ғазалиётиниким, тўрт девонга машҳурдур, улча саъй ва имкони бор, қилилиб, йиғдурдилар ва анинг абёти адади ўн секкиз мингга етти ва ани ғояти зийнат ва зеб ва ниҳояти такаллуф ва жадвал ва тазҳиб била замон хушнависларига китобат қилдурдилар ва анинг ривож ва равнақин қуёшдек ройи оламорой машгуллиқи била фалақдин ошурдилар. Чун ул маликул-калом бу фанда маҳорат ва камолидин ва амийқ табъ ва дақиқ хаёлидин кўпрак баҳрада шеър айтибдур ва аксар назм номатбуъ вазнда дебдур ва замон зурафосидин баъзининг солим табъи анинг балоғатидин қосир ва идрокидин мутаҳаййир, балки мутанаффир эрди. Ул ҳазратнинг ҳумоюн табълариға ғариб ихтирос ва ажиб иштиҳоде келдиким, ҳарғиз салотиндин, балки шуаройи назм ойиндин ҳеч кимнинг хаёлига келмайдур ва хотириға хутур қилмайдур.

Анинг шарҳи будурки, ул девонда ҳар ғазал бошида ул ғазал не баҳрада ва не вазнда эрканин ва арконинга қайси зиҳоф кириб, не навъ тағайюр топқанин битгайлар ва сабт қилгайлар, то барча эл ул баҳр аҳволини ва ул вазн ашқолини маълум қилгайлар, ва алҳақ бу хаёл асру ғариб ва нодир тушубдур, балки жамъ девон тартиб берган шуароға азим ҳаққе собит бўлубтур. Ва бу банданинг дағи тўрт девонигаким, туркча тил билан назм топибдур ва абёти адади йиғирми беш мингга яқинлашибдурким, ул ҳазратнинг ҳумоюн алқобиға рақам топибдур ва музайян бўлубтур, ҳам ушбу мазкур бўлгон дастур била тартиб берилибдур.

Чун ул ҳазратнинг муборак хотирлари шеър бухур ва авзонига ва назм қавонд ва мезонига мунча мойил эрди, аруз фаннида бу мухтасар сабт бўлди ва анга «Мезонул-авзон» от қуюлди ва неча қонда ва доира ва вазнким, ҳеч арузда, мисли фан возии Ҳалил ибни Аҳмад ва илм устоли Шамс Қайс кутубида ва Хожа Насир Тусийнинг «Меёр-рул-ашъор»ида, балки Ҳазрати Махдумий наввара марқадаҳу нуран «Аруз»ларида йўқ эрдиким, бу фақир бу фан усулидин истихрож қилиб эрдиким, бу китобга изофа қил-

дим. Эмди тенгридин тавфиқ тилаб, ул азизлар руҳидин истимдод қилиб, шуруъ қилнлур.

Аммо билгилким, аруз фанником, назм авзонининг мезонидур, шариф фандур. Невчунким, назм илмининг рутбаси бағоят бийик рутбадур. Андоқки, ҳақ субқонаҳу ва таолонинг каломи мажидида кўп ерда назм воқеъ бўлубтурки, аруз қавоиди била ростдур. Ул жумладин бири бу оятдурким: «Лан таноул-бирра хато илон»дур; «рамали мусаддаси мақзуф» воқеъ бўлубтур. Ва яна будурким: «Валмурсалоти урфан, фал-осифоти асфан»ким, вазни: «мафъулу фобилотун мафъулу фобилотун»дур, «музорен мусаммани акраб» воқеъ бўлубтур. Ва яна: «Жанноти аднин фаджуллоҳо холидин»ким, вазни: «мастафилун мустафилун мустафилон»дур ва «ражази мусаддаси музол» воқеъ бўлубтур. Ва каломуллода кўп ерда бу навъ воқеъдур. Ва расул салаллоҳу алайҳивассаллам аҳодисида дағи ҳам бу тариқ тушубтур. Ул жумладин бири будурким, «ман акрама олиман фақад акрамани» ким, вазни: «мафъулу мафонилун мафонйлу фаул»дур, ва рубойи вазнида «ҳазажи ахраби мақбузи макфуфи мажбуб» воқеъ бўлубтур.

Ва амирул-муъминин Али каррамаллоҳу важҳаҳунинг ашъори кўпдур, балки девони бор. Яна машойих ва аймма ва авлиёуллодин ҳам кўп азируш-шаън элнинг назми, балки девони ва маснавий тарнқи била китоблари борким, истишҳодга ҳожат эрмас, нечунким, халойиқ қошида равшандурур ва ҳам сўз татвил топар. Ва бу назмларнинг асли ва зобитаси аруз буҳур ва авзонига мавқуфдур.

Бас собит бўлдимким, аруз фанни шариф фандур. Ва буким, бу илми нечун «аруз» дедилар, мухталиф ақвол бор. Ул жумладин, бири била иктифо қилилур. Ва ул будурким, Халил ибни Аҳмад раҳматуллоҳки, бу фаннинг возидур, чун араб эрмиш ва анинг яқинида бир води эрмишки, ани «Аруз» дерлар эрмиш ва ул водида аъроб уйларин тикиб, жилва бериб, баҳоға кижурлар эрмиш. Ва уйни араб «байт» дер. Чун байтларни бу фан била мезон қилиб, мавзунини номавзундин аюрурлар, гўёки қиймат ва баҳоси маълум бўлур, бу муносабат била «аруз» дебтурлар. Байтники уй оти бирла отабдурлар, муносабати муни дебдурларки, уйнинг чун биноси тўрт рукн биладур, бу байтнинг ҳам биноси тўрт рукн биладур, бу байтда ҳам маъни ҳайсиятидин кўп нималар бўлур, ҳатто уйнинг маҳ-

эунот ва махфиёти ўрнига ҳам мунда махфий ва мактум хаёлот ва маони топса бўлур, бу муносабатлардин ани «байт» дебдурлар.

Аммо маълум бўлсунким, аруз фанни аҳли назм авзони усулининг биносин уч рукнига қўюбтурларким, аларни сабаб ва ватад ва фосила дебтурлар.

Сабаб икки навъдур: сабабни хафиф, ва ул лафзедур муштамил: бир мутаҳаррик ва бир сокинга, андоқким, май (می) ва най (نی) ва гул (گل), ва мул (مل). Ва сабабни сақийл, ва ул лафзедур муштамил: икки мутаҳаррикка, андоқким, юзи (یوزی) ва кўзи (کوزی) ва хати (خطی) ва қади (قدی).

Ва ватад дағи икки қисмдур: ва ватади мажмуъ, ва ул лафзедур: икки бурунқи ҳарфи мутаҳаррик ва бир сўнгқи ҳарфи сокин, андоқким, шажар (شجر) ва самар (ثمر) ва Хутан (ختن) ва Адан (عدن). Ва ватади мафруқ, ва ул лафзедур: бурунқи ва сўнгқи ҳарфи мутаҳаррик ва ўртанчи ҳарфи сокин, андоқким, хома (خامه) ва нома (نامه) ва ноқа (ناقه) ва фоқа (فاقه).

Фосила дағи икки навъдур: Фосилаи суғро, ва ул лафзедур: уч ҳарфи мутаҳаррик ва тўртунчи ҳарфи сокин, андоқким, мираким (میرکیم) ва юраким (یورکیم). Ва фосилаи кубро, ва ул лафзедур: тўрт ҳарфи мутаҳаррик ва бешинчи ҳарфи сокин, андоқким, яшамаған (یشمغن) ва касмаған (کسگن).

Ва бу арконнинг мажмуи бу калимот таркибида даражадурким: «Ул кўзи қаро дарду ғамидин чидамандин».

Ва мавзун калом таълифи бу арконнинг ҳеч қайсини то яна бирига мураккаб қилмағайлар, мустаҳсан тушмас. Не сабабдин, андоқким, байт:

Эй ой, келким, ёрингдурмен,  
Фурқат шоми зорингдурмен.

Ва не автоддин, андоқким, байт:

Қади ҳавосидин гаҳи шажар сари назар қилай,  
Юзи хаёлидин гаҳи чаман сари гузар қилай.

Ва не фавосилдин, андоқким, байт:

Мираким, тилаким чу сен ўлдунгу бас,  
Не қилай яналар кўрарни ҳавас.



Бас мавзуи калом таълифида бу аркон таркибидин гузир йўқтур ва араб ва ажам шуаросининг жамиъ ашъори мураккаб бу аркон ижтимоидиндур, ва аруз аҳли ани «афонйл» ва «тафонйл» дерлар ва ул секкиз фаслга мунҳасирдур:

1) Фаъулун — (فاعلون) — ватади мажмуъ тақдими била сабаби хафифқа.

2) Фовилун — (فاعِلن) — сабаби хафиф тақдими била ватади мажмуъқа.

3) Мафобийлун — (مفاعيلن) — ватади мажмуъ тақдими била икки сабаби хафифқа.

4) Мустафъилун — (مستفعلن) — икки сабаби хафиф тақдими била ватади мажмуъқа.

5) Фовилотун — (فاعلاتن) — ватади мажмуъ кидурмак била икки сабаби хафиф орасига.

6) Мафобилатун — (مفاعلتن) — ватади мажмуъ тақдими била фосилаи суғроға.

7) Мутафобилун — (متفاعِلن) — фосилаи суғро тақдими била ватади мажмуъға.

8) Мафъулоту — (مفعولات) — икки сабаби хафиф тақдими била ватади мафруққа.

Ва улча бу секкиз усулдин форсий шеърда касирулвуқуъдур — бешдур: 1) мафобилун, 2) ва фовилотун, 3) ва мустафъилун, 4) ва мафъулоту, 5) ва фаъулун. Ва туркча шеърда ҳам, улча мулоҳаза қилилибдур, бу аркондин ўзга вуқуъ топмас, магар такаллуф била. Ва бу беш аслнинг ҳар бирига неча фаръдурким тагайюрлар сабабиники, ани арузийлар «зиҳоф» дерлар, ҳосил бўлур. Ул жиҳатдин зиҳоф ва фуруъ орасида бир фасл тартиб берилди.

Фасл. Мафобийлун зиҳофоти ўн бирдур ва фуруи дағи ўн бирдур. Аммо зиҳофи: 1) «Қабз» — мафобийлун «ё»сининг исқотидур, то мафобийлун қолғай. 2) «Каф» — мафобийлун «нун»ининг исқотидур, то мафобийлу қолғай. 3) «Харм» мафобийлун «мим»ининг исқотидур, то фовийлун қолғай ва мафъулун анинг ўрнига битарлар. 4) «Харб» — мафобийлун «мим»и ва «нун»ининг исқоти-

дур, то фoъийлу қолғай ва мафъулу анинг ўрнига битарлар. 5) «Шатар» — мафoъийлун «мим» ва «ё»сининг исқотидур, то фoъилун қолғай. 6) «Ҳазф» — мафoъийлуннинг охир жузвининг охир сабаби хафифи исқотидур, бас мафoъийлундин мафoъий қолғай ва фаълун анинг ўрнига қўярлар. 7) «Қаср» — охир жузвининг, яъни сабаби хафиф охирининг исқотидур ва мақобилининг искони бас мафoъийлун мафoъийл бўлғай. 8) «Ҳатм» — «ҳазф» ва «қаср» ижтимои, (бас) мафoъийлунда мафoъ қолғай ва фаъл анинг ўрнига қўярлар. 9) «Жабб» — икки сабаби хафиф исқотидур, бас мафoъийлундин мафoъ қолғай ва фаъл анинг ўрнига қўярлар. 10) «Залал» — «ҳатм» ва «харм» ижтимоидур, мафoъийлунда бас фoъ қолғай. 11) «Батар» — «жабб» ва «харм» ижтимоидур, мафoъийлунда бас фo қолғай, фаъ анинг ўрнига қўярлар.

Аммо фуруъи: мафoъилун — мақбуз; мафoъийлу — макфуф; мафаълун — ахрам; мафаълу — ахраб; фoъилун — аштар; фаълун — маҳзуф; мафoъийл — мақсур; фаул — аҳтам; фаул — мажбуб; фoъасалл; фаъ — абтар.

Фoъилотун зиҳфоти ўндур ва фуруъи ўн беш. Аммо зиҳфоти: 1) «Ҳабн» — аввал жузвининг сабаби хафифининг сокин ҳарфининг исқотидур, бас фoъилотундин фoъилотун қолғай. 2) «Каф» — бешинчи ҳарф исқотидур, бас фoъилотун фoъилотун бўлғай. 3) «Шакл» — «хабн» ва «каф» ижтимоидур, бас фoъилотун фаълоту бўлғай. 4) «Ҳазф» — фoъилотунда «то» ва «нун» исқотидур — фoъило бўлур ва фoъилун анинг ўрнига битирлар. 5) «Қаср» — фoъилотунда фoъилот бўлур ва фoъилон анинг ўрнига қўярлар ва баъзи ҳамул «то»га тағйир бермай мазкур қилурлар. 6) «Қатъ» — фoъилотунда сўнги сабаб исқотидур ва ватад сокиннинг ҳам исқоти ва моқабли искони, бас фoъил қолғай ва фаълун анинг ўрнига қўярлар, аммо баъзи ани салм дебдурлар. 7) «Ташъис» — фoъилотун ватадининг икки мутаҳаррикидин бирининг исқотидур, то фoъотун қолғай ё фoлотун қолғай, ҳар тақдир била мафъулун анинг ўрнига қўярлар. 8) «Жаҳф» фoъилотунни хабн қилмоқ дур ва фoсилани исқот қилмоқ, тун қолғай, фаъ анинг ўрнига қўярлар. 9) «Тасбиғ» — охир жузвининг сабаби хафифига бир ҳарф ортурмоқдурким, фoъилотун фoъилотун бўлғай, фoъилиён анинг ўрнига қўярлар. 10) «Рабъ» — фoъилотунда қатъ ва хаб ижтимоидурким, фаул қолғай.

Аммо фуруъи: файлотун — махбун; фоъилатун — мафур; фаъилоту — машкул; фоъилун — маҳзуф; файлон махбуни мақсур; фоъилун — махбуни — маҳзуф; фаълун — мақту; мафъулун — мушаъас; фаълон — мақтуи мусаббаъ; фаул — марбуъ; фоилиён — мусаббаъ; фаълиён — махбуни мусаббаъ; фоъ-мажҳуфи мусаббаъ; фаъ — маҳжуф.

Ва мустафъилун зиҳфоти тўққуздуру ва фуруъи ўн тўрт. Аммо зиҳфоти: 1) «Хабн» — мустафъилунда мутафъилун бўлур, мафоъилун анинг ўрнига қўярлар. 2) «Тай» — мустафъилуннинг тўртунчи ҳарфининг исқотидур, мустаъилун қолур, муфтаъилун анинг ўрнига қўярлар. 3) «Қатъ» — мустафъилуннинг «нун»нинг исқотидур ва «лом»нинг искони, мустафъил қолур, мафъулун анинг ўрнига қўярлар. 4) «Тахлиъ» — мустафъилунда «хабн» ва «қатъ» ижтимоидур, мутафъил қолур, фаъулун анинг ўрнига қўярлар. 5) «Ҳазаж» — мустафъилуннинг ватади исқотидур, мустаф қолур, фаълун анинг ўрнига қўярлар. 6) «Рафъ» — бир сабаби хафиф исқотидур, ул жузвдинким, аввали икки сабаби хафифдур, бас мустафъилундин тафъилун қолгай, фоилун анинг ўрнига қўярлар. 7) «Хабл» — мустафъилундин «син» ва «фо» исқотидур, яъни «хабн» ва «тай» ижтимоидур, мутаъилун қолур, фаъилатун анинг ўрнига қўярлар. 8) «Изола» — мустафъилуннинг охиридаги ватади мажмуъга бир сокин орттурмоқдур, мустафъилон бўлур. 9) «Тарфил» — мустафъилуннинг ватади мажмуъига бир сабаби хафиф изофа қилмоқдур, мустафъилотун бўлур, мустафъилотун анинг ўрнига қўярлар.

Аммо анинг фуруъи: мафоилун — махбун; муфтаилун — матвий; мафъулун — мақтуъ; фаулун — мухаллаъ; фаъилун — маҳзуз; фоилун — марфуъ; файлатун — махбул; мафоилон — матвийи музол; мустафъилен — музол; файлатон — махбуни музол; мафоилотун — махбуни мураффал; муфтаилотун — матвийи мураффал; мустаъилотун — мураффал.

Мафъулоту зиҳфоти тўққуздуру ва фуруъи ўн тўрт. Аммо зиҳфоти: 1) «Хабн» — мафъулотуда мафъулоту бўлур ва мафоъилу анинг ўрнига қўярлар. 2) «Тай» — мафъулотуда мафъилоту бўлур, фоилоту анинг ўрнига қўярлар. 3) «Хабл» — мафъулотуда «хабн» ва «тай» ижтимоидур, маъилоту бўлур, файлоту анинг ўрнига қўярлар. 4) «Вақф» — мафъулоту «то»сининг исконидур, мафъулон анинг ўрнига қўярлар. 5) «Кашф» — мафъулоту «то»сининг

исқотидур, мафъулун анинг ўрнига қўярлар. 6) «Салм» (سلم) — мафъулоту ватадининг исқотидур — мафъу қолур, фаълун анинг ўрнига қўярлар. 7) «Жадъ» — мафъулотунинг иккала сабабининг исқоти ва «то»сининг исқонидур — лот қолур, фоъ анинг ўрнига қўярлар. 8) «Наҳр» — мафъулотунинг иккала сабаби ва «то»сининг исқотидур — ло қолур, фаъ анинг ўрнига қўярлар. 9) «Рафъ» — мафъулотунинг бурунқи сабабининг исқотидур, улоту қолур, мафъулу анинг ўрнига қўярлар.

Аммо анинг фуруъи: мафойлу — махбун; фойлоту — матвий; файлоту — махбул; мафъулун — мавқуф; мафъулун — макшуф; фаулун — махбуни макшуф; фаулун — махбуни мавқуф; фаълун-аслам (سلم) ; фойлон — матвийи мавқуф; фойлун — матвийи макшуф; файлун — махбуни матвийи макшуф; мафъулу — марфуъ; фоъ — маждуъ; фаъ — манхур.

Ва фаулуннинг зиҳфоти олтидур, фуруъи ҳам олти. Аммо зиҳфоти: 1) «Қабз» — фаулунда фаулу бўлур, «лом» замми бирла. 2) «Қаср» — фаулунда фаул бўлур, «лом» сукуни била. 3) «Хазф» — фаулунда фау бўлур, фаул анинг ўрнига қўярлар. 4) «Салм» (سلم) — фаулунда «фо» исқотидур, улун қолур: фаълун анинг ўрнига қўярлар. 5) «Сарм» — фаулунда «фо» ва «нун» исқотидур, улу қолур, фаълун анинг ўрнига қўярлар. 6) «Батар» — фаулунда ватади мажмуъ исқотидур, лун қолур, фаъ анинг ўрнига қўярлар.

Аммо анинг фуруъи: фаулу — мақбуз; фаулу — мақсур; фаул — мақзуф; фаълун — аслам (سلم); фаълун — асрам; фаъ — абтар.

Фасл. Чун авзон ва баъзи зиҳфот фуруъиким, муҳтожун илайҳ әди, билинди. Эмди билким, бухуреки баъзининг такрори ва баъзининг таркиби баъзи била ҳосил бўлур, ўн туққуздуру, баъзи арабқа махсус ва баъзи ажамқа махсус ва баъзи муштарак ва турк шуаросига миллати истиъмолдин ҳеч қайси бу вақтқа дегинча махсус эмас әрмиш ва мулойим таъблиғ нозимлар ҳар баҳр ва вазнда кайфа маттафақ назм айтур әрмишлар ва аруз қонда ва зобитасидин оройи әрмишлар, то бу вақт тенгри иноятининг турк тили била шеър ажам шуаросига махсус бухур ва авзон дағи назм силкига кирди.

Аммо бұхур асомиси: тавил, мадид, басит, вофир, комил, ҳажаз, ражаз, рамал, мунсарих, музорих, муқтазаб, мужтасс, сарих, жадид, қарийб, хафиф, мушокил, мутақориб, мутадорик.

Аммо тавил ва мадид ва басит биноси икки мухталиф жузвгадур, бири хумосий ва бири субоний.

Тавил ажзоси икки қатла: «фаулун мафонийлун (фаулун мафонийлун)» дур, андоқким, байт:

Десам оразу зулфунг ул утдур, тутундур бу,  
Дер ондин санга куймак, бу бирдур қаро қайгу.

«Фоъилотун фоъилун» дур, андоқким (байт):

Чехрадин бурқаъ очиб ўтқа куйдурдунг мани,  
Чун кул ўлди пайкарим, кўжжа совурдунг мани.

Ва басит ажзоси икки қатла: «мустафилун фоъилун мустафилун фоъилун» дур, андоқким, байт:

Ишқинг мени туну кун мажнуну зор айламиш,  
Кўнглумни зору ҳазин, жисмим низор айламиш.

Вофир ва комил биноси субонетгадур: мураккаб беш мутаҳаррик ва икки сокинди. Вофир ажзоси мусаддасда олти қатла «мафоилатун», андоқким, байт:

Не фурқат эрур сенсизин ўртанур юраким,  
Не бўлғай агар манга гузар айласанг, мираким.

Ва комил ажзоси ҳам мусаддасда олти қатла «мутафоъилун» дур, андоқким, байт:

Не бало эмиш сенинг ул хиром ила қоматинг,  
Гақи суръатинг, гақи ноз бирла иқоматинг.

Ва ажам шуаросига бу беш биҳордаким, мазкур бўлди, назм оз воқеъ бўлмиш бўлғай.

Аммо ҳажаз ва ражаз ва рамал биноси тавил ва мадид ва баситнинг субонетигадур. Ҳазажи мусаммани солимда секкиз қатла «мафоъийлун» дур, ва ражаз ажзоси саккиз қатла «мустафилун» дур ва рамал ажзоси саккиз қатла «фоъилотун» дур. Ва бу баҳрни бир доираға қўюбтурлар

ва ул доирани «Муъталифа» дебдурлар. Ва ул бу сурат била дурур:



Мунсариҳ ва музориҳ ва муқтазаб ва мужтасс ва сариҳ ва жадид ва қарийб ва хафиф ва мушокил биноси субойёт-қадурки, анда ихтилофдур, салимларин бир доирада жамъ қилмайдулар. Аммо мунсариҳи матвий ва музориҳи матвий ва макфуф ва муқтазаби матвий ва мужтасси макфуф ва махбунники, мусамманул-ажзодурлар, бир доираға




дурлар, бир доираға қўюб, ул доирани «Мунтазиа» атаб-  
дурлар. Бу сурат биладур:



Ва мутақориб ва мутадорик ажзоси хулосиётқадурки,  
мураккаб уч мутаҳаррик ва икки сокиндидурлар. Мута-  
қориб ажзоси секкиз қатла «фаъулун» ва мутадорик ажзо-  
си секкиз қатла «фаъилун» ва бу икки баҳрни бир доира-



да қўюб, отин «Муттафиқа» дебтурлар. Бу сурат била-  
дур:



Агар мунсариҳ ва музориъ ва муқтазаб ва мужтасс баҳрига зиҳфот йўл бериб, мусамман қилиб, бир доира қўюбтурлар ва сариъ ва жадид ва қарийб ва хафиф ва мушокил баҳрига дағи зиҳфот дохил қилиб, яна бир доира қўюбтурлар. Аммо буларнинг солиминиқи, анга ҳеч зиҳф кирмиши бўлмай, ҳеч доирага тартиб била забт қилмайдурлар.


Бу мазкур бўлган тўққуз асл баҳрининг солиминиқи, зиҳфот духулидин саломат қолмиш бўлмайлар, бир доираи

азимада жамъ қилиб, ҳар бирининг ўрнига алоҳида мисол келтуруб, туққузтасини яна бир мисраъдин ҳам истихроҷ қилиб, ул «Доираи мужтамиа» дейилди ва бу доира расми замон зурафосидин баъзининг хаёлига келиб эрди, аммо фақир анга тартиб бердим ва ул бу навъ сурат биладур, ҳоказо:



Ва комил баҳри била вофир баҳрида чун назм кам воқӣъ бўлубтур, агар солим ва матбуъ баҳрлардур, аммо доирасига оз табарруз қилибдурлар, ул икки баҳрга дағи дои-

ра қўюлди ва анинг отин «Доираи мухталита» дейилди, бу сурат биладур:



Аммо тавил ва мадид ва басит баҳри араб шуаросининг махусидур, алар арузларида доирага киярубдурлар ва ажам шуароси анга машғул бўлмайдурлар, аларни дағи бир доирага кияруб, бу мухтасарга дохил қилилдиким, ул дои-

радин орий бўлмағай ва ани «Доираи муштабиқа» дебдурлар, бу сурат биладур:



Фасл. Шеър тақтиъи иборат андиндурким, байт алфозини бир-биридин айирғайлар, ул навъким, байтнинг ҳар миқдори тенг тушғай ул биҳорнинг афозийлидин биригаким, ул байт баҳрда воқиъдур, ва тариқи будурким, мулоқазза ҳаракатининг нафсиға воқиъ бўлғай, йўқким, аҳволиғаки, ул фатҳа ва замма ва касрадур ва малфуз эътибор қилғай, йўқки мактуб, ва ҳар ҳарфки лафзда келғай, агарчи китобатда бўлмағай, тақтиъда ҳисобға кирғай, нечукким,

мушаддад ҳуруф ва «алиф»декки, «ҳамза» ишбоъидин ҳосил бўлур, андоқким, мисраъ:

Кетти улким, сендин ором истагаймен, эй кўнгул,

Тақтиъи: Кетти улким фоилотун сендин ором фоилотун истагаймен, фоилотун эй кўнгул фоилун ким мулоҳаза қиллса бу мисраъда ўн тўрт ҳарфи тақтиъ қилурда хориж бўлур. Ва ул «ё»ларким, хастае ва бастае ва ёрае ва оворае ва ёнае лафзидек танкир ва сифат ҳолида зоҳир бўлур, тақтиъ чоғи дохил қилурлар, андоқким, байт:

Хастаеким, бастаи ул зулф эрур,  
Уйла йўқ девонаи фарзонае.

Тақтиъи: Хастаким фоилотун бастае ул фоилотун зулф эрур фоилун. Уйла йўқ де — фоилотун — вонаи фар — фоилотун зонаи фоилун.

Аммо улча китобатда бордур ва лафзда йўқтур — «атфи вовий»дек мисли: *جان و جهان* (жону жаҳон) ва заммаи лаънийи вовийдек, мисли: *بو و يو* (бу ва йу) ва заммаи ишбоийи вовийдек, мисли; *خواب و خورد* (хобу хўрд); андоқки, бу мисол учаласига шомилдур, мисра:

Хўрду хобим бу дабистон айламиш.

Ҳамул ўтган дастур била тақтиъ қилилур. Яна «ҳо» ҳарфики, талаффузга кирмаски: *وجه و خاره و ياره* (важҳ ва хора ва ёра)дек, агар байт ўртасида воқиъ бўлса, тақтиъдин соқит бўлур ва агар байт охирида тушса, сокин ҳарф ҳисобига кирар, андоқким, шеър:

Чунки ул юз гуле эрур тоза, (*ناره*)

Тоза гулга не ҳожаги ғоза. (*غازه*)

Яна «нун» ҳарфидур, ҳар «нун»ки, «вов ва алиф ва «ё»дин сунгра воқиъ бўлсаки, моқабилан ҳаракати аларнинг уз жинсидин бўлса, агар байт ўртасида тушса ва анга ҳаракат ориз бўлса, тақтиъдин соқит бўлур, андоқким, мисраъ:

Ҷонон мани маҳзунга қилур ким пинҳон.

Яна «то» ҳарфидур. Ҳар «то» ки андин бурун бир сокин ҳарф бўлғай *مست الست* (маст, аласт) дек, чун байт ўртасида бўлса, бир мутаҳаррикка маҳсубдур ва агар байт охирида тушса, бир сокин ҳисобиға кирар. андоқки, мисраъ:

Лаълинг майидин эрур кунгул масти аласт.

Яна ҳар сокин ҳарфиким, яна бир сокидин сунгра воқиб бўлса, андоқким, мисраъ:

Яна ёр айлади бедоде бунёд.

Ва ҳар «то»ки яна андин бурун икки сокин бўлғай, агар байт ўртасида тушса ва талаффузға кирса ўз мокабили била, ҳар бири бир мутаҳаррик ҳисобиға кирарлар, андоқким, мисраъ:

Ғам юкидин кунгулда кўфтидурур.

Ва агар байтнинг охирида тушса, ҳар ҳол била тақтиъда соқит бўлур, невчунки, аруз авзонида уч сокин ҳеч важҳ била жамъ бўлмас, андоқким, мисраъ:

Жаҳон бўлмасун дўст ғар бўлмаса дўст.

Ва ҳам бу навъдур «бо ҳарфи *کتاب* (Гаштосб) била *(الراسب)* (Луҳросб) да.

Ва яна «алиф»дур, ҳар мутаҳаррик «алиф»ким, анинг ҳаракатин муқбилиға нақл қилсалар, тақтиъ(да) соқит бўлур, андоқким, мисраъ:

Ман агар ёрдин айрилмасам эрмасдур тонг.

Яна «ё» ҳарфидур, чун «ё» ҳарфидан сунгра мутаҳаррик «алиф» ким, машқда бўлғай, чун талаффузға кирмағай, тақтиъдин соқит бўлғай, андоқким, мисраъ:

Борди ул шўху кетти иш мендин.

Ва яна аксар малфуз ҳарфиники, ғайри мактубдур ва мактуб ҳарфиники, ғайри малфуздур, бу мазкур бўлган ҳуруфға мунҳасир билмағайлар.

Яна туркча алфоздуким, анда «алиф» ва «вов» ва «ё» фатҳа ва замма ва касра ҳаракати ўрниға битилурки, бу ҳеч маҳалда ҳарф ҳисобиға кирмас, балки ҳаракат ўрниға-

дурур, магар баъзи ердаким, байтнинг охирида тушган ва ани заруратдин ҳофия қилмиш бўлғайлар, андоқким, байт:

Белингу зулфунг хаёлин шарҳ этармен му-баму,  
Ташнадурмен лаълинга то бордурур жонимда сув.

Яна ортуқси «нун»лардурким, сўз иртиботи учун за-  
мойирда «нинг» (نينگ) лафзида битилур, мисли «онинг»  
ва «менинг» ва «сенинг» лафзида, андоқким, байт:

Эй кунгул, билгилки бу жон не сенингдур не менинг,  
Балки онингдур десанг кимнинг дейинким ёрнинг.

Ва бу мазкур бўлгон алфознинг «коф»ларидурким,  
«коф» ўрнига битилур, аммо талаффузга «коф» ўрнига кир-  
мас. Ва яна «нун» била «коф»лардурким онинг ва менинг  
ва тонг ва ўнг ва сўнг ва нанг ва танг **آتینگ و مینینگ**  
**و تانگ و اونگ و سونگ و تنگ و تنگ** лафзида воқийдур-  
ким, барчаси тақтиъда соқит бўлур.

Чун бу муқаддимот баёнига кирди, аммо билмак ке-  
ракким, бу саноат арбоби аввалги мисраънинг бурунқи  
жузвин «садр» дерлар, сўнгги жузвин «аруз» дерлар ва  
сўнгги мисраънинг бурунқи жузвин «ибтидо» дерлар ва  
сўнгги жузвин «зарб». Ва улча «садр» ва «аруз» ва ибти-  
до ва «зарб» орасидадур, ани «ҳашв» дерлар ва ҳар байт-  
ки анинг тақтиъида зиҳофе воқий бўлмайду, они «солим»  
дерлар.

Энди ҳар бирининг солимин ва ё зиҳофиким, анга ки-  
риб, ани солимлигининг чиқорибдурки, андин баъзи матбуъ  
тушубдур ва баъзи номатбуъ тартиб била адо қилилур.

Чун ҳажаз ва ражаз ва рамал баҳри бурунқи доирага  
кирдиким, «муъталифа»га тасмия топти ва бурунроқ ҳа-  
жаз мазкур бўлди, андин ибтидо қилилур.

### (ҲАЗАЖ БАҲРИ)

(Ҳажаж мусамман)

Ҳажаж мусамман солимул-арқон

Зиҳи мулкунгининг ўн секиз мингдин бир келиб олам,  
Бу олам ичра бир уйлук қулунг Ҳавво била Одам.  
Мафъийлун мафъийлун мафъийлун мафъийлун

### Ҳазажи мусаммани мусаббаг

Майи лаълингга гӯёким, ҳаёти жон эрур мамзуж,  
Ки ул эрмас зулоли чашмаи ҳайвон эрур мамзуж.  
Мафобийлун мафобийлун мафобийлун мафобийлун

### Ҳазажи мусаммани маҳзуф

Зиҳи қаддинг ниҳоли бутуб жон гулшанидин,  
Юзунг меҳри кунгулга кириб кӯз равзанидин.  
Мафобийлун мафобийлун, мафобийлун мафобийлун

### Ҳазажи мусаммани аҳраб

То кӯз била кунглумни ул ғамза мақом этмиш,  
Қонимни ҳалол айлаб, уйқумни ҳаром этмиш.  
Мафзулу мафобийлун мафзулу мафобийлун

### Ҳазажи мусаммани макфуфи мақсур

Зиҳи қадду юзунг кӯрса уётлиг парию ҳур,  
Десам сарву гул эрмас бу муҳиқмен доғи маъзур.  
Мафобийлу мафобийлу мафобийлу мафобийл

### Ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи мақсур

Эй орази насрин сочи сунбул, қади шамшод,  
Булбул киби ҳажрингда ишим нолау фарёд.  
Мафзулу мафобийлу мафобийлу мафобийл

### Ҳазажи мусаммани макфуфи маҳзуф

Кӯзунгдек қони наргис, юзунгдек қони гулшан?  
Энгиндек қони насрин, қадингдек қони савсан?  
Мафобийлу фаулун мафобийлу фаулун

### Ҳазажи мусаммани макфуфи мақсур аруз ва зарб

Жамолингга неча боқсам эрур ҳуснинг фузунроқ,  
Хаёлингга неча тушсам булур фикрим узунроқ.  
Мафобийлун мафобийлун мафобийлун мафобийл

### Ҳазажи мусаммани аҳраби макфуф

Ортар манга ҳайрат гар онинг ҳуснига кӯз солсам.  
Уртар мани ғайрат гар уртар чоғда боқиб қолсам.  
Мафзулу мафобийлу мафобийлу мафобийлун



### Ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи маҳауф

Ишқ ичра қони мен киби зеру забар ўлғон,  
Харкнмкн йўқ андин батар ўлғон, батар ўлғон.  
Мафъулу мафъийлу мафъийлу мафулун

### Ҳазажи мусаммани аштари маҳауф

Эй хатинг муанбар, вэй қадинг санубар,  
Раҳм қилки, бўлдум фурқатингдин абтар.  
Фоилун фаулун фоилун фаулун.

## (ҲАЗАЖИ МУСАДДАС)

### Ҳазажи мусаддаси солим

Зиҳи рухсоринг олида қуёш тийра,  
Қуёшдин йўқки ондин эл кўзи хийра.  
Мафъийлун мафъийлун мафъийлун

### Ҳазажи мусаддаси мақсури аруз ва зарб

Унутмоғилки, то ҳажр этди бедод,  
Мани бир нома бирла қилмадинг ёд.  
Мафъийлун мафъийлун мафъийл

### Ҳазажи мусаддаси маҳауфи аруз ва зарб

Ики кўз манзилинг, эй моҳ маҳмил,  
Кунгулга азм қил манзил-баманзил.  
Мафъийлун мафъийлун фаулун

### Ҳазажи мусаддаси аҳраби мақбузи садр ва хашв

Бог ичра чу гарм бўлди бозоринг,  
Юз важҳ ила бўлди гул харидоринг.  
Мафъулу мафъилун мафъийлун

### Ҳазажи мусаддаси аҳраби макфуфи садр ва хашв

Эй ҳусни жаҳон ичра бало солғон,  
Қатл этгали халқ узра сало солғон,  
Мафъулу мафъийлу мафъийлун

Ҳазажи мусаддаси ахраби макфуфи маҳзуф

Ғар қад будур, эй сарви суманбар,  
Тубий санга бир бандаи чокар.  
Мафъулу мафoъийлу фаулун

Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур

Эй лаъли лабинг учун фидо жон,  
Қолмиш ул ики лабинг аро жон.  
Мафъулу мафoъилун мафoъийл

Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф

Сансиэ манга умру жон керакмас,  
Ҳажринг аро хону жон керакмас.  
Мафъулу мафoъийлун фаулун

Ҳазажи мусаддаси ахрами аштари маҳзуф

Рухсоринг гул киби очилмиш,  
Ашким ҳам жоладек сочилмиш.  
Мафъулун фoъилун фаулун

Ҳазажи мусаддаси ахрами аштари солими аруэ ва зарб

Келгилким, ҳажр аро ҳазиндурман,  
Ишқингдин ғамға ҳамнишиндурман.  
Мафъулун фoъилун мафoъийлун

### (ҲАЗАЖИ МУРАББАЪ)

Ҳазажи мураббаъ араб шуароси даъбидур:

Санга ул турраи ҳинду,  
Манга солмиш қаро қайғу.  
Мафoъийлун мафoъийлун  
Мафoийлун мафoийлун.

Ахрам зиҳофотининг амсоли (ва) ахраб зиҳофотининг  
амсоли

Рубоий вазниким, ани «ду байтий» ва «тарона» ҳам дерлар, ҳазаж баҳрининг «ахрам» ва «ахраб»идин истихроҷ қилибдурлар ва ул вазнедур асру хуш оянда ва наэмедур бағоят рабоянда. Шеър авзонидин ушбу вазндурким, назм устодлари анга ҳадде муайян қилибдурлар ва ғоят латофатидин икки байтга ихтисор қилубдурлар ва ул йигирма тўрт навъ келибтур ва мажмуъи икки қисмга мухтасардур.

Бири улки, аввалқи жузви «мафъулун» бўлғайки, ҳазаж бир жузвини «харм» қилибдурлар ва ани «ахрам» дерлар. Ва бу ун икки навъ келур.

Яна бири улки, аввалқи жузви «мафъулу» бўлғайки, ҳазажнинг бир жузвин «харб» қилибдурлар ва ани «ахраб» дерлар. Бу ҳам ун икки навъ келур. Аммо —

#### Ҳазажи ахрам

Е раб, не офатдур ул ҳусну жамол-  
Ким йўқтур ер ила жаҳон ичра мисол.  
Мафъулун мафъулун мафъулу фаул,  
Мафъулун мафъулу мафъуийлу фаул

Минг қатла шукрин десам оз эрур,  
Гар бўлса бир замон манга коми висол.  
Мафъулун мафъулун мафъулу фаул,  
Мафъулун фъилун мафъуийлу фаул

Эй сенсиз умрумдин осойиш йўқ,  
Кўз истарким, кўрса жамолинг тўқ.  
Мафъулун мафъулун мафъулун фъоъ  
Мафъулун мафъулу мафъуийлун фъоъ

Келгилки, бир қатла узорингни кўрай-  
Ким ҳажринг кўп урди бу кўксумга ўқ  
Мафъулун мафъулу мафъуийлу фаул  
Мафъулун фъилун мафъуийлун фъоъ

\* \*  
\*

Эй маҳваш, ўткай бу саркишлик ҳам,  
Раҳм айлаб бу қулга жафони қил кам



Мафъулу мафoъийлун мафъулун фoъ  
Мафъулу мафoъийлу мафoъийлун фoъ

Тан улса гаминг ичра жонингга фидо,  
Жон куйса муҳаббатингда сен бўлғил сог.  
Мафъулу мафoъийлун мафъулу фаул  
Мафъулу мафoъийлун мафoъийлун фoъ

\* \*  
\*

Бир лаҳза кунгул сенсиз ҳолин билмас,  
Жаврингни кунгулга, эй париваш, қил бас  
Мафъулу мафoъийлун мафъулун фаъ  
Мафъулу мафoъилун мафoъийлун фаъ

Ҳажрингда фиғонимға улус иола қилур,  
Қил ҳолима раҳмким, эрурман бекас.  
Мафъулу мафoъийлу мафoийлу фаул  
Мафъулу мафoъийлу мафoъийлун фаъ

\* \* \*

Эй шўх, бизнинг сори бир айла назар-  
Ким оҳу фиғон ўти чекар кўкка шарар.  
Фаъулу мафoъилун мафъулу фаул  
Мафъулу мафoъийлун мафoъийлу фаул

Е васл ила кунглумга қарин айла мурод,  
Е қатл ила қўйма бу ҳаётимға асар.  
Мафъулу мафoилун мафoъийлу фаул  
Мафъулу мафoъийлу мафoъийлу фаул

«Ҳазаж» баҳрида «аҳраб» зиҳофотида ўтган яна уч Ҳ,  
бойким, ҳар мисраъ ўзга вазнда эрдикки, бу ҳам ўн икки  
вазн бўлур, бу шажарада жамъдур.



**Ражази мусаммани матвийи махбун**

Гар алаимга чора йуқ, булмаса булмасун нетай,  
Ваҳ, ғамима шумора йуқ, булмаса булмасун нетай.  
Муфтаилун муфобилун муфтаилун мафобилун

**Ражази мусаммани махбуни матвий**

Манга кунгул ҳажринг аро зордур, эй рашки пари,  
Юзунгни кўргузгилу, айла ғуссадин жонин бари.  
Мафобилун муфтаилун мафобилун муфтаилун

**Ражази мусаммани махбуни мақтуъ**

Тенгри учун қайда эдинг рост де, эй сарви сиҳи,  
Фурқатинг утндин манга риоят айла гаҳ-гаҳи.  
Мустафбилун мустафбилун мафобилун, мафзулун

**Ражази мусаммани матвийи махбуни мақтуъ**

Сарв нечук дейин сеники, йуқ анга гулранг юз,  
Нахл нечук дейин сеники, йуқ анга ширин суз.  
Муфтаилун мафобилун муфтаилун мафзулун

**(РАЖАЗИ МУСАДДАС)**

**Ражази мусаддаси солим**

Ҳажрингда, эй гулчеҳра, беҳад зорман,  
Қон ичра ғарқа гул киби афгорман.  
Мустафбилун мустафбилун мустафбилун

**Ражази мусаддаси мақтуъ**

Эй ишқинг ичра одатим мақзунлуқ,  
Ҳажрингда даъбу сийратим мажнунлуқ.  
Мустафбилун мустафбилун мафзулун

**Ражази мусаддаси матвийи музол**

Келки, фироқингда кунгул бўлди ҳазин,  
Айлама мунча манга бедод ила кин.  
Муфтаилун муфтаилун муфтаилон

**Ражази мусаддаси матвийи мақтуъ**

Кўргали ҳуснунгни сенга ҳайронмен,  
Водийи ҳасрат аро саргардонмен.  
Муфтаилун муфтаилун мафъулун

**Ражази мусаддаси махбун**

Юзунг қамар, қадинг шажар, лабинг шакар,  
Манга булар хаёлидин не хобу хўр.  
Мафъилун мафъилун мафъилун

**Ражази мусаддаси матвийи махбун**

Ваҳки, яна фурқатинг ичра тушмишам,  
Улгали бу фурқат аро ёвушмишам.  
Муфтаилун муфтаилун муфтаилун

**[РАЖАЗИ МУРАББАЪ]**

**Ражази мураббаи солим**

Сенсиз ишим фарёд эрур,  
Уз жонима бедод эрур.  
Мустафъилун мустафъилун  
Мустафъилун мустафъилун

Учинчи баҳри рамал баҳридир.

**(РАМАЛ БАҲРИ)**

*(Рамали мусамман)*

**Рамали мусаммани солим**

Келки, ишқингдин кўнгулда йўқтурур сабру қарорим  
Бошима еткур қадамким, ҳаддин ошти интизорим.  
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун

**Рамали мусаммани мақсур (аруз ва зарб)**

Ваҳ, не ҳолатдурки, мен ҳар неча кўргузсам ниёз,  
Эй маҳи бадмеҳр, сандин зоҳир ўлмас ғайри ноз.  
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилон



### Рамали мусаммани маъзуф

Қосидеки, еткурур кўнглумга жонондин хабар,  
Уйладурким, бергай ўлгон жисмга жондин хабар.  
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун

### Рамали мусаммани махбуи

Субҳи давлат юзунг, эй, тавсани гардун санга ашҳаб,  
Тожинг устидаги дур ўйлаки, тонг бошида кавкаб.  
Фоилотун, фоилотун фоилотун фоилотун

### Рамали мусаммани махбуни мақсур

Ваҳки, ул мугбача ҳардамки ичар бодаи ноб,  
Қўзғалур арбадасидин бу қўҳан дайри хароб.  
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун

### Рамали мусаммани махбуни мақтуъ

Олам ичра манга ул ҳури малак сиймо бас,  
Бу қачон бўлса муяссар, қадаҳи саҳбо бас.  
Фоилотун фоилотун фоилотун фаълун

### Рамали мусаммани машкул

Тилагим сенинг ҳузуринг, талабим сенинг жамолинг,  
Неча кун тириклигимдин ғаразим сенинг висолинг.  
Фоилоту фоилотун фоилоту фоилотун

## (РАМАЛИ МУСАДДАС)

### Рамали мусаддаси солими

Эй жамолингдин хижил хуршиди анвар,  
Қоматингдин мунфаил сарву санавбар.  
Фоилотун фоилотун фоилотун

### Рамали мусаддаси мақсур

Гулшанингдин елдек, эй раъно ниҳол,  
Мен ёмон бордим, вале сен яхши қол.  
Фоилотун фоилотун фоильтон

**Рамали мусаддаси махбуни мақсур**

Яна муғ дайрина кирдим сармаст,  
Май тут, эй муғбачаи бодапараст.  
Фоилотун фоилотун фоильтон

**Рамали мусаддаси махбуни маҳзүф**

Келки, ҳажрингда ҳазинмен беҳад,  
Не манга сабр, не ҳушу не хирад.  
Фоилотун фоилотун фоилотун

**(РАМАЛИ МУРАББАЪ)**

**Рамали мураббаи солим**

Келгил, эй рухсори зебо-  
Ким булурмен ношикебо.  
Фоилотун фоилотун  
Фоилотун фоилотун

**Рамали мураббаи махбун**

Манга ҳажрингдин алам кўп,  
Санамо, қилма ситам кўп.  
Фоилотун фоилотун  
Фоилотун фоилотун

Мунсарнҳнинг мусаммани солимидурки, доираға дохил  
эмас ва Дарвеш Мансурнинг «Аруз»ида мусбатдур.

**(МУНСАРИҲ БАҲРИ)**

**Мунсариҳи мусаммани солим**

Эй оразинг кўнғлум коми, лаъли лабинг жон ороми,  
Васлинг кунин етгургилки, жоним олур ҳажринг шоми.  
Мустаъилун муфъулоти мустаъилун мафъулоти

Иккинчи доираким, муайян тўрт баҳрга эрдиким, ғай-  
ри солим эрдиларким, мунсариҳ ва музориъ ва муқтазаб  
ва мужтассур, мунсариҳи мусаммани матвийи мавқуфдин  
бунёд қилилур.

**Мунсарихи мусаммани матвийи маъқуф**

Оҳки, сенсиз ишим оҳ ила фарёд эрур,  
Жонима ошубу шайн, жисмима бедод эрур.  
Муфтаилун фоилон муфтаилун фоилон

**Мунсарихи мусаммани матвийи маъшуф**

Ваҳки, яна ўт солур жонима бир ҳурваш,  
Наълбару доғсуз, риндвашу журъакаш.  
Муфтаилун фоилун муфтаилун фоилун

**Мунсарихи мусаммани матвийи маъшуфи мақтаъ**

Ишқ яна ҳажр ила жонима қилди ситам,  
Фурқату ҳижрон ўти бошима чекти алам.  
Муфтаилун фоилун муфтаилун фоилун

**Мунсарихи (мусаммани) маъбуни маъшуф**

Гаҳи манга ул санам қилур вафо ваъдаси,  
Вафосидин зулму кин вале фузундур басы.  
Мафоилун фоилун мафоилун фоилун

**Мунсарихи (мусаммани) матвийи маждуъ**

Чарх яна зулму жавр айлади бунёд,  
Қилди фалак ҳодисоти жонима бедод.  
Муфтаилун фоилоту муфтаилун фоъ

**Мунсарихи (мусаммани) матвийи маъхур**

Шукрки, дилрабо ёниб, яна манго келди,  
Маскани айшимда васл шамъи ёқилди.  
Муфтаилун фоилоту муфтаилун фаъ

**Мунсарихи (мусаммани) матвийи мақтаъи маъхур**

Кунглум истар сайр майли гулшан сори,  
Май нега ичмай бировки булғай ёри.  
Муфтаилун фоилоту мафъулун фаъ

## **(МУНСАРИҲИ МУСАДДАС)**

**(Мунсариҳи) мусаддаси матвий**

Ишқи мани зор қилди олам аро,  
Айлади овора хайли одам аро.  
Муфтаилун фоилоту муфтаилун

**(Мунсариҳи) мусаддаси матвийи мақтуъ**

Қўйди гаминг дарду доғ кўнглумга,  
Қўймади ишқинг фароғ кўнглумга.  
Муфтаилун фоилоту мафъулун

## **(МУНСАРИҲИ МУРАББАЪ)**

**Мунсариҳи мураббаи матвийи мазқуф**

Кел бери, эй гулӯзор, айла вафо ошкор,  
Муфтаилун фоилон мутанлун фоилон  
Мунсариҳи мураббаи матвийи махбуни мавқуф

Келки, санга фидо жон,  
Ваҳки, фидо санго жон.  
Муфтаилун фаулон  
Муфтаилун фаулон

Доиранинг иккинчи баҳри музориъдур.

## **{МУЗОРИЪ БАҲРИ}**

**(Музориъи мусамман)**

**(Музориъи мусаммани) мақфуфи мақсур**

Манга, эй суманбарим, жафо қилма беҳисоб,  
Юзунга замон чекиб ёпмағил ниқоб.  
Мафойилу фоилоту мафойилу фоилун

**(Музориъи мусаммани) мақфуфи маҳзүф**

Юзунгдин хижил қамар, лабингдин доғи шақар,  
Манга ҳар биридин ўт, санга қилмай ул асар.  
Мафойилу фоилун мафойилу фоилун

**(Музорнън мусамманн) ахраб**

Ишқу жунун эрурлар беихтиёр манда,  
Мендурмену бу икки, узга не бор манда.  
Мафъулу фоилотун мафъулу фоилотун

**(Музорнън мусамманн) ахраби мусаббаг**

Мен ишқ эли гадоси, сен ҳусн элига султон,  
Булмас гадога ҳарғиз султон висоли имкон.  
Мафъулу фоилотун мафъулу фоилотун

**(Музорнън мусамманн) ахраби макфуфи маҳзуф**

Ҳайҳотким, биров гамидин зормен яна,  
Фарёдким, балога гирифтормен яна.  
Мафъулу фоилоту мафоййлу фоилун

**(Музорнън мусамманн) ахраби макфуфи мақсур**

Ул шуҳдин манга гаҳ эрур нозу, гаҳ итоб,  
Йуқ анда ихтиёр, доғи менда ижтиноб.  
Мафъулу фоилоту мафоййлу фоилон

**(Музорнън мусамманн) ахраби макфуфи солим аруз ва зарб**

Сендин манга таҳаммул эмас бир замон йироглиқ,  
Жон риштаси эрур чу сенинг сунбулингга боғлиқ.  
Мафъулу фоилоту мафоййлу фоилотун

**(Музорнън мусамманн) ахраби маҳзуф**

Ишқинг ажаб балодур, эй нозанин санам,  
Жон анда мубталодур, курмас ба жуз ситам.  
Мафъулу фоилотун мафъулу фоилун

**(Мувориъи мусаддас)**

**(Музорнън) мусаддаси макфуфи мақсур**

Сенингдек жаҳонда кимса не имкон,  
Буён кел, қилай қошингда фидо жон.  
Мафоййлу фоилоту мафоййлу

**(Музорӣён) мусаддаси макфуфи маҳзуф**

Кунгул булғай хаёлингга мойил,  
Кузум ҳам улди ҳуснингга зойил,  
Мафойилу фоилоту мафзулун

**(Музорӣён) мусаддаси аҳраби макфуф**

Ишқингда оҳу нола қилур кунглум-  
Ким, қон ёшини жола қилур кунглум.  
Мафзулу фоилоту мафойилун

**(Музорӣён) мусаддаси аҳраби макфуфи маҳзуф**

Эй хотирим ҳавоси қошингга,  
Эврулгали ҳамиша бошингга.  
Мафзулу фоилоту фаулун

Доиранинг учунчиси муқтазаб баҳри эрди.

### **(МУҚТАЗАБ БАҲРИ)**

*(Муқтазаби мусамман)*

**Муқтазаби мусаммави матвий**

Эй нигори моҳвашим, эй ҳарифи журъакашим,  
Тут қадаҳки, беҳад эрур ишқ тобидин оташим.  
Фоилоту муфтаилун фоилоту муфтаилун

**Муқтазаби мусаммави матвийи мақтаъ**

Эй йигит, буён келки, шавқдин харобингмен,  
Буйни боғлиғ ит ёнглиғ бастаи танобингмен.  
Фоилоту мафзулун фоилоту мафзулун

### **(МУҚТАЗАБИ МУРАББАЪ)**

**Муқтазаби мураббаи матвий**

Фурқатинг ёшим оқизур,  
Ҳасратинг қоним томизур.  
Фоилоту муфталиун

**(Муқтазаби) мураббаи мақтуъ**

Бода келтур, әй соқий,  
Қилма айшни боқий.  
Фоилоту мафъулун  
Фоилоту мафъулун

**Муқтазаби мураббаи махбуни матвий**

Жамолингда қолди кўзум,  
Ғамингда узолди сўзум.  
Мафоййлу муфтаилун  
Мафоййлу муфтаилун

**(Муқтазаби) мураббаи матвий**

Ҳасратингда афсурдамен,  
Фурқатингда озурдамен.  
Фоилоту мустафъилун  
Фоилоту мустафъилун

Доиранинг туртинчи баҳри мужтасс баҳри арди.

**(МУЖТАСС БАҲРИ)**

*(Мужтасси мусамман)*

**Мужтасси мусаммани махбун**

Етишса ишқ аро юз меҳнату бало, қадаҳ ичгил,  
Нафас-нафас қуюбон май, тўло-тўло қадаҳ ичгил.  
Мафоилун фоилотун мафоилун фоилотун

**Мужтасси (мусаммани) махбуни мақсур**

Кўнгул ҳароратин англлатти оҳи дард олул,  
Уй ичра ўт эканин элга зоҳир айлар дуд.  
Мафоилун фоилотун мафоилун фоилон

**Мужтасси (мусаммани) махбуни маҳзуф**

Фироқ иситмаси андоқ танимдин ўт чиқорур —  
Ки, гар табиб илигим тутса, бормоғи қоборур.  
Мафоилун фоилотун мафоилун фанлун

**Мужтасси (мусаммани) махбуни мақтуъ**

Бизнинг сори ул шўхи ишвагар келмас,  
Билурки фурқатидин ўлмишам, магар келмас.  
Мафоилун фоилотун мафоилун фаълун

### Мужтасси (мусаммани) махбуни мусаббаг

Ул ой менинг била бемеҳр эканни англабмен,  
Мани ўзига вафосиз деганни англабмен.  
Мафоилун файлотун мафоилун файлон

### Мужтасси (мусаммани) махбуни мақзуфи мусаббаъ

Бизнинг сори келмассен, не бўлди, эй бадмеҳр,  
Вафо йўлин билмассен ёпиб ниқоб ила чеҳр.  
Мафоилун мафъулун мафоилун файлон

### Мужтасси (мусаммани) мушаъси мажҳуф

Агар очилса ул юз ниқобдин, ваҳ,  
Қачон ўзида қолгай гадо билан шаҳ.  
Мафоилун мафъулун мафоилун фаъ

### (МУЖТАССИ МУРАББАЪ)

#### Мужтасси мураббан махбун

Юзунг кўзумга керактур,  
Ўзунг ўзумга керактур.  
Мафоилун файлотун  
Мафоилун файлотун

#### Мужтасси мураббан махбуни мақсур

Ғаминг мани қилди зор,  
Юзунг манга бўлди ёр.  
Мафоилун фоилон  
Мафоилун фоилон

Учинчи доира беш баҳрдур: сариъ ва жадид ва қарийб  
ва хафиф ва мушокил, аммо ҳеч қайси солим эмастурлар.

### САРИЪ БАҲРИ

#### Сариъи (мусаддаси) матвийи мақуф

Йуқ манга ҳажрингда жуз оҳу фиғон,  
Ишқу муҳаббат ўтидин альъамон.  
Муфтаилун муфтаилун фоилон

#### Сариъи (мусаддаси) матвийи мажҳуф

Бизга қизил гул юзунг афкандаси,  
Савсани озод қадинг бандаси.  
Муфталиун муфтаилун фоилон



**Саринъ (мусаддаси) матийи аслам**

Истамасанг асламасанг бизни,  
Мен упарам йулунг уза изни.  
Муфтаилун муфтаилун фаълун

**Саринъ (мусаддаси) махбуни матийи макшуф**

Қаро кўзум, бирор биза боқ ахи,  
Жароҳатимға марҳаме ёқ ахи.  
Мафоилун мафоилун фоилун

**Саринъ (мусаддаси) матийи махбуни макшуф**

Сендин яна ут ичрадур юраким,  
Утумға сув ур васл ила, мираким.  
Мустафилун мустафилун файлун

Учунчи доиранинг иккинчи баҳри жадиддур ва ул мустаҳдас баҳрдурким, они гариб ҳам дебдурлар.

**(ЖАДИД БАҲРИ)**

**Жадида (мусаддаси) махбун**

Ики рухсоринг әрур гул чаман аро,  
Арақинг юз уза шабнам суман аро.  
Файлотун файлотун мафоилун

Учинчи доиранинг учунчи баҳри қарийбдур ва бу ҳам мустаҳдас баҳрдур ва бу баҳр ажам шуароси шеърیدا оз воқеъдур.

**(ҚАРИИБ БАҲРИ)**

**Қарийби (мусаддаси) макшуф**

Жамолингда тахайюрга қолди кўз,  
Бу маънида улус ичра тушти сўз.  
Мафойилу мафойилу фоилон

Қарийби (мусаддаси) ахраби макфуф

Ишқингда кўнгул ичра нолалардур,  
Юз узра ёшим қони лолалардур.  
Мафъулун мафойилу фоилотун

(Қарийби мусаддаси) ахраби маҳзуф

Кел бизга вафо бирла, эй пари,  
Бу телбани фурқатдин қил бари.  
Мафъулу мафойилун фоилун

Учунчи доиранинг тўртунчи баҳри хафифдур ва бу баҳрнинг матбуъ авзонида ажам шуароси маснавийлар битибдурлар.

### (ХАФИФ БАҲРИ)

Хафифи (мусаддаси) махбун

Фурқатин неш сочти юрокимга,  
Ашк қонин оқизди бу этокимга.  
Фоилотун мафоилун файлотун

Хафифи (мусаддаси) махбуни солими садр

Эй юзунгдин бўлуб кўзум равшан,  
Дурру лаъл айлабон ани махзан.  
Фоилотун мафоилун фаълун

Хафифи махбуни мақтун мусаббаъ

Сани улдамки курдум, эй гулчеҳр,  
Тушти кўнглумга оразингдин меҳр.  
Фоилотун мафоилун файлон

Хафифи махбуни мақтуъ

Калимоти гариб дер носих,  
Хирад аҳлига хашвдур возих.  
Фоилотун мафоилун фаълун.

Келди дилдору мен қадаҳ ичгумдур,  
Зухду номусу нангдин кечгумдур.  
Фоилотун мафоилун мафъулун

Учунчи доиранинг бешинчи баҳри мушокилдур ва бу ҳам мустаҳдас баҳрдур. Паҳлавий шеърни кўпрак бу баҳрда айтибдурлар.

### (МУШОКИЛ БАҲРИ)

Мушокили мусаддаси макфуфи мақсур

Ишқинг ичра манга асру ситамдур,  
Кунглум утига чарх узра аламдур.  
Фоилоту мафойилу мафойил

Мушокили мусаммани макфуфи мақсур

Қайда борди нигоримким, гум ўлди қарорим,  
Ўлди жисми заифим, куйди жони низорим.  
Фоилоту мафойилу фоилоту мафойил

### (МУШОКИЛИ МУРАББАЪ)

(Мушокили) мураббаи макфуфи мақсур

Эй нигори парийрўй,  
Гулъузори суманбўй,  
Фоилоту мафойил  
Фоилоту мафойил

(Мушокили) мураббаи макфуфи маҳзүф

Қайда эрди ҳабибим,  
Ғусса бўлди насибим.  
Фоилоту фаулун  
Фоилоту фаулун

Тўртунчи доира икки баҳрдур, мутақориб ва мутадо-рик ва ажам тили била асли маснавий мутақориб баҳри-дур.

## (МУТАҚОРИБ БАҲРИ)

(*Мутақориби мусамман*)

**Мутақориби мусамман солим**

Яна сансизин мунисим гам бўлубтур,  
Кўзумга юрак қони ҳамдам бўлубтур.  
Фаулун фаулун фаулун фаулун

**(Мутақориби) мусамман мақсур**

Манга кўйи сайрига йўқ аҳтимол,  
Эса олмас ул ён насими шамол.  
Фаулун фаулун фаулун фаул

**(Мутақориби) мусамман мақзуф**

Очилди чаман, гулўзорим қани,  
Сиҳи сарв буйлиғ нигорим қани?  
Фаулун фаулун фаулун фаул

**(Мутақориби) мусамман аслам**

Эй шўхи зебо, эй сарви раъно,  
Булдум гамингдин мажнуну шайдо.  
Фаълун фаулун фаълун фаулун

**Мутақориби мусамман асрам**

Келки гамингдин жонга етибмен,  
Ҳажрда улмак чора этибмен.  
Фаълун фаулун фаълун фаулун

**Мутақориби мусамман асрам мақсур**

Келки гамингга бўлдум асир,  
Зарраману сен меҳри мунир.  
Фаълун фаулун фаълун фаулун

**Мутақориби мусамман мақбузи аслам**

Агар сўрарсен ва гар тиларсен,  
Узунг биларсен, неким қиларсен.  
Фаулу фаълун фаулу фаълун

Ажам шуаросининг мутааххирларидин баъзи мақбузи  
аслам биносин ун олти рукнга қўюб назм айтибдурлар, бу  
навъким, байт:

Юзунг хаёлида зор бўлдум,  
Белинг ғамидин низор бўлдум.  
Дедим бу шиддатда нола, чекмай,  
Нетайки, беихтиёр бўлдум.  
Фаулу фаълун фаулу фаълун  
Фаулу фаълун фаулу фаълун

**Мутақорибни мусаммави маҳзуф**

Манга, эй санам, жафо айладинг,  
Ўзунгдин мани жудо айладинг.  
Фаулун фаул фаулун фаул

### **(МУТАҚОРИБИ МУСАДДАС)**

**Мутақорибни мусаддаси солим**

Яна қажр аро зор бўлдум,  
Фироқингдин афгор бўлдим.  
Фаулун фаулун фаулун

**Мутақорибни мусаддаси маҳзуф**

Қадинг сарви ноз, эй йигит,  
Сўзунг дилнавоз, эй йигит.  
Фаулун фаулун фаул

Туртунчи доиранинг иккинчи баҳриким, мутадорик  
баҳридур, ва ани «рақзул-хайл» ва «савтин-ноқус» ҳам  
дерлар, бу навъдур.

### **(МУТАДОРИК БАҲРИ)**

**Мутадорикни мусаммави солим**

Не монгишдурки, танлар ҳабоси анинг,  
Не боқишдурки, жонлар фидоси анинг.  
Фоилун фоилун фоилун фоилун

### Мутадоржи мусамани махбун

Не саманд экон улки, буён сурасен,  
Бошим узра жафо қиличи урасен.  
Фоилун файлун файлун файлун

### Мутадоржи мусамани мақтуъ

Булманг бизга ҳаргиз мойил,  
Не ҳолинг бордур, эй қотил.  
Фаълун фаълун фаълун фаълун

### Мутадоржи мусамани махбун мақтуъ

Ишқдин ишим мушкил айладинг,  
Ҳажрни манга қотил айладинг.  
Фоилун фаул фоилун фаул

### (МУТАДОРИКИ МУСАДДАС)

#### Мутадоржи мусаддаси солим

Фурқатингда мани сурмадинг,  
Раҳм кӯзи билан кӯрмадинг.  
Фоилун фоилун фоилун

#### Мутадоржи мусаддаси махбун

Мани истамасанг нетайин,  
Бош олиб қаёне кетайин.  
Файлун файлун файлун

#### Мутадоржи мусаддаси мақтуъ

Элдин ул юзни ёп,  
Кўнглумнинг комин топ.  
Фаълун фаълун фаълун

Бешинчи доираким, андин туққуз буҳур усули мустах-  
раж булурким, алар мунсариҳ, хафиф, музорий, муқтазаб,  
мужтасс, мушокил, сариҳ, жадид, қарийбдурлар ва «донран  
мужтамина»га мавсум бўлубдур. Аввалги баҳр чун «мун-  
сариҳ» эрди, андин бунёд қилурлар, андоқким:

**Мунсарихи мусаддаси солим**

Эй Фурқатинг маҳзунларга жон олгучи,  
Ушшоқни кўрган чоғда ўт солгучи.  
Мустафъилун мафъулоту мустафъилун

**Хафифи мусаддаси солим**

Ўлгум эрди бир лаҳза гар келмасанг, бил.  
Қайда эрдинг, эй маҳвашим, шарҳ қилгил,  
Фоилотун мустафъилун фоилотун

**Муворихи мусаддаси солим**

Энгинг ойдур, оразинг гул, сочинг сунбул,  
Булар шавқиди ичармен туну кун мул.  
Мафойилун фоилотун мафойилун

**Муқтабаби (мусаддаси) солим**

Келмас бизга ул кофири қотил даме,  
Ваҳки, бизни ўлтургуси онинг гами.  
Мафъулоту мустафъилун мустафъилун

**Мужтасси (мусаддаси) солим**

Эй оразинг гулдин ортуқ гулшан ичра,  
Сендин йироқ хотиримдур шеван ичра.  
Мустафъилун фоилотун фоилотун

**Мушокили (мусаддаси) солим**

Неча сенсиз фироқингда фиғон айлай,  
Нола бирла улус багрини қон айлай.  
Фоилотун мафойилун мафойилун

**Сарихи (мусаддаси) солим**

Сендин йироқ кўзининг эрур ҳайронлиғи,  
Ҳажринг аро ҳар лаҳза саргардонлиғи.  
Мустафъилун мустафъилун мафъулоту

**Ҳадиди (мусаддаси) солим**

Не балолиғ ҳажр эрурким зор ўлмишам,  
Келки, ул кўз ҳажрида бемор ўлмишам.  
Фоилоту фоилоту мустафъилун

### Қарийиби (мусаддаси) солим

Жамолингдин қуёш асру бор уётлиғ,  
Сочингга банда боғ ичра сунбул отлиғ.  
Мафойилун мафойилун фойлотун

Олтинчи доираки, андин икки баҳр мустахраж булур,  
бу ҳам ажам шуароси арузларида қурулмайдураким, алар-  
дин бири комил баҳридурур ва бири вофир баҳриким,  
мусаммани солимда оз шеър воқиб булутур.

### Комил мусаммани солим

Не хаёл эди янаким, кунгул қуши сайдини ҳавас айладинг,  
Баданимга ҳар соридин хаданг урубон анга қафас айладинг.  
Мутафойилун мутафойилун мутафойилун мутафойилун

### Вофир мусаммани солим

Фироқ утидин куяр баданим, тафидин эриб оқар жигарим,  
Ғамим будурурки, боғланибон юзунг сори тушмагай назарим  
Мафойлотун мафойлатун мафойлатун мафойлатун

Еттинчи доираким, андин уч баҳр мустахраж булур ва  
ул араб шуароси назмининг махсусидур ва алар тавил ва  
мадид ва басит баҳрларидурлар.

### Тавил мусаммани солим

Фироқингда жон бердим, бошимга қадам еткур,  
Агар худ тирик эрмас, чу ёлгон дедим ултур.  
Фойилун мафойилун фаулун мафойилун

### Мадид мусаммани солим

Эй қадингдин сарвга минг хижолат ҳар нафас,  
Сарв қадингдин менинг кунгума юз минг ҳавас.  
Фойлотун фойлун фойлотун фойлун

### Басит мусаммани солим

Эй сунбулунг ҳалқаси буйнумга тоқиб расан,  
Ҳар тобида юз бало, ҳар торида минг шикан.  
Мустафйилун фойлун мустафйилун фойлун



Чун доираға кирган бухурдин форнр булудди, яна бир неча вазнки, баъзини ажам шуароси мутааххирларни айтибдурлар ва баъзи бу замонда назм топибдур ва ҳеч арузға дохили булмайдур, агарчи филҳақиқат аруз бухуриға дохилдурлар, ишорате алар сори қилмоқ холи оз муносабате эрмас эрди. Ул жумладин, рамали махбундурки, ҳар мнс-раи саккиз рукндурки, байти ун олти булғай, Хожа Исмаат Бухорийда пурбаҳо дебтурлар, бу услуб биладур.

Қомату зулфу кўзу қошу узору хат ила холи  
Лабингдурки, аларча эмас, эй шухи ситамгар.

Файлотун файлотун файлотун файлотун  
файлотун файлотун файлотун файлотун

Сарв ила сунбул наргис янги ойу қуёшу сабзаи

Жаннат кураи нофау гулбарг аро шаккар.

Файлотун файлотун файлотун файлотун  
файлотун файлотун файлотун файлотун

Яна турк улуси, батахсис чигатой халқи аро шойиъ авзондурким, алар сурудларин ул вазн била ясаб, мажолисда айтурлар.

Бириси «туюг» дурким, икки байтқа муқаррардур ва саъй қилурларким, тажнис айтилғай ва ул вазн рамали мусаддаси мақсурдур, мундоққим:

(Т У Ю Ф)

Ё раб, ул шаҳду шакар ёлабмудур?

Ё магар шаҳду шакар ёлабмудур?

Файлотун файлотун файлон

Жонима пайваста новак отқоли

Ғамза уқин қошига ёлабмудур?\*

Файлотун файлотун файлон

Яна «қўшуқ» дурким, орғуштак усулида шойиъдур ва баъзи адвор кутубида ул усул зикр булубтур ва ул суруд аъробнинг тева сураи ҳудилари вазни била мадиди мусамани солимда воқеъ булур, анинг асли бу навъдурким, байт:

\* «Хазонинул-маоний» да «ёлабдур» шаклида келади. (Р. Комилов).

Ваҳки, ул ой ҳасрати, дарду доғи фурқати,  
Ҳам эрур жонимға ут, ҳам ҳаётим офати.  
Фоилогун фоилогун фоилогун фоилогун

Аммо бу латиф замонда ва шариф давронда бу сурудни рамали мусаммани маҳзуф вазниға элтиб, мусиқий ва адвор илмида мулоийим таъблиқ беназир йигитлар ғариб нағамот ва алҳон била ажаб тасарруфлар қилиб, султони соҳибқирон мажлисида айтуларким, анинг мулоийимлиғ ва хуш ояндаллиғи васфқа сигмас ва таъсир ва рабояндаллиғи сифатқа рост келмас, балки ул ҳазратнинг ихтироидур ва бу ҳам ул ҳазратнинг Масиҳосо анфоси натойижидин истишҳодға келтурмак муносиброқ арди, андоқким, байт:

Сабзаи хатнинг саводи лаъли хандон устина,  
Хизр гуё соя солмиш обиҳайвон устина.  
Фоилогун фоилогун фоилогун фоилогун

Яна «чинга» дурким, турк улуси зуфог ва қиз кучурур туйларида ани айтулар, ул сурудедур бағоят муассир ва икки навъдур. Бир навъи ҳеч ваэн била рост келмас ва бир навъида бир байт айтилураким, мунсариҳи матвийи мавқуф баҳридур ва ёр-ёр лафзини радиф ўрниға мазкур қилулар, андоқким, (байт):

Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр,  
Ким дамидин тушти ут жоним аро, ёр-ёр?  
Муфтаилун фоилогун муфтаилун фоилогун

Ва яна ҳам турк улусида бир суруддурким, ани «Муҳаббатнома» дерлар ва ул ҳазажи мусаддаси мақсур баҳридадур ва ҳоло матрукдур, будур, (байт):

Мени оғзинг учун шайдо қилибсен,  
Манга йўқ қайғуни пайдо қилибсен.  
Мафойилун мафойилун мафойил

Ва яна бу халқ орасида бир суруд бор экандурким, ҳазажи мусаммани ахраби мақфуфи маҳзуф вазнида анга байт бошлаб битиб, анинг мисраидин сунгра ҳамул баҳрининг икки рукни била адо қилиб, суруд нағамотиға рост келтурулар эрмиш ва ани «мустазод» дерлар эрмиш, андоқким, (мустазод):

Эй ҳуснунга зарроти жаҳон ичра тажалли  
Мафъулу мафойлу мафойлу мафулун.  
Мазҳар санга ашё.  
Мафъулу фаулун  
Сен лутф била кавну макон ичра мувалли  
Олам санга мавло.

Яна Ироқ аҳли тарокимасида сурудедур шойиъким,  
ани «арузворий» дерлар ва анинг байти купрак ҳазажи мусаммани солимдадур, андоқким, (байт):

Сақоҳум раббуҳум хамри дудогинг кавсариндандур.  
Бу майни ичтикунг нуқли ҳадисинг шаккариндандур.  
Мафойлун мафойлун мафойлун мафойлун

Ва яна рамали мусаммани маҳзуф вазнида ҳам айтурлар,  
андоқким, байт:

Давлати васл илтимоси не ҳикоятдур манго,  
Буки ёдинг бирла жон берсам кифоятдур манго.  
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилон

Чун ўзонларнинг ўзмоғи ва ўзбакларнинг буди-будойи  
ҳеч вазн била рост эмас эрди, анга таарруз қилилмади,  
агарчи асарлари бордур, аммо анинг аруз илмиға дахли  
йўқтур.

Яна сурудедурким, ани «туркий» дебдурлар, бу лафз  
анга алам бўлубтур ва ул гоятдин ташқори дилписанд ва  
руҳафзо ва ниҳоятдин мутажойиз айш аҳлнга судманд ва  
мажолис оро суруддур, андоқки, салотин ани яхши айтур  
элни тарбиятлар қилибдурлар, туркигўйлик лақаби била  
машҳурдур ва ул доғи рамали мусаммани мақсур вазнида  
воқеъдур, андоқ ким, байт:

Эй саодат матлаъи ул орази моҳинг сенинг,  
Аҳли бийниш қиблагоҳи хоки даргоҳинг сенинг.  
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилон

Ҳазрати султон соҳибқирон бу вазннинг гоят ра-  
вонлиғ ва латофатидин ва руҳпарварлиғ ва салосатидин ўз  
девоиларинки, жамиъ давовин орасида баданлар аро жон-  
декдур ва кавокиб ичра хуршиди рахшондек воқеъ бўлуб-  
тур, бошдин-оёқ илтизом қилиб, бу вазнда тартиб бериб-  
дурлар эрди.

Ғараз бу мақолотдин ва мақсуд бу муқаддимотдин бу эрдиким, чун турк алфози билаким назм воқаъ бўлубтур, анга зобитае ва қонуне йўқ эркондур ва ул фан ривожи учун киши аруз фаннида китобе ё рисолае битмайдур. Бу хужаста замондаким, замон подшоҳи девон тартиб бердилар муборак хотираларин шеър вазниға ва байт тақтиъиға машгул қилдилар, бу жиҳатдин шеърнинг пояси етти кўкдин ўтти ва бу байтнинг мартабаси байтул-ҳаромга етти; ҳар ойинаким, мулойим табълиг озодалар, балки қобил фаҳм ва зеҳнлик шаҳзодалар бу шариф илмға иштиғол кўргузадур эрдилар ва бухур авзони ва тақтиъи ва зиҳофоти ва давойири илмидинки, араб фусаҳоси ва ажам булағо ва шуароси ул илмда китоблар тасниф қилибдурларки, онсиз бу фанга вуқуфе ва шууре бўла олмас, бу алфоз назмида йўқ эрди ва султонус-салотиннинг муборак хотирлари мунга мултафит бўлуб, андоқки, китобнинг ибти toe воқеъ бўлмиш бўлса, эътироз била ўтмағайлар ва исбаб бўлди, ва бу сабабдин бу илм зобитасиға қалам сурулди.

Илтимос бу фан аҳлидин улким, ҳар ерда саҳв ва хатое воқеъ бўлмиш бўлса, эътироз била ўтмағайлар ва ислоҳ қалами била тузатғайлар.

### Рубоий:

То чарх давойиридин ўлғай айём,  
 То шеър хаёлотиға йўқтур анжом,  
 То байт тарокибида бўлғай ибҳом,  
 Топсун назминг била жаҳон аҳли низом.



A decorative illustration featuring a central flower with a dark center, surrounded by various scrollwork, smaller flowers, and circular motifs. The design is intricate and traditional in style.

ТАРИХИ  
МУЛУКИ  
АЖАМ

Нашрга тайёрловчи:  
ЛАТИФ ХАЛИЛОВ



## БУРУНГИ ТАБАҚА ПЕШДОДИШЛАРДҲР

Ажам тарихида фурс салотинини тўрт табақа қилиб-турлар.

Ва алар ун бир кишидурларким, салтанат қилибтурлар. Тарих уламози иттифоқи била бировким салтанат қилди, Каюмарс эрди. Аммо анинг нисбаги бобида ихтилоф куптурким муғ дебтур: Одам алайҳиссалом улдур ва баъзи Ажамдин дебтурлар Одам алайҳиссаломнинг набирасидур ва баъзи фурсдин анинг Нуҳ алайҳиссаломнинг авлоди дебтурлар. Яна дағи сўз куп бор, аммо сиҳатдин йирогроқ учун битилмади. Одам деганлар қавли била ани Гилшоҳ дебтурлар, бу маъни билаким, болчиғдин яратилди. Яъни киши пуштидин эмас эрди. Узга қавллар билаким, Каюмарс дебтурлар. Маъниси ҳайи нотикдур, яъни тиригики сўз айтқай. Аммо «Низомуг-таворих» ва «Жомеут-таворих»и Жалолий ва Банокатийда дағи иттифоқ била ҳужжатул-нслом имом Муҳаммад Ғаззолий қуддуса сирруҳу «Насиҳатул-мулук»да ани Шис алайҳиссаломнинг қардошидур деганни таън қилибтурлар, нединким, Шис алайҳиссалом Заҳҳоки алаввони замонидадур. Ва тарих аҳли иттифоқи била Каюмарс замонидин Заҳҳок замониғача минг йилга яқин бор. Ҳар тақдир била подшоҳлиқ қоидаси андин бурун йўқ эрди. Бу қондани ул туэди. Дағи аввал кишиким, шаҳр бино қилди ул эрди. Дамовандни бино қилди, аммо анда ғоҳи бўлур эрди. Дағи Истаҳрни бино қилди, аммо купрак авҷот анда бўлур эрди. Минг яшади ва лекин умрининг охирида қирқ йил салтанат қилди. Дағи Сиё-

мак ўгли Ҳушангниким, набираси эрди, валиаҳд қилиб, ва-  
фосиз жаҳонға видоъ этти. Шеър:

Бурунроқ кишиким тузуб руду жом  
Жаҳондорлиқ тахтин этти мақом.  
Каюмарс эди, лек даврони дун  
Анга берди бози боридин бурун.

Ҳушанг хирадманд ва одил ва олим подшоҳ эрди ва «Жовиди хирад» отлиғ китобни ҳикмат илмида ул тасниф қилдиким, Маъмун халифа вазири Ҳасан Саҳл андин бирор нима топиб, араб тилига таржима қилибтур. Ва Шайх Бу Али Мискавайҳ «Одобул-араб вал-фурс» отлиғ китобида ани зикр қилурким, анинг мутолиаси мусаннифининг фаул ва камолиға далилдур. Ва Ажам ани пайғамбар дебтур. Ва дод ва адл жиҳатидин ани пешдод дедилар. Ва те-мурни тошдин ул чиқорди. Ва Табарий дебтурким, йиғочдин тахта ул кесиб, уйларга эшик ясади ва аксар конларни ул чиқорди ва барсни ва итни ул кийик олғувчи қилди ва отқа эгар ул ясади ва тевани юкка ул кюрди ва отқа эшакни турғузуб хачир хаёлин ул қилди ва ариғлар қо-зиб, сув солиб, ободлиғ ул қилди. Ерга фарш ул солди ва тулку ва ос ва тийин терисин ул киярга қабул қилди. Ум-ри бобида ихтилоф бор. Аммо подшоҳлиғи қирқ йил эрди. Ва тажарруд ва тақво тариқи била ўткарди. Доим тоғларда ибодат қилур эрди. Таворихда мундоқ масбатдур-ким, девлар ани саждада топиб, тош била бошин янчиб ўлтурдилар. Ва Таҳмурас девбанд ўгли эрди, атоси ҳоли-дин воқиф бўлуб, девларни атоси қасосиға ҳалок қилди. Дағи ул мавзуда шаҳр бино қилиб, отин Балх қўйди. Ва Сус била Бобилни Ҳушанг ясади. Ва баъзи Куфани ҳам анга мансуб қилибтурлар. Шеър:

Йуқ эрди жаҳондори анжум сипоҳ  
Жаҳон ичра андоқки Ҳушанг шоҳ.  
Малак шева шоҳе эди беадил,  
Фалак девға қилди они қатил.

Таҳмурас атоси Ҳушангнинг чун валиаҳди эрди, анинг ўрнида салтанат тахтиға ўлтурди ва халойиқ риоятиға ва мамолик ҳимоятиға жидд била машғул бўлди. Ва анинг замонида азим қаҳат воқеъ бўлди. Ғанийларға буюрдиким,



чошт таоми била ўткарғайлар ва шом таомини масокинга бергайлар. Ва рўза тутмоқ андин суннат қолди. Ва ул бино қилгон шаҳрлар Марвда Куҳандиз ва Хуросонда Нишопур ва Исфаҳонда Маҳриз ва Сорийя. Ва Табарий дебетурким, Омил ва Табаристонни дағи ул бино қилди. Ва форсий китоб битмак ва бўз тўкумоқни ул ихтироъ қилди. Ва анинг замонида қаттиқ вабо бўлди. Ҳаркимнинг бир севар кишиси бор эрса эрди, анинг суратин ясаб, анинг била хурсанд бўлур эрди, то бутпарастликқа мунжарр бўлди. Ва Таҳмурас ўттуз йил мулк сурди. Шеър:

Шаҳе эрди Таҳмурас офоқ аро  
Ки адл этти чархи куҳан тоқ аро.  
Неча девбанд ўлди, ул аржуманд,  
Ажал деви охир ани қилди банд.

**Жамшид.** Баъзи ани Таҳмураснинг қардоши дебетурлар ва баъзи қардошининг ўғли. Чун салтанатқа ўлтурди, жаҳон мулкин адл ва дод била тузди. Ва ҳусну жамолда дилпазир ва фазлу камолда беназир эрди. Ғариб ихтироълар қилди. Ва ул жумладин сипоҳийлик аслаҳасидурким, пайдо қилдиким, андин бурун тош ва йиғоч эрди. Синон ва ҳарба ва пичоқ, баъзи ҳабба ҳам дебетурлар, қалқон ҳам дебетурларким, ул ясади. Ва ҳаммом бино қилди ва ғаввослиғ хаёл қилди. Ва ипак ва қазз ва кўпрак тўқур нималарни ва рангларни ва ишларни ароға кюрдиким, андин бурун киши аросида йўқ эрди. Ва шаҳрдин шаҳрғача деҳлар буюрди ва хейли ишга қонун ва қоида қўйди. Ва Истаҳр шаҳрин улгайтти, андоқки тули Хуфракдин Ромжаррадқа еттиким, ўн икки йиғоч бўлғай ва арзи ўн йиғочқа етти. Ва анда улук биное солдиким, ҳоло осори ва нишоналари борким, одамизод андоқ ясамоқ маҳол кўрунурким, киши кўрмагунча бовар қилмас. Ва ани чиҳил минор дерлар. Чун бу иморат туганди, олам салотин ва ашроф ва ақобирин йигиб, анда азим жашн қилди. Ул вақтким, қуёш нуқта эътидоли рабиййга таҳвил қилиб эрди, ул бинода тахт устига ўлтуруб, адолат сайт ва садосин оламға мунташир қилди ва ул куннинг отин наврўз қўйди. Ва салтанатининг замони етти юз йилгача бўлди. Оқибат муфрит жоҳ ғурури ва азим давлат такаббури димоғига фосид хаёл солиб, оламни ўз ибодатига амр қилиб, ўз сурати била бутлар ясаб, ақолим ва кишварларға йибориб, элга ўзининг парастшин буюрди. Ҳар ойна ғайра-

ти нлоҳи муқтазий ул бўлдиким, анга жазо етгай. Шаддод Одқа тақдир бўлдики, қардоши ўгли Заҳҳоки алаввонини сипоҳ била йиборди, то ани тутиб, арра била ики бўлуб, жисмин пора-пора қилди. Табарийда анинг қатли Бюростка мансубдур, аммо ўзга таворихда йўқтур.

Ш е ъ р:

Чу Жамшид тахт узра тутти мақом,  
Димоғига йул топти савдойи хом.  
Ани қилди ҳақ макри айлаб ситез,  
Сиёсат қиличи била рез-рез.

**Шаддод ва Шадид.** Одийлар сўзи: Эрамки, Арфаҳшаднинг қардоши эрди, анинг етти ўгли бор эрди: Од, Самуд, Саҳор, Там, Ҳадис, Ҳосим, Мора. Од Яманга борди. Самуд Ҳижозда сокин бўлди, Саҳор Тайда, Там Уммонда ва Баҳрайнда, Ҳадис Ямомада, Ҳосим Ҳарам ва Синвонда, Мора ондаким, ани анинг оти била айтурлар. Аммо булардин Од авлоди қалин бўлуб, истило топтилар ва аларнинг ўгли Яршади Умлиқ бинни Од эрди. Чун ул ўтти, ўғлонлари Шадид ва Шаддод подшоҳ бўлдилар ва Заҳҳокниким, аларга нисбати юқори ўтти, Жамшид устига йибордилар. Ул Жамшидни дафъ қилиб, ўзи салтанат тахтига ўлтурди.

Ш е ъ р:

Фалак бўйлаким жавр қилди паид,  
Не Шаддод қолғусидур, не Шадид.

**Заҳҳок бинни Мардос** чун Жамшид қатлдин сунг Порс тахтин олди, зулму ситам оғоз қилди. Тенгри таоло Ҳуд алайҳиссаломни йиборди. Анинг даъватин Шаддод қабул қилмади. Тенгри таоло ани ва қавмини ранжулақим била ҳалок қилди ва Шаддод ўгли Мазид подшоҳ бўлди. Ва Иброҳим алайҳиссалом анинг замонда эрди. Ва Юсуф алайҳиссалом ҳам анда мутаваллид бўлди ва Ҳуд алайҳиссалом динига кирди. Ва Ҳазрамутда эрдилар, то ўттилар. Аммо Заҳҳок салтанати ва зулми узоқга торти, андоқки эл анинг зулмидин ожиз бўлдиларким, анинг икки эғнидин андоқ мараз пайдо бўлуб эрдик, оғриғига одамизод мағзидин ўзга ҳеч нима таскин бермас эрди.

Баъзи муаррихлар анинг икки эгнини йилонлар чиқиб, фюзолари киши маъзи эрди ҳам дебтурлар. Ҳар тақдир била ул ҳар кун бу жиҳатдин икки киши ўлтурур эрди. Гунаҳлиғ киши бўлмаса, чек солиб, сойир халқдин қатл қилур эрди. Сипоҳонда Кова оҳангарнинг бир ўғли бор эрди, бу жиҳатдин қатл бўлуб, яна бир ўғлига чек тушти. Ул бетаҳаммул бўлуб, қичқириб, элга кўп таънлар қилиб, Заҳҳокни сўкти. Эл дағи анга муттафиқ бўлуб, хуруж қилдилар. Дағи Сипоҳон волисини ўлтуруб, Заҳҳок устига юрудилар. Бағоят қалин эл жамъ бўлуб, Фаридунниким, баъзи Жамшид набираси дебтурлар, баъзи Обитин ўғликим Тахмурас наслидин бўлғай, нисбат қилибтурлар. Ул чоғда Заҳҳок ваҳмидин қўйчилар орасида ёшурун бўлур эрди, тониб, кўториб, Кова оҳангар сипоҳсолор бўлуб, темирчилар белига боғлар сахтиёнини йиғоч бошига боғлаб, алам қилиб юруб, Заҳҳокдин эл аюрулуб эрдилар, туролмай қочти. Аммо ани иликлаб, Фаридун ани жазосига еткурди. Заҳҳок салтанати минг йил эрди.

Ш е ъ р :

Фалак то эрур зулм қилмоққа хос,  
Эмас золиму одил андин халос.  
Қилиб қатл Заҳҳокни тўймади,  
Фаридунни дағи қуруқ қўймади.

Фаридун яхши ахлоқлиқ олим ва одил подшоҳ эрди. Олам аҳлин адолат била хушҳол қилиб, Заҳҳок жавридин топқон заҳмлариға адл била марҳам қўйди ва қолғон уммолқаким, одийлар эрдилар, дафъ қилди ва Кова оҳангарни улуқ тарбият қилиб, тайаммун учун анинг йиғочқа боғлаб алам қилғон сахтиёнини мурассаъ қилдиким, дарафши Ковиёни ани дерлар. Ва оламнинг аксар билодин олди. Анинг уч ўғли бор эрди: улуғи Салм, ўртончиси Тур, кичики Эраж. Мамоликин учовға қисмат қилди. Рум ва Мағрибдин Яман ҳудудигача Салмға берди, Туркистон ва Чин ҳудудин Турға берди. Форс ва Ироқ ва Хурросонни Эражға бердиким, узининг дорул-мулки ва тахти эрди. Чун Эраж бағоят оқил ва халиқ эрди, икки оғоларидин ани кўпрак севар эрди. Аларда бу ҳасад доим бор эрди. Чун тахти анга муваффаъ бўлди, алар ҳасаддин иттифоқ қилиб, Эражни ўлтурдилар.

Фаридун улғойиб эрди, алардин интиқом тортардин

ожиз эрди. Бу воқеадин аҳволи бағоят хароб бўлуб, Эраж нисбатидин Манучеҳр ўзининг набираси эрди тақвият ва тарбият қилдиким, жаддининг қонини Салм ва Турдин тилаб, аларни қатл қилди ва Фаридуннинг армони қолмади. Оламдин ўтуб, Манучеҳрни валиаҳд қилди. Ва Фаридуннинг подшоҳлиғи беш юз йил эрди. Ва Мусо алайҳиссалом ва Ҳорун анинг замонида эрдилар.

Ш е ъ р :

Фаридунки оламда ёйдн бисот,  
Баси олам аҳлиға етти нишот.  
Ани ҳам фалак чекти туфроқ сари,  
Не золим, не одил кетарлар бари.

Манучеҳр Эражнинг қизининг ўғли эрди. Баъзи дебетурларким, ўғлининг ўғли. Ва ул одил подшоҳ эрди. Фирот ориғин ул қозди ва Ироққа сув элтти ва боғлар, бўстонлар тарҳ қилди ва ашжор ва гул ва райҳон боғларда экти. Ва купрак деҳқонлиғ зийнату зебин ул ароға кетурди. Ва замонидин олтмиш йил ўткондин сунгра Тур ўғли Афросиёб сипоҳ тортиб анинг устига юруди. Ул Табаристон сори тортиб, урушмади. Аму суйидин норини анга мусаллам тутуб, яраш бўлуб, Афросиёб қайтти. Ва ҳақ таоло анинг замонида Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломни Фиръавнға йибордиким, оти Валид бинни Мусъаб эрди йиборди. Ва ул Ловуд бинни Сом авлодидиндурким, Шаддод ани Миср ҳукуматиға йибориб эрди. Шуайб бинни Мадиян бинни Исмоил алайҳиссалом анинг замонида мабъус бўлди. Ва сипоҳсолори Сом бинни Наримон эрди. ва Золким, Рустамнинг отасидур, анинг замонида мутаваллид бўлди. Ва Манучеҳр юз йигирми йил подшоҳлиғ қилди.

Ш е ъ р :

Манучеҳрким бўлди оламға шоҳ,  
Анга бўлдилар борча шаҳлар сипоҳ.  
Анга ҳам вафосизлиғ этти жаҳон,  
Кишиға жаҳон қолмади жовидон.

Навдар Манучеҳрнинг ўғлидур. Отасидин сунгра мулк анга етти. Аммо ул айёш ва бепарво киши эрди. Манучеҳр қўйгон қоида ва русумни туза олмади ва мулк ва си-

поҳиға ҳалал йўл топиб, Афросиёб черик тортиб келиб, ани тутуб ўлтурди. Ва ўн икки йил Эрон мулкида туруб, бузуглуқ қилди. Ва ул навъким, оз ерда ободонлиғ қолди. Баъзи таворихда Навдарни Сеҳри Наримон дебтурлар. Ва подшоҳлиғин баъзи олти йил ва баъзи икки йил дебтурлар.

Ш е ъ р:

Чу Навдарга тушти жаҳон кишвари,  
Халойиқ фароғатдин ўлди бари.  
Ангаким жаҳондин вафо етмади,  
Жаҳон ичра тинмади, то кетмади.

Афросиёб. Ани дебтурларким, Пушанг бинни Тур бинни Фаридун ўғлидур. Ва баъзи анинг нисбатин Каюмарсга еткурубтурлар. Аммо бурунги дурустроқдур. Чун Навдарни ўлтурди, Эрон мулкани андоқ буздик, оз ерда маъмурулуқ қолди, йиғочларни кести ва иморатни йиқти ва коризлар била булогларни кумди. Ва ул фурсатда Соми Наримон ўтуб, ўғли Зол Рустам отаси анинг таъзиятиға машғул эрди, баъзи дебтурларким, Зол ўз кучи била сипоҳ ораста қилиб, ани Эрон мулкидин чиқорди. Баъзи дебтурларким, Зоб бинни Таҳмоспким, Манучеҳр набираларидиндур хуруж қилиб, ул анинг била урушур яроғин топмай, юз уруб ўз мулкига азимат қилди. Афросиёб подшоҳлиғи ўн икки йил эрди.

Ш е ъ р:

Чу Афросиёб ўлди олам шаҳи,  
Эмас эрди иш сиррининг оғаҳи.  
Жаҳон мулкин ўз мулки қилди гумон,  
Ани ҳам чиқарди ародин жаҳон.

Зоб бинни Таҳмосп Фируз ҳам дебтурлар. Насаби юқори ўтти. Одил подшоҳ эрди. Куп вақт Эронда Афросиёб бузгон ерларни ислоҳ қилдиким, юз ободонлиққа қўйди. Дерларким, етти йил райиятдин хирож олмади. Ва баъзи хазойинким, Манучеҳр ва Навдардин қолиб эрдиким, Афросиёб қилон ҳасонатидин иликлай олмади. Ул хазойин била етти йил Зоб Таҳмосп салтанат асбобин тузуб, маош ўткарди. Ва Зол бинни Сом анга хидматлар қилди ва бузуқ мамоликни тузарда мададлар қилди. Ва

Зоб икки рудхонаким, Зобин дерлар, Ироқ мулкида чиқарди. Ва баъзи Диёри Бақрда дебетурлар. Ва уз ҳаёти замонида салтанатни Гиршаспқа мусаллам тутти. Анинг подшоҳлиқин Банокатий беш йил дебетур. Узга таворихда утуз йилдур.

Ш е ъ р:

Чу офоқ мулкига шоҳ ўлди Зоб,  
Тузатти наким бузди Афросиёб.  
Эрур зулмдин яхшироқ адл иши,  
Чу қолмас на золим, на одил киши.

Гиршаспнинг онаси ибни Ямин бинни Яъқуб алайҳиссаломнинг қизи эрди ва отаси Зоб бинни Таҳмоспнинг қардоши эрди. Кўпрак таворихда Рустам дастонни анинг наслидин дебетурлар. Аммо фақир қошида бу қавл йироқроқ кўрунур, невчунким Золким, Рустамнинг отасидур, анинг қошида сипоҳсолор эрди ва Гиршаспни «Гузида»да, балки хейли таворихда Манучеҳр набиралиғига чиқарибтурлар. Ва Рустамни Сом бинни Наримон бинни Атрут бинни Обтинга еткурубтурлар, валлоҳу аълам. Гиршасп чоғида Афросиёб яна черик тортиб Эронга келиб, Гиршасп била масоф тузуб, разм қилди. Афросиёб урушида Гиршасп фавт бўлди ва Золи Зар Зобилистондин черик тортиб келиб, Афросиёбни Эрондин чиқарди. Ва Гиршаспнинг салтанати замонида ихтилофдур: «Низомут-таворих» ва Банокатийда йигирми йилдур, «Гузида» била «Мунтахаб» да олти йил, баъзида беш йил ҳам бор, валлоҳу аълам.

Ш е ъ р:

Чу Гиршасп бўлди жаҳон хисрави,  
Бор эрса яна шоҳлар пайрави.  
Чиқорди ародин сипеҳри дижам,  
Нечукким яна шоҳлар, они ҳам.

## ИККИНЧИ ТАБАҚА КАЕНИЙЛАРДУР

Ва алар туқуз киши салтанат қилдилар. Ва баъзи Искандарни дағи алардин тутубтурлар ва ун дебетурлар. Салтанатларининг замонини ҳар навъ дебетурлар. Борча

тақдир била етти юз йилдин юқоридур. Ва Каёнийлардин аввал кишиким, салтанат қилди Кайқубод эрди. Ва ани Зоб Таҳмосп ўғли Манучеҳр наслидин дебтурлар. Кўпрак авқот Жайхун қироғинда бўлуб, атрок била урушуб юрур эрди. Ул вақтқачаким, пешдодийлар туганди, дағи Афросиёб яна Турондин Эрон қасдиға сипоҳ тортиб юруди. Ва Кайқубод Албурзкўҳда эрди, Зол Рустамни йибордиким, ани келтурди ва бошиға тож қўюб, Эрон салтанатин анга мусаллам тутуб, юруб Афросиёбни қайтардилар. Ва Рустам ул урушким Афросиёб била урушти анинг замонида эрди. Рустамға жаҳонпахлавонлиғ лақабин бериб, сипоҳ-солор қилди. Ва Луқмони-Ҳаким ва Ашмуил алайҳиссалом ва Толут анинг замонида эрдилар. Баъзи Ҳазқил ва Хизр алайҳимуссалом ва Илёс ва Алясабни ҳам дебтурлар ва Юнус алайҳиссалом дебтурлар. Ва Кайқубод юз йигирми йил подшоҳлиқ қилди.

### Ш е ъ р :

Чу тузди жаҳон базмини Кайқубод,  
Суруди Каёний била эрди шод.  
Вале қилди чархи мухолиф сияр,  
Анинг доғи ҳунёгарин навҳагар.

Кайковуским, баъзи Кайқубоднинг ўғлидур дебтурлар, аммо кўпрак эл набираси дебтурлар. Чун анинг валиаҳди эрди, ўрнига — салтанат тахтига ўлтурди. Ва ул мухталиф мизож ва мунқалиб рой киши эрди. Бовужуди азим салтанат неча қатла ўзин муҳликаларга солиб, бандларға тушти ва Рустам халос қилди. Бири Мозандарон қайдидурким, Рустамни, Фирдавсий «Шоҳнома»да дебтурким, ҳафтхон йўли била бориб, ани қутқорди. Яна бири улким, Яманда Зулазор Ҳимяриким, Яман подшоҳи эрди, анинг ғафлати жиҳатидин ани жамиъ аркони давлатини тутуб, банд қилди. Анда ҳам Рустам бориб, Зулазор била мусолиҳаға қарор бериб, Судобаким, Зулазорнинг қизи эрди, Кайковусқа қулуб, ани ва элин қутқорди. Бу ишлар шукрузорлиғиға ўз хоҳарзодасинким, оти Нозмеҳр эрди, Рустамға бериб, ани сипоҳсолорлиғдин салтанат поясиға еткурди. Ва Кайковуснинг ўғли бор эрди, Судобадин ўзға анодин Сиёвуш отлиғким, Юсуф алайҳиссаломдин сўнгра анингдек жамил йигит йўқ эрди. Борча эрдамларда ҳусниға яраша эрди. Ва ани Рустам асраб

эрди, тарбият топиб эрди, Судоба — ўгай онаси анга ошиқ бўлуб эрди, андин ком ҳосил қила олмай, ўз қўрқунчидин Кайковус қошида ани ўзи била бадном қилиб чақти ва ул ўз бароати учун ўтқа кирди. Чун ул туҳматдин муарро эрди, ўтдин осийб топмади ва атосининг хато ройи ва таллавун мизожидин ваҳм қилиб, Туронга Афросиёб қошига борди. Афросиёб анга эъвоз ва икром қилиб, қизин бериб, Туркистон вилоятин берди. Аммо Гирсиюзнинг ҳасаддин соят қилғони била таҳқиқ қилмай, ани бегуноҳ ўлтурди ва анинг борасига ажаб ҳайф юзидин зулм борди. Анинг қатлидин сўнгра Афросиёб қизидин анинг ўгли тугди. Отин Кайхисрав қўйдилар. Ул булуғ ҳаддиға еткондин сўнгра Гив бинни Гударз Кашвод Исфаҳондин ёшурун ёлғуз келиб, Кайхисравни онаси била олиб қочиб, Эронга элтти ва Рустам Сиёвуш қонин тилади. Туронга черик тортиб, ниҳоятсиз қатл қилди. Ва Афросиёб андин қочти ва Рустам Афросиёб Эронни бузгондек Туронни бузуб, ёниб келди. Ва Кайковуснинг фосид хаёлотидин бири бу эрдиким, сандуққа кириб, тўрт гўшасида қочир ё бургут боғлаб, осмонға борурмен деб ҳаво тутуб, қушлар ҳорғондин сўнгра ани ерга тушурдилар. Чун қариб эрди, Кайхисравни валиаҳд қилиб, тиригида ани подшоҳ қилди. Ва пайгамбарлардин Довуд ва Сулаймон алайҳиссалом ва Луқмони Ҳаким анинг замонида эрдилар. Ва осоридин расадурким, Бобилда ясабтурким, ҳоло Талли ақарқун дерлар. Сиёвуш учун Эрон аҳли андоқ мотам туттиларким, ҳаргиз ҳеч киши ёд бермас. Тарих аҳли муттафиқдурларким, соч қирмоқ ва кук ва қаро киймак ул мотамдин қолди. Ва Кайковус юз эллик йил подшоҳлиг қилди.

### Ш е ъ р :

Чу Ковус маснад уза топти зеб,  
 Неча кун анга чарх берди фиреб.  
 Агарчи фалакка етурди ани,  
 Фалакдин вале ерга урди ани.

Кайхисравни чун Гив Турондин кетурди, Эронда салтанат тахтиға ўлтурди. Ва Фаромурз била Тусни Афросиёб дафъиға йиборди ва ул анга ёқин уруғ эрдилар сўз туттурднким, Сиёвуш наслидин Фаруд Турондадур, анга осийб ва заҳмат еткурмангиз. Фаруд алар била низоъ



зоҳир қилди ва иликка тушти. Тус саъй била қатлаға тушти. Алар Афросиёбдин шикаст топиб, қайтиб келдилар. Кайхисрав Тусқа газаб қилиб ҳибс буюруб, ул истеъфо қилиб, яна Афросиёб урушин ўзига тутуб, Кайхисрав ани банддин чиқориб, яна сипоҳ бошлатиб йиборди. Бу қатла ҳам Афросиёбқа зафар топа олмади. Оқибат Кайхисрав ўзи азим черик тортиб юруди. Афросиёб туруш бермади, дағи юз қайтарди. Ва ул қочар эрди ва бу қовар эрди. Неча қатлаким туруб урушти, фатҳ ва зафар Кайхисравга эрди.

Хоразмда урушуб, Шайданиким, Афросиёбнинг ўғли эрди, ўлтурди. Афросиёб андин ҳам қочти. Ироқи Ажам сори мутаважжих бўлди. Ва ул дағи мутаоқиб келур эрди. То Озарбайжонгача урушуб, Афросиёб Кайхисрав иликида мақтул бўлди. Ва Рустамнинг неча қатла масофлари ва Гударз Кашводнинг Пирон ва Ясса била масофлари ва Бижаннинг Арман заминга бориб, қабонларни ўлтуруб, Манижа ани Туронга элтиб, Афросиёб бандиға тушғони ва Рустам бозурғонлар сурати била бориб, Бижанни банддин халос қилғони таворих ва «Шоҳнома» мазмуни била Кайхисрав замонида воқеъдур. Ва Кайхисравнинг хотири Афросиёб ифсодидин жамъ бўлгондин сўнгра Луҳраспни ҳамким, Кайқубод наслидин эрди, подшоҳлиққа ўлтуртуб, ўзи салтанат тарки тутуб, эл оросидин ғойиб бўлди. Баъзи дебетурларким, ул пайғамбар эрди, аммо онча яхши осор ва сифоти бор эрдиким, Каёнийларда андоқ подшоҳ ўтмади. Баъзин дебетурларким, Сулаймон алайҳиссаломдин қочиб, Балх ноҳиятига бориб, анда ҳалок бўлди, валлоҳу аълам. Кайхисравнинг подшоҳлиги олтиш йил эрди. Анинг замонида анбиёдин Сулаймон алайҳиссалом ва аҳбордин Силуни ва ҳукамодин Фишогурс эрдилар.

## Ш е ь р :

Яна бўлди Кайхисрави пок рой  
Жаҳон кишвару мулкида кадхудой.  
Ва лекин бу зол уштулум айлади,  
Жаҳондин дағи они гум айлади.

Луҳрасп бинни Авранд Кайковуснинг инисининг ўғлидур. Дорул-мулки Балх эрди. Оламнинг кўпрак мулкин очти. Аммо чун оталари салтанат қилмайдур эрдилар ва

Кайхисравнинг ўгли йўқ жиҳатидин мулкни анга бергонда, элга қатиг келди. Чун ул бу ишни англади, эл била андоқ бориштиким, борча ани тиладилар. Мулк очмогининг жиҳати ул бўлди. Икки ўгли бор эрди — Гуштасп била Заррин. Анга бир саҳв туштиким, ўз ўғлонларидин Кайковус атбоиға яхшироқ мамолик берди. Бу жиҳатдин Гуштасп, чун бағоят рашид ва баҳодир киши эрди, таҳаммул қила олмади. Андин ёмонлаб Румға борди. Анга яхши ишлар даст берди. Таворихда аждаҳо ва каркидон ўлтурди дебтурлар. Ҳар тақдир била Қайсар ани куёв қилиб, қизин анга берди. Ул отасидин интиқом тортарға Румдин черик тортиб, жаҳд қилиб, Хуросонға юруди. Отаси ўз ғалатин билиб, ани валиаҳд қилиб, подшоҳлигин анга бериб, ўзи чун улғайиб эрди, гўша тутуб, ибодатқа машғул бўлди. Ва Бухтун-Наср бинни Гударзки, оламнинг бузуғлуғи дерларки, анинг зулмидин эрди, Луҳраспнинг гумаштаси эрдиким, икки қатла Байтул-муқаддасни ер била тузатти. Ва Дониёл била Узайр алайҳиссаломни асир қилди. Бу жиҳатдин дебтурлар, ҳар йил ё уч йил масх бўлди. Андин сўнг Дониёл алайҳиссаломни қўйди. Ва Дониёл алайҳиссалом черик тортиб Бухтун-Наср устиға юруди, қочиб Хузистон қўргонини беркитти. Ва Дониёл алайҳиссалом қўргонни олиб, ани ҳалок қилди. Ва лекин Бухтун-Наср бобида бағоят сўз кўп учун бу мухтасарда мундин ортуқ битилмади. Чун Луҳрасп тахтни Гуштаспқа топшурди ва ўзи Балхда ибодатқа машғул эрди, Гуштасп баъзи билод фатҳиға машғул эрканда, Аржасп келиб, Балхни олиб, Луҳраспни ўлтурди. Ва Луҳраспнинг подшоҳлиги юз йигирми йил эрди. Ва анинг замонидағи анбиё Узайр била Урмиё ва Дониёл алайҳиссалом эрдилар.

### Ш е ъ р :

Яна булди Луҳрасп соҳиб сарир,  
Ки булди қўлида салотин асир.  
Не мулки омон топти Гуштаспдин,  
Не жони халос ўлди Жомаспдин.

Гуштасп — Ҳалаб мулкида тахтқа ўлтурди ва зардушт анинг замонида пайдо бўлди. Ва ул габр динида риёзатлар ва мужоҳадалар тортиб эрди, «Зинд» китобин тасниф қилиб, элни ул динға даъват қилди. Чун ҳаким эрди ва риёзат жиҳатидин элни сайд қилиб эрди, Гуштаспни ҳам фирифта қилди. Гуштасп зардушт динин ихтиёр қилиб, элни

ҳам ул миллатқа киюрди ва Румда қайсарга киши йибориб, ани дағи бу динға далолат қилди. Қайсар Фаридун аҳдно-масин кўргуздиким, Рум қайсарлари бир динда бўлсалар, киши тағйир бермасун. Ул жадди фармонин инқиёд қилиб, ул таклифдин кечти ва ўзи Истаҳр тахтида «Зинд» китобин ўқурга машғул бўлди.

Аржасп бинни Афросиёбким, турк подшоҳи эрди, андоққи зикри ўтти, вилоятни холи топиб, Балхни олиб, Луҳраспни ўлтуруб, қизларинким, Гуштаспнинг сингиллари эрди, асир қилиб, Балхни бузуб, кўп ғанойим била мулкига қайтти. Гуштасп эшитиб, интиқом учун Рустамни рақам қилиб, Рустам сўзин инқиёд қилмади ва Зобилистондин келмади. Ва ўз ўғли Исфандиёрниким, Дурри сафид кўргонида мажус қилиб эрди, чиқариб мулк ваъдаси била сипоҳ бошлатиб, Аржасп интиқомига йиборди. Исфандиёр бориб, Аржаспни ўлтуруб, Туронни Байтақача олиб, сингилларин асирликдин чиқариб, азим ғанойим била келди, дағи салтанат истидъоси қилди. Гуштасп ё Рустам анинг ҳукмин ижобат қилмаган жиҳатдин ё мулк ва салтанатдин кеча олмасдин, Исфандиёрни Рустам урушига йибордиким, анинг тарафидин хотир жамъ бўлғай. Бир йўли ани дафъ қил, дағи фароғат била подшоҳликқа ўлтур, деб ул ком ва ноком Рустам устига юруб, Рустам мулоимат ва уэрхоҳлиг била анга ўтру келиб, кўп ҳурмат ва таъзимлар била анинг била Гуштасп хизматиға борурни қабул қилди. Ва ул ғоят ғурур ва паҳлавонлиғидин андин уруш тиладиким, зўр даст била Рустамни тутқай. Рустам улғайиб эрди ва анга ҳариф эрмас эрди, Зол тадбири била, ё дебтурларки, Симурғ мадади била бори ҳар тақдир била ҳийла қилиб, Исфандиёрни ҳалок қилди. Чун «Шоҳнома»даким, Фирдавсий дебтур, бағоят машҳурдир, шарҳ ҳожат эрмас. Алқисса Гуштасп бу хабардин воқиф бўлғач, бу ишдин кўп пушаймон бўлди. Вале Исфандиёр ўғли Баҳманни валиаҳд қилди. Ва ҳукамодин Суқротким, Фишоғурс тилмизи эрди, ва Жомаспким, замонининг саромади эрди, Гуштасп замонида эрдилар. Ва Гуштасп осоридин Самарқанд кўргони ва девориким, Эрон ва Турон орасиға тортилибтур ва Насо шаҳри ва Байзо шаҳриким, баса ақобир ва ашроф андиндурлар. Ва салтанати юз йигирми йил эрди.

Ш е ъ р:

Чу Гуштасп тузди сарир узра базм,  
Анга ҳам фалак айлади кинға азм.

Адам бўлди қонуни Гуштаспи,  
Анингдекки, ойини Луҳраспи.

Баҳман подшоҳ бўлгондин сўнгра адл ойин қилди ва аввал азиматки қилди, Зобилистонга қилдиким, отаси Исфандиёр қонин тилагай. Чун Рустам қолмайду рэди, ўгли Фаромурз ё иниси Заборани дорга ости ва Золни муқайяд қилди ва яна озод қилди. Ва форсийлар ани дароздаст дебтурлар. Кўп мулкка тасарруф иликин сўнгондин Бухтун-Наср ўгли Насрни Бобилдин азл қилди ва Гуҳаршниким, Жомасп набираларидин эрди ва отаси Бани Исроил анбиёсидин эрди, анинг эвази йиборди ва буюрдиким, Бани Исроил элин ва қавмин Байтул-муқаддасқа йиборгай. Ва дебтурларким, Доннёл пайгамбар алайҳиссалом Бани Исроил элин бошлаб, Шом раёсатиға йиборди ва буюрдиким, Байтул-муқаддасни иморат қилдилар.

Баҳманнинг отаси Толут наслидин эрди ва ҳарамии Арчион бинни Сулаймон алайҳиссалом қизидин икки ўгли бор эди: Сосон ва Дороб. Уч қизи бор эрди: Хумой ва Фаранг ва Баҳмандухт. Сосон зоҳид ва муттақий киши эрди. Мулкка парво қилмади, гуша тутти. Хумойни Хумони ҳам дебтурлар, Баҳман ўз ақдига кижоруб эрди. Мавт маразида тожни анинг қорнига қўйдиким, Доробқа ҳомила эрди. Аркони давлати иттифоқ била ўгли туққунча ани подшоҳ кўтардилар. Баъзи дебтурларким, Баҳман подшоҳлигини ё Хумойга берди, тожни андин туғар фарзандга ҳавола қилди. Ҳар тақдир била бўлса, Сосон бу жиҳатдин ошуфта бўлди ва ибодат ихтиёр қилиб, қироқ тутти, валлоҳу аълам. Ва анинг осоридин Форсда Гуворбандидурким, амир Сайфиддин Масъуд деган Бағдод йўли устида работ ясаб ва яна Басо ва Чаҳрум ва Бусигон ҳам анинг осоридиндур. Ва подшоҳлигининг замони юз ўн икки йил эрди ва анинг дурлар. Ва салтанати юз йигирми йил эрди.

Ш е ъ р :

Чу Баҳманға етти вафосиз жаҳон,  
Анинг узри кўнглидин ўлди ниҳон.  
Ёйилган замон шавкати Баҳмани,  
Равон қилди баҳман елидек ани.

Хумой рой ва хирадлик хотун эрди. Баҳмандин сўнгра тахтқа ўлтурди. Чун ҳомила эрди, вазъ ҳамл қилди ва саалтанат ҳубби қўймадиким, ўглини подшоҳлиққа мансуб

қилиб, ўзи анга муҳофазат қилгай, Ани бир сандуққа со-  
либ, қийр била маҳкам қилиб, дарёга солди. Дебтурларки,  
бир гозур иликига тушуб, ани фарзандчилай асраб, тарбият  
қилди. Булуғ ҳаддига еткандин сўнгра салтанат гавҳари ўз  
ишини қилиб, гозурлуқ ишини макруҳ тутуб, илм ва фазл ва  
адаб касбин қилиб, силоҳшўрлуқ ўрганиб, сипоҳийлиқ қои-  
дасин хўб билди. Гозур ани сувда топқан учун Дороб от  
қўйди. Чун ўз ҳимматин ул ишдин бийик кўруб, Гозурдин  
ўз ҳоли кайфиятин савол қилдиким, мен ўзумни сенинг ўг-  
лунг гумон қилмайдурмен, манга ўз нажодимдин хабар  
бер! Гозур мункир бўлди. Куп сўз орада ўткандин сўнгра  
гозур билдиким, ёшурун қолмас. Айттиким, сени сандуқ  
била сув ичида топиб, тарбият қилдим. Ва сандуқ ичида  
нуқуд ва жавоҳир ҳам бор эрди, баъзиким қолиб эрди, До-  
робқа таслим қилди. Ва ул фурсатда Ҳумой Эрон черики-  
ни ясаб, Рум фатҳига йиборадур эрди, Дороб ул сармоя  
била ўз ярогин қилиб, сипаҳсолорға мулозим бўлуб, ул  
юрушга борди. Йўлда андин ғариб мардонлиғлар ва паҳ-  
лавонлиғлар зоҳир бўлди. Андоқки шуҳрат тутуб, Ҳумой-  
га битиб йибордиларким, бу навъ нодир йигит пайдо бўлуб,  
подшоҳ давлатхоҳлиғига мундоқ ишлар қиладур ва Ҳумой  
кўнглига анинг меҳри ер тутуб, анга иноят ваъдалари би-  
тиб йиборди. То иттифоқи ҳасанадин баъзи таворихда би-  
тибтурларким, Рум урушида қайсарни ул тутти. Бу қатла  
худ элга ангуштнамо бўлуб, яна Ҳумойга ани битидилар.  
Черик қайтқандин сўнгра Ҳумой черикка ўтру бир манзил  
келиб, фатҳ кайфиятин таҳқиқ қилурда, Доробни кўргуз-  
дилар. Кўзи анга тушкач, кўнглига изтироб тушуб, эмчо-  
кига сут келди. Таҳайюр ва таажжуб била гавҳар ва нажо-  
дин тафаҳхус қилди эрса, Дороб андоқким, бор эрди айтти.  
Ҳумой жазм билдиким, анинг ўғлидур. Аркони дав-  
латқа кайфиятни билдурди. Доробнинг юзун ўпуб, шод-  
монлиғлар била тожни анинг бошига қўуб, тахтни анга  
мусаллам тутти ва ўзи парда кейнида бўлуб, подшоҳлиққа  
ўғлини ўлтуртти. Ва Ҳумойнинг салтанатининг муддати  
ўтуз ики йил эрди ва осори Истаҳрда Ҳазорсутун эрди-  
ким, ани Искандар бузди ва баъзи Чиҳил минорни ҳам ан-  
га мансуб қилибтурлар. Ва Самара шаҳриким, Жарбодқон  
дерлар ҳам, ул бино қилди.

### Ш е ь р:

Яна бирнеча кун Ҳумой олди мулк,  
Эронлар бориб ичига қолди мулк.

Туганди анинг мулку даврони ҳам,  
Фалак Золи қатъ айлади они ҳам.

**Дороб** чун Ҳумой ўрнига тахтқа ўлтурди, адл ва дод пеша қилди. Ва ул хирадманд ва паҳлавон ва ҳуб сурат подшоҳ эрди. Кўпрак мулк салотини анга инқиёд қилдилар. Ва Рум қайсариким, замонида Файлақус эрди, саркашлик қилди эрса, сипоҳ тортиб Румга юруб, қайсарни тутти ва банд қилди. Чун Румни қаёсирадин ўзга киши забт қила олмас эрди ҳам ани ўқ тарбият қилиб, минг байза олтуниким, ҳар бири вазнга қирқ мисқол бўлғай, хирож тайин қилиб, қайсарнинг қизин қулуб, Румдин ёнди. Ул қиздин ноҳуш ис фаҳм қилиб, таъби мутанаффир бўлуб, отаси қошига қайтариб йиборди. Баъзи дебтурларким, ул қиз Искандарга ҳомила эрди. Қайсар ўз қизин ақдига киюруб, ўгли мутаваалид бўлгондин сўнгра Дороб ўғлидур демакка номусланиб, ўз ўғлумдур деб Искандарни ўғулчилай асраб, валиаҳд қилди ва элчи йибормақ учун ём оти боғлади. Ва Рашитан отлиғ вазири бор эрди, кофий ва оқил киши эрди, Доробжурд шаҳрин ул ясаб, Дороб отиға тасмия қилди. Ва Дороб маосири пайғамбарлардин Жиржис алайҳиссалом эрди ва ҳукамодин Афлотун илоҳи. Ва анинг салтанатини баъзи олтмиш йил, баъзи эллик икки йил дерлар.

Ш е ь р:

Чу тахт узра Дороби равшан замир  
Ҳумой ўрнига бўлди оромгир,  
Анинг дағи йиқти фалак поясин,  
Бошидин айирди ҳумо соясин.

**Доро** ибн **Доробни** Дороб чун валиаҳд қилиб эрди, отаси ўрнига подшоҳ бўлди. Чун золим таъби киши эрди, зулмидин улуғ эл озурда бўлдилар. Рашитанниким, Дороб дастури била дастур ясаб эрди, Байри отлиғ иниси сиюяти била тиладиким, азл қилғай. Баъзи дебтурки, ул Искандарга киши йибориб, маъҳуди хирож бермақдин ани пушаймон қилди. Чун Искандар хирож йибормади, Доро киши йибориб, минг олтун байзани тилатти. Искандар жавоб бердиким, ул юмуртқаларни қўяр қуш учти, Доро дағи кунглидин бу тамаъни чиқарсун. Дороға бу сўздин ғазаб муставлий бўлуб, устига черик тортиб, масофнинг икки сафи тузалганда,

Доронинг икки ноибиким, анинг зулмидии ториқиб эрдилар, ани ҳалок қилдилар. Баъзи дебтурларким, ики Ҳамадонлиғ киши фидойилиғ дастури била бу ишни қилдилар. Баъзи дебтурларким, аларни Исқандар йибориб эрди, бу ишни буюрди. Аввалғи қавл саҳиҳроқдур. Чун ул сипоҳ орасида йиқилди, Исқандар келиб, анинг бошини ўз тизини устига қўюб, онт ичтиким, бу иш менинг қошимдин эмас эрди. Доро Исқандарға уч васият қилди. Бир улким, Равшанакниким, анинг қизи эрди, (узиға хотин) қулғай. Бир улким, анинг қотилларини ўлтурғай. Бир улким, анинг атбойким, Фурс мулуки наслидин эрдилар, қатл қилмағай, дағи риюят қилғай. Исқандар барчани қабул қилди. Доро охири дамда Исқандардек муставлий адувсидин хушнуд ўтти. Ва бу дostonни фақир «Садди Исқандарий» даким, «Хамса»нинг бешинчи китобидур, машруҳ адо қилибтурмен. Ва Доронинг подшоҳлиғи ун тўрт йил эрди.

### Ш е ь р:

Яна бирнеча вақт доройи даҳр  
Ичиб нўш даврон анга берди заҳр.  
Фалак заҳр агар берди Дороға бот,  
Сқандарға ҳам бермай оби ҳаёт.

**Исқандар** нисбатида ихтилоф кўптур. Баъзи ани Дороб ўғли дебтурлар, андоқки Дороб зикрида ўтти. Ва Банокатийда ва «Девонун-насаб» китобидин мундоқ нақл қилибтурким, Исқандар Хирмиси Румий ўғлидурким, Хирмис отаси Лафти бинни Юнон бинни Торах бинни Ефас бинни Нуҳдур. Ва анинг умрини минг олти юз йил бўлди деб ва Зулқарнайнки, анинг лақабидур, ваҳди тасмияни мундоқ дебтурким, ул замонда минг йилни бир қарн дер эрмишлар. Яна ҳам Банокатийдадурким, анинг отаси Бозур бинни Албон эрди. Исқандария подшоҳи ва отаси Афлиюн бинни Нуқо қизи эрди. Ва Бозур ва Афлиюн орасида доим адоват эрди. Мулк маслаҳати учун яраштилар ва ул мусолиҳанинг таъкиди учун Афлиюннинг қизин қулди ва ўз мулкига элтти. Бозурнинг эли бир кайд била андоқ қилдиларки, Бозур ул қизни кўздин солиб, отасиға йиборди ва қиз Бозурдин ҳомила эрди, йўлда андоқ ҳаводис юзландиким, ул қиз бир энага билан ва бир атка ва бир хожасарой била қолди. Иттифоқо, бир чоҳ бошида вазъ ҳамл қилдиким, махуф манзил эрди. Ва анда қароқчи кўп элни

ҳалок қилур эрди. Бу ҳолда йироқтин қалин қаро пайдо бўлди. Алар ваҳмдин ул тифлни бир қиймати нимага чирмаб, ул чоҳ бошида қўюб, қочтилар. Куринган қаро худ дашт баҳойими эрмиш. Бори таоло бир сутлук ўчку йибориб, амр қилдиким, ҳар кун келиб, ул тифлға сут берур эрди. Ва ул тифл Искандар эрди. Ва ул ўчку бир қари хотуннинг эрди, бир кун ўчкуси ғойиб бўлгон жиҳатдин ани тилай, ул чоҳ бошига келиб, ул гариб ҳолга мутталиъ бўлуб, таҳайюр юзидин Искандарни олиб, ўғулчилай улғайтиб, подшоҳ ўғли дабиристонида дабирга топшурди. Искандар оз вақтда жамиъ фазойил ва камолотни касб қилиб, сипоҳийлиқ русуми ва баҳодирлуқ фунунида ҳам ягона бўлди. Бир кун ул подшоҳ дабирга ғазаб қилиб ҳисобға тилади. Чун подшоҳ золим ва нодон эрди, Искандарга ҳикмат ва ақл анда турмоқни рухсат бермади. Ул диёрдин ҳазимат қилди. Йўлда чоқари от ва силоҳин ани уюқлатиб, олиб қочти. У яёқ бир шаҳарғача бордиким, иттифоқо, Афлююннинг шаҳри эрди. Онаси қаср томида дашт сори тамшоҳ қиладур эрдиким, Искандарнинг қаросин кўруб, меҳри ҳаракатқа келиб, эмчокига сут келди. Таҳайюр қилиб ани тилаб, аҳволин тафаҳҳус қилди эрса, ўғли эрканин билди. Афлююнға изҳор қилғач, анинг ўғли йўқ эрди ва улғайиб эрди, мулкни набирасн Искандарга топшуруб, ўзи ибодатқа машғул эрди. Искандар черик тортиб, отаси мулкени олди ва макнати азим бўлуб, Дороға хуруж қилиб, ани ҳам юқори ўткандек ародин кўтариб, жаҳон мулкин олди. Аксар таворихда анинг умрин ўтуз олти йил ва салотинин ўн уч йил битибтурлар. Аммо маҳолдурким, ўн уч йилда ул қилган ишча қилса бўлғай. Амир Хисрав Деҳлавий «Ойинаи Искандарий»да анинг салтанати замонин беш юз йил дебтур. Аммо Ҳазрат шайх Низомий қуддуса сирруҳу «Искандарнома»да ики қарн маъҳуд дебтур ва таҳқиқ юзидин ихтилофи ривоётни рад қилиб, ани Файлақус ўғли дебтур. Ва фақир ҳам «Садди Искандарий»да ул ики бузургвор қавлини сойир муаррихлар ақволиға таржиҳ қилиб, назм адосиға қарор берибмен. Ҳар тақдир била Искандар подшоҳе эрдиким, андин бурунғи ва сўнгги салотин бу кунгача ул қилган ишни қилмадилар. Ҳам ҳаким эрди, ҳам вали. Баъзи анга нубувват устоди ҳам қилибтурлар. Тўрт юз ҳаким анинг хидматида эрдилар. Афлотуни илоҳий бошлиғ ва Арастудек вазири бор эрди. Секиз минг шоҳ ва шаҳзода хизматини қилур эрдилар. Оламнинг барру баҳрин олиб, ҳайвон суйи таманноси била зулумотқа кирди. Анинг била



кирган мулозимлардин бири Хизр, бири Илѳс алайхис-салом эрдилар. Ул сув аларга насиб буллуб, Искандар махрум ёнди ва баъзи Шахризурда ва баъзи Бобилда дерларким, вафот топти ва Искандарияга нақл қилдилар. Машхурдурким, васият қилдиким, яланг иликларин тобутдин тошқори чиқарсунларким, олам аҳлига мужиби танбиҳ, балки ибрат булгайким, оламдин илик торта тутқайлар. Ва анинг осоридин Яъжуж саддидур ва Марв ва Хирот ва Самарқанд ва Исфаҳонни ҳам дебтурларким, ул бино қилди. Ва ул уткандин сунг ўгли Искандарус мулкни қабул қилмади, ибодатқа машғул булди. Ва Румда Батлимусни қайсар қилдилар, валлоҳу аълам. Ва мулуки тавойифни Эрон заминда ул тайин қилди.

Уч юз олтмиш йилгача алар ичин-аро низоъ қилиб, Румга ҳеч қайсининг зарари етмади.

### М а с н а в и й:

Скандарки фатҳ айлади баҳру бар,  
Кириб тахти фармониға хушқу тар.

Етишти зуҳал авжига рифъати,  
Чалинди фалак томиға навбати.

Вилоят била ҳикмату шоҳлиг,  
Нубувват ишиднн ҳам огоҳлиг.

Гаҳи Садди Яъжуж қисм айлабон,  
Гаҳи юз ажойиб тилисм айлабон,

Бу ҳашмат бериб, эзиди пок анга,  
Не зулм этти, кўр, чархи бебок анга.

Ки холи қўлин бенаволар киби,  
Узотиб борурда гадолар киби.

Чиқарди жаҳон мулкидин воясиз,  
Қўли ком нақдидин моясиз.

Яналарга, кўр чарх неткусидур,  
Санга ё манга худ не еткусидур?

## УЧУНЧИ ТАБАҚА АШКОНИЙЛАР ВА МУЛУКИ ТАВОЙИФ ДЕРЛАР

Тарих аҳли орасида бу табақа дағи салотин тартибида бағоят мухолафат кўптур. Аммо бир сўзда барча муттафиқ-дурлар. Биз ул сўзники, муттафиқун алайҳдур, адо қилоли. Сўнгра ул сўзларниким, мухталафун фиҳдур, зикр қилиб, ҳар нимагаким, ўхшаши кўпрактур, қарор берили. Улча муттафақун алайҳдур бу сўздурким, Искандар чун Эрон мулки била Форсни фатҳ қилди, бу мамоликни билган салотин ва авлодин йигди ва алар бобида не қилмоққа ройин бир-бирига қарор бера олмай, ожиз бўлди. Аристотолиским, анинг вазири эрди, ҳозир эрмас эрди. Анга битиб юбориб, андин рой тилади. Ва ул жавоб битиб йибордиким, бу жамоатни қатл қилмоқ шаръан ва ақлан муносиб эрмас ва қўймоғлари мулкка мужиби фасод ва хотирға мужиби тараддуддур. Чун сен булар мамлақатин ҳар қайсини заруратан бировга бергунгдур, аввал ўзлариға-ўқ бериб, ўз қошингдин буларни мулкка насиб қилиб қўйгайсенким, утар дунёда мунча салотиннинг бежиҳат қонин тўкмамиш бўлгайсен. Ва аларни мамнуни миннат қилиб, ўзунгға яхши от қозғонмиш бўлгайсен. Дағи ул кун сўнграки сен бўлмасанг булар ичин-аро мунозаат қилиб, сенинг дорул-мулкунггаким Румдур, таарруз кечрак қилгайлар. Искандарга Арастунинг ройи дилпазир тушуб, ул жамоатни Арасту кўрган рой била насб қилдиким, мулуки тавойиф аларни дебтурлар. Ва улча бу табақада аҳли тарих сўзида ихтилофдур. Бу жамоат оти ва ададида ва салтанатларининг муддати ва тақдим ва таъхирида ва бу хилофлар тавфиқ бермак ва татбиқ қилмоқ сўзни пароканда қилиб, ўқуғучини ёлқитиб, ҳавасин паришон қилур. Заруратан ижмол била андин ўтмак муносиброқ кўрунди. Искандар мулуки тавойифни мамоликка насб қилганда, Дажли яқосиди бери Ироқ ва Рай ва Хуросонгача Абтаҳши Румийға берди ва ул тўрт йил мулк сурди. Ва Ашкким, Доронинг ўгли эрди ва Искандар замонида ваҳмдин ёшурун юрур эрди, анга хуруж қилиб, ани ўлтурди ва тахт билди.

Ашк бинни Дороб Чун Абтаҳши Румийни орадин чиқарди ва Эрон мулкин Рум аҳли кудуратидин софи қилиб, сойир мулуки тавойиф била мувофақат қилди. Ва алар ани бағоят ҳурмат туттилар ва мундоқ муқаррар қилдиларким, нишонларида ўз отларидин бурун анинг отин битиғайлар ва бот ёғи ораға кирса, бир-бирларига мадад қилгайлар ва

улуқ-кичиклик орада булгай. Мундин ортук таклиф орада булмагай. Анинг замони уч йил эрди.

**Шопур бинни Ашк.** Баъзи дебтурларки, Исо алай-хиссалом анинг замонида мабъус булди ва Яхё ва Закариё ва Жиржис алайхиссаломни ҳам баъзи дебтурларким, анинг аҳдида эрди. Ва Агустус қайсар анга муосир эрди. Ва Шопур мулки йигирми йил эрди.

**Баҳром бинни Шопур.** Отасининг васияти била ота тахтини билди. Анинг подшоҳлиги ўн бир йил эрди.

**Ялош бинни Баҳром.** Ул дағи отасига валиаҳд эрди ва подшоҳлиги ўн беш йил эрди.

**Ҳурмуз бинни Ялош.** Отасига қоиммақом булди ва подшоҳлиги ўн тўқуз йил эрди.

**Нуш бинни Ялош.** Анинг подшоҳлиги ўн йил эрди. Баъзи дебтурларким, Ироқ ва Форсда Ашк фарзандларидин Уйгур отлиғ бир подшоҳ эрди. Шопурдин эллик йилдин сўнгра ва Яхё алайхиссалом анинг замонида шаҳид булди. Ва ул салтанатни ўғли Гударзга мусаллам тутти.

**Гударз бинни Уйгур.** Улуқ подшоҳ булди ва дод ва адл ва инсоф тариқидин чиқти ва Бани Исроилга черик тортиб, азим қатллар қилди. Дерларки, Бухтун-Наср қилгондек. Бани Исроил била маош қилди. Бир кун овда ажал шикорисининг сайди булди. Ва анинг подшоҳлиги эллик етти йил эрди.

**Эрон бинни Ялош.** Гударзнинг қардоши ўғли эрди. Олим ва одил эрди. Гударз замонида анинг зулм ва таҳаттукидин хазойин холи ва мулк бузуқ эрди. Ул риоят ва лутф қилиб, раиятни маъмур ва мулкни ободон қилди, хазинани мамлу қилди. Ва анинг салтанати қирқ йил эрди.

**Гударз бинни Эрон.** Отасининг валиаҳди эрди. Чун подшоҳлиққа ўлтурди, Шом вилоятига бориб, Яхё алайхиссалом қатли интиқомига жуҳудларни қирди ва қолғонидин баъзини овора ва баъзисини залил қилди ва андин сўнгра бани Исроил қавмидин мунқатиъ булди. Ва ул вақтда бани Исроил қавмидин подшоҳи Матинё эрди. Сулаймон алайхиссалом авлодидинким, баъзи дебтурким, Бухтун-Наср ани ҳалок қилди ва Гударзнинг подшоҳлиги ўтуз йил эрди.

**Нарси бинни Гударз.** Баъзи дебтурларким, ул Эрон ўғли эрдик, Гударзнинг қардоши булгай. Чун подшоҳ булди, яхши қавонд ва русум пайдо қилди ва отасининг зулм ва тааддисин орадин чиқорди. Ва тўрт ҳарам бор эрди.

Алардин бири анга захр бериб, ҳалок қилди. Ва салтанати замони тўқуз йил эрди.

**Хурмуз бинни Ялош.** Анинг урнида тахтқа ултурди ва ул дағи дод ва адл қондасин тузди. Аммо айёш киши эрди ва овни севар эрди. Овда руҳи ғизоли ажал уқиға қатил бўлди. Ва салтанати замони етти йил эрди.

**Фируз бинни Хурмуз** андин сўнгра подшоҳлиғ қилди ва анинг салтанати замони ўтуз йил эрди.

**Хисрав бинни Фируз** анинг қоиммақоми бўлди ва ул ҳунарпарвар подшоҳ эрди. Ҳунар аҳлин севар эрди ва анинг замонида ҳунар аҳли азиз бўлдилар ва ҳунарлар такмил топти. Оқибат ул дағи ўзгалар азимат қилғондек озим бўлди. Ва анинг подшоҳлиғи қирқ йил эрди.

**Ялош бинни Фируз** анинг тахтини эгаллади ва ул Хисравнинг қардоши эрди. Оқибат ул дағи қардоши ичкан шарбатни ичти ва анинг подшоҳлиғи беш йил эрди.

**Ардувон бинни Ялош.** Ашконийларнинг сўнғги подшоҳи эрди азамат ва тажаммули ва мулкининг вусъати ул табақадағи салотиндин ортти. Ва мулуки тавойифдин кўпин ул мақхур қилиб, мулкин олди ва ўзига мунқод қилди. Ва охирул-амр Ардашер Бобак ани орадин чиқориб, мулк ашконийлардин сосонийларға интиқол топти. Ва Ашконийлар бу мухтасарда ўн бир киши битилди ва «Низомут-таворих» да ўн етти киши битибтур ва Банокатийда ўн тўрт битилибтур ва «Жомеут-таворих»и Жалолийда йигирми киши ва «Гузида»да Ҳамдуллоҳи Алмуствафий уч фирқа қилиб, йигирми бир подшоҳ битиб, мулуки тавойифдин тутубдур. Гўёки бу худ ғалатдурким, алар мулуки тавойиф бўлғайлар. Невчунким ўзи-ўқ таноқуз келтурубтурким мулуки тавойифдин баъзини Ашк бинни Доро ултурди ва Ашконийлар бу Ашк бинни Доро насли дебтур. Ва салтанатларининг замонин ҳам мухталиф битибтурлар. Бу фақир улча имкон ихтиёт бор эрди қилдимким, ўзларин сабт қилдим. Аммо муддатларин эътимод қилгудек нақл топмадим, битилмади. Аммо ҳарқайсининг зикрида тафзил қилилибтур. Ҳисоб қилгон киши топар ва мулуки тавойифни баъзи тўқсон киши дебтурлар ва баъзи өллик киши ва баъзи ҳам булардин ортуқ ўксук дебтурлар, валилму индоллоҳий.

### Маснавий:

Скандар бўлурда жаҳондин ниҳон,  
Мулуки тавойифқа берди жаҳон.

Алар ҳам бериб тахту тожиға зеб,  
Жаҳондин едилар неча кун фиреб.

Тагофилларин чун ки фаҳм эттилар.  
Талофий қилурдин бурун кеттилар.

Жаҳон мулкин Ашконий олди тамом,  
Аларга булар бўлди қоиммақом.

Қаю бирнинг улғач аён навбати,  
Соғиндики, жовид эрур мулкати.

Неча кун димоғиға солди ғурур,  
Чу вақт ўлди кетмаклик эрди зарур.

Жаҳондин кетиб, ком ола олмади,  
Кишига жаҳон жовидон қолмади.

Алардек яна юз минг ўлса падида,  
Ҳам алардек ўлгусидур нопадида.

Бу кетмак эмас барча шаҳларга хос,  
Гадолар дағи топмас андин халос.

Жаҳонким, вафо келди андин йироқ,  
Йироқ бўлса андин киши, яхшироқ.

## ТУРТИНЧИ ТАБАҚА СОСОНИЙЛАРДУР

Ким аларни акобира дебтурлар. Буларнинг дағи ададларин мухталиф битибтурлар. Баъзи ўтуз ики ва баъзи ўтуз бир ва баъзи йигирма секиз ва салтанатларининг муддатини ҳам мувофиқ битмайдулар. Соҳиби «Ғузид» беш юз йигирми етти йил битибтур ва Банокатий беш юз ўтуз йил битибтур ва Қози Байзовий тўрт юз ўтуз йил дебтур. Ҳар тақдир била Ардашер Бобак Сосонийларнинг аввалги подшоҳидур. Ва ул Сосон бинни Баҳман набирасидур. Ва анинг шарҳи будурким, чун Баҳман Ҳумойни валиақд қилди. Сосонким ўғли эрди, ғуша тутти, андоқким, мазкур бўлди. Ва давлат ул табақадин Ашконийларга мунтақил бўлганда, Сосондин бир ўғул қолиб эрди, оти анинг ҳам Сосон эрди, мутаворн ва мактум юрур эрди. То рузгор

хаводиси иқтисосидин Бобак қошидаким, Ардувоннинг Форс вилоятида бир гумаштаси эрди, ўзин тобеъ тутар эрди. Ва Бобак ул навоҳийда кўп макнат ва шавкат пайдо қилиб эрди, чун Сосоннинг барча атвориға мулоҳаза қилур эрди, андин осори раёсат ва хирадмандлиғ зоҳир бўлур эрди. Бир кеча туш кўрдиким, қуёш Сосоннинг манглайидин тулуъ қиладур. Анинг аҳволини муболаға била тафтиш қилди эрса, маълум қилдики, ҳол недур. Эҳтиром ва эъвоз қилиб, ани куёв қилди. Ва Ардашер Бобак анинг қизидин мутаваллид бўлди. Чун Сосон орадин чиқиб эрди, ани Бобак оти била атадилар. Чун Ардашер булуғ ҳаддига етти, барча билик била эрдамда ягона бўлуб шуҳрат тутти. Ардувон эшитиб, ани Бобакдин тилаб ўз ўғлонлари била тарбият қилур эрди, бир кун алар овга бориб эрдилар. Ардувон ёшурун либос тағйир қилиб, аларнинг овда забт ва рабтлари, отиш-тутушларин билай деб борди. Барча навъда Ардашерни ўз ўғлонларидин ортуқ топти. Рашк била ҳасаддин ғазаб қилдиким, ул бир навкар ўғли анга салтанат ойинининг иктисобини муносибдур деб ўз мирохурлуғини буюрди. Ардашер зарурат ва ваҳмдин ул хидматқа машғул эрди. Иттифоқо, бир кун тавила бошида ўлтуруб эрдиким, Ардувоннинг ҳарамидин неча канизак ўтуб борадур эрдилар. Бири Ардашерни кўруб, кўнгил олдуруб, алқисса, аларнинг орасида мулоқот ва хусусият воқеъ бўлди ва Ардувоннинг махфий аҳволи ва мақолидин ул канизак Ардашерга хабар берур эрди. Бу учурда Бобакнинг вафоти хабари келди. Ардашер муддао изҳор қилдиким, Ардувон анинг отаси мансабин бериб йиборгай. Мақбул тушмади. Ул ҳукуматқа ўз ўғлин муқаррар қилиб йиборди. Чун Ардашер ул ишдин навмид бўлди, ваҳми ғолиб бўлди. Бу феврда ул канизак анга хабар бердиким, Ардувон бир мудҳиш туш кўруб, билур элдин таъбирин сўрди. Мундоқ дебуларким, мулк сендин интиқол топиб, бировга мунтақил бўлгусидурким, бу ҳафта сенинг даргоҳингдин кетар. Ва Ардувон бу сўздин мутаваҳҳиш бўлуб, бу ишнинг тафаҳхусидадурким, ул кишини топиб, дафъ қилгай. Бу сўздин Ардашернинг дағдағаси кўпрак бўлуб, ҳам анинг-ўқ тавиласиндин эътимоди отлар қушлаб қочти. Ва канизак ҳам анинг била муттафиқ эрди. Чун Ардашер Истаҳр шаҳриға етти, отасининг атбондин баъзи анга йиғилдилар. Кўп эл маълум қилиб, анга муттафиқ бўлуб, Ардувоннинг ўғлиға хуруж қилиб, ани орадин кўтардилар. Ва Ардувон эшитиб, ўзи анинг дафъин қилмоқдин ўзга чора топмай, сипоҳ тор-

тиб келиб, Ардашер била урушиб, босилди ва қатлга етти. Ба қолғон мудуки тавойифни ҳам мақхур қилиб, мамолик фатҳиға юз қўйди. Ва Ардувон қизини никоҳиға киюрди. Ва Ардувоннинг тўрт ўғли бор эрди. Икиси талаф бўлуб, икиси қочиб Ҳиндистонга бордилар ва анда ҳар навъ бўлса, ўткарур эрдилар. Сингиллари била хабарлашиб, анга заҳр йибордиларким, Ардашерга бериб ҳалок қилғай, шояд бу васила била мулк аларга тушкай. Ардашер бир кун овдин келиб, шарбат тилагач, ул қиз шарбатни заҳр олулди қилиб, муҳайё асраб эрди, филҳол тутаберди. Ардашер давлат раҳнамуни амри била шарбатни олурда тааммул зоҳир қилди эрса, шарбат бергувчи мутағаййир бўлуб, илки титраб, шарбатдин ёрими тўкулди. Ардашер бағоят хирадманд эрди. Қолғаниға нон тўғраб, итқа берди эрса, ҳалок бўлди. Тафаҳхус қилғоч, ул иш кайфияти маълум бўлди ва қизни вазирға топшуруб, буюрдиким ҳалок қилғай. Вазир окибатандиш киши эрди, ўлтурурда қиз айттиким, подшоҳдин ҳомиламен. Ани асраб, ўзин хасий қилиб, бирнеча кун иложидин сўнгра кескан узвни бир ҳуққаға солиб, муҳр қилиб, Ардашер ҳузурда хозинға топширдиким, мен бу амонатни тиласам бергайсен. Бу ҳолдин оз вақт ўткач, ҳомила туғулди ва вазир анга Шоҳпур от қўйди. Ва иҳтимом била тарбият қилур эрди, то ўн ёшиға етканда, ҳусну жамол ва рушду камолда нодир бўлиб эрди. Бир кун вазир Ардашерни қошиға кириб, ани бағоят малул топти. Ҷиҳатин сўрди эрса, чун Ардашернинг ўғли йўқ эрди, дедиким, начук малолат бўлмагайким, олам мулкин олдим ва умр охирға етти, заруратан ўлмак керак ва мулкин ёт кишиға қўюб бормоқ керак. Вазир айтти: «Подшоҳ ғам емасунким, андоқ ўғли борким, маълум эмаски, ҳеч подшоҳда бўлмиш бўлғай». Ардашер ҳайрат қилиб, кайфиятини яхши маълум қилди эрса, вазир амонат ҳуққани тилаб, ул розни ошкоро қилдиким, мен бу кунинг фикрин қилиб эрдим. Ҳомилани ўлтурмай тухмат дафъи учун ўзумға бу ҳолни раво кўрдум. Ва подшоҳзода туғди ва ўн яшабтур ва оти Шоҳпур қўюлубтур. Ардашер шодман бўлуб буюрди, ани анинг ёши атфол била ясаб, анинг қошиға келтурдилар. Бир-бир ўткариб, ул еткач, оталиғ меҳри ҳаракатқа келиб, ани қўйниға олиб ўпуб, тангри таолоға шукрлар қилиб, онасини ҳарамға йиборди. Вазирға кўп иноятлар қилди. Ва анинг оти Шопурға қарор топти. Уз валиаҳди қилдн. Ва анинг осоридин Форсада Арусни кўраси дерларким, анинг шарҳи узундур. Таворихда бор, билай деган киши ўқуб

билгай. Яна Ардашерки, ани Гавошер дерлар, Кирмонда ва Аҳвоз, Хузистонда ва Мусил жазирадин хиттаи Баҳраиндин. Ва подшоҳлиги муддати ўтуз йил эрди ва ўн тўрт йил ҳукми олам мамоликига нофиз бўлди. Ажал етқач, жаҳондорларга қилгонни қилди.

Ш е ъ р:

Жаҳон мулкани олди чун Ардашер,  
Тавоноу доно шаҳ эрди далер.  
Уларда на нафъ этти донолиғи,  
На дафъ айлай олди тавонолиғи.

**Шопур бинни Ардашер.** Чун отаси ўрнида тахтка ўлтурди, ота расм ва қонунини тағйир бермади ва ул тайин қилган элни вилоятдин ва маносибдин азл қилмади. Ва оқил ва одил подшоҳ эрди. Ва анга арз қилдиларким, Қўстантанияда Рум қайсари ўз ҳаддин тажовуз қилибтур. Шопур Насибин шаҳрин муҳосара била олди ва қайсарнинг хазойинини тасаруф қилди. Қайсар ўз ҳаддини билиб, шафиълар восита қилиб, хирож қабул қилди. Шопур фатҳ ва нусрат била қайтти. Ва анинг осоридин Хуросонда Нишопурдурким, ани Таҳмурас бунёд қилиб эрди, туганмасдин бурун юз бузуғлуққа қўйди. Аммо Шопур ани янги боштин шатранж бисоти вазъи била ободон қилди. Ва айтурларким, акосира бу ихтироъни қилиб эрдиларким, шаҳрлар бино қилсалар, жониворлар шакли била тарҳ қилурлар эрди. Андоқким, Савсанни йилон шакли била ва Шустарни от шакли била. Яна ул ясаган ерлардин бири Жандшопур, Хузистонда Шодшопурдур. Қазвин ё Сийстонда Моний мусаввири Зиндиқ анинг замонида пайдо бўлди. Ва подшоҳлиги ўтуз йил эрди.

Ш е ъ р:

Чу Шопур бўлди жаҳон хисрави,  
Адолатда бўлди ото пайрави.  
Вале охирул-амр чархи дажам  
Ани ҳам отасидек этти адам.

**Ҳурмуз бинни Шопур.** Ани Ҳурмузи қатиъ дедилар. Бу жиҳатдинким, отаси Шопур ани Хуросон вилоятининг аёллатига йибориб эрди ва Шопур жоҳдўст ва бадгумон



киши эрди. Ҳурмуз Хуросонни тузди ва азим черик йиғиб, мустанд қилди. Ҳосидлар Шопурга ёмон кўргуздилар. Шопур анинг бошида истиқлол хаёл қилиб, ёмон элтиб келурига ҳукм қилди. Ҳурмуз фаҳм қилдиким қасд қилғусидур, бир иликин кесиб, Шопур хидматиға йиборди. Ва ул замонда расм эрдиким, ноқис кишини подшоҳ қилмас эрдилар. Шопур анинг беғуноҳлигин билиб, тоинларин мақхур қилиб, кўнгли анинг учун бузулуб, ани валиаҳд қилди. Ва ул Моний мусаввирни ва атбоин ҳужжат била такфир қилиб, жазоларига еткурди. Анинг осори Хузистонда Меҳри Ҳурмуз ва Бағдод навоҳийсида Дастгирдур. Ва салтанати замонида ихтилоф бор. Баъзи икки, баъзи уч, баъзи ўтуз йил дебтурлар.

## Ш е ъ р:

Чу Ҳурмузни бахт этти маснаднишин,  
Адолат била тузди олам ишин.  
Агарчи қўлин қисқа қилди билик,  
Фалак қилмади қисқа андин илик.

Баҳром бинни Ҳурмуз отаси Ҳурмуз васияти била подшоҳ бўлди ва Моний наққошнинг, миллатиким Зиндиқа эрди, анинг замонида шойиъ бўлди. Ва кўп халойиқ анга фирифта бўлдилар ва анинг диниға кирдилар. Атбои қолин ва бу Баҳром худопараст эрди ва хирадманд подшоҳ эрди. Тиладиким, Монийнинг миллатин дафъ қилгай. Аввал ани умидворлиғлар била мусоҳиб ва мулозим қилди ва атбоин ўзидин ваҳмсиз қилди, то барча зоҳир бўлдилар. Андин сўнгра уламони йиғиб, анинг била баҳсқа солди ва уламо ани якнафар қилиб, куфрни анга собит қилдилар. Бу ҳужжат била Монийнинг терисин сўйдуруб, сомон тиқтирди ва атбоин қатл этти. Баъзи дебтурларки Моний элга бу сўз бирла фириб берур эрдиким, руҳ инсон баданида зиндондадур ва анинг ери ўзга оламдур. Руҳқа тасфия ҳосил қилмоқ керак ва ботроқ бу зиндондин халос этмак керакки, туфроқ кудуратидин халос бўлуб, ўз мақомиға еткай. Чун Баҳром ани тилади, дедиким, айтур сўзларингни айт, Моний бу сўзларни айтти. Баҳром дедиким, чун сенинг руҳунг бадан зиндондадур, азоб била биз сенинг-ўқ қавлунг била амал қилиб, руҳунгни азобдин қутқорурбиз деб буюрдиким, ани қатл қилдилар. Ва Баҳромнинг замони ва муддати уч йил ва уч ой эрди.

Ш е ъ р:

Чу Баҳром даври замони эди,  
Замонида машҳури Моний эди,  
Ани дағи нобуд қилди фалак,  
Бу бирнинг дағи нақшини қилди ҳақ.

**Баҳром бинни Баҳром.** Ани салаф дедилар. Такаллуфи кўп эрди ва такаббури ва таҳайюри беҳадд. Оз саҳвға кўп итоб қилур эрди, жузвий гунаҳға номақдур снѐсат кўргузур эрди. Халойиқ анинг бадхўйлуғидин ожиз бўлуб, муъбадлар ва ҳакимларга истиғоса кўргузуб, истионат қилдилар. Алар тааммул қилиб мунга қарор бердиларким, тонгла сабоҳдин ҳеч киши анга ёвумагайлар. Тонгласи жамиъ улус бу ишни қилдилар. Ҳар кишини тилади, топмади. Эл ожиз бўлгондек ул дағи ожиз ва мутаҳаййир қолди. Муъбадлар келиб, насиҳатлар қилдиларким, подшоҳ улус ва эл била подшоҳдур. Эл бўлмаса, салтанат мумкин эмас. Сен элни мизожинг тундлуғидин ўзунгдин рамида қилдинг. Ложарам сендин йироғлиқ тиладилар. Баҳром алардин таахҳуд қилдиким, мен мутанабих бўлдум, келсунлар. Истидъо қилиб муъбадлар яна элни анинг қошига келтурдилар. Ва ул тундхўйлуғни тарк қилиб, адолат ва муросо ва афв пеша қилди. Ва салтанатининг замони йигирми йил эрди.

Ш е ъ р:

Неча эрди Баҳром Баҳроми тез  
Иши чарх Баҳроми янғлиг ситез.  
Етиб вақт тушти ажал домиға,  
Борур баҳс афлок баҳромниға.

**Баҳром бинни Баҳром бинни Баҳром.** Ота ва абука отин анга қўйдилар, ва лекин ани шаҳаншоҳ дедилар. Бу лақаб била шуҳрат тутти ва ул кишиким, бу лақаб топти ул эрди.

Шаъни аржуманд ва ахлоқи дилписанд подшоҳ эрди, ахлоқи элга марғуб ва атвори улусқа матлуб. Зулм биносин бузди ва адл асосин тузди. Аммо даврони умридек бевафо эрди ва умри давронидек бебақо. Ва ул тўрт ой мулк сурди ва борур мулкни ўзгаларга топшурди.

Ш е ъ р:

Шаҳаншоҳ чун сурди оламга рахш,  
Қуёшдек адию, даҳр уза нурбахш.  
Неча меҳрдек топти авжи камол,  
Фалак давридин топти охир завол.

**Нарси бинни Баҳром.** Отаси ўрнида салтанат тахтига ултурди ва ул дағи отасидек комқор ва олиймиқдор ва хирадманд ва ҳушёр подшоҳ эрди. Кўп кишвар олди ва охир риҳлат кўсин чолди. Ва мулкининг муддати тўқуз йил эрди.

Ш е ъ р:

Чу Нарси бўлиб мулк ила комжўй,  
Ота тахтида бўлди оромжўй.  
Не қўйди фалак ҳам анинг комини,  
Не ажодди тахтида оромини.

**Ҳурмуз бинни Нарси.** Ул бағоят мутажаббир киши эрди. Салтанатидин бурун бу сифотин эл билиб, андин ҳаросон эрдилар. Эмдиким, мулк олиб, ота ўрнига подшоҳ бўлди, халойиқ мутаваҳҳим бўлдилар. Ва ул бовужуди бу навъ маоши ўз атвориға бағоят муътақид эрди. Бир кун гоят худписандлиғидин бир ҳақимдин сўрдиким, маннинг афъол ва сифотимға не нима керакликдур? Ғараз улким, таҳсинлар қилғайким, ҳеч нима кераклик эрмас. Ҳақим мундоқ жавоб бердиким, халойиққа ҳоқим ва соҳиби ихтиёр бўлгондек ўз нафсингға ҳам ҳоқим ва соҳиби ихтиёр бўлмоқ санга керакликдур. Ул бу суздин, чун зоти жавҳари бор эрди, гафлат уйқусидин сесканиб, ўз қилиғи теграсинга уйрулуб, мустаҳсан атвор тутуб, марзи ахлоқ пеша қилди. Чун вафот қилди, ўғли йўқ эрди, аммо ҳарами ҳомила эрди. Тожни анинг боши устида осиб, анга подшоҳлиқ буюрди, то Шопур туғди. Ва Ҳурмузнинг замони етти йил ё тўқуз йил эрди.

Ш е ъ р:

Чу Ҳурмузға тушти бу даҳри даний  
Неча вақт ҳам қилди мағрур ани.  
Ва лекин ажал айлагач турктоз,  
Не қолди гурур ул замон, не ниёз.

**Шопур** зул **Актоф**. Хирадманд подшоҳ эрди, аммо қоҳир эрди. Баъзи ани дебтурларким, она қорнида қолди ва туққунча тожни онаси боши устида осарлар эрди. Аввал кишиким, туфулиятда яхши рои хотирига келди ул эрди. Ва анинг шарҳи будурким, олти ёшида **Шаҳрди** деган вазири анинг қошида эдиким, шом вақтида нақора уни келди. **Шопур** вазирдин сурдиким, не нақорадур? Ул дедиким, жамоатики, дарёдин кўпрук била нори юзга **утубтурлар**, чун кўпрук бирдур, аларни қайтарурга ҳар кечқурун хабар қилур учун нақора қоқарларким, кечрак қолсалар кўпрук устига ғавга бўлуб, сувга йиқилур имкони бор. **Шопур** айттиким, яна бир кўпрук дағи яасунлар, то эл фароғат била **утгайлар**. Ва ани ҳукми била кўпрук ясадилар. Анинг туфулият замонида мулкда араб истилосидин кўп шўриш пайдо бўлуб, гассонийлардин подшоҳики, оти **Тойир** эрди. **Тайқунниким**, **Сосон** тахтгоҳи эрди, чопиб, **Ҳурмузинг** эгачисини тутубким, **Шопурга** хола бўлгай, асир қилиб, никоҳига киюруб, мулкни бузуб қайтди. Ва **Тойирга** **Пушардин** бир қиз бўлдиким, назоқат ва жамолда назири йўқ эрди. Отин **Малика** қўйдилар. **Шопур** йигит бўлгондин сўнгра черик тортиб устига бориб, **Тойир** қўрғонини беркитти. Ва ул муҳосара қилиб, **Малика** ичкаридин **Шопур** била муттафиқ бўлуб, қўрғонни **Шопурга** берди ва **Шопур** **Тойирни** ўлтуруб, **Маликани** қулди. **Дебтурларким**, бир кеча **Шопур** тушакида **Малика** нола қилиб, уюй олмас эрди. Яхши эҳтиёт қилдилар. Бир муруд барги тушак остида қолгон жиҳатдин эрмиш. **Шопур** сурдиким, сени не навъ тарбият қилибтурларким, мунча нозук бўлубсен? **Малика** айттиким, отам манга гизо сўнграк мағзидин ўзгаким наботни ун қилиб, анга сешиб берур эрди. **Шопур** дедиким, андоқ парвариш берган отага не вафо қилдингким, манга қилғайсен, деб ани сиёсат қилди ва бу бузуғлуқ қилган аъроб қатлига буюрди ва кўп таъзият била ўлтурти. **Машҳур** мундоқдурким, эгинларин ёриб, бағриналарин сўктуруб ташлайтурдиким, алар бу азоб била ўларлар эрди. Бу жиҳатдин ани зул **Актоф** дедилар.

**Расул** саллолоҳу алайҳи васалламнинг аждодидин **Молик** бинни **Насрким**, аъробнинг бузурги эрди, анинг замонида эрди. Андин сурдиким, арабқа мунча таъзият ва қатлининг жиҳати недур? **Шопур** айттиким, манга мунажжимлар хабар берибтурларким, **Муҳаммад** отлиг пайгамбари саллолоҳу алайҳи васаллам бу қавмдин пайдо бўлуб, тахтни менинг авлодимдин олиб, уларни тугатур. Бу жиҳатдин

аввалдин интиқом тортадурмен. Молик айтти: аввал қайдинким мунажжимлар чин айтмиш бўлғайлар, иккинчи улким, бар тақдирким, сўзлари чин бўлса, сен бу бедодни бу қавмға қилмаганинг яхшироқким, агар ул соҳиби давлат пайдо бўлса, сенинг бу афъолингни истимоъ қилса, авлодингга кўпрак нуқсон еткурғай. Бу сўздин Шопур ул ишни тарк қилди. Раҳматан-лил-оламин. Демак, бу соҳиби давлат шаънидадурким, минг йилға яқин ўз валодатидин бурунроқ мазлумларни золимлардин қутқарур. Ҳумоюн исми мазкур бўлгон била сойир нос ўлумдин ва подшоҳни гунаҳсиз ўлтурмакдин ва шақоватдин озод қилур, саллолоҳу алайҳи ва ало олиҳи ва авлодиҳи ва асҳобиҳи вассаллам.

Алқисса, Шопурға Гуштасп қилган хатодек хатоси воқеъ бўлдиким, мусофарат тарқи била Румға борди. Ва сўз мухтасар, ани Румда танидилар ва қайсар ани тутуб яланғочлаб, ўй хомига тикиб, маҳбус қилиб, сипоҳ тортиб юруб, анинг мулкин олиб, кўп бузуғлуқ қилди. Шопурни асарар кишининг қизи ошиқ бўлуб, ул ҳибсдин қутқариб, иков қочиб, Қазвинға келдилар. Соҳиби «Гузида»ким, қазвинлиқдур, мундоқ дебтурким, Қазвинда бир боғқа кирдиким, бир зоҳид кишининг эрдик, ҳоло ул ерни Шопурон дерларким, Шопур иморат қилибтур. Андоғи элдин таҳқиқ қилди, дедиларким, Шопурнинг вазири Рудбордадур ва сипаҳсолори Шаҳриёрда. Ва ўзга барча ерни қайсар олди. Шопур ёшурун кишилар йибориб, ул иковни тилаб, яна черик тортиб, қайсар била масоф қилиб, қайсарни тутти ва ҳар хароблиқким, анинг мулкида қилиб эрди, буюрдиким, ободон қилғай. Аммо устод ва муздур Румдин келтурғай. Ва ул саранжом қилди. Дебтурларким, бурнин тешиб, ип тақиб, икки қулоғин кесиб югуртти. Ва бу хоксор баъзи таворихда кўрубменким, қайсар Шопурни ўзи била кетуруб, Бағдодни Шопурнинг кишилари муҳосара қилиб эрдилар. Ва Бағдод ҳавоси бағоят исиг бўлур. Анда ўй хомини еткуруб, куназда солдурди. Ва бир кун азим жашн қилиб эрдиким, мажмуъ эли усрук эрди. Чун мамоликни таламоқ шойиъ эрди, Шопурни асарар кишиларнинг эли баъзи эшаклик фақирларни талаб келтуруб эрдилар ва юклар ёғ эрди. Асирлардин бири Шопур ҳолиди зоқиқ бўлуб, ул ёғлардин қуруғон хомға қуюб, хом юм сунгра ани халос қилди. Ва ул ўзини шаҳрига се ясаб, филҳол чиқиб, қайсарни ва борча элин қилди ва юқориғи ўткан ишларни андин с

валлоҳу аълам. Ва баъзи Моний мусавирни бу Шопур замониде дебтурлар. Ва пайгамбарлиқ даъвисиде муъжизаси парторсиз доира ва қалам жадвалсиз мустақим хат изҳор қилибтур. Ва бу ҳамким, бир юмуртқача куррада олам суратин тортиб ва жамиъ ақолим ва билод ва жибол ва биҳорни машруъ ясаб, кентлар ва рудхоналарғача кўргузуб эрдиким, Шопур ҳужжат била ани сиёсат қилиб, мардуд миллатин дафъ қилди. Анинг осоридин Қазвиннинг шаҳристонидур ва Мадойин шаҳрининг таждиди ва Шустарда Шодрувон ва Фируз Шопур ва Сийстонда баъзи ер ва Ҳиндустонда неча шаҳр. Ва салтанатининг муддати етмиш йил эрди ва баъзи етмиш икки дебтурлар.

Ш е ъ р:

Чу Шопур олиб Қоф то Қофни,  
Чиқорур эди беҳадд актофни.  
Чиқорди ани гардиши мухталиф,  
Анингдек ки, ул эл танндин катиф.

Ардашер бинни Ҳурмуз Шопур зул Актофнинг иниси эрди. Вафот қилурда чун Шопур ўгли кичик эрди, салтанати инисига бердиким, ўгли улғайса, анга бергай. «Ғузида»да мундоқ битибдурким, Ардашер бағоят хирадманд ва доно киши эрди. Орияти давлатқа кўнгул боғламай, эл била баски яхшилиқ қилди, анга Некукор лақаб қўйдилар. Чун Шопур ўгли улғайди, мулкни анга мусаллам тутиб, ўзи орадин чиқти. Салтанати, замони ўн йил эрди. Аммо Банокатий муниг акси битибтурким, ул бағоят золим ва жобир эрди. Эл анинг бедодидин келиб, иттифоқ билан ани салтанатдин халъ қилиб, мулкни Шопурга берднлар.

Ш е ъ р:

Чу Шопур ўтуб, Ардашер олди мулк,  
Басе бийму уммид аро қолди мулк.  
Неким олам аҳлиға қилди писанд,  
Анга они еткурди чархи баланд.

Шопур бинни Шопур чун тахтқа ўлтурди, бағоят атвори, ҳусн ва ахлоқи мустаҳсан подшоҳ эрди. Ғоят яхшилигинин Рум подшоҳини ўзига мутиъ қилиб эрди, андоқки қайсар вафоти чоғида, чун ўгли кичик эрди, Шо-

пурға киши йибориб, истидоъ қилдиким, мен қарибмен, дағи умрумға эътимодим йўқтур ва ўғлум кичикдур, бир кишигаким, сенинг эътимодинг бор, йиборким, Румда салтанат қилсун. Уғлум улғайса, мулкни анга топшурғай. Шопур Ширвинни йиборди. Қайсар вафот қилғач, Ширвин Румда ҳукумат қилди. Чун мулк вориси улғайди, Ширвин тахаллуф қилмай, мулкни анга топшурди. Бу иш агар воқеъ эрса, ғаройибдиндур. Ва Ширвинни қайсар қўймади Румдин борғали. Баҳром Гур замониғача Румда эрди ва Шопур чодир ичинда эрдиким, қатиқ ел қўпуб, чодирни анинг бошиға йиқти ва сутун бошиға тегиб, ҳалок бўлди. Ва салтанати беш йил ва бир нима эрди

Ш е ъ р:

Чу Шопури Шопур тузди бисот,  
Жаҳон мулкида зоҳир айлаб нишот.  
Сутун бошиға отиб, этти нигун,  
Ани дағи бу гунбади бесутун.

Баҳром бинни Шопур. Отаси Шопур ўрнида тахтқа ултурди ва анинг сийратин баъзи муаррихлар яхши дебтурлар ва баъзи ёмон. Ва ани Кирмоншоқ дерлар. Баъзи дебтурларким, отаси замонида ҳукумат қилған жиҳатдин анинг сифотида улча эл писанд қилмайдурларким, гуноҳқорни ҳечкимнинг шафоати била озод қилмас эрди. Ва анинг ўғли Баҳромни баъзи андин сунгра отаси ўрниға ултуртуб, бир йил подшоҳлик қилди дебтурлар ва баъзи эътибор қилмайдур. Ва Банокатий дебтурким, анинг зулмидин анга эл ғавго қилдилар ва ул ғавгода ҳалок бўлди. Ва салтанатини ўғлиға берди ва ул ўн икки йил мулк сурди.

Ш е ъ р:

Жаҳон мулки чун қолди Баҳромға,  
Халойиқ иши тушти нокомға.  
Ани дағи гардуни беваҳму бок  
Чекиб кому ноком қилди ҳалок.

Яздижурд бинни Баҳром чун мамлакат эгаси бўлди, гўёки мулк эгасиз қолдиким, ул золим ва нодон киши эрди. Ардашер Бобокондин бири Сосоний нажд салатиндин халойиққа ҳарнеча шафқат ва адолат етти. Ул барчанинг эвази таадди ва бедод еткурди ва мамоликка ҳарнеча

маъмурлуқ ва оросталиқ юзланди, ул барчанинг подошини-бузуғлуқ ва паришонлиқ била ҳаддин ошурди. Секиз йилдин сўнгра бир ўгли бўлди. Отин Баҳром қўйди. Ва Нуъмон бинни Мунзарки, араб подшоҳи эрди, анга топшурдиким, Ҳияра шаҳридаким, Куфага яқиндур ва ҳавоси дилкушой ва фазоси руҳафзой ердур, анга парвариш бериб, тарбият қилгай. Ва Яздижурдни дағи Тус вилоятидағи Чашмаи сабз навоҳийсида от йиқиб ўлтурди. Баъзи сув оти дебутурлар, баъзи дебутурларким, фаришта от сурати била келиб, ани эл бошидин во қилди. Баъзи дебутурларки, дев эрди. Бори воқеи от ҳам бўлса, ҳамул девдур. Ҳар тақдир била бир отиким, киши тундлиғидан ёвий олмади. Ул нодонлиғидин они тутти ва ўзи эгарлади ва қўшқун солурди, тепиб охир қилди. Ва анинг изо ва азоби элга йнгирами йилга тортти.

Ш е ъ р :

Мақон тутти чун тахт уза Яздижурд,  
Тааддию зулм айлади элга вурд.  
Неча кун сақолиғаким, кулди чарх,  
Ажал илкидин барчасин юлди чарх.

Баҳром бинни Яздижурд чун отасидин сўнгра салтанат тахтига ўлтурди, отаси бузгонларни тузди ва анинг зулми ўрнига адолат кўргузди. Ва ани Баҳром Гўр дедилар. Мунинг жиҳатин баъзи дедиларким, гўрни шерсайд қилганда, анинг ўқи эғнисидин ўтуб, ерга тегди. Баъзи дебутурларким, гўр овиға кўп мойил эрди. Чун Яздижурд ўлди, арқони давлатиким, андин зулм кўриб эрдилар, мулк анинг ўглиға бермакка корих эрдилар. Ложарам, Ардашер наслидин Кисро отлиғ кишини тахтқа ўлтурттилар. Ложарам, Баҳром чун муни эшитти, йиғит бўлуб эрди, Нуъмон била отаси тахтиға мутаважжиҳ бўлди. Эл отаси жафосини изҳор қилиб дедиларким, бизга ўзга киши ҳоло подшоҳдур, сен ўз фикрингни қил! Баҳром аларға кўп истимолат билан дедиким, мулк менга маврусийдур. Сиз агар Кисрони подшоҳ қилибсиз, айтмонким, филҳол ани азл қилинг. Ва лекин чун салтанатқа шижоатдин гузир йўқтур, кўрунги, қайсимиз сизга ҳодиса даст берса дафъиға кўшиш қила олурбиз. Подшоҳлиғ анинг бўлсун. Оқибат анга қарор топтиким, салтанат тожин икки оч арслон орасида қўйгай-



лар, ҳар киши олса, боши ул тож била ораста бўлгай. Чун бу маърака тузулди, Кисро тож таркин тутуб, бош саломатлигини ганимат билди. Аммо Баҳром арслонларни ҳалок қилиб, тожни бошига қўюб, тахтга ўлтурди ва адонат бунёд қилди. Андоқки, халойиқ мураффаҳ ва рози ва мулк маъмур ва ободон бўлди. Чун кўнгли бу жонибдин тинди, айш ва нашотқа майл қилди. Ва ул бобда муболагани ҳаддин ошурди. Ва чоғирки, мудовамати мужиби гафлат ва бепарволиғдур, ани мулк ишидан фориг қилди. Ҳар ойинаким, ҳар киши ҳар неким кўнгли тиласа қила бошлади, то мулкка равнақ ва сипоҳқа насақ қолмади. Бу ишдин хоқони турк воқиф бўлуб, чериж тортиб Жайхундин ўтуб, анинг вилоятига дахл қилди. Баҳром чун гафлат уйқусидин уйғонди, мулкни вайрон ва душманни муставан ва сипоҳни паришон топти. Билдиким, масоф тузуб, иш қила олмас. Мулкни Нарсиғаким, иниси эрди, топшурди ва ўзи уч минг киши била Озарбайжон оташкадасиға борурмен деб элдин чиқти. Билмадиларким, қаён борди. Эл гумон қилдиларким, хоқондин қочти. Заруратан хоқонға пешкашлар била арзадошт қилиб, киши йибордиларким, келсанг мулкни топшурурбиз деб. Хоқоннинг хотирн жамъ бўлуб, таскин била мулк тасарруфиға машғул бўлди. Аммо Баҳром Озарбайжондин Гуржистон била Дашти Қифчоқдин чиқиб, Хоразм бостуруб, Журжон навоҳийсида хоқонға шабихун уруб, оз киши била уч юз минг черикин бузуб, хоқонни дастгир қилиб, ўз илки била бошин чопти. Ва бу бир иш эрдиким, ондин бурун ҳеч подшоҳ қилмайдур эрди ва ондин сўнгра дағи ҳеч кишига даст бермайдур эрди. Магарким, Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон ҳаллада оллоҳу мулкаҳуға муяссар бўлдиким, бу навъ иш қилди. Ва анинг мужмали будурким, ул ҳазрат Хуросон тахтин олғондаким, ҳануз мулк туқтамайдур эрди, Ёдғор Муҳаммад Мирзоким, мулк вориси эрди, азим черик била ул ҳазратнинг устига юрди. Ва баъзи кутаҳандеш эл бевафолиғ қилиб, анга қочиб боргон жиҳатдин халойиқ баддил бўлуб, уруш яроғи топилмайин, ул ҳазрат мулкни солиб, оз киши била қироққа тортти. Ва ганим тахтни олиб, мулкка мутасарриф бўлуб, фароғат била беадад хайл ва сипоҳини мулк бузмоқға қўёберган чоғдаким, халойиқ фиғон ва гиревн ул ҳазратнинг қулоғиға етишти. Усру оз нафар била ул голиб адув устига келиб, мулккига кириб, тахтиға юз қўюб, қаср салтанатида ани тутуб, дафъ қилиб, халқни анинг бедодидин халос қилди. Ва бу

фақирнинг хаёлига андоқ келурким, ул саҳарким бу иш воқеъ бўлди, ҳарнечаким мулоҳаза қиллди, юз кишига етмас эрдиларким, ул воқеада ҳозир эрдилар. Иншо оллоҳул-азизким ўз маҳалида шарҳ била битилгай ва нақиру қатирига дегинча шарҳ қиллилгай. Ва Баҳромнинг тахтни қўюб, мусофарат тариқи била Ҳиндистонга боргонин ҳам, чун ғаройиби умурдиндур, мужмалан баён қилоли. Андоқ дебтурларким, Баҳром тамошо ва тафарруж ва нашотқа мойил киши эрди ва худрой ва забардаст ва ўз тавонолигига эътимод қилиб, булажаб ишларга мутасадди бўлур эрди. Алардин бири будурким, Ҳиндистон мулкининг ажубасин эшитиб, тафарружин ҳавас қилди. Ва мулкни Нарсига топшуруб, ёшурун элдин чиқиб, Ҳиндистонга борди. Ва доим сайд била кун ўткарур эрди. Теграсидаги эл анинг ишидин мутаҳаййир бўлуб, фавж-фавж ани кўргали борурлар эрди ва шижоатиға ҳайрон қолурлар эрдиким, беша сибоини — мисли қоплон ва арслон ва сойир даррандалар кўп ўлтурур эди. Бир бешадаки, йўл қироғинда бўлгай, бир азим пилки, андин улуғроқ бўла олмагай, қутуруб ё маст бўлуб, йўл бошиға келиб, элға зарар еткура бошлади. Андоқким, кўп эл ҳалок бўлуб, ул шориъ боғланди. Ва подшоҳ неча қатла қолин эл йибориб дафъ қила олмади. Ва Баҳромнинг хабарин подшоҳқа айттилар. Ани тилаб ажаб қолдиким, бағоят хўбсурат ва қавий ҳайкал эрди. Ул ишни анга зоҳир қилди эрса, қабул қилиб, ёлғуз бориб, ул пилни ўлтурди. Подшоҳ мулозамат истидьоси қилди. Ул ризо берди. Оқсиз бир аёғ ичмас эрди. То улки подшоҳқа азим ваҳме мутаважжиҳ бўлуб, Рой ўзин анга ҳариф кўрмай фирор фикрин қилди, Баҳром оз сипоҳ била юруб ул душманнинг дафъин қилди. Подшоҳ қизин Баҳромға бериб, мулкин ҳам анга атаб, валнаҳд қилди. Баҳром ўзин ошкор қилдиким, не кишидур. Рой мутаваҳҳим бўлуб, билмадиким, не қилгай. Баҳром ани ўзидин эмин қилиб, Ҳиндистонни яна анга бериб, хирож тайин қилиб, Синд қирғогидин Ажам сориғи вилоятларни олиб, Ройнинг қизи била ниҳоятсиз яроғ ясаб, мулкига келди. Ва тўрт минг уйлук созанда ва тўянда ва раққос ва аҳли тараб Ҳиндистондин кўчуруб олиб келдики, ҳоло бу мамоликда дўдилар алар наслидиндур. Ва Дилором жаинги ва етти қаср ва Хаварнақ ва сойир ҳолотин билай деган киши бу фақир «Хамса»сида «Сабъан сайёр»ни ўқуб, маълум қилсун. Ва Баҳромнинг подшоҳлиғи етмиш йил ва олтмиш уч йил ҳам дебтурлар.

Ш е ъ р:

Чу шоҳ улди оламга Баҳром Гур,  
Жаҳонда маю айшдин солди шур.  
Ажал шарбати айшини шур этиб,  
Чиқарди жаҳондин ерин гур этиб.

**Яздижурд бинни Баҳром.** отаси васияти била салтанат тахтига ўлтурди. Ва ул подшоҳе эрди бағоят зеборуй ва хушхуй, адолат ва озарм пеша қилди. Анинг замонида мамолик мураффаҳул-ҳол ва раоё форигулбол бўлди. Гоят юмшоғ сўзлигинин ани Яздижурди Нарм дедилар. Ва салтанатининг муддатин соҳиби «Гузида» бир йил битибтур ва Банокатий ўн йил ва Қози Байзовий ўн секиз йил ва беш ой битибтур ва «Жомеъут-таворих»и Жалолийда ўн етти йил битибтур. Ва аҳли тарих анинг замонида ихтилоф кўп қилибтурлар. Чун фойдаси йўқ эрди, кўпрак таарруз қилилмади.

Ш е ъ р:

Яна Яздижурд бинни Баҳром эди.  
Ки оламга адлидин ором эди.  
Агар хўи юмшоғ эди гар ирик,  
Фалак кўймади они доғи тирик.

**Ҳурмуз бинни Яздижурд.** Яздижурднинг икки ўғли бор эрди: улуғи Фируз ва кичиги Ҳурмуз. Аммо Яздижурд Фирузни Сийстон била Нимруз мулкига йибориб эрди ва ул мамоликни анга мусаллам тутуб эрди. Ва Ҳурмузким, кичикрак эрди валиаҳд қилиб, тахтин анга мусаллам тутти. Фируз бу гадрға таҳаммул қилмади. Ҳиётила подшоҳига илтижо қилиб, анинг мадади била сипоҳ тортиб, Ҳурмуз бошига келди ва масоф тузуб, ани асир қилди. Ва баъзи дерларким, ани тутуб, қатлга еткурди. Ва баъзи муаррихлар ани салотин ҳисобиға қотмайдулар. Ул сабабдин подшоҳлиғи замониға таарруз қилмайдулар, валиму индоллоҳи.

**Фируз бинни Яздижурд** мусулмон ва оқил ва кордон ва одил подшоҳ эрди. Адолат била мамоликни обод қилди ва саховат била раоёни хушнуд ва шод этти. Анинг салтанати замонида етти йил қаҳат воқеъ бўлди ва раоёдин хирожни соқит қилди. Бу етти йил ҳеч киши кишининг ҳеч нима тиламади ва кўпрак муҳтожларға хазинасидин важҳи маош муқаррар қилди. Анинг адолати баракатидин ҳақ таоло етти йилдан сунграким ёмғур берди. Ул йилда онча

маҳсул карам қилдиким, етти йиллик қаҳатнинг қусури рост бўлди. Анинг била Хушнавоз орасидаким, Ҳиётила мулкининг подшоқи эрди, ғариб иш ривоят қилибтурлар. Аммо маҳолга яқинроқ учун битилмади. Билайн деган киши мабсутроқ кутубдин тилагай. Ва Фируз кўпрак мамоликни олгондин сўнгра Туркистон мулкига юруди. Ва Туркистон подшоҳи анинг бир манзилида азим чоҳлар қазиб, устидин хаспўш қилиб эрди, ғофил анда етканда, кўп эл ул чоҳларга тушти. Иттифоқан ўзи дағи бир чоҳқа тушуб ҳалок бўлди. Ва анинг осоридин Фирузосордур Рай навоҳийсида ва Равшан Фируздур, Журжонда ва Ром Фируздур, Ҳиндистонда ва Исфаҳоннинг янги шаҳридур ва Шод Фируздур, Озарбайжонда ва Ком Фируздур, Форсда ва Хўжандда бир девор тортибтур. Баъзи өллик йигоч дебтурлар, икки вилоятнинг фосили ва баъзан ортуқ ўксук ҳам дебтурлар. Ва салтанати замони йигирми йил эрди.

Ш е ъ р :

Чу Фируз бинни Яэдижурд ўлди шоҳ,  
Анга муфтахир эрди хайлу сипоҳ.  
Анга дағи гардун жафо айлади,  
Ажал чоҳиға мубтало айлади.

Ялош бинни Фируз чун салтанат тахтин олди, Сухроким отаси замонида вазир ва мамлакат масолиҳида мушнр эрди, ани ҳамул вузарот мансабиға тайин қилди ва мулк ихтиёрин анга топшурди. Сухро, чун мусулмоншева ва хирадпеша киши эрди, мамоликни тузди ва улусни ғаний қилди. Ва Ялошнинг иниси Қубод Ялошдин қочиб, хоқони туркка борди ва борурда йўлда Исфаройин шаҳрига етканда, бир деҳқон уйига тушти. Агарчи мизбони ани танимади, аммо чун бағоят важиҳ ва мутакаллим киши эрди, зиёфат қондасини яхши маръий тутти ва билдиким, азим-аш-шаън кишидур. Деҳқоннинг соҳибжамол қизи бор эрди, кўруб хотири майл қилиб, никоҳ истидъоси муяссар бўлуб, андин ўтуб хоқонға борди. Ул қиз Қубоддин ҳомила бўлуб, вақти еткоч, ўгул тугурди ва отин Нуширавон қилдилар. Қубод тўрт йил хоқон қошида туруб, хоқон анга қалин черик бериб, ул черикни бошлаб Ялош устига борурда, Исфаройинға еткач, ўғли Нуширавон била кўзи ёруди. Ҳамул кун элчи Ялошнинг аркони давлатидин етиб, Қубодға Ялошнинг ўлгонни хабарин еткурди ва ани поршоҳликқа тилаган арзадошларни топшурди. Қубод фарзандининг мулоқотин шугун тутуб, хо-

қон черикин хам андин қайтариб, ҳарамии била уғлин олиб, Мадойинга етиб подшоҳлиққа ултурди ва Сухрони вузаротдин азл қилмади. Ва Ялошнинг подшоҳлиғининг замони беш йил жузвий ўксукдур. Ва Ироқда Ялошобод дегон шаҳр анинг биносидурур.

Ш е ь р:

Ялош бинни **Фируз** офоқ аро  
На беш йилки беш кун ади кадхудо.  
Ва лекин ани дағи бу кунда пир  
Ажал хайли илкиға қилди асир.

**Қубод** бинни **Фируз** подшоҳлиқ тожи била сарфароз бўлгондин сўнгра ани-ўқ вазир қилди. Аммо Сухро ўз ҳаддидин тажовуз қила бошлади. Ани дафъ қилиб, **Шопур** деганни вазир қилди. Баъзи дебтурларким, **Бузурж-мехр** ҳаким Сухронинг фарзандидур ва ул **Қубод** хидматида бўлур эрди. Ва **Маздаки** лаин **Қубод** замонида пайдо бўлуб, нубувват даъвоси ошкор қилди ва ални бир-бирининг моли ва аёлига шарикликка рухсат берди. Бу жиҳатдин авбош ва арзол йиғилиб, ғавго қилдилар. Ва анинг атбои кўп бўлди ва **Қубодни** дағи фириб ва фусун била ўз миллатиға кюрди. Ва муъжизаси «**Ут** манинги била такаллум қилур»—демак эрди ва оташкада ёнида нақб уруб, бировни тайин қилиб эрдиким, ўзи ўтқа не хитоб қилса эрди, ул киши **Маздак** ўргатган жавобни бийик ун била айтур эрди. Чун **Қубод** анинг миллатини қабул қилди, эл мол ва аёллари номаҳфузлуғидин ожиз бўлуб, иттифоқ қилиб, **Қубодни** тутуб банд қилдилар. Ва **Жомасп**никим, анинг иниси эрди, подшоҳ қилдилар. **Маздак** қочиб **Озарбайжонга** борди. Ва **Қубоднинг** сингли ани хийла билан қочурди. Ва ул **Туркистонга** бориб, баъзи **Ҳиётила** дебтурлар, ҳар тақдир била кўмак олиб, мулк устига юругач, билдиларким, **Жомасп** анинг била муқовамат қила олмас. Ани ҳам банд қилдилар ва **Қубодга** топшуруб, **Қубодни** яна тахтқа ўлтурттилар. Ва анинг замонида **Яманда** **Шумур зул-Жаноҳ** хуруж қилиб, анга юрди. Ва ул анинг била муқоваматдин ўзин ожиз кўруб, ярашти ва қолин туҳфа ва табаррук бериб, ўткарди ва **Шумур зул-Жаноҳ** **Жайхундин** ўтуб, **Мовароуннаҳрни** олди. Ва **Қубоднинг** осоридин **Форсда** **Козирун** ва **Ироқда** **Ҳалвон** ва **Мўсилда** **Чоқут** ва **Табаристонда** неча мавзуъни дебтурлар. Ва **Авжон** ва **Шаҳриёри** **Монийни** ва дағи анга нисбат берурлар. Ва муаррихлар **Жомаспни** мулк

аъдодида тутмайдурлар. Ва Қубод била қайсар орасида низотъ булди. Кубод Румға черик тортиб, Музаффар ва Мансур ёнди. Ва умрининг охирида Нуширавонни уз урнида ултуртуб, узни гуша тутти. Ва Қубод салтанатини баъзи олтмиш уч ва баъзи олтмиш турт йил дедилар.

Ш е ъ р:

Қубод улди чун мулк уза қахрамон,  
Халойиққа андин эди бахрамон.  
Анга дағи чарх этти андоқ инод,  
Будур иш Қубод улсун, ар Кайқубод.

**Нуширавонул-одил биниул-Қубод** чун салтанат гахтин мушарраф қилди ва хилофат тожин сарафроз этти, Ардашер Бобокон қавоид ва русумини ихё қилди ва анинг васиятларини мутолаа қилиб, ул дастур била амал қилурға муртакиб булди. Аммо адолат ва шафқат қонунин андин дағи ортурди. Адл жуйборидин мулк боғинда фароғат ашжори шодоб булди ва инсофи тарбиятидин амният ашжоридин фароғат гуллари очилди ва осойиш мевалари етлди. Анинг замонини жамиъ салотин замониға таржиҳ қилса булур, невчунки, чун ҳазрат пайгамбар охируз-замон салавотуллоҳи васалломуху алайҳи анинг фархунда замонида мутаваллид булди.

Ва ул ҳазрат бу ишка эътибор қуюб, уз калом муъжиз низомини мундоқ сурубтурким, вулидту фи замони асултонул-одил Анушервон. Дебтурларким, анинг даврида биров яна бировдин бир боғ сотқун олди. Ва ул боғда кироманд дафина топти. Боғнинг бурунғи эгасиға айттиким, келиб боғидағи топилған мадфунни олғилким, мен сендин боғ сотқун олибмен, йуққи узга нима олғоним йуқ. Ул айттиким, мен санга боғни ҳар не билаки анга дохилдур сотибмен. Баъзи дедиларким, бу нима байтул-мол дохилдур, подшоҳқа тааллуқ тутар. Ҳар тақдир била можаро Нуширавонға етишти. Нуширавон сурдиким, угул-қизингиз борму? Ҳамоноки бор эрди буюрдиким, ул бирининг кизини ул бирининг углиға бердилар. Ул дафинани ул ики янғи кадхудой булгонларға мусаллам туттилар. Бир кун бир йулда тушуб, кабоб буюрди. Туз йуқ эрди. Яқинроқ бир кент кўрунди. Биров бордиким туз кетургай. Нуширавон муболаға қилдиким, тузни сотқун ол! Мажлис ҳуззори айттилар: бу тузга не миқдор баҳо булғайки, сотқун олғайлар? Дедиким, мунча бемиқдор нима учун подшоҳ нечук ёмон расм қуйгай, ёмон русум жузвий бул-

са, ҳар киши бир нима ортуруб, ани қуллий қилурлар. Бадномлиқ ани бунёд қилганга бўлур. Дорул-мулки Мадойин эрди. Кисро тоқин ул ясади ва адл занжири ул ости. Ва Бузружмеҳр ҳақим анинг вазири эрди. Анинг машварати била Маздакка истимолатлар бериб, иликка киюрди. Ва хусусиятлар зоҳир қилиб, атбоин мулозим қилди ва ҳужжат била анинг дини ботил эрканни анга собит қилди ва ани ва жамиъ атбоин тириклай чоҳларга сарнагун кўмдурди. Ва ўзин ўз илки била ўлтурди ва олам юзин анинг нопок миллатидин пок қилди. Ва айтса бўлурки, борча адолати бир сори эрди ва бу бир сори эрди. Ва анинг замонида Рум қайсари анинг била мухолафат изҳор қилди. Нуширавон сипоҳ тортиб, Румни мусаххар қилиб, қайсарни тутуб, хирож бўйнига қўюб, муқаррар қилибким ҳар йил бир қатла анинг даргоҳига келгай. Дағи миннат қўюб, қайтиб Чин мулкига хоқон устига юруди. Хоқон сулҳ жонибидин кириб, Фаргонадин ерни Нуширавонга мусаллам тутуб, қизин анга бериб узотти. Ва Нуширавон ондин қайтиб Ҳиётила мулкин мусаххар қилиб, Ҳиндистон азимати қилди. Ройи ҳинд чун ўзин анга ҳариф кўрмай, тазарруъ ва тазаллум юзидин кишилар орога солиб, ул дағи хирож қабул қилди. Андин қайтқонда, анга арз қилдиларким, қифчоқ Дарбандга муставлий бўлуптур. Ул йўлга убур қилиб, Қифчоқни мақхур қилиб, Дарбандни олиб, ободон қилиб, яхши кишилар тайин қилиб, андоқ мазбут қилдиким, ул ноҳиятдин хо-тири жамъ бўлуб, Мадойинга азм қилди. Ва Дарбанд навоҳийсидағи қифчоқ бузган қўрғонларни иморат қилиб кишилар тайин қилди. Ва мамоликида йўлларни тузотиб, сувларга кўпруклар боғлаб, аҳли фасодни йўллардин билкулл дафъ қилдиким, мусофирлар фароғат била борир-келиш қилгайлар. Ва Сайф зи Язан ҳимярики, Яман подшоқи эрди ва мулкин Масруқ бинни Абраҳа олиб, ани Ямандин чиқариб эрди. Нуширавон даргоҳига юз қўюб истимдод қилди ва тазаллум кўргузди. Ва Нуширавон имдод қилиб дарё йўлидан Яманга йибориб, анинг кўмаги мадади била мулкин олди. Ва Абраҳа ул кишидурким, Маккани бузголи азимат қилиб эрдиким, бори таоло тайри Абобилни йибориб, ани ва черикин ҳалок қилди. Ва «Алам тара кайфа» сураси, бизнинг пайғамбаргаким, хотимул-анбиё-дур саллоллоҳу алайҳи вассаллам, анинг шаънида нозил бўлди. Ва ул ҳазрат мутаваллид бўлгон кеча оташкадаларнинг ўткним, неча минг йил ўчмаган эрди, ўчти ва Сова

дарёси ерга сингди, андоқким, сув асари қолмади ва ўн икки кунгира Кисро тоқидин йиқилди. Нуширавон бу ишлардин мутаҳаййир бўлуб, Сатиҳ қоҳинни тилаб, андин бу аломат кайфиятин истифсор қилди эрса, ул айттиким, бу ишлар анга далолат қилурким, бу кеча Арабда Қурайш қабиласидин бир киши мутаваллид бўлмиш бўлгайким, фурс мулуки давлати анинг замонида охир бўлгай ва ул охируззамон пайғамбари бўлгай. Нуширавон биъсати қачон бўлур, деб сўрди. Сатиҳ деди: Йиқилгон ўн икки кунгира адади била сендин сўнг ўн икки киши сенинг насабингдин салтанат қилгай. Андин сўнгра ул соҳиб давлат борчага муставлий бўлгай ва миллати оламини тутгай. Ва ўшандоқки ул айтиб эди бўлди. Ва Нуширавон борқоҳида тўрт олтун курси дойим қўюлур эрди. Бирида Бузружмеҳр ўлтурур эди, бирида қайсари Рум ва бирида қифчоқ хони. Ва анинг сойир султонлар учун васиятномаси борким, не дастур била салтанат қилгайларким, бу мухтасарда ул кунжойиш йўқтурким, борчасин битилгай, икки-уч калима била ихтисор қилилди. Ва ул булардурким, адл бир қўрғондурким, сув солиб йиқилмас ва ўт била куймас, манжаниқ била бузулмас. Ва адл ганжидурким, кўпрак олгон сайин, кўпрак бўлур ва озроқ харж қилсанг, озроқ бўлур. Ва хирадманд улдурким, махфий андоқ иш қилмагайким, ошкоро они қила олмагай ва биров айбида андоқ сўз демагайким, юзида дей олмагай. Урушта душман оз деб гофил бўлмамоқ керакким, кўп ўтуни оз ўт куйдурур. Тахтининг тўрт поясида тўрт сўз битилиб эрдиким — ҳаркимда подшоҳлиқ йўқ — комкорлиқ йўқ. Ҳаркимда хотун йўқ — ғамгусорлиқ йўқ, ҳаркимда фарзанд йўқ — дўстдорлиқ йўқ, ҳаркимда булар ҳеч қойси йўқ — беморлиқ йўқ. Ва анинг осоридин Румия шаҳри дебтурларким, Мадойин ёнида Антокия тарҳи била ясади. Ва салтанати замонини баъзи қирқ йил ва баъзи қирқ етти йилу етти ой дебтурлар.

Ш е ъ р:

Ануширвон Хисрави додгар  
 Ки, обод эди адлидин баҳру бар.  
 Анга доғи даврон вафо қилмади,  
 Санга қилмагай, чун анго қилмади.

Ҳурмуз бинни Ануширвон отаси васияти била тахтқа ўлтурди. Баъзи ани золим ва жобир дебтур. Аммо баъзи адл ва инсофқа нисбат берибтур. Ҳар тақдир била сиёсати



голиб ва интиқоми шадид киши эрди. Ағарчи аввалан Ануширвон қавоид ва русумин маръий тутти, аммо оз гуноҳға кўп сиёсат қилур жиҳатидин эл ондин мутаваҳҳим бўлдилар ва мужиби танафур бўлди. Чун элдин танафур маълум қилди, ул жиҳатдинким, табъида интиқом ва сиёсат сифати голиб эрди. Расоға хирожни орттурди ва сипоҳиға жузвий жарима учун қатли лозим тутти. Чун эл бир йули навмид бўлдилар, атрофдин душманлар мулки тамаъиға юз қўйдилар: Румдин қайсар ва Арабдин Аббосул-аҳвол ва мағрибдин Амрул-Азрақ ва Туркистондин хоқони чин. Бурунғи учовни туҳфа ва ҳадоё била истирзо қилиб қайтарди. Аммо Баҳроми Чубинаким, Ажам мулукидан эрди, сипаҳсолор қилиб, Хуросонға хоқони чин бошиға йиборди. Баҳром хоқон била урушиб, хоқон ва ўғли Баҳром илиқида қатлаға еттилар. Хоқон черикидин Баҳромға ганимат ва ўлжа ҳаддин тошқори тушуб эрди, баъзиниким, салотинға лойиқ бўлғай, Хурмуз хидматига йиборди. Ва кўп таҳсин ва эҳсон тамаъ тутти. Хурмузға бадғўйлар мундоқ еткурдиларким, Баҳром усру кўп ганимат олибтур, дағи санга оз нима йиборибтур. Хурмуз жиҳатсиз бадфеъллиғи жиҳатидин ва мол ҳирсидин Баҳромнинг ишин писанд қилмай, машҳур мундоқдурким, анга бурунчак ва чарх йибордиким қилған ишингға бу лойиқдур. Баҳроми Чубина мутағаййир бўлуб анга ёғий бўлди, дағи Парвиз отиға ва анинг навкарлиғиға ўзин мансуб қилди. Ғараз бу тадбир эдиким, Хурмуз ўғлидин бадғумон бўлуб ородин кутарғай ва Баҳром осонлиғ била Хурмузни дафъ қилиб, подшоҳлиғини олғай. Ва бу ройи мувофиқ тушт. Хурмуз Парвиз қасдиға машғул бўлуб, Парвиз ваҳмдин қочиб Арман вилоятиға борди ва Ширинға ошиқ бўлди. Андоқки шарҳи келгусидур. Иншоолло, чун Парвиз қочти, Баҳромға бормади. Хурмуз билдиким, Баҳром кайд қилибтур ва ўғли гунаҳсиз эркандур. Сипоҳ ясаб, Баҳром ўтрусиға йиборди. Баҳром анинг сипоҳин урушиб бости. Ва Хурмуз салтанати корхонаси мутаазалзил бўлуб, чун аркони давлат андин норози эрдилар, тутуб кўзита мил тортиб, Арманға киши йибориб, Парвизни келтуруб подшоҳ қилдилар. Ва анинг салтанати ўн бир йил ва бироз нима эрди.

Ш е ъ р:

Яна Хурмуз ўлди чу кишвар хидев,  
Сиёсатлари солди элға ғирев.

Анға доғи әлдин етиб интиқом,  
Адам кишвари сари қилди хиром.

**Бахроми Чубина.** Чун Ҳурмузни аркони давлати кӯр қилдилар ва Хисрав Парвиз Армандин келиб, ота тахтига ўлтурди, Бахроми Чубина анинг устига черик тортиб, ул дағи сипоҳ ясаб, Баҳромға ўтру чиқти. Ва Наҳравондин ўтуб, бир-бирига яқинлаштилар. Парвиз кӯрдиким, Баҳром била муқовамат қилур тоқати йўқтур. Ҳурмуздин истимдод қилиб рой тилади. Ҳурмуз битиб йибордиким, хазойин била ўгул ушоғингни берк ерга мазбут қилиб, Румға бориб, қайсардин мадад тила! Парвиз ул дегондек қилиб Баҳром аёлотидин ругардон бўлуб, қайсарға паноҳ элтти. Баҳром Парвизға қовғунчи йибориб, ўзи Мадойин тахтига келиб, подшоҳлиққа ўлтурди. Чун Парвиз қайсар имдоди била анинг устига келиб, ул дағи чиқиб урушти. Босилиб, хоқон хидматиға борди. Анда захр бериб Баҳромни охир қилдилар. Ва анинг салтанати икки йилу бир нима эрди. Ва баъзи тарихда ани мулук ададиға кижурмайдулар. Ва Шервон салотинини анинг наслидин дебтурлар ва анинг нажодини баъзи Каркин милодқа ва баъзи Яздижурд бинни Баҳромға еткурубтурлар.

Ш е ъ р:

Чу Бахроми Чубинни бахти баланд  
Жаҳон мулкида айлади аржуманд.  
Вале они Парвиз тиндурмади,  
Дам урмади то мулкдин сурмади.

**Хисрав Парвиз бинни Ҳурмуз** ул вақтдаким, Баҳромдин юз қайтарди, Бандуя била Бастом анга ҳам тағойи эрдилар, ҳам сипаҳсолор. Ва Ҳурмузнинг кўзига алар мийл тортиб эрдилар ва Ҳурмуз интиқомидин эмин эмас эрдилар. Парвизга айттиларким, Ҳурмуз санга Рум азимати буюруб, Баҳромни бизнинг интиқомимиз жиҳатидин тилаб мулкни бергусидур. Агар ани орадин кўтарсанг, хотир жамъ бўлур. Парвиз жавоб бермади. Алар анинг тек турғонидин ул ишга ризо фаҳм қилмоқ тухмати била Ҳурмузни ҳалок қилиб, оз киши била Парвизни Фирот суйиндин ўтқориб, Рум азимати қилдилар. Йўлда Парвизға Баҳром сипоҳи йўлуқуб, Бандуя Парвизни узотиб, ўзи анинг салтанат либосин кийиб қолди. Сипоҳ етқоч, эшикни боғлаб, дайр томига чиқти. Ани ул либос била Парвиз

гумон қилдилар. Дедиким: чун сизга гирифтор бўлдум, багоят кўфтадурмен. Бу кун дайр теграсида ўлтурунг, тонгла мени олиб ёнинг. Чун бу навъ илтимос қилди, ул сипоҳ қабул қилиб дайр теграсида туштилар. Тонгласи чун ани чиқардилар, қилгон тадбиринин воқиф бўлдилар. Чора йўқ эрди, Баҳром қошига элттилар. Бандуянинг табаи кўп жиҳатинин ўлтура олмадилар. Чун Парвиз Румга етти, қайсар анга камоҳи ҳолин билиб, яхши дилжўйлик қилиб, Марям отлиг қизин анга никоҳ қилди ва ҳолин мадад бериб узотти. Баҳром устига келиб, Баҳром андин босилиб, қочиб хоқон қошига борди. Парвиз Мадойин тахтига ўлтуруб, кўп мамоликни ҳийта тасарруфига кийурди. Ва макнат ва шавкати бир ерга еттиким, андин бурунги салотинга муяссар бўлмайду эрди. Ва баъзи муаррихлар анга муяссар бўлгон нималарни ҳайрат тарнқи била теъдод қилибтурлар. У жумладин бири бир тахтдурким, ани Тоқдис дерлар эрди, олтундин эрдиким, эртифои юз қариш эрди. Ва ани жавоҳир била мурассаъ қилиб эрдилар ва тўрт поясида афлок ва анжум ва ақолими сабъа суратин хўброқ важҳ ила тортиб эрдиларким, ул анда ўлтуруб, салтанат қилур эрди. Яна бир тож эрдиким, ваъни олтмиш ботмон эрди. Олтундинким минг гавҳар била муқалла қилиб эрдиларким, ҳар бири чумчуқ юмуртқасича. Ва устида гавҳар шабчарогки, мулк хирожи эрди ва ул тожни олтун занжир била боши муҳозисийга осар эрди. Яна бир фарш эди, дебодинким вусъати бир жариб эрдиким, ани жавоҳир била мурассаъ қилиб эрдилар. Ешил дебо ва гуногун жавоҳир, сабза ва раёҳин ўрнига қайшким, бу нималар йўқтур. Бу фарш устида мажлис тузуб ўлтуру эрдилар. Яна бир отким, Шабдизга машҳур эрдиким, сойир отлардин тўрт қариш бийикрок эрдиким, ул ўлгондин сўнгра суратин торттуруб, анинг била хурсанд бўлур эрди. Яна бир Борбад отлиг муғанний бор эрдиким, замонининг ягонаси эрди. Яна Шопур отлиг наққош эрдиким, анинг назирин ҳам ул замонда йўқ эрди. Яна Бузург Уммиддек вазири бор эрдиким, анинг замонининг аълами эрди. Яна минг қилода пили бор эрди ва анинг замонида пил Ҳиндистондин ўзга ерда болалади ва ул ҳам ғариб амр эрди. Ун секиз минг от тавиласида парвариш топар эрдиким, тўрт минги ўзининг жанибати эрди. Ун икки минг оқ тевази бор эрдиким, туркий дерлар. Шодровонида неча минг соҳибжамол канизак эрдиким, алардин неча юз муғанния эрдилар. Ганжи бодовард анга насиб бўлди. Ва

ул минг кемада олтун ва кумуш ва жавоҳир ва нафойис эрдиким, Румдин неча минг йилда қаёсирадин қолгон эрдиким, биридин яна бирига дарё била элтур эрдилар. Ел ани Мадойинга келтурди ва ул тасарруф қилди ва ани ганжи бодовард дедилар. Отланганда неча юз саққо муқаррар эрдиким, гард маҳалида йўлга сув сепар эрдилар. Ва неча юз ходим удсузлар била бухурот куйдуруб, ел тарафидин атрофида олиб юрурлар эрди. Ва Кисро тоқин дебтурларким ёримчуқ эрди ул тугатти. Ва Шириндек маҳбуби бор эрдиким, оламда анингдек ҳусну латофат ва жамолу малоҳат ҳеч кимда йўқ эрди. Ва фақир барча муаррихлар нақизи тарафидин икки суз топибменким, анга даст бердики, ҳеч кишига даст бермади, ўткон борчадин куллийрақдур. Бири улким, агарчи Шириндек оламда нодираси бор эрди, вале Фарҳоддек ҳам олам ажубаси рақибни бор эрдиким, ишқ ва ниёз атрофидин бовужуди Хисравдек подшоҳ кўнгли Фарҳодқа майл қилиб, илтифот ва тараҳҳумлар зоҳир қилди. Ва ани билиб Хисрав рашкдин макр била Фарҳод қатлига боис бўлдиким, андин машҳуроқдурким битмак ҳожат бўлгай. Яна бири ҳазрат Рисолат саллоллоҳу алайҳи васаллам биёсатиким анинг замонида воқеъ бўлдиким, бу ўткон барча таҳаммул ва макнатни бу давлатнинг минг улушидин бир улуши тутса бўлмаски, ул ҳазрат анга дин ва ислом даъватиға нома битиб киши йиборди. Ва ул бу музахрафот ғуруридин ул ҳазрат муборак номасин йиртти ва итоат қилмади. Ва ўз мулк ва давлатиға қасд қилди. Ва ҳазрат муъжизасидин мулкига завол дориб, Шеруяки анинг ўгли эрди маъмур бўлди. Мунгаким, Фарҳоднинг бегунаҳ қатли муқобаласида отасини қасос қилди. Ва булар барча ижмол била ўттилар. Умид улким, барча ўз маҳалида тафсил била дағи адо бўлгай. Иншоолло. Ва Хисрав Парвизнинг салтанати ўтуз йил эрди.

### Ш е ъ р:

Чу Хисрав бўлуб мулк ила сарфароз,  
Мулк ичра топти бу навъ имтиёз.  
Вале чарх айлаб ситамсозлик,  
Заволида ҳам берди мумтозлик.

**Шеруя бинни Хисрав.** Шеруя отасини ўлтургондин сунгра, подшоҳлиқ тахтиға ўлтурди. Ва отасининг ўлтургонни шарҳи узундур. Аммо мужмали будурким, Хисравнинг

гоят тажаммули ва жоҳидин ул навъки юқори теъдод қиллиди, димогида гурур ва феълида футур воқеъ бўлуб эрди ва сиёсат ва газаби элга ҳаддин ошиб эрди. Ул жумладин бири буким, мунажжимлар анга деб эрдиларким, сенинг заволинг ўз авлодингнинг илгида бўлғусидур. Бу ҳазаёндин ун етти ўглини бир ҳисорга солиб, маҳбус асраб, қўймас эрдиким, хотун киши алар қошида ётқай. Мунажжимлар айтқон амр сурат боғлагай, яна ўз улусидин, алуҳдату алар-рови, йигирми минг кишини зиндонга солиб эрди. Булардин минг киши эътиборлиғ улуқ кишилар эрди. Бир черикда яхши юрумадингиз деб ва ҳар кун нечани буюруб эрдиким, ўлтурурлар эрди. Ва Мардоншоҳ отлиғ сипоҳсолориким, неча мамлакатнинг сардори эрди, мунажжимлар деган билаким, санга Зобилистон ҳокимидин ҳазарбор тилаб, гуноҳсиз ўлтуруридин ижтиноб қилиб, қўлин кести ва сўнгра риоят қилай деди. Ул қабул қилмади ва қатл истидъоси қилди эрса, қатл буюрди. Бу жиҳатлардин ҳалойиқ андин жонига етиб эрдилар, барча иттифоқ била Шеруя билаким Марямдин тугуб эрди, иттифоқ қилиб, ани подшоҳ кўтариб, Парвизни тутуб ҳибс қилдилар. Шеруяга айттиларким, ул мундоқ ношойист ишлар қилибтур, ани ўлтур, йўқса сени ўлтурур. Шеруя деди: ҳужжат билан ўлтурай. Қилғон ишларин айтиб йиборди. Ҳар қайсига бир жавоб айтди. Эл гафво қилиб, йигирми минг маҳбусни чиқордилар. Шеруя кўрдиким, иш ўзга бўлди. Мардоншоҳ ўглини йибордиким, Хисравни ўлтурди. Отасини ўлтургондин сўнгра анинг ҳам жисмига азим ранж тори бўлуб, етти ойдин сўнгра ҳаёт ва диатин ажал мутақозийсига топшурди. Мулк ҳирсидин ун етти оғо-инисини дағи ўлтурди. Мунча шақоватқа мутасаддий бўлгондин сўнгра булар натижасидин Кисро Арслон бинни Кисро Қубод бинни Фируз бу ародадур.

Ш е ъ р :

Чу Шеруя дун баргашта бахт  
 Бу янглиғ лақаблар била олди тахт.  
 Ҳануз айламай тахт узра мақом,  
 Юруди фалак тахта сори хиром.

Ардашер бинни Шеруя. Чун Шеруя вафот қилди ва жамиъ мулк тегар оғо-инисини ўлтуруб эрди, ҳеч киши акосирадин топмадиларким, подшоҳ қилғайлар Шеруя-

нинг етти яшар ўгли бор эрди Ардашер отлиғ. Заруратдин ани подшоҳ қилдилар. Ва чун Ардашер кичик эрди. Меҳрижисниким, Парвизнинг хонсолори эрди ва бағоят рой ва тадбирга мансуб эрди ва пок нафас ва нек андишликка машхур. Иттифоқо ани вазир қилдиларким, Ардашер улгайғунча мулк тадбирин қила турғай. Ва Рум сағрида Шаҳрирод деган Парвизнинг бир улуқ кишиси бор эрдиким, кулли иш бўлса, анинг била машварат қилмай бўлмас эрди. Ва Ардашерни подшоҳ қилғонлар анинг била машварат қилмай, ул ишни қилдилар. Ул бу ишдан мутагаййир бўлуб, Ардашерга хуруж қилди. Ва черик тортиб келиб, ҳам Ардашер ҳам Меҳрижисни ўлтуруб, Мадойин тахтида тож бошига қўюб, подшоҳлиққа ўлтурди. Ва Ардашер бир йил ва олти ой подшоҳ эрди.

Ш е ь р:

Яна Ардашер эрди тифле нажанд  
Ки, бўлди мақоми сарири баланд.  
Бийик тахтдин чархи беваҳму бок  
Қўйи ташлаб, ул тифл бўлди ҳалок.

Шаҳрирод чун подшоҳлиқ тахтига ўлтурди, чун андин улуғроқ ва тенгтўшлуқ эл бор эрдилар. Аларга анинг хидмати қаттиқ келур эрди. Ва ор қилдиларки, анга акосира қондаси била мулозамат қилғайлар. Ва акосиранинг қондаси бу эрдиким, сабоҳким элга бори ом берулар эрди, халойиқ ер ўпуб, сажда қилурлар эрди. Аммо анга баъзи қилсалар эрди, баъзига бўюнёрлиғ бермас эрдиким, сажда қилғайлар. Акосира отланур бўлса эрди, расм эрдиким сипоҳ йироқтин ҳалқа уруб, отлиғ турарлар эрди. Бир кун Шаҳрирод отланғанда бу расм маръий эмас эрди. Ул ошуфталиқ қилдиким, нега маъҳуд қондаси била турмайдулар. Сипоҳ орасидин биров бир синон била бўйнига урдиким, ул ёнидин ўтти. Ва пароканда заҳмлар била ани охир қилдилар ва аёғига ип тақиб маҳаллотқа судрадиларким, тикмас киши салтанат хаёлин қилса, сазоси будур. Ва анинг салтанати қирқ кун эрди. Чун акосира наслидин киши топилмади, Парвизнинг Турондўхт отлиғ қизини подшоҳ кўтариб, тахтқа ўлтурттилар.

Ш е ь р:

Чу ғасп айлади Шаҳрирод мулк,  
Анинг нангидин бўлди барбод мулк.

Жазосин анинг фарз билди сипеҳр,  
Ўз ўрнига бу ишни қилди сипеҳр.

Турондўхт чун подшоҳлиғ тахтига ором тутти, бағоят оқила эрди, билдиким, мулк анга ўзгалардек вафо қилмағусидур. Дод ва адл бунёд қилди ва халойиққа кўп умидворлиғлар берди. Ўзидин бурунги жамиъ акосира замонидин қолган шалтоқларни жамиъ раоёга бағишлаб, дафтарларни буюрдиким ювдилар ва яхши ойинлар орага киюрди. Ва Парвиз замонида Румдин Жилсиё отлиғ бутларким, Мадойинга келтуруб эрдилар, румлуғлар дойим тилар эрдилар ва акосира бермаслар, ани румийларга йиборди. Ва мусолиҳайн мулк маслаҳати учунким, алардин элға осийб тегмагай қайсар миннатдор бўлуб ярашти. Ва халойиқ андин баса мураффаҳ ва масрур бўлдилар. Ва анинг замонида ҳазрат саййидул-мурсалин саллоллоху алайҳи вассаллам фано тангнойидин бақо оламига хиром қилднлар ва хилофат Або Бакр Сиддиқ разий оллоху анҳуға муқаррар бўлди. Ва Турондўхт Шаҳриродни ўлтургон кишиниким, Машруҳ Хуросоний дерлар эрди, тарбият қилиб, вузарот берди. Ва бир йилу тўрт ой подшоҳлиқ қилгондин сўнгра мулкка видоъ қилди. Ва Парвизнинг йироқроқ қаробатидин Жаштанд отлиғ бировни салтанат тахтига ўлтурттилар. Ул бечора дағи бир ойгача хаёлига салтанатдин кўп мохулё йўл берди. Бир ойдин сўнгра оламдин ўтти.

Ш е ъ р:

Чу Турон сарир узра топти сукун,  
Анга ҳам вафо қилмади чархи дун.  
Ул этти вафо, чарх қилди ситам,  
Анга йўқки ёлғуз яна бирға ҳам.

Озармидўхт чун подшоҳлиққа ўлтурди, кишини ва-зир қўймади ва мулк ишин ўз тадбир ва ройи била ясамоқ муқаррар қилди. Ва ул Турондўхт сингли эрди ва акосира дудмонидин андин соҳибжамолроқ тарамайдур эрди. Ва Парвизнинг Фируз Ҳурмуз отлиғ сипаҳсолори бор эрдиким, Хуросон мулкани анга бериб эрди. Ва ул Рустам отлиғ ўғлин ўз хилофатиға — Хуросонга йибориб эрди ва Рустам бағоят баҳодир киши эрди. Ва бул Рустамдуким, амирал-муъминин Умар разий оллоху анҳу

Мадойинга Саъд Ваққосни араб черикин бошлатиб йиборганда, Яздижурд бу Рустамни ўтру йиборибтурким, иншоолло ўз ерида мазкур бўлгай. Ва Фируз Хурмуз зуафога машғуф киши эрди, Озармидўхт ҳавоснда беихтиёр бўлуб, ҳарам жонибин раоят қилмай, шаҳват ва нафсониятқа мағлуб бўлуб, киши ораға солиб таашшуқ изҳор қилди. Озармидўхт кечага ваъда бериб, ул мавъидқа етканда, буюрдиким ани ўлдуруб, бошин қаср эшигида остилар. Чун тонгласи халойиқ муни кўрдилар, чун улуқ киши эрди, мутагаййир бўлдилар. Кайфиятни маълум қилғоч, таскин топдилар ва Фируз Хурмузга таън қилдилар. Рустам эшитиб, Хуросондин сипоҳ тортиб Мадойинга келиб, Озармидўхт била масоф қилиб, ани тутуб ҳам отаси қилғон муддаони ҳосил қилди, ҳам қониға қасос қилди. Ва андин сўнгра салтанат қилурға киши топмадилар. Ва анинг салтанати замони олти ой эрди.

### Ш е ъ р :

Чу Озармидўхт ўлди маснаднишин,  
Бас ошуфта қилди яна мулк ишин.  
Қатил ўлди ул дағи топмай даранг,  
Вале келтуруб мулк ҳолиға нанг.

**Кисро Меҳрижис.** Ақосира мулки бу ерға етконда, паришонлиг кўп юзланган учун, тарихи мазбут эмас. Муаррихлар ҳар навъ битибтурлар. Аммо Табарийда бу навъ мастурдурким, Кисро Меҳрижис Аҳвозда эрди. Ул Ардашер Бобак наслидин эрди. Ақосира аркони давлати ани топиб келтуруб, тахтқа ўлтуртдилар. Ва ул бирнеча кун подшоҳ эрди, ва лекин бу улуқ иш уҳдасидин чиқа олмади ва ожиз бўлди. Ани дағи дафъ қилдилар. Чун мулк шоҳсиз бўла олмас, Насибин деган ердин биров Хирод Хисрав отлиг Парвиз ўғлонларидин топдиларки, Шеруя қардошларин қатл қилурда қочиб эрди ва ёшунуб юрур эрди. Ани келтуруб, тахтқа ўлтуртдилар. Ул дағи бошқара олмади. Ани дағи орадин чиқардилар ва рухсат бердиларким, келган ерингга бор. Чун Парвиз ўғли эрди, ўлтурмадилар. Ва яна кўп Нуширавон наслидин Фируз Меҳрон отлиг кишини топдиларким, онаси Маҳондўхт эрди. Аммо ул киши мажнунваш эрди. Чун тахтқа ўлтуруб, тож бошиға қўюб илайида турдилар, ул паришон сўз айта бошладиким, манга нанг ва ордур бу тахт ва тождин. Кўрди-



ларким, ул даги бу иш қойили әрмас әрди. Ани ҳам сурдилар. Яна киши тилар әрдилар. То мағриб шаҳарларидин бирида Фаррухзодни топтилар ва тахтқа ўлтурттилар. Ва ани ҳам Парвиз авлодидин дебтурлар. Ва ул дағи олти ой салтанат қилгондин сўнгра қатлға келди. Андин сўнг мутаҳаййир бўлдилар. Ва ул вақтда Яздижурд бинни Шаҳриёр Истаҳрда әрди, отаси Шаҳриёр Парвиз ўгли әрди ва Шеруя ого-инисини ўлтурурда, Ширин ани қочуруб әрди, ул жиҳатдинким ўзи асраб әрди ва ул ёшурун қочиб юрур әрди. Ва ондин бир ўғул бўлуб, отин Яздижурд қуюб әрди. Отасидин сўнгра ҳам Истаҳрда бўлур әрди. Ани топиб, таклиф била тахтқа ўлтурттилар. Ва анинг замонида Ажам мулки иши заиф ва мутазалзил бўлди ва ҳар ёндин душманлар истило топтилар, батахсис араб. Ва Яздижурд муддате саъй қилиб, илнк — оёғ урди ва бўлдурла олмади ва амирал-мўъминин Умар разий оллоҳу анҳу черикига мулкин олдуруб, қочиб мулк араб илкига тушти ва ислом ливоси сарафроз бўлуб, куфр алами нигунсор бўлди. Яздижурд қочиб Исфаҳонга бориб, андин Кирмонга кириб, анда ҳам тура олмай, Марвға борди ва кейинча қовгун келиб, ёлғуз бир тегирмонда ёшунди. Тегирмон иёси анинг от-тўнига кўз қорортиб, ани ўлтуруб жиҳотин эғаллади. Яздижурднинг подшоҳлиғи йигирми йил әрди, вассалом.

#### М а с н а в и й:

Агар Яздижурд ўлсун, ар Шаҳриёр,  
Ва гар Баҳман ўлсун, гар Исфандиёр,

Ки қўйди вужуд уйига чун қадам,  
Яна анга бўлмоқ керактур адам.

Скандардек олғон юруб баҳру бар,  
Агар топса минг йил жаҳонда мақар,

Яна бўлса маъмури туқуз сипеҳр,  
Оти наъли бўлса ёруқ моҳу меҳр,

Борурда чу қолмас булардин бири,  
Таманносин айларга қилмас кири

Бировгаки рўзи бўлуб шоҳлиқ,  
Замириға солса ҳақ огоҳлиқ.

Ки билса жаҳонга вафо йўқтурур,  
Жаҳон аҳлига ҳам бақо йўқтурур.

Кўзига жаҳон ҳашматин илмаса,  
Ҳақ амридин ўзга амал қилмаса,

Адолат учун истаса мулку жоҳ,  
Ситам дафъ айларга чекса сипоҳ,

Ҳар ишким бўлур муддаоси анга,  
Ғараз бўлса тенгри ризоси анга.

Бўлуб салтанат тахтида фақржўй,  
Шаҳ ўлса вале бўлса дарвеш хўй,

Муни шоҳлиғ деса эрмас йироқ,  
Ки гафлатдин огоҳлиқ яхшироқ.

Вале қилмади шоҳлардин киши,  
Ки бу иш эрур Шоҳ Ғози иши.

Демай айни инсонки инсон айн,  
Ҳам инсону ҳам айн Султон Ҳусайн.

Шаҳо, келди шаҳлиғ мусаллам санга,  
На шаҳлиқки дарвешлиқ ҳам санга.

Десам айлайин васфинг осон эмас,  
Ки мингдин бирин демак имкон эмас.

Ва лекин манга улча мақдур эди,  
Ул ишларниким, асру машҳур эди,

Сенинг вақтинг ичра кўруб заъфу ранж,  
Замоникки назм айладим «Панж ганж».

Ки ҳар ганжида улча зоҳирдурур,  
Нисорингга юз минг жавоҳирдурур.

Ки они киюрган замон қошингга,  
Борсин нисор айладим бошингга.

Чу девонга дебоча қилдим рақам,  
Сифотингни шарҳ айладим анда ҳам.

Ки ҳар лафзини ақли жавҳаршунос  
Кӯруб жавҳари фард айлар қиёс.

Чу «Назмул-жавоҳир» битиб отингга,  
Укуш васф дарж айладим зотингга.

Ки анжум дуррин гар тукар чархи куз,  
Эмас бир гуҳарининг баҳоси ҳануз.

Яна даги кӯп назми гавҳарфишон  
Басе наср дағи жавоҳирфишон.

Ки чун торттим хомаи мушкбез,  
Санинг васфингга айладим нуктарез.

Бори гарчи поку мухайял эди,  
Вале борча васфингда мужмал эди.

Киши нуктани қилса мужмал аён,  
Яқинким анинг шарҳи топмас баён.

Вале эмди азмим будурким худой  
Агар бўлса умрумга муҳлат физой.

Чеқиб турфа тарихингга хомани,  
Қилиб нуктаға тез ҳангомани,

Сифотингни аввалдин охиргача  
Хаёлоти махфию зоҳиргача

Валодат кунидин тутуб то бу дам,  
Борин шарҳ ила айлагаймен рақам.

Бурунроқ солиб турфа бунёд анга,  
Бериб зикр обоу аждод анга.

Суруб нукта султонлар аҳволидин,  
Ҳикоят қилиб хонлар аҳволидин.

Дебон борчанинг мулку давронини,  
Муайяи қилиб даври поёнини.

Дебонким қаю олди аввал жаҳон,  
Жаҳон они не янглиг этти ниҳон.

Чу маснаддин олди анинг рахтини,  
Ким олди жаҳондорлиғ тахтини.

Чу ул топти маснад юзидин фирор,  
Яна шоҳлиқ кимга топти қарор.

Анга тегруким сен шаҳи некбахт  
Отодин — ото вориси тожу тахт.

Ки холо чалиб салтанат навбатин,  
Топибсен жаҳондорлиғ шавкатин.

Адолат била хос әрур йўқса ом,  
Жаҳон аҳлини тиндурубсен тамом.

Ки ҳақ айлабон мулку жоҳин фузун,  
Ҳаётнинг танобини әтсун узун.

Ғаразким бу сўз етса анжомиға,  
Бу тарих юз қўйса итмомиға.

Анга ҳар киши солса очиб назар,  
Бўлуб кўнғли мазмунидин баҳравар.

Яқин англағай табъи донишвари,  
Ки меросинг әрмиш жаҳон кишвари.

Сенинг ҳаққинг әрмиш жаҳондорлиқ,  
Жаҳон хонлиғиға сазоворлиқ.

Навой, чу арз айладинг муддао,  
Келу муддао қилғил әмди дуо.

Ало, токи шаҳсиз чу бўлғай жаҳон,  
Замон аҳлиға бўлмағуси амон.

Сен ўлғил замон аҳлиға шоҳу бас,  
Санга адл тарвижи дилхоҳу бас.

Қиёматқача ҳашматинг мустадом,  
Саломинг қилиб шоҳлар вассалом.



1. *Ул умур* — у ишлар.
2. *Ул ҳавратнинг мусаннафоти* — Жомийнинг асарлари.
3. «*Хамсатул-мутаҳаййирин*» тасмия қилмоқ — Ҳайратланганлар хамсаси (бешлиги) деб ном қўймоқ, бу ердаги «Хамса»дан мақсад — асарнинг беш бўлим (муқаддима, уч мақола ва хотима) дан иборат эканини билдиришдир.
4. *Секкиз юз ўн етти* — бу ҳижрий йил ҳисобини ҳозирда қўлланмоқда бўлган милодий йил ҳисобига айлантирилса 1414 бўлади.
5. Милодий йил ҳисобича 1487/88.
6. «*Рашҳул-бол*» — юрак томчилари.
7. «Ой ва йиллар кенг майдонида худди коптокдай тақдир чавғони (эгри таёғи) билан ҳолдан ҳолга кўчиб турувчи бўлган мен — пайгамбарнинг Маккадан Мадинага килган қижратидан саккиз юз ун етти йил ўтганда, изаат ва қадимийлик парвозгоҳининг энг юқори чўққисидан мана бу энг тубанликка келиб қанот-қўйруқни бушаштирганман. Букун эса ҳис ва ҳаёlining бу сиқинти ерида умр жиловини саккиз юз тўқсон уч тарихига тортиб келтирдим».
8. 898 ҳижрий — милодий йил ҳисобича 1492. (Бу ҳисобда Жомий 78 йил яшаган бўлади).
9. *Бани Шайбон* — араб қабилаларидан бирининг номи.
10. *Умар* — Муҳаммад пайгамбарнинг иккинчи халифаси (уринбосари).
11. *Қаво ва фатво* — қозилик ва муфтилик.
12. «Тугилган жойим Жом, қаламим томчиси шайхул-ислом (Ақмади Жом) номи (ҳадаҳи)нинг қулутидандир, бинобарин шеърлар дафтаринда икки жиҳатдан тахаллусим Жомий бўлди».
13. «*Нафаҳотул-унс*» — ёқимли хушбўйликлар. (Авлиёлар ҳақида Жомий ёзган тазкиранинг номи.)
14. *Шабоб аҳдиниң авоили* — йигитлик даврининг бошлари.
15. *Ясриб* — Мадина шаҳри.
16. *Ҳиротга демак*.
17. «*Ал-мажову қантаратул-ҳақиқат*» — мажоз ҳақиқат кўпригидир.
18. *Иттифоқий умур ва ғаробатлиқ сўзлар* — тасодифий ишлар ва қизиқ сўзлар.

19. *Кутуб байъ ва широчи* — китоблар олди-соттиси.
20. *Шайба қасидаси* — қариллик ҳақида қасида.
21. «Бошим худди гуллаган дарахтдай оқарди, бу гуллашдан келган ҳосил ҳам мевасиндир, холос».
22. *Зухра* — сайёра номи (хонанда, созандалар ҳомийси ҳисобланар экан).
23. «Қандай яхшики, кўнгл ич-ичидан ҳар замон-ҳар замон сенга майл қилади».
24. «Менинг ёмғир қатрасидай кўз ёшларим инжу бўлди, ҳақиқатан сенинг сўхайл юлдузидай чиқишинг шундай таъсир беради».
25. «Сўз — инжу, шоҳ қулорига таалуқи бор».
26. «Қад» сўзи ёски ёзувда икки ҳарф ҳисобланиб «абжад» ҳисоби билан рақамга айлангириса 104 бўлади.
27. *Музаффар Ҳусайн мирво* — султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғилларидан бири.
28. «Шам ўчса ҳам осмон қуёши айланиб турсин, қатра тукилса ҳам боқийлик суви барқарор бўлсин».
29. «Фарзанд умр дарахти шохидан бир мевадир, агар ундан мева тукилса ҳам дарахт барқарор бўлсин».
30. *Оқ уй* — утов, чодир.
31. «Соғарий айтар ғди: Маъни ўғрилари ҳар қасрда менинг шеъримда бир яхши маъни кўрсалар ҳаммасини олиб кетганлар». Кўпчилик шеърларида бирор маъни йўқлигини кўрди. «Шеъримдаги маънилари ўғирлаганлар», деб рост айтган у».
32. «Фонийлик ғорида улар йўқолсалар, мен ҳам тўртинчилари — итлари бўлай».
33. «Мир (Алишер): «Тўртинчилари — итлариман», деди-ю, уларнинг қалбларидан сўз файзини топиб олди».
34. Бу ерда «Қалбуҳум» арабча таркиб бўлганидан «аз»ни ҳам арабча чиқиш келишик «мин» (дан) га айлангириб, грамматик таҳлил қилинган, бу ҳолда «аз қалбиҳим» шаклига ўтиб, қофия бузилади, дейилган.
35. *Таворуд* — бир-бирини билмаган ҳолда икки кишининг фикр ёки сўзининг бир хилда бўлиб қолиши.
36. «Эй хожа, мени ўз лутфинг билан парвариш қилдинг, орқа дунба келтириш билан семиртирдинг, ўтириб олиб, дунбани ўзинг мириқиб единг, орқалаб келтирганингни қоринида олиб кетдинг».
37. «Хожа бизнинг дастурхонимиз учун сўйган бир-икки қўйнинг орқа-пушт (эт) ини келтирди, лекин унинг улуғ сахийлик қўлидан бармоғим ҳам буланмади. Ушандан ўзи тўғрисида шундай тасавури борки, насабда икки пушт билан Ҳотамга етади».
38. «Хожа Деҳдор, Мир ҳада қилиб юборган тилла-тангадан ҳар нима келтирса, оёқ ҳақисини ола туриб, санамай беш юзу минг, дейди. Ҳисоб кунда шарманда бўлиш фикрини ҳеч ёсига келтирмайди».
39. «Деҳдорга айтдимки, менга ҳурмат қилиб юборилган ҳам ёндан ҳисса ол. Ўз ҳиссаси тўғрисида инсоф юзасидан сўз очиб: «Йўлда олганим етар», деди».
40. *Турдик* — буидаги «дик — «син» ўрнида келиб, буйруқни билдиради: *Турсин*.
41. «Бир хушхат (котиб) сўзларини ҳусни хат билан гузаллар юзидай беади. Лекин унинг ҳар ерида қалам хатоси билан гоҳо бир нарса орттирди, гоҳо камайтирди. Гарчи кўнгл тилагандек ҳолга

келмаса ҳам, мен уз хатим билан уни тузатдим. Сузларим устида ҳар нима иш қилган бўлса, унинг хатига мен камчилик етказдим».

42. «Сизнинг ҳаётингиз бақоси бўлсин» маъносида бўлган бу жумладаги харфларни «абжад» ҳисоби билан сонга айлантирилса, 880 ҳ. (1475 мил.) йил чиқади.

43. «Латофат бустонининг гули Сафий фонийлик боғидан жаннат томон кетганда бир улуғ киши (кунгил) суров йули билан «Сизнинг ҳаётингиз бақоси бўлсин», деб тарих айтди».

44. *Муттаҳам* — туҳматланган.

45. «Агар кунгил билан қўл дарё ва кон бўлса, подшоҳнинг кунгли ва қўли бўлур».

46. «Ҳар кимнинг оғзида тили бўлса, жаҳон шоҳи маҳдида бўлсин».

47. *Руқъалар* — ёзишмалар, хатлар, мактублар.

48. «Эшигинг тупроғидан бошим узоқлашгандан бери ҳар кунни бирор хат орқали бош оғриғи қиламан. Сен томондан хат келганда, хат ичидан беҳабар, сенинг тўғрингда не хабар бўларкин, деб беҳуд бўламан».

49. «Сафарга жунашинг тўғри келган пайтдан буён хотирдан утганингда у ёқ-бу ёқни искаб қўяман. Сен томонга қуш учса ёки шамол ёсса, бирор хат билан бош оғриғи қилмоқ истайман».

50. «Қаламини олдим ва ўйлаб қарадим: бугунларда кетма-кет юборилган хатлар учун узр айтишдан бошқа бирор маъни кунгилдан ўтмади ва хотирга ўзга сураг етишмади. Агарчи бу ҳам бош оғриғи дағдағасидан холи ва азиз вақтларини бекорга кетказишдан ташқари эмас.

Агар сенинг олдингда нолиш қилсам у ҳам дардисар бўлур, агар узрини сўрасам у ҳам бошқа бир дардисар бўлур».

51. «Кунгилдан чиққан у мақтовлар  
Ҳама руҳонийларга жон бағишлайди.  
Бу фируза ранг макондаги у тоза ис,  
Покизаликка мансублар димоғини хушбўй қилади».

52. «Шоҳ ҳазратининг сояи давлатнда  
Эртаю кеч шундан бошқа ишинг бўлмасин:  
Уз манфаатинг хатини кунгилдан тарошлаб,  
Ҳақ учун халқ таянчи бўлгил».

53. «Юборган саломинг жон қушидай сайрайди,  
Худди Исодай жон бағишловчилик қилади,  
Ҳамма сўзлари айни келишганликдан  
Аҳмади мурсал нутқидай ёқимлидир».

54. «Умидим шуки, Махдум иршодн билан  
Мактуб юзасида ҳар бир нарса ёзилса,  
Буйруғидан худди қаламдай бош тортмай,  
Юзага келиш муваффақиятидан баҳра олай».

55. *Мавлавий* — Жалолиддин Румий (1207—1273).

56. Таъмин — бировнинг шеърдан ўз шеъри ичига байт, мисраъ ёки ибора кучирма қилиб киритиш.

57. «Устодлар ноҳи Ҳасандан жудолик шарҳини  
Қандай ҳикмоя қилишни найдан эшит.  
Унинг бугим-бугими бир-биридан ажралган,  
Жудоликдан шикоят қилади».

58. «Қалам найи дилим таржимони бўлди,  
Қандай ҳикоя қилишни найдан эшит.  
Уткир тил ва ёшли кўз билан  
Жудоликлардан шикоят қилади».

59. Айрилиқ кунлари чузилишининг ҳикояси ва муштоқлик туй-лари узайишининг шикояти шундай зиёдаки, оғзи борлиқ давог кўмакчилиги ва тили синиқ қалам дастёрлиги билан бу хат доирасида уни ароз қилишга қудрат етармикин ва бу саҳифа устида ўрмалашдан у ёзиладиган нарсани ёйса бўлармикин? Ноилож у бобга чек қўйиб, натинос қилинади:

Узгалар ташвиши бўлмаган соатда,  
Ер бўлган қутлуғ мажлисда  
Ҳар қанча таъзим билан ер ўпиб,  
Дуогўйларнинг ер ўпиш (ҳурмат)ларини етказгайсан.

Битмас давлат, туганмас саодат юзлансин...»

60. «Қаламинг найи маъни шакарини  
Найшакардай ичидан чиқарган,  
Унинг хатини мушкин рангли чизиққа айлантирган,  
Хат тагида зебо қизлар мазмунини дарж этган,  
Балки, унинг нуқтасидан ҳар бир дона  
Маъни тожи учун қимматли бир инжу бўлган».

«Илтифот юзасидан юборган мактублари, балки Уммонга ўхшаш таълари дарёсидан чиқарган гавҳарлари етишди. Ҳар ҳолда бош усти тожиг тикилди ва кўз ҳамда кўнгил уйини у билан ёритилди.

Иршод қўёши ер юзи толибларига ва осмон ичидаги қобиллар бошида тоблансин, вассалом».

61. «Қаламинг найи маъни ёш боласини  
Ҳуси наботи билан парвариш қилган.  
Тонг бошини тун кокили билан  
Навқиронлар чсҳрасининг рашкини келтирадиган қилган.  
Сўзнинг қисқаси, менинг узун тунинини  
Парча-парча қилиб куйдузга айлантирган».



62. «Маънилар билан тўлган шарофатли саҳифа, нозик нуқталар билан кўмилган гўзал иборалар ҳузурларга яқин бўлган узоқларни ва узоқдаги яқинларни шарафлантирди. Ҳар сатрининг шаклидан баҳра юз берди ва ҳар ҳарфининг аксидан шодлик тобланди. Шиква шиддатидан шуқр ва мақтов гунчалари етилтирди ва гина тиканидан яхшилаш ва дуо гуллаари очилтирди:

Агар сенинг лутфинг тиканзорларга етишса,  
Тиканзорлар баҳористонга айланади».

63. «Гина ва шикоят ҳикояси шунинг учун юз бердики, ўзлари каминанинг мактубидан шундай нарса борлигини тасвирлаганлар ва ёзув ичига киритганлар, ҳолбуки:

Сендан шундай муомала бўла олмаски,  
Бирор кимсага ундан гина етсин.  
Сендан гинадан бошқа ҳеч қанчалик гина йўқ,  
Чунки лутфинг уни тубидан узди».

64. «Яхшилар дарёси».

65. «Сирлар теранлиги».

66. «Фикрлар тухфаси».

67. «Подшоҳ ноғорасининг ичи бўшу, гулгуласининг ҳайқириги бош оғриғидир, кимикки, ҳўл-қуруққа қаноатланса, денгиз ва ер юзининг шоҳидир».

68. «Подшоҳ қасри кунгираси Зухал мақомидан ҳам юксак бўлса-да, билгилки, ундан дин қалъасининг деворига рахналар бордир».

69. «Подшоҳлар тожини безорчи ўтли лаъл  
Бошларида хом хаёллар пиширувчи лаққа чуғдир.  
Жума кунни, ражаб ойи унинг тарихи эди,  
Қизикроғи шуки, унинг тамомланиши шу кун ва ойда  
юз берди».

Арабча ёзувдаги «явми жомеъ шаҳри ражаб» тугалланиш йилини билдиради, бундаги ҳарфларни рақамга айлантирилса, 880 ҳижрий йил чиқади).

70. «Тўмал қондаси»—«абжад» ҳисоби билан ҳарфларни сонга айлантириб ҳисоблаш қондаси.

71. «Дуо айтиш вазифалари адосидан сунгра маълум бўлсинки, янгидан чопар келди ва янги қасидани етказди,

У қасидадан бир неча жойини ўқиб,  
Хослар дилини унга боғланган кўрдим.  
Шу аснода ҳушёрлик кўзи очилиб,  
Ҳамма дилларни овланган кўрдим.

Ҳарчанд бошдан то охиригача ҳар байт ва ҳар мисраъда ҳар бир ҳарфига хотир фахрланиш нақдиналари суръати билан синчиклаб қараган бўлса ҳам, лекин ҳеч бир нуқсон қоралиги, суъ ҳуснига ва ма-

қола лутфига «кўз тегиш»ни дафъ этишга уринишдан бошқа ва ҳеч бир сохта нарсадан бу нуқсонлига камол мақтови либосини кийган ҳолда ўйлов назарига ташланмади, тўғри:

Пардозчи гузаллар чеҳрасини безаганда,  
Зарарни йўқ қилиш учун нилдан чизиқ тортади.

Унинг мазмунидан шундай маълум бўлдики, уларнинг хизматларини иқбол иродаси мақсад қибласига ва ёқимсиз кўринишлардан юз угиришга ундовчи бўлган. Аммо агар, масалан, юзадаги ишларни ўзгартиш ва зарур эмас нарсалар билан шуғулланишни тарк этишга кўп уринилмаса, чунки бу азизлар мизожига уйғун эмас ва узоқ эмас ва ҳеч жой йўқки, мақсад зоҳир эмас ва зоҳир бўлиш жамолини зоҳир бўлиш камоли бекитувчи эмас».

72. «Такаллуф тожини тарк қилган бош дўпписини ва жаҳондан «ўл ювган кўлнинг ҳўлини ўзига олувчи парча бўзни юборилди».

73. «Фақирлар эғнидаги кўп ямоқли тўн  
Маъни олами юксаклигининг осмони ва юлдузидир».

74. «Эҳ, лочин таъбинг шавқидан  
Муқаддас қушлар тустовуқ бўлади,  
Киши орқали бир яхши матлаъ юборгансан,  
Сўз усталари орасида бунинг мисли борлиги  
айтилмайди».

75. «Қачонгача елдай ҳар томондан жилва қилай,  
Хоҳлайманки, ўз сарвим томон елиб югурай.  
Фарёд қилиб, бошимга тупроқ сочиб,  
Айтаманки, қутқар бу дарбадарликдан».

76. «Жон кўзи билан агар жонимга боқсанг,  
Жаҳон бевошлигидан қачон гусса чекардинг?  
Бу бевошлиқ ҳеч қачон охирига етмайди,  
Бевошлиқ орқали йиғноқ бўл, токи баҳра олгайсан».

77. «Дажла дарёси қирғоғида ёрдан узоқ, днёрдан жудоликда —  
лафақ ранг кўз ёшидан куксимда қон дажласи бор».

78. «Айрилиқ шоми (туни) қуёшдай ғарб томонга яширинди,  
Е раб, етишув тонгини шарқ томондан чиқор».

79. «Бу мактуб, мактуб эмас, дардимни дафъ этувчидир,  
Оғриқ билан тўла кўнглим оромидир,  
Иссиқ дилим ва совуқ дамим тинчлигидир,  
Яъни жаҳон кезувчи моҳимдан хабарчидир».

80. «Бу мактуб, мактуб вмас, ҳар бир шодликнинг негизидир,  
Хурсандлик ва айш ҳосил қилишнинг яхши сабабидир,  
Қисқа ва тўлиқ маъноли эканлиги билан  
Гўёки «Жавомиул-калим»нинг қисқарганидир».
81. «Эй зангори фалак, инсоф билан айт,  
Бу иккисидан қай бири яхшироқ юриш қилди?  
Тонг отишдан чиққан жаҳонни ёритувчи қуёшингми,  
Еки Шом томондан кўринган жаҳонгашта ойимми?»
82. «Сенинг қаламингга қараб хат айтди: ўз юришингда  
Шомдан Румга юзлаб яхши совғалар келтирдинг.  
Агар ўртада сенинг оёғинг бўлмаса,  
Айрилиқда қолганларга дўстнинг саломи етишмасди».
83. «Бир назар ташла, тенгқурлардан фарқли бўлай,  
Нажмиддинга манзур бўлган ит, ҳама итларга бошчи бўлди».
84. Эй шамол, дилим яна ёр томон йўналди,  
Жонни қам олиб бориб, оёғига улоқтир,  
У пайтда оёғи ости тупрогидан бир оз олиб,  
Жоним эвази учун мен берилганга келтир».
85. «Эй шамол, сен ёр манзилидан келдинг,  
Келишингдан кўнглимга сабру қарор етди.  
Бу қадар билан жонга қарор келмади, зинҳор,  
Энди сен уни олиб бориб, ўзинг билганга топшир».
86. «Саломнинг «с» ҳарфидан ўтқир тиш қилиб,  
Жон танобидан тугунлар очган,  
Салом «л» сининг сочга ўхшаш каманди билан  
Аҳли диллар дили тузоққа илинган.  
Олий жаннатдан ҳам яхшироқ салом,  
Ундаги «алиф» Тубо дарахтидай барваста,  
У «алиф» остидаги «мим» чашмасидан  
«Тубо» остида гўзал булоқ, аён бўлган.

Шарафли суҳбат тўхфаси ва олий мажлис ҳадяси қилиб арз эти-  
ладики, мавлави хизмати учун узанги ўпиш шавқи жилов ушлаатгани-  
дан, ўзимни унинг тасмасига боғлаш лозим кўринди, бинобарин янги-  
дан таҳрирдан ўтган рисолага ҳамроҳ бўлган бу мактубни ҳузурлари-  
га юборилди, агар маслаҳат кўрсалар подшоҳга етказсалар, бўлмаса

Ҳар нимаки пок дилингга мақбул бўлмаса,  
Варақлар бетидан ювиб ташламоқ керак.

Келажак саодатига элтувчи тез келган давлат мукаммал равишда муяссар ва ҳосил бўлсин».

(Кейинги шеърларда араб алифбесигаги ҳарф шакллари орқали сўз ўйини қилинмоқда; масалан: س (с) ҳарфи дандонасини тишга,

ل (л) шаклини қайрилган сочга ўхшатилади ва қоказо...).

87. «Ҳаддан знёд саждада қилган «ниёз» (зорланиш)

сабабли

Пешанаси «нун» нуқтасидан доғ бўлган,  
Уша пайтда кўз шавқи туфайли «ё» дан  
Ёзув юзасида дил оқини изҳор қилган.  
Агар «алиф» орқали вафода ягона бўлса,  
Чаман сарвидай оёғи ўз жойида бўлур.  
«Зо»дан ғам тунини ёритса,  
Тепасидаги ойн юлдуз аён қилур.

Юқориди ёзилганидек ниёз арздан, қалам тилидан ўтган ихлоос баёнидан сўнг, муқаддас ошён бандалари ҳузурига арз шуки, шундай эшитилдики, ўн-ўн беш кун хасталик юз бериб, маъни осмонининг тўлиқ ойн заифликка юз қўйган экан, мухлисларга бу хабардан осмон сингари саргардонлик ва зарра каби паришонлик ҳосил бўлди.

Худога шукурки, икки ҳафтадан сўнг у юксак юришли зот соғлиқ ва жамол буржига юз қўйган, қувват ва камол авжига майл этиб, шукрона саждаларини ерига етказган. Фалончини бу ҳолни аниқлаш ва бу сўзни тасдиқлаш учун юборилди. Илтимос шуки, тезда (у кишини) қайтариб юборсинлар ва бу фақирларни у хабарнинг яхшилигидан батамом хушқоликка етказсинлар. Нукталар билан тўлиб-тошган рисола кайфиятидан ва қутлуг мажлисдан ўтганлиги тўғрисида тезда олий мажлисга арз қилинур.

Раҳбарлик соялари қул ва эркинлар бошида абадий ва доимий бўлсин».

88. «Айтдим: кемам ҳар томон ҳайдалади,

Саргашталиқ келтирувчи ва йиғлатувчидир,  
Йўқ-йўқ, билади ҳар нарсани, у билармондир,  
У ҳам эса айлантирувчи қўлнинг асиридир».

89. «Бизнинг ёзмишимизга қалам

Юритувчи тангри биз билан сенга  
Қадимий сирларни билдирувчидир,  
Унга бизнинг дилимиз шундай бир  
Парга ўхшашдирки,  
Шамол уни орқа-ўнгига айлантира беради».

90. «Қаламинг овози билан узоқдагилар чақирилган,  
Айрилиқда қолганларга етишиш нидоси берилган.

Касалларга шифо топиш қонуни ёзилган,  
У билан куйганларнинг ўти сўндирилган.

У покиза манзилдан садоқатли мухлисларга шарафли мактуб етишиб, ҳар бири беқарорлик тезлиги, Фироқ ва изтироб аччиғлиги ва муштоқлик ҳароратининг шиддатидан оғриган кўздан ва доғли юракдан улфат ватангоҳида ва яқинлик манзил жойида тинчиди.

У дасту панжа роҳатга ёндошсин,  
Чуки у бу иззат-обру учун ранж тортди».

91. «Яқинлар дидоринг давлатидан узоқ бўлди,  
Оғриган жисм билан жон эса ўзларидан кечганлар.  
Ғойиблигингдан бунинг ҳар иккисига футур етади,  
Васлинигга етишиш билан мен шод бўлайин».

Ўборилган мактубнинг назми паришон жон билан дилни интизом ипига тортид ва насри ёш тўқувчи кўз гавҳар ва дуррини қаҳрабон ранг юзга сочди. Бу пайтларда узоқнинг узоғидаги мухлисларга айрилиқнинг етишиш давлати ёришди. Қайғули жон билан дил изтиробини тинчитиш учун кўкракка қўйдим ва жонсўз йиғиларга ором бериш учун гирён кўз устидан жой бердим. Умидворлик шуки, айрилиқ куйганларини гоҳ шу хилда эслаб турсалар ва иштиёқ ўтида ёнганлар дилини мактуб билан овутиб шод қилсалар».

92. «Бошланиши шавқ ва севги билан тўлган ва ниҳоят қийматгача чузиладиган ҳамда худонинг мақбуллашига кўз тикилган дуо зорланиш йули билан журъат ва хушнудликда йўлланади. Майл ва берилиш мулоқот шарафига ёришишга шундан зиёдаки, қалам ва даволот ишини эрта-ю кеч ишга солинса ўшандан озгинасини адо қилинган бўлур; ноиллож қасд ва ният жиловини у орзудан қайтариб, бу икки байтга йўналтирилади:

Қ и т ʼ а :

Зийрак у кишики, дунё харобасида  
Сирлар хазинаси эшигини қоқади.  
Қисқа мартабани оёқ остига ташлаб,  
Қўлни узайган давлатга уради.

Кетмас умид боғи мевадор ва абадий саодат дарахтининг шохинунга пайванд бўлсин, вассалом».

93. «Биринчи ҳарфидан нисъ (зорланиш) юзини зоҳир қилган ва иккинчисидан шавқ ўти шўъласини дилдан чиқарган ва бошқа томонидан дил ғамини кўрсатган ва саҳифаси ўровининг чирмашувидан ўшандайин англанган нома (мактуб)ни арзга етказиб, маълум қилинадикки, бу пайтда шарофатли мактуб келди:

М а с н а в и й :

Упиб кўзимга қўйдим,  
Бош устига ўрнатдим.

Ҳам кузим нурининг боиси бўлди,  
Ҳам бошим осмондан ошди.

Хат келтирувчи оғзаки сўзлар билан аркалаб, «Муҳаббатнома» китоби ва сандал шаробини элтиш билан севинтирди. Ҳар иккисини қўлига берилди ва уни шарофатли хизматга юборилди. Умид шуки, Фироқ меҳнатининг кўринишини унинг мутолаасидан тасаввур қилсинлар ва иштиқ дарду раижини висол шарбати билан даво этсинлар. Юксак соялари муридлар бошидан йўқолмасин, вассалом».

94. «Дашт томондан булут кўринди-ю, кетди,  
Ташна лаблардан узоқдан ўтди-ю, кетди.  
Биз жигар сўхталар умиди кесилиб,  
Нам тўкмай йўлдан қайди-ю, кетди.

Ҳар ҳолда ноумидлар умиди ҳосил бўлмади ва номуродлар муродни охирига етмади.

Умид шуки, у остона ходимларининг у кишига таалуқдан бўлган ҳамма диний ва дунёвий маслаҳатлари ва у давлатхона хизматчиларининг у кишига боғлиқ бўлган моддий ва маънавий саодатлари энг яхши ва энг мукамал йўл билан муяссар бўлсин, вассалом».

95. «Кўнгил васлинг давлати туғини кутарганда,  
Жон ҳам шу йўналишга ўз ҳаёлини йўллади.  
Ҳар қайсиси шу муродга яқин етганда,  
Фалак номуродларин муродга етказмади.

Арзимиз шуки, толеъ юлдузи агарчи иқбол матлаидан порласа ҳам, аммо нима фойдаки, ҳасадчи фалак гардишидан шараф буржигга етмай қайтиб кетди.

Йўлга чиқиб, хизматкорлик давлати белбоғини боғлаган ва хизматда ҳозир бўлган давлатмандлар қаторига кирмоқчи бўлган ёронлар маҳрумлик кўзини оёқ қафтларига суркаб, ўрду томонига қайтдилар...

- Агарчи қуёш узоқ кунларимда порлаб турса ҳам,  
Фалак Исо нафаслига мени эргаштирмади.

Агар равшан хотирни шунга келтирсалар ва олий ҳимматини шунга ташласаларки, қутлуғ кўшун байроғи шаҳар томон майл қилса ва кундан-кунга ортувчи давлат аркони биргаликда юриш қилсалар, шоядки, азизлар туфайли бу кўз ёши тўкувчи камтарин ҳам ўша саодат ва иқболга, яъни етишув давлати шарафига мушарраф ва бақраманд бўла олсам, вассалом».

96. «881 йилда дарвешлар дўсти ва уларнинг мухлиси, ҳамма машгулотдан тўқ, фақирлик йўлига ботир амир Низомиддин Алишер (бу киши ўз хоҳиши ва ихтиёри билан даража ва эътиборнинг аъло мартабасидан бет қайтариб, таслим ва ризо қадами билан фақирлик ва фонийлик йўлини қабул қилган) бу фақирдан, кўнгилдан ўтган ва хотирда қарор топган шаклдагидай илтимос қилди, бу билан қадим-

ги орау янгиланди ва илгариги майл куч олди ва таъкид даражасига етди. Бинобарин чин ҳиммат ва холисои ният билан ўша истакни ўташга ва топшириқни бажаришга киришилди.

Яхши ахлоқ ва шафқат маросимлари илғори бўлган мутолаачилардан умид шуки, «Муқаддас томонлардан эсган ёкимли хушбўйликлар» номланган бу тўплам ва асарнинг мутасадди ва боисини хотирнинг бир чеккасидан унутмасинлар ва хайрли дуо билан ёд қилсинлар».

97. *Хазрати рисолат* — пайғамбар.

98. «Соҳиб давлатки, замонимиз унинг вужуди билан шарафлидир, ҳарчанд унинг қадрининг пояси даража ва ҳашамат мартабаларига, ҳашаматли подшоҳга яқинликка назаран, Фазл ва адаб бобидаги ҳамда табиий ва ҳосил қилинган фазилатлар бобидаги маънавий мадҳияларга қиёсан шундай баланддирки, уни шеър билан таърифланса-ю назм санъати билан тавсиф қилинса. Аммо шариф хотири тавозуъ фазилатини ўзига олиш ва шикаста нафслик воситасила шунга бориб етгандирки, ўзини бу тоифа қаторига ўтказган, бошқаларда уни улар табақасида тутиш ва улар тўдасидан ҳисоблаш жиҳатидан чекиниш пардаси юқори кўтарилгандир, аммо инсоф шуки, ҳар қаерда бу тоифа бўлсалар — у бошдир, ҳар қачон бу табақа ёзилса — у дафтарнинг тепасидадир...

Унинг гавҳар номи шундан улугроқдирки, назмининг ҳар тури унинг садафи бўла олуру ва шеърининг ҳар мақоми унда шараф топа олуру. Шеърдаги тахаллуси бу «муаммо»дан мафҳум бўлуру, (буни) қайд қилинди.

Навоний номига «муаммо»:

Номининг моҳиятини тахаллусларда ҳеч ким тополмайди.

Топувчилар лабига ундан бир наво билгил, холос.

Агарчи унга табиат қуввати ва қобилият кенглиги жиҳатидан ҳар икки хил шеър: туркий ва форсий муяссар бўлса ҳам, аммо таъбинининг майли туркийга форсийдан кўра ортиқроқдир ва унинг ғазаллари у тилда ўн мингдан зиёда бўлиши керак, Низомий «Хамса»си муқобаласида айтган маснавий (иккилик)лари ўттиз минга яқин, айтгандек, у тилда ундан илғари ҳеч ким шеър айтмаган ва назм гавҳарини тешмагандир. Форсий шеърлари жумаасидан шу қасидадиюки, Хусрав Деҳлавийнинг «Даръёи аброр» номли қасидасига жавоб тарзида воқеъ бўлган ва нозик маънилар ва латиф хаёлларнинг кўпини ўз ичига олгандир. Бошланмаси будир:

Подшоҳлар тожини безовчи ўтла лаъл

Бошларида хом хаёллар пиширувчи лаққа чўғдир.

Баъзи бир Ҳижоз сафаридан қайтганларни (Жомийнинг ўзини — П. Ш.) табриклаб, бу рубоийни мактубда ёзган эди:

Эй зангори фалак, инсоф билан айт,

Бу иккисидан қай бири яхшироқ юриш қилди?

Тонг отишдан чиққан жаҳонни ёритувчи қуёшингми,

Ёки Шом томондан кўринган жаҳонгашта моҳимми?

Бу бошқа рубоий бошқа бир мактубда:

Бу мактуб, мактуб эмас, дардимни дафъ этувчидир,

Оғриқ билан тула кўнглим оромдир,  
Иссиқ дилим ва совуқ дамим тинчлигидир,  
Яъни жаҳон кезувчи ойимдан хабарчидир.

Бу бошқа рубоий янгидан бошқа бир мактубда:

Агар бутхонада бўлсам сенинг гап-сўзингда бўлай,  
Агар Маккада бўлсам сени қидирувда бўлай,  
Ҳозирлигингда рўпарангда бўлай,  
Ғойиблигингда кўнгил билан сен томонда бўлай».

99. Бу асар «Муҳокаматул-луғатайн» билан бирга Навоий «Танланган асарлар»нинг III томи сифатида 1948 йилда Уздавнашр томонидан нашр этилди.

100. *Муаммо* — бирор байт ёки мисрада бирор номни бекитиш усули, бунда бекитилган номни, махсус қондага асосан, рамз, имо, ишорат, тескари айлантириш, ўхшатиш ёки «абжад» ҳисоби ва бошқа йўллار билан топиб олишга тўғри келади. Бу санъат Жомий ва Навоий даврларида жуда авж олган. Бу ҳақда Жомий учта рисола ва Навоий ҳам битта рисола ёзган.

101. *Интиқод, таркиб, таҳлил* — муаммо қондаси терминлари.

102. «Ё раб, бу гўзал ҳурлар рашкини келтирувчини,  
ва бу жаннат боғининг гўзалини  
Ҳар бир хушёрнинг кўнгили ва кўзига  
Манзур бўлиш муваффақиятига эриштир.  
Хусусан у фақирлик йўлидаги ботирга ҳам  
Ботирлигидан унга икки шер ном бўлган,  
Ундан бири дин йўлида худонинг шеридир,  
бошқа бирининг панжаси ҳам бир ов учун очиқдир».

103. Каминаи камтариннинг туҳфаси.

104. «Хамсатайн» — икки «Хамса», Низомий ва Хисравники.

105. «Шоҳгау аркони давлатга муборакдир:

У арслон ҳайбатли ва шер савлатлилар.

Айниқса у мард йигит қадимдан

Насаби ҳам исмидай шер устига шердир.

Мардлик жангалининг ботири бўлганидан

Жаҳон мардлари ичида номи икки шердир:

Бириси даврон қалъаларини қўпарувчи

Бириси қўлонларга панжа урувчидир.

Муаммо йўли билан ундан ном чиқардимки,

Умумининг хаёли ундан узоқдадир.

Шундай бўлмаганда фаҳму идрок у тўғрида нима

қила олади,

Чунки бу пок гавҳарни юзларча қутичага яширгандир.



Таъби шеърда қилни қирққа ажратади,  
 У қилдан қаламининг учи шеър тўқийди.  
 Бу мушкин шеър (соч)дан кўнгилга тузоқ қўяди,  
 У ширин шеърдан кўнгил тилагини беради.  
 Ошиқлар дили у бирдан бандда қолган,  
 Гузаллар лаби бу бирдан ширин кулган.  
 Инсонларга нур иниши охирга етгандай,  
 Бу равшан нафаслар унинг зикри билан тугалланди.  
 Тўғри, одабийлик корхонасида  
 Ундан бошқалар маҳрамлиқ йўлини кам топди.  
 Ҳамиша (унга) даври-олам ҳадияси бўлиб тургунча,  
 Очкўзлар таъби шоду хуррам бўлаверади.  
 Кўнгил олам худосига шунчалиқ сиринсинки,  
 Олам ҳадясини хотирига келтирмасин.  
 Сўзни дуо билан тугалладинг,  
 Тилини афв сўрашга чоғлагин, эй Жомий».

106. *Тавилуз-зайл* — кети узун.

107. «Баъзи бир ой ва йил донрасидан ташга чиққанлар зикрида ва баъзи хол нуқтасининг марказинишинлари дуосида».

108. «Соқий, у узоқ йиллар турган майни бер,  
 У эритилган ёқуту суюқ лаълини бер.  
 У майки, дўстлар ичсинлару,  
 Бир-бирлари билан меҳр-вафога киришсинлар.  
 Ҳуркканларга ором бўлсин,  
 Кесилганларга пайванд бўлсин.  
 Дўст агар дўстга пайвандлик қилса,  
 Умид-орзу дарахти унумдор бўлгай.  
 Умид хазинасининг калити дўстдир,  
 Абадий айшнинг хушхабарчиси дўстдир.  
 Мавжудлик мақсади дўстдан бошқа кимдир,  
 Бу савдо ва фойда дўстдан бошқа нима учундир.  
 Мавжудликнинг бошланишидан хотинмасигача  
 Бирор қуш ёрдай парвоз қилолмайди.  
 Хусусан ошналик борида  
 Вафо шоҳида Навоий туради.  
 Яъни Навоий лутф қилса.  
 Шикасталар дилини эркалайди.  
 Бундай иш ўрнида бошқа иш йўқдир,  
 Жаҳон дўстларининг барчаси бу дўстга фидодир».

109. «Кел Жомий, умр бўйи машаққат тортиб,  
 Кўнглингдан бу «беш хазина»ни дунёга чиқординг.  
 Сенинг бу «беш»нинг шундай кучли панжа бўлдики,

Ундан дарё кафлар қўли буралиб кетди,  
 Икки бошли қалам ажиб аждаҳодирки,  
 Гавҳар хазиналарини тўкиб ташлайди.  
 Аждар хазина эшигидан жой олади,  
 Лекин хазина туғадиган аждаҳо оз топилади.  
 У аждаҳо сенинг муштингда хазина бўлди,  
 Унга илон бармоғинг чирмашиб олди.  
 Бу хазина билан илон гавҳар сочар бўлганндан,  
 Дунё этаги гавҳарга тулиб кетди.  
 Бироқ кўраманки, ҳар хазина ўлчовчи қаламидан  
 Бу ўтар дунё «Беш хазина» билан тўлгандир.  
 У «беш»ларга сенинг «беш»инг қачон тенглашарди?  
 Уларнинг бир хазинаси сенинг юз хазинандан яхшидир.  
 Хусусан у панжаки, Ганжадан сарпанжа урган  
 Шерга қарши ўз сарпанжасини урди.  
 Туркий тилда ажойиб бир нақш келдики,  
 Жоду дамлар лабига муҳр босиб қўйди.  
 Бу қаламга фалакдан офаринлар бўлсин.  
 Чунки бу ёқимли нақш ўша қаламдан тугилди.  
 Бу қалам форсий тил эгаларига, Форсича  
 Назм дурларини тизувчиларга раҳм қилди.  
 У ҳам агарда форсий тилда ёзганда, (бошқаларга)  
 Сўз айтишга мажол қолмасди.  
 У муъжизали назмлар мезонидан  
 Низомий киму Хисрав қанақа бўларди?  
 У бошқа бир тилда сўз юритганидан,  
 Ақлнинг орадаги фарқи ажратинишга йўл қолмади.  
 Эҳ, сенинг табъинг сўз устодидир.  
 Қаламинг очқичидан сўзга қушойиш бўлуру,  
 Равнақи кетиб қолган ва хорлик  
 Бурчагидан ўрин олган (туркий) сўзга  
 Сен янгидан обрў бердинг.  
 Уни ижод майдонига тортиб чиқардинг.  
 Сенинг фикринг нуридан сафоли бўлди,  
 Лутфинг навосидан наволи бўлди.  
 Бу назм дарахтини ўстиришимга,  
 Юрак қони билан ҳосилга киритишимга  
 Сенинг сухандонлигингдан бошқа,  
 Илмий сўз юритишингдан ўзга сабаб йўқдир.  
 Ваҳолонки, мен уни безаганимда  
 Ҳеч кимдан на эҳсон ва на таҳсин истадим.  
 Бахилнинг эҳсонидан нима чиқарди-ю,  
 Нодоннинг мақтовидан нима келарди!

Суз лутфи билан сени мақтар эканман,  
 Сени ўз билимим чегараси қилиб кўрсатдим.  
 Бу мол ва мартаба жонпарвар бўлса ҳам,  
 Суз етуклиги ҳаммасидан юқоридир.  
 Бу кўдга фалак бирвошдан айланишдан тўхтар,  
 Бироқ жаҳон бор суз қолур.  
 Суз ҳам агарчи доим бақолидир,  
 Хомушлик эса ажойиб дилкаш ва ёқимлидир.  
 Кел, эй соқий, дилкаш қадаҳ келтир,  
 Оловдай иссиқ ва равшан май келтир.  
 Токи у дилкаш қадаҳга лаб теккизай,  
 Барча қалам ва дафтарни ўтга иргитай.  
 Кел, эй созанда, чангни тезлатиб юбор,  
 Чолғу мизроби билан куйни юксаптир,  
 Кунгил қулоғидан пахтани олайлик,  
 Ҳама ёқни қулоққа айлантириб, дам олайлик».

110. «Кўринадикки, бу камина аслий табиат ва туғма қобилияти туфайли қутлуғ оқибатан суз санъати ҳукмлари ўқларининг нишонаси тушгани ва «мутакаллим» улуғ исми сирлари жавҳарларининг садафи бўлганидан, ҳаргиз ўз вақтларини буткул бирор назм юзага келтириш ва бирор наср яратишдан фориг топабилмади ва холи қилолмади; бинобарин, йил ва ойларининг айланиши ва замон ҳамда даврларининг ўтиши билан насрий асарлардан турли-туман рисола ва китоблар ва маснавийлардан хилма-хил дафтарлар ва қасида ҳамда газаллардан бўлак-бўлак девонлар тупланган эди. Бу пайтларда ҳижрий тарихининг тўққиз юзга тўлишига уч йилдан ортик қолмаган эди, дарвишлар дўсти ва мухлиси, балки уларнинг дўст тутган ва ихлос қўйган кўшилари Низомиддин Алишер ўзининг шарафли ҳимматини шунга олиб келганки, сони учга етишган қасида ва газаллар девонини учта тоза писта мағзини бир пўст ичиди парвариш қилгандай, бир жилдга бириктириб, бу фақирдан шуни илтимос қилдики, ҳар бириси бир хос исм билан махсусланса, бу билан дудмоллик ва аралашлик туҳматидан халослик суратини қабул қилса.

Бинобарин, юзага келиш вақтлари мулоҳазаси билан, биринчи девон йититлик пайтларида тинчлик ва омонлик замонининг аввалларида юзага келганлигидан «Ёшлиқнинг бошланиши» деб аталади. Иккинчи девон тирикчилик кунлари боғланишларининг ўрталарида тартиб толганидан «Боғланиш воситаси» деб номланади. Учинчи девон ҳаёт охириларида уни тартибга солиш бошланганидан «Ҳаёт хотимаси» деган исм берилади.

Умидворлик худога асндирки, ҳамма азизларнинг номлари яхши ишлари ва ёқимли сузалари воситаси билан турмуш саҳифаларида қолади:

Бу тўла жафоли фалак ҳеч қачон

Бизнинг номимизни борлиқ бетидан йўқ қилмасин.

Чулки унинг (номнинг) боқийлиги дастлабки ўлимдан кейин  
 Донишмандлар айтадиларки, иккинчи ҳаётдир...»

111. *Муסיқий ва адвор* — музика ва унинг назарияси ҳақида рисола.

112. «Эй комил, донмо, жоҳилдай бошингда улуғлик айланади,  
Мақсадинг мартаба бўлганидан сени комил эмас, жоҳил дейман».

113. «Гўзал дилдорим жамолин бир лаҳза кўрсам кошки,  
Ул оёқ тупроғидан кўз равшан этсам кошки».

114. *Мусаддас* — олтилик, шеърда бир шоирнинг ҳар икки мисраиға тўрт мисрадан қўшиб, олтиликка айлантириши.

115. Дўст йўли тупроғига жо қилсам эрди кошки,  
Ул оёғ тупроғига юз суртсам эрди кошки,  
Ул гўзал сарв ўз кўчасидан чиқса эрди кошки,  
Порлаган юздан пардасин кутарса эрди кошки.  
Гўзал дилдорим жамолин бир лаҳза кўрсам кошки,  
Ул оёқ тупроғидан кўз равшан этсам кошки.

116. *Девоний қилмоқ* — мусодара қилмоқ.

117. *Бурро* — лағмонга ўхшаш хамир овкат.

118. «Менинг қулогим Масиҳга ўхшаш малакдан сўрсаки, қаерда ҳарам эшагининг ҳанграши хотирга ташвишли бўлади?»  
(*Ноҳик* — эшак; *наҳик* — эшак ҳанграши маъносид).

119. Жомийнинг вафот тарихини бизнинг ҳазирги ҳисобга айлантирилса 1492 йил 8 ноябрга тўғри келади.

120. *Мисалло* — намозгоҳ, катта мачит.

121. *Миҳаффа* — тобут.

122. Навонийнинг ўзи.

123. *Хуруф роқими* — ҳарфларни битувчи (Навоний).

124. «Ҳақиқат конининг гавҳари, маърифат дарёсининг инжуси  
Ҳақга етишди ва дилида бошқа нарса йўқ эди.  
Илоҳий сирининг кашфиётчиси эди, шу сабабдан, шаксия,  
Вафоти тарихи «кашфи асрори илоҳ бўлди».

(«Кашф асрори илоҳ»даги ҳарфлар сонга айлантирилса 898 ҳ. (Жомий вафоти) йили чиқади).

## Мартия<sup>125</sup>

Ҳар дам осмон анжуманидан бошқа бир жафодир,  
Унинг ҳар бир юдузи бошқа бир бало доғидир.  
Кундузу кечаким кўку қорадир унинг тўни,  
Кечаси бошқа бир аза-ю кундузи бошқа бир азадир.  
Балки ҳар лаҳза йўқлик даштндан бир азадирки,  
Ҳар дам ажал гуруҳидан бошқа бир фано гардидир.  
Дунё бир мотамхонадирки, ҳар тарафидан

Бошқа бир оҳ тутунию, бошқа бир иолаву войдир.  
Унинг оҳи дилга қоронғилик орттирур,  
Войи ҳам жонга бошқа бир қайғу солур.  
Бу боғ гуликим, мотамзадаликдан юз иорадир,  
Ҳар бири куйган бошқача қатма-қат тундир.  
Унинг суви заҳару, ҳавоси бадбўй, нима қизик,  
Чунки бу манзилда ҳар лаҳза бошқа бир вабодир.  
Аҳли диллар поклик гулшани томон майл этдилар,  
Бу шунинг учунки, унда обу ҳаво бошқачадир.  
Ишонч эгалари қарашида бу дунё жой эмас,  
Бу тонфанинг ҳақиқий ватани бошқа жойдир.  
Шу сабабдан, азал жами майининг масти бўлган Жом орифи  
Сархушлик билан фано уйдан ватан томон кетди.

\* \*

\*

Эй, сенинг жойинг худога яқинлик ҳарамю,  
Жаннат боғи томон қачон парвойинг бор?  
Ер ҳарамидан фаришталар оламига сайр қилганингда,  
Малак гуруҳи анжуманига гавго тушди.  
Поклик ҳарамии тўтилари сенга дилдан муштоқлар,  
Ҳамдамлик чамани булбуллари сенга жондан шайдолар.  
Қазо кимёғари сиймойинг равшанлиги асаридан  
Осмонга бошқа бир қуёш чиқарди.  
Тўққиз фалак чарх уриб атрофингга келишди.  
Гуё ҳар бирининг бошида савдойинг бор.  
Олами арвоҳга шуининг учун гавго тушдики,  
руқпарвар нуктангини жон билан ёсинлар.  
Қутблар руҳи истиқболингга келишди,  
Авлиёлар жони хоки пойингга йиқилишди.  
Сени қўлма-қўл бир жойга олиб боришдики,  
Бу ғам маконида ҳам у жойни хоҳлардинг.  
Сен ҳақиқий мақсадга эришдингу қолди  
қиёматгача жаҳонда дод-фарёдинг.  
Сенинг фироқингда ғамзадалар дили ғамгин қолди,  
Шундан мотамда қолганлар мотам уйининг чекаси қоронғу  
қолди.

\* \*

\*

Сен кетдингу жаҳон халқининг дили зор қолди,  
Қиёматгача фироқингга гирифтор қолди.  
Куйгаилар дили оҳининг ўтидан, абадиян,

Бу айланувчи гунабз букрисида тутунар қолди.  
Сўфийлар етук муршидсиз юришиб,  
Юзларча ҳал бўлмаган мушкиллари шундайича қолди.  
Художўйлар сулукида сендан камол етар эди,  
Равишларида ожизликлару атворларида нуқсонлар қолди.  
Уламога машъал бўлдингу дарс сендан нурланди,  
Машъал қоралашдию қиёматгача қоронғи кеча қолди.  
Динга юз халал йўл топдики, диндорлар  
Тасбиҳи синиб, кафда зуннор ипи қолди.  
Ҳақ сирри парда орқасига яшириниб, куз ёши тўкишдан  
сирлар хазинаси дурлари лойга қоришганча қолди.  
Наинки юз алам тикани эркилар дилигагина қадалди,  
Икки юз ситама юки яхшилар танида қолди.  
Толиблар фано йўлининг равиши қўлдан кетди,  
Ҳар бири юз хаёл пардаси орқасида қолди.  
Сенинг ўлимингдан даврга қандай эилзила тушди,  
У эилзиладан исломга қандай халаллар тушди!

\* \*  
\*

Бу азодан олам бўйлаб на гадо қолди, на шоҳ,  
Сенинг мотамингда тортдилар икки юз нолаву оҳ.  
Булутдай ўкириб, наъра уриб соя ташлади  
Сенинг тобутнинг устига карам куёши — тангри қўланкаси.  
Муяссар бўлсайди тобутни елкамга тортиб,  
Мендай дили куйган мазор томон ҳамроҳ бўлардим.  
Ҳаҳон шоҳлари тандаги тўнни чок қилиб,  
Тобутнинг олдида қаттиқ қайғу билан қадам ташлайдилар.  
Ҳаҳон кеккайганлари тобутнинг остида паст бўлиб,  
Ҳаммалари йиглаб, сенинг юкингни букчайиб кўтариб  
борадилар.

Тобутинг ҳар пояси бир қутб (улуғ киши) елкасида,  
Лекин тўртовлари бир бўлиб, дод солиб йиғлайдилар.  
Бир оламни бошқа бир оламга элтмоқлик  
Шундай огоҳ юк ташувчилардан бошқага мумкин эмас.  
Улуғ бетоқатлик тушдики, шу қадар куз билан  
айланувчи осмон у томонга қарай олмади.  
Гарчи сенинг тунинг нур билан ойдиндай оппоқ бўлса-да,  
Лекин бундай қора кунни ҳеч ким кўрмаган.  
Намозингга минглаб кишилар тўпланди,  
Юз минглаб фаришталар ҳавода соф боғлади.  
Ҳамма фиғон тортиб, чок дил билан олиб борди сени,

Хазинадай жойладилар тупроқ куксига сени.  
Муридлар гуруҳининг ҳаммасида кукс тилик,  
Буларнинг ҳар бири сени тилик куксга тортмоқ нстади.  
Жаҳон покларининг боши эдинг, шунингчун пок тенгри  
пок келтирди-ю яна ҳамон пок олиб кетди сени.

Висол дарёсига чўмгансанки, ҳимматинг кўзида  
Сенга жаннат гулхану (ундаги) туби дарахти хашақдир.  
Пок руҳинг тўққизинчи осмонга (чиқишга) шошилди,  
Шунинг учун ҳам таниннг ер остига кетишидан сенга нима  
аён?

Осмондан сенинг пок таниннга келгани —  
Ҳамма жаҳон поклари пок танига етишди.  
Фалакларга сайринг шунинг учун бўлдики, пайғамбар  
сен билан ҳамдам бўлишни худодан сўради.  
Маънилари идрок қилишда ақли расо эдинг,  
Шунингчун ҳам идрок сени фикрлай олмайди.  
Еронларнинг ҳиссаси зору ғамгинлик экан,  
Лекин мен ғамгиндай сенга бирор зор йўқдир.  
Маҳдум чиқсин, деб улуғлар саф тортдилар,  
Мухлислари юзингни кўришдан маҳрум этма.

\* \*  
\*

Дўстлар, ҳамма фанда олам яғонаси қани?  
Одам болалари жинсининг афзали ва энг фасихи қани?  
Орзуси биёбонида халойиқ ҳалок бўлди,  
Ҳамманинг давоси бўлган Исо нафас Хиэр қани?  
Фироқи тигдан дўстлар дили юз захм бўлди,  
Яхши хулқи ҳаммага марҳам бўлган киши қани?  
Қалам юзини қора қилиб, ўз куксини уриб чок қилиб,  
деди: олимлар аълами бўлган менинг ағам қани?  
Ҳужра бўшу китоб ва қорозлар чочилган,  
Ҳужра ағаси қаёқда, уларга назар солувчи қани?  
Қасрда ғамзадаларнинг ўз-ўзини ўлдиршида бошқа гап йўқ,  
Уларга таскин берувчи ва улар ғамига ғамдош бўлувчи қани?  
Хуросонда ҳеч кимса хурсанд эмас деб бўлмайди,  
Ер юзнда топилган кишининг хурсанди қани?  
Бу мотам ёлғиз воҳидлик хонақоҳига тушмади,  
Фонийлик дунёсида ҳам мотамдан бошқаси қани?  
Эй қолган умрни фонийликда ўтказишга аҳд қилувчи,  
Бу фонийлик дунёсида боқийлик аҳдининг маҳкамлиги қани?  
Ишқибозлар қайғудан дилга ўт солдилар,  
Жон фидо қилувчилар ҳам бу ғам ўтидан куйдилар.

Эй, сен узундан-узоқ сафарга равона бўлдинг,  
 Бу хилдаги сафарга кимки чиқди — яна қайтмади.  
 Наники қалам учидан сеҳри и яна боғлади,  
 Балки тил банди билан жаҳондан муъжизани олиб кетдинг.  
 Поклик нафасингни бирор кимсадан қайта топиб бўлмайди,  
 Чунки пайгамбардан кейин қеч ким ваҳй билан имтиёз

топмади.

Шоҳнинг жонида сенинг ҳижронинг ўтидан ёнгин қолди,  
 Баиданинг юз пора дилида сенинг ғамингдан ёниб ёриш  
 қолди

На шоҳ, на банда, қиёмат кунигача дунёда  
 ҳар ким турса, сенинг мотамингда фарёд қилур.  
 Гарчи юзингни васл пардаси билан яширсанг-да,  
 Иззат ва ноз қарамида то абад жилва қилурсан.  
 Пурнур руҳингдан ҳам мадад етказки,  
 Сенинг ҳажрингда талай талабгорлар харобдир.  
 Эй рафиқлар, ҳамманинг ишининг оқибати шудир,  
 Охирнинг фикрини бошда қилиш яхшидир.  
 Ҳар ким жаҳонда юз аср қолса, афсун билан  
 ўйни курсатувчи фалак жаҳондан тортиб олади.  
 Маъни шоҳининг агар сурати шундай бўлса,  
 Қиёматгача сурат билан маъни шоҳ бўлсин, омин.

#### ҲОЛОТИ САИИД ҲАСАН АРДАШЕР

- 1) *Зоҳир улуми* — зоҳирдаги китоб ва таълим бериш орқали ҳосил қилинадиган илмлар, фанлар.
- 2) *Бир қарн* — ўттиз йил.
- 3) *Саккиз юз олтимиш* — бизнинг йил ҳисобимизда 1455/56.
- 4) *Ато қилмоқ* — бермоқ, бахшиш қилмоқ, бағишламоқ.
- 5) *Мо амкана* — имкон борица.
- 6) *Султон Ҳусайн Бойқаро*.
- 7) *Мухтасар маскан* — кичкина уйча.
- 8) «*Лаъл тошдир, тош қозон ҳам тош, бироқ, ўртада тафовут бордир*».
- 9) *894 ҳижрий* — 1488/89 йил.
- 10) *Мазмуни: Фонийлик саркардаси Сайид Ҳасан кетди, унинг жойи мангу биҳишт бўлсин. У покиза зот кетидан тарих (вафот тарихи) қидирдилар, айтдимки: «пок жаннат макони бўлсин».*  
 Юқоридаги «жаннати покаш макон бод» жумласидаги ҳарфларнинг «абжад» ҳисоби билан тегишли рақамларга айлантириб жамланса, вафот тарихи — 894 ҳ. чиқади (бизнинг йил ҳисобимизча 1488/89).



1) *Кушти* — кураш тушиш; *куштигир* — кураш тушувчи полвон; *куштидонлиг* — кураш усулини билиш.

2) *Адвор ва мусиқий илми* — композиторлик ва музикашунослик билими.

3) Эй соқий, қиш кетди-ю, эртаги аҳвол номаълум, ўзимизни бугун хурсанд қилайлик, эртани эса ким кўрган?

4) «Чехранг тобланишдан ҳар бир хонага шамъ пайдо бўлади, девоналар дили қатма-қат сочинг асиридир».

5) «Гоҳо тиринг ошиқлар қатли учун чиққанда, бир мушоҳада билан юз шаҳиднинг мақсади ҳосил бўлади».

6) «Котибий ғам тундан нолима, Абусанд давлати баракатдан саодат тонги отиб қолади».

7) «Даргоҳингга ёлвориш билан юзланганимда, кўнгил юзиви иқбол каъбасига йўналтирган бўламан».

8) «Айтдим: ишқинг оламида ишим ғам биландир.

Лаб остидан кулиб деди: ғам йўқ, олам ишидир».

9) «Унинг буралган мушкли кокили хаёлидан кўнгил дудн «Куштигир»нинг боши устида худди туғ бошидаги қора нишондир».

10) «Эй соқий, косани айлантир ва нўш қил, дастлаб ишқ осон кўриниб эди, бироқ мушкил тушди».

11) «Ҳозирда ўзим учун шундай маслаҳат топдимки, майхонага кўчайину у ерда шод ўтирайини».

12) «Олтин хазинаси бўлмаса ҳам, қаноат хазинаси боқийдир, уни шоҳларга, ановисини гадоиларга берди».

13) *Баъзи ёронлар* — Навоийнинг ўзи.

14) «Ажал агарчи ношод тандан жонни олса ҳам, асло меҳринг-ни менинг ёдимдан оломайди. Хоҳлайманки, тупроқ бўлаю, шамоли олиб кетса, шундай бўлсаки, Астрободга олиб кетса».

15) «Ром бўлган оҳуингни унутма,

Ром бўлган овлорингни унутма.

16) *Лангари* — тақия, дарвишлар, фақирлар ётоқхонаси.

17) Худонинг сояси тақиямга ўз соясини тушириш билан унинг шарафини юксак осмондан ҳам юксалтириб юборди. Агарчи осмон ўз атласини шоҳга пояндоз қилган бўлса ҳам, кошки ўзим бўлардим, жонимни унга чочқи қилардим».

18) «Агар ҳолим фалакка маълум бўлса,

Юз кўз билан ақволимга йиғларди.

Менда янги очилган гул ҳосили бор эди,

Ҳайфки, хазон шамоли олиб кетди.

Умр бўйи яхшилик уруғи эдим,

Униб чиққач, хирмон кўтаролмадим.

Шунинг учун тирикчилик менга заққум бўлди.

Кексалик мени ёшликдан иргитиб ташлади.

Мен энди у занжирли шер эмасман,

Кексалик ғами мени бутунлай олиб кетди.

Ота болани шунинг учун тарбия қиладикки,

Токи у катта бўлганда ғамхўрлик қилсин.

Ундан йигитликда натижа чиқсинки,

Кексалик пайтларида у нишга ярасин.  
Мени кексалик охирда шундай итқитдики,  
Йигитлик менинг учун ҳеч фойда бермади.

19) Санойиъ ва аруз — шеърда ишлатилган турли санъатлар ҳамда шеър вазнлари.

20) Махраж ва тажвид — қуръон ўқиш қоидалари.

21) Нужум илми — юлдузларни текшириш илми, астрономия.

22) Ҳикмат — фалсафа ва унинг қисмлари.

23) Султон Ҳусайн Бойқаро.

24) Ушоқлари — болалари.

25) Фалокат айёмидин...замониғача — яъни Навоийнинг тушқунлик, ғариблик (фалокатли) кунларидан бошлаб, то машҳур бўлиб кетган замониғача.

26) Била — бирга.

27) Мафосил марави — бугун зирқираш касали.

28) Фақирлик йўлида сенинг иршодинг биланмиз.

Кеча-кундуз ҳамиша сенинг ёдинг биланмиз.

Фонийлик доирасида номингни такрорлаш биланмиз,

Яъни: сенинг Неъматободнинг етимларимиз.

29) «Эй Мир, сен пирсан, биз сенинг иршодинг биланмиз,

Доим сенинг дуойинг ва ёдинг биланмиз.

Бу шаҳар сенга яхши-ю, биз сен билан шодмиз,

Улдик, Астрободингни харобидирмиз».

30) Шеър ёзиб, охиридан «абжад» ҳисоби билан воқеанинг тарихини (йилини) чиқариш.

31) «Етти ўлка паҳлавони Муҳаммад'

дунёда унинг мисли ва тенги йўқдир.

Сўфиларнинг боши ва сарҳалқаси

дунё қайдидан қанот ёзиб кетди

Иқбол юзасидин даврнинг ҳурматли кишиси бўлган

олам таянчи Жом маърифатчиси (Жомий) кетидан

бир йилдан кейин ранг-баранг қолдаги бу кўҳна

дунёдан жаннат томонга юриш қилди.

Кимки ўлм тарихини сўраса,

айтингки,— «Махдумдан сўнг бир йилдан кейин»

(кетди)».

(Мазкур ҳарфларни сонга айлантирилса 899 ҳ. йил — 1493 мил чиқади).

#### «МУҲОКАМАТУЛ-ЛУҒАТАЙН»

1) Такаллум аҳли — сўз эгаси, сўзловчи; шоирлар, адиблар.

2) Муфарриҳ — хурсанд қилувчи; марваридни енчиб қўшилган хушмаза, хушбўй дори.

Бу шеърнинг мазмуни: «Инжуни дори учун олганда, майдалаб

бир мисқолини бир тангага сотилади. Подшо қулоққа соладиган бўлса, бутун ҳолда олинади, демак, қийматп мулклигига, эътибори моллигига қараб бўлади...»

3) Бу шеърнинг мазмуни: «Суз шундай гавҳардирки, мартабасини аниқлашдан нутқ ағалари ожиздир: мартабаси — смон сузнинг ҳалок қилувчанлигидан тортиб, яхши суз билан Исонинг муъжиза кўрсатишига (одам тирилтиришига) қадар боради».

4) *Туюр, баҳойим ва сибоъ* — қушлар, ҳайвонлар ва йиртқичлар.

5) *Мутанаввир шақр вақуро вожибол ва саҳро ва беша* — турли хил шаҳар, қишлоқлар, тоғлар, саҳро ва жамгал.

6) *Аҳодис* — ҳадислар, сузлар (пайгамбар сузи).

7) *Қойил* — сузловчи.

8) *Фуруъ* — шаҳобча, тармоқ.

9) *Маншаъ* — келиб чиққан.

10) *Нубувват, рисолат* — пайгамбарлик, элчилик.

11) *Сорт* — Навоий бу суз билан форсий тилида сузлашувчиларни кўзда тутди.

12) *Ихтилот алас-савия* — аралашув тенг, баб.баравар.

13) *Биажмаиҳим, муҳиқ* — ҳаммалари, ҳақли.

14) *Вобъе, ваъъ* — ясовчи, ясаш (сузи).

15) *Муълим* — алам берувчи, оғритувчи.

16) *Тажнис ва ийҳом* — икки ва ундаи куп маъноли суз. Шеър мисраъларида шу хилдаги сузни келтириб, турли маъноларни ифода қилиш санъати, туюр.

17) *Алам* — от, исм.

18) *Шаъи муҳриқ* — куйдирувчи нарса.

19) *Мурур* — ўтиш, юриш, кетиш.

20) *Муқаммирра бурд жиҳатидин амр* — қимор ўйновчига (қиморда) ютмоқ учун буйруқ.

21) *Маъухуддий албиса* — эскидан маълум кийимлар.

22) Икки мафъуллуқфеъл —

23) Бу арабий жумлайнинг мазмуни: «Ақчани Зайдга бағишладим».

✓ 24) *Мубтадий* — бошловчи, янги бошловчи.

25) *Муътод* — одатланган.

26) *Сабо авони* — ёшликнинг бошлари.

✓ 27) *Шуур синни* — англаш, тушиниш ёши.

28) *Масун, маъжун* — асралган, сақланган, кўриқланган.

29) *Таъб бебок ва лоуболий* — таъб ботир, қўрқмас ва парвосиз.

30) *Замир сайрафиси* — кўнгил саррофи, заршуноси.

31) «Махзанул-асрор». («Сирлар ҳазинаси») буюк Озарбайжон шоири Низомий Ганжавий (1141—1209) асари. Низомийнинг бу асарига жавобан Навоий «Ҳайратул-аброр» («Яхшилар ҳайратланишин») ни ёзган.

32) «Ширин ва Хисрав» машҳур ҳинд шоири Амир Хисрав Деҳлавий (1253—1325) «Хамса»сининг иккинчи достони. Навоий бу ерда «Фарҳод ва Ширин» достонини ёзишда мазкур асардан илқомланганини кайд этади.

33)

34) *Ашраф* — XV аср ўрталарида ўтган шоирлардан «Хамса» ёзган. Навоий бу шоирни ўзининг «Хамса»сидаги достонлари «Хамса»навислар қаторида эслаб ўтади, бу ерда ҳам шунга ишора қилади.

35) Ҳазрати Махдум — Навоий ўзининг асарларида, кўпинча, Жомийнинг отини атамай, «Ҳазрати Махдум, Махдумий Нуран, пир» каби сузлар билан тилга олади.

Жомий (1414—1492) Навоийнинг яқин дусту ва улуғ устозидир. Икковлари бир даврда бир шаҳарда яшаб, бирликда, бамаслаҳат ижод қилганлар.

Жомий Искандар ҳақидаги дostonини «Хирадномаи Искандарий» деб атаган. Навоий бу ерда шуни ёслатиб ўтади.

36) «Зубдатут-таворих» («Тарихлар хулосаси») — бу асар «Тарихи анбӣ ва ҳуқомо» ҳамда «Тарихи мулуки Аҷам» номлари билан машҳур бўлиб, икки айрим асар ҳисобланиб юрган китобларнинг ўзи бўлса керак, чунки Навоий юқоридаги номли икки асари борлигини бирор ўринда тилга олмайди ва иккинчиси биринчи китобнинг давомига ўхшайди. Шунинг учун биз «Зубдатут-таворих» мазкур икки асарининг ўзи деган фикрдамиз.

37) «Насоимул-муҳаббат» («Муҳаббат шабадалари») — бу асар Жомийнинг «Нафаҳотул-унс» номли асарининг қўшимча ва иловалар билан тўлдирилиб, Навоий томонидан қилинган эркин таржимасидир.

38) Муҳаммад пайғамбарнинг куёви, тўртинчи халифа Алининг ҳикматли сўзлари «Насрул-лаолий» («Марваридлар сочмаси») номи остида тўпланган, Навоий буни шеър билан таржима қилган ва «Назм-ул-жавоҳир» («Жавҳарлар тизмаси») деб атаган.

39) Наср Тусий аруз илми назариячиларидандир.

Навоий шеър вазнлари ва унинг назарий масалалари ҳақида «Мезонул-авзон» («Вазнлар ўлчови») номли асар ёзган.

40) *Расоил* — рисоалар; *Макотиб* — мактублар.

41) *Алфоз истийфоси ва иборат истиқсоси* — сўзларни ўзлаштириш ва иборат (мазмунининг) тагига етиш.

42) *Давовин* — девонлар.

43) *Хожа Ҳофиз Шеровий* — атоқли форс-тожик шоирин, 1320—1325 йиллар орасида туғилиб, 1389 йили вафот этган.

44) Қўш тирноқ орасига олинган арабча иборалар мазмуни: «худодав инган ваҳйдек», «пайғамбар ҳадисидек».

45) *Татаббуъ* — тенглашиш учун пайравлик қилиш, нздан бориб жавоб айтиш.

46) *Маъни истийфоси вафийдир* — мазмунни қамраб олиш етарлидир.

47) *Кофий* — етарли.

48) «Подшо ноғорасининг ичи бўшу шовқин-суронн бош огриғидир, кимки ҳўл-қуруққа қаноат қилса, ер юзи-ю, денгиз подшоҳидир».

49) «*Аужжат-ул-асрор*» — «Сирлар теранлиги»

50)

51) «*Тухфат-ул-афкор*» — «Фикрлар совғаси».

52) «Подшолар ўнини безовчи ўтли лаъл, улар бошидаги хом хаёлни пишириш учун чўғдир.

53) *Таъмияомиз* — муаммоли.

54) *Тақсир* — камчилик, нуқсон.

55) «*Мирот-ус-сафо*» — поклик кўзгуси.

56) «Кўнглим ёш боладир, ишқ пири забондан, устоздир, юз қоралик сабақу мискинлик мактабхона бурчидир».

57) «*Жило-ур-руҳ*» — руҳ равшанлиги.

58) «*Муаллим ким?*» — Ишқдир. Хомушлик бурчаги мактабидир, дарс — нодонлик, доно дилим унинг сабақ олувчи ёш боласидир.

59) «*Насим-ул-хулд*» — жаннат шабодаси.

60) «Муаллим ишқдир, ақл пири сабақ ўқувчи боладир, болага адаб бериш учун фалак отланувчи чарх бўлди... (Эски мактабда «фалак» (фалақ, фалоқ) деб аталган қийнов қуроли бўлган, уни бола-

янги икки оғидан ўтказиб, айлантирар ва оёқ кафтига урар эдилар. Бу ерда Фалак сўзи билан шунга ишора қилиб, фалакнинг айланиши-ни маъзур қийнов қуролига ўхшатишган).

61) «*Рухул-қудс*» — пок руҳ.

62) «Қандай яхшики, қудрат қалами билан нарсалар тасвирланган, ундан ҳар замон минг хил ажойиб нақш пайдо бўлади».

63) «*Айнул-ҳаёт*» — ҳаёт чашмаси.

64) «Кеча посбонлари қора чодир ёйганларида, ой юзли гузал-ларга жилва берадилар».

65) «*Минҳожун-нажот*» — нажот йўли.

66) «Кишилар кўзи нурланди юзинг шаъмидан, жаҳон кўз қора-ғи бўлдинг аини инсонликдан».

67) «*Қуватул-қулуб*» — юраклар қуввати.

68) «*Шан-фано* катта йўлнинг тор манзилдир, у ерда турма, шоҳу гадонинг ўтар йўлдир».

69) «*Фусули аръбаа*» — тўрт фасл.

70) *Бурудат* — совуқлик; *юбусат* — қурғоқлик.

71) *Ҳожа Калимиддин Салмон* — бу шоирни Навоий Салмон, Салмони Соважий ҳам деб зикр этади. Машҳур форс-тожик шоири, 1377 йили вафот этган.

72) *Маснуъ* — санъаткорона шеър.

73) *Тарсиъ санъати* — икки мисраъ шеърни бир-бирига мос сўз-лар билан беваб оҳангдош қилиш санъати.

74) «Покиза юзини софлиги баҳор юз сувини тўқди, жаннатдек манзилнинг ҳавоси хушбўйлик тарқатди».

75) «Бўстонга баҳор фаслининг шаббодаси шундай эсдики, ундан дўстларга ёр васлининг хуш иси етишди».

76) *Халил бинни Аҳмад* — араб тилшунос олимларидан бўлиб, аруз вазналарининг ижодчиси ҳисобланади. 786 йили вафот этган.

77) «Эй, сенинг юзинг жаҳонни безовчи юлдузидир,

Эй, сенинг исинг хушбўйликдан жон роҳатидир,

Сочингиз кишига афтодалик келади,

Қора кокилинг фиғонли тунга ўхшайди».

78) *Шайх Муслиҳиддин Саъдий* — классик форс-тожик шоири ва файласуфи. Ҳазратнинг «Гулистон» ва «Бўстон» номли асарлари билан бутун дунёга шуҳрат қозонган. Шу билан бирга лирик ғазална-висликда ҳам устоздир. 1208 йили турғилиб, тахминан 1292 йили вафот этган.

79) *Лугаз* — чийстон, топишмоқ.

80) *Ҳақ* — тарашлаш, саралаш, пардозлаш.

81) *Анварий* — Авҳадиддин Анварий энг уста форс-тожик қаси-дагўй шоирлардан бўлиб, унинг қасидалари Ҳазратнинг юксак санъат-лиглиги билан машҳур бўлган. 1191 йили Балхда вафот этган.

82) *Мир Шоҳий* — Навоийнинг «Мажолисун-нафоис»да айтиши-ча, сабзаворлик бўлиб, оти Мир Оқмалик экан. Навоий билан замон-дош бўлса-да, Навоий уни кўрмаган, лекин ораларида алоқа бўлиб турган. Навоий унинг шеърдаги юксак маҳоратини алоҳида кўрсатиб ўтади.

83) *Мавлоно Котибий* — XV асрда ўтган шоирлардан. Навоий «Мажолисун-нафоис» асарида бу кишининг юксак санъаткор шоир эканини айтиб, бирмунча асарларини санаб ўтади ва умрининг охи-рида «Хамса» ёза бошлаган эди, дейди.

84) *Мусвадда, мусавадда* — қоралама, чернавик.

- 85) *Бир қарн* — 30 йил.
- 86) *Мажман* — тупланадиган жойи.
- 87) *Мухотиб* — ўзига хитоб қилинувчи.
- 88) *Мушорун илайҳ* — ўзига ишора қилинувчи.
- 89) *Навойи бу ўринда тилга олган Хусайн Бойқаро* рисоласини сунгги кунларгача пайқамай келар эдик. Ҳақиқатан шундай бир рисола мавжуд бўлиб, бир қулёзмаси Туркияда топилди, фотосурати 1945 йили Истанбулда нашр этилган. Бунинг бир нусхасини боқулик профессор Ҳамид Орасан қўлга киритган, бунинг бизга тақдим этди. Насрда ёзилаган кичик ҳажмдаги бу рисолада Хусайн Бойқаро ўзининг хусусий аҳволи тўғрисида маълумот беради ва Жомий билан Навойига алоҳида ўрин ажратади. Навойининг ўзи айтганидек, Султон Хусайн уни роият ҳурмат билан зикр этиб, сиёсий ва адабий хизматларига юксак баҳо беради ва шундай буюк зот замонда яшаганлиги учун фахрланади ва ўзбек тили ва адабиётининг равнақи йўлида кўрсатган жонбозликлари учун уни Қаҳрамон ва Соҳибқирон деб атайд.
- 90) *Саддақ* — рост, тўғри демак.
- 91) *Ҳассон Собит ва Бақит* — арабларнинг машҳур шоирларидан, ҳижрий тарихининг бошларида яшаган.
- 92) *Иброҳим Маҳди (779—839)* — араб Аббосий халифаларидан Маҳдининг ўғли. Бағдодда халифалик қилган. Замонасининг олимларидан бўлиб, санъат ва адабиётда ихтисос эгаси бўлган.
- 93) *Маъмун халифа* — IX асрда Бағдодда ҳукмронлик қилган араб халифаларидан Ҳорунаррашиднинг ўғли. Бунинг даврида араб маданияти анча юксалган.
- 94) *Ҳоқоний* — Халлоқул-маоний деган буюк унвонга эга бўлган улуг шоир Афзалуддин Иброҳим Ҳоқоний 1120 йили дунёга келган. У форс тилида ижод қилган. Уэ вақтида маҳоратли қасидагуй сифатида шуҳрат қозонган забардаст шоирдир. 1199 йили вафот этган.
- 95) *Камол Исмоил* — атоқли форс-тожик шоирларидан бўлиб, 12000 байтдан иборат катта девони бор. 1238 йили ўлган.
- 96) *Захир* — asli хоразмлик бўлиб Табризда яшаган. 1202 йили ўша жойда вафот этган. Шеърлар девони ҳам бор экан.
- 97) *Фирдавсий Абулқосим* — машҳур «Шоҳнома» эпопеясининг муаллифи. 934—936 йиллар орасида Туснинг бир қишлоғида тутилган. Фирдавсий 40 ёшга қадар илм таҳсила билан шугулланиб, шундан кейин «Шоҳнома»ни ёзишга киришиб, 30 йилда тамомлаган. Бу катта эпопеянинг ҳажми юз минг мисраъдан ортиқдир.
- Фирдавсий Тус шаҳрида 1020—1026 йиллар орасида вафот этган.*
- 98) *Султон Тўғрул* — Салжукий ҳукмдорларининг охиргиси. Ироқда подшолик қилган.
- 99) *Шоҳ Шужоъ* — Эронда ҳукм сурган Оли Музаффар ҳукмдорларидан. Узи олим ва шоир ҳам бўлган. 1385 йили вафот этган.
- 100) *Худоиҷон (Ҳалокҷон)* — Чингизхоннинг невараси, Элкониия давлатининг биринчи ҳукмдори бўлган, 1283 йили ўлган.
- 101) *Темур Қўратон* — 1336 йили туғлиб, 1405 йили 71 ёшида вафот этган машҳур жаҳонгир подшо — Амир Темур. Темурийлар сулоласининг асосчиси.
- 102) *Шоҳрух султон* — Амир Темурнинг тўртинчи ўғли, 1376 йили Самарқандда туғилган, 42 йил подшолик қилиб, 1446 йили вафот этган. Улуғбек Шоҳрухнинг ўғлидир.

103) *Саккокий* — XIV асрнинг охирги чораги ва XV асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрда яшаб ижод қилган ўзбек шоирларидандир.

104) *Ҳайдар Хоразмий* — хоразмлик бу шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳозиргача керакли маълумотга эга эмасми. Ҳайдар Хоразмийнинг асосан Низомий Ганжавийнинг «Маҳзанул-асрор» дostonидан илҳомланиб ва кенг фойдаланиб ёзилган мазкур номдаги бир асари бизгача етиб келган.

105) *Атоий* — Тошкент билан Сайрам оралигидаги бир қишлоқдан бўлиб, насаб жиҳатидан Аҳмад Яссавий қариндоши Исмоил ота авлодидан бўлганини Навоий «Мажолисун-нафос»да қайд этади.

Атоий ижодининг барқ урган даври XV асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Атоий девони қўлёзмасининг бир нусхаси СССР ФА Осие институтининг Ленинград бўлимида сақланади.

106) *Муқимий* — Навоий билан замондош бўлган Ҳирот шоирларидан. Навоий «Мажолисун-нафос»да: «Дарвеш машраб киши эрди. Суфия истилоҳатидан ҳам вуқуфи бор эрди... туркийгўй эрди, туркча таржеъ айтибдиқим, хили чошниси бор... Қабри Ҳирийда-дур» дейди. Ҳозиргача бу шоирнинг асарлари топилган эмас.

107) *Яқиний* — ўзбек адабиётида мунозара жанрини давом эттирган адиблардан бири. Унинг ўзбек тилида проза билан ёзилган «Уқ ва ёй мунозараси» асари бизгача етиб келган. Бу шоир ва адиб ҳам Навоий билан замондошдир.

108) *Амирий* — исми Юсуф бўлиб, Амирий тахаллусидир. XV асрнинг биринчи ярмида яшаган шоирлардан.

Амирий асарларини асосан ўзбек тилида, қисман форсийча ёзган. Унинг ўзбекча асарларидан бизгача етиб келганлари: 1) «Девон», 2) «Даҳнома», 3) «Банг ва чоғир мунозараси».

109) *Гадой* — Навоийнинг энг улкан замондошларидан бири. У XV асрнинг бошидан охирларига қадар яшаган замонасининг машҳур шоирдир. Унинг ҳақида Навоий «Мажолис»да юксак баҳо беради ва икки газаалидан намуна келтиради.

Гадойнинг газалларидан бир қисми кейинги вақтда топилиб, нашр этилди.

110) *Мавлоно Лутфий* — Ҳиротнинг энг забардаст шоирларидан бўлиб, 1366/67 йиллар мобайнида турилган. У, Ҳиротнинг чека қишлоғи Деҳиканорда фақирона умр кечирди.

Лутфий ўз замонининг туркигўй ва форсийгўй шоирдир. Лутфийнинг форс-тожик тилидаги шеърлари бизгача етиб келмаган. Бу улкан шоирнинг ўзбекча шеърлар девони ва «Гул ва Навроуз» номи гузал дostonи нашр этилди.

Шоир Лутфий 99 йил умр кўриб, 1465/66 йилларда Ҳиротда вафот этди.

111) *Султон Бобир (Абулқосим Бобир)* — 1452 дан 1457 йилгача Хуросонда ҳукмронлик қилган. Навоийнинг айтишича, «Дарвешваш, фоний сифат ва қарим ахлоқ киши» бўлган ва таъби ҳам назм айтишга мойил экан. Форсий ва туркий тилларда шеърлар ёзган.

1457 йилда ўлдирилган.

112) *Султан Ҳусайн Баҳодирхон* — Султон Ҳусайн Бойқаро, Ҳусайн Бойқаро номи билан машҳур бўлган бу Хуросон ҳукмдори темурий ласининг охирги подшолиридандир. У, 1438 йили тугилган, 1469 йили Ҳиротда тахтга ўтириб, 37 йил ҳукмронлик қилди.

Султон Ҳусайн билан Алишер ёшлиқдан яқин муносабатда бўлдилар, бирга ўқиб, бирга тарбияландилар. У тахтга ўтиргандан кейин Навоийни Самарқанддан олдириб келиб, сиёсий ва давлат арбоби даражаларига кўтарди. Навоий билан биргаликда катта сиёсий, илмий ва адабий ишларни олиб борди. Ўзбек тили ва адабиётини ривожлантириш бобида Навоий билан ҳамкорликда зўр кураш олиб борди. Бу курашнинг исботи учун махсус насрий рисола ёзди. Ажойиб лирик шоир сифатида Ҳусайний тахаллус билан махсус шеърив девон тузди. Бу девондаги байтларнинг адабий таҳлили учун Навоий «Мажолисун-нафоис»да бутун бошли бир бобни—8-мажлисни бағишлаган, гоёт юқсақ баҳолаган. Насрий рисоласини ва унинг аҳамиятини, Навоий, юқорида кўрганимиз каби, «Муҳокаматул-луғотайн»да ёслаб ўтади.

Султон Ҳусайн Бойқаро Навоийдан 5 йил кейин 1506 йили Ҳиротда вафот қилди.

113) Калом аҳлига тарфия ва ибтиҳотлар сўз аҳли (шоир ва адиблар)га шодлик ва осойишталик.

114) *Уторид* (*Аторид*)— сайёралардан (Меркурий планетаси), қалам аҳллариининг ҳомийси дейдилар.

115) *Ал-мутокаллим*— сўзловчи, сўз устози.

116) «*Муҳокаматул-луғотайн*»— икки тил муҳокамаси, икки тил ҳақида муҳокама.

117) Рубойида айтилишича, асарнинг ёзилиш тарихи жумодиул—аввал ойи, чоршанба кунин, 905 ҳижрий йилдир. Бу тарихни ҳозир амалдаги милодий йил ҳисобига айлантирилса: 18 декабрь 1499 йилга тўғри келади. Рубойида ойнинг нечанчиси экани кўрсатилмаган, декабрь ойида 4 та чоршанба (4, 11, 18, 25) бор. Биз булардан ўртароғини олиб 18 декабрь дедик.

Навоий бу якунловчи асарини ўлимидан икки ойча муқаддам ёзиб тугатганлиги маъзур тарихдан маълум бўлади.

### «МЕЗОНУЛ-АВЗОН» ҲАҚИДА

«Мезонул-авзон» гениал Навоийнинг адабий меросида ва адабиётимиз тарихида муҳим ўрин тутди. У, ўзбек адабиёти тарихида ўзинга хос бир даврда майдонга келди ва адабиётимизнинг шаклланишида ва ривожланишида жуда катта роль ўйнади.

«Мезонул-авзон»нинг аҳамиятини умумийроқ равишда бўлса ҳам тасаввур этиш учун, ақалли унинг ёзилиши, майдонга келиш сабабларини аниқлаб чиқиш кифоядир.

«Мезонул-авзон» қайси шароитда ва нима мақсад билан ёзилади?

«Мезонул-авзон» аруз назариясига бағишланган асардир. Аммо «Мезонул-авзон»ни аруз назариясини ўзбек тилида популярлаштириш учунгина ёзилган оддий қўлланма деб ҳисоблаш хато бўлур эди.

Навоий бутун поэтик ижод соҳасида бўлганидек, илм соҳасида, шу жумладан, аруз илми соҳасида ҳам ўз замонасининг энг пешқадам олимларидан ўрганди. Чунончи, Навоий «Мажолисун-нафоис»да, ёшаганда мавлоно Дарвеш Мансурнинг аруз ҳақидаги рисоласини ўқитганини ёзди. «Мезонул-авзон»дан Навоийнинг ўзидан аввалги энг машҳур арузчилар: Шамс Қайс, Хўжа Наср Тусий ва



Абдурахмон Жомийдан фойдалангани ва шунингдек, аруз илмининг асос солувчиси Халил ибн Аҳмаднинг илмий назариялари билан таниш экани кўриниб турибди.

«Мезонул-авзон» маълум даражада Навоийнинг ана шу билимларини йиғиб, системага солган ва тушунтириб берган асаридир.

Аmmo «Мезонул-авзон» учун бу сифат характерли эмас. Унинг учун бошқа сифат характерлироқдир: «Мезонул-авзон» аруз илмининг проблемаларини популярлаштириш мақсадидагина эмас, балки аруз проблемаларининг бирмунча янгича талқинини бериш ва арузни бойитиш мақсадида ёзилган асардир.

«Мезонул-авзон»нинг бутун мундарижаси ана шундан гувоҳлик беради.

Навоий «Мезонул-авзон»да арузнинг қаммага маълум қондаларини тушунтириш билангина чегараланмайди, балки арузга қўшимчалар ва янгиликлар киргизади.

Арузни қўшимчалар ва янгиликлар билан бойитиш ва мукамаллаштириш Навоийда икки йул билан боради: 1) араб ва форс тилларидаги поэзияда қўлланилиб келган аруз системасига қўшимчалар киргизиш, 2) ўзбек поэзиясининг ва фольклорининг неча юз йиллик тажрибаларини биринчи мартаба текшириб, умумлаштириб, арузга таққослаб, арузга қўшимчалар киргизиш, уни (арузни) бойитиш.

Ўз олдига аруз назариясини фақат популярлаштириш эмас, балки бойитиш ва мукамаллаштириш вазифасини қўйганини Навоий ўзи алоҳида кўрсатиб ўтади. Навоий ўз замонасида аруз бобида энг катта нуфузли қўлланмалардан бўлган Халил ибн Аҳмад, Хўжа Наср Тусий ва Абдурахмон Жомий қолганини, бу вазиларни аруздан ўзи топганини ва «Мезонул-авзон»га киргизганини ёзади.

Аmmo бу — Навоий олдига қўйган вазифанинг бир қисmidир. Вазифанинг иккинчи, бундан ҳам жуда муҳим қисми шуки, Навоий тарихда биринчи ўлароқ, туркий (қадимий ўзбек) поэзиясининг формаль қондаларини ўрганмоқчи, умумлаштирмоқчи, чунки, ўзбек поэзияси майдонга келгандан бери ҳеч ким унинг қонда ва қонунлари ҳақида ҳеч қандай асар ёзмагандир.

Навоий томонидан арузга киргизилган қўшимчалар ва янгиликлар арузнинг қамма проблемалари соҳасига оиддир.

Навоий, даставвал, арузнинг ҳар бир соҳасини олиб текширганда араб, форс поэзияси билан ўзбек поэзияси практикасини доимо таққослаб боради, арузнинг ҳар бобида араб-форс поэзиясига оид фикрларни айтиш билан бирга, шу соҳада ўзбек поэзиясидан қандай хулосага келиш мумкинлигини гапиреди. Масалан: рукуналарнинг майдонга келишини гапирар экан, Навоий арузнинг рукуналари ҳам араб, ҳам форс ва туркий халқлар поэзиясида бир хил майдонга келишини айтиб ўтади:

Арузнинг асоси бўлган асллар ҳақида ва араб поэзиясида саккиз асл қўлланиши ҳақида гапирар экан, Навоий яна бу масала туркий халқлар поэзиясида қандай ҳал қилиниши масаласини қўяди, Навоийнинг фикрича, арузнинг саккиз асл рукунидан бештаси (мафъийнул форсий поэзияда кўпроқ ишлатилади, бошқа аслларнинг ишлатилиши жуда ҳам кам (мустасно тариқасида) учрайди.

Шуниси характерлики, Навоий аслларнинг эиҳофот ва фуруъи бобида фақат шу беш аслигагина тўхтайтиди, форс ва ўзбек поэзиясида учрайдиган (ёки кам учрайдиган) аслларнинг эиҳофотини таҳлил

эتماйди. Бу билан, бизнингча, Навоий ўз олдига қўйган вазифанинг спекцификасини (ўзбек ва форс арузини ўрганишни) уқтириб ўтади.

Баҳрлар бобига келганда ҳам Навоий арузда қабул қилинган 19 баҳрнинг қайси бири турк-форс ва қайси бири араб поэзиясида татбиқ этилиши масаласига муфассал тўхтайди.

Навоий аруздаги баҳрлардан тавил, мадид, басит, вофир ва комил баҳрларини алоҳида ажратади ва уларнинг ўзбек ва форс поэзиясида кам ишлатилишини қайд этади.

Шуни унутмаслик керакким, бу қисқача фикрлар тагида Навоий: томонидан узоқ йиллар мобайнида олиб борилган ҳар тарафлама ва кенг текшириш иши ётади. Бундай қисқача фикрнинг ҳар бири Навоий томонидан арузнинг ўзбек ва форс адабиётида татбиқини ўрганиш устида қилинган катта меҳнатнинг натижасидир.

Баҳрларни группалаб, маълум доираларга жамлаганда, Навоий арузда маълум мухталифа ҳам мунтазиба доираларига яна уч доира қўшимча қилади ва уларнинг қандай қилиб майдонга келтирилганини тушунтиради.

1) «Доирани мужтамаи» Навоий томонидан аруз системасида биринчи мартаба юзага келтирилган доиралардандир. Навоий мунсарих, музорн, муқтазаб, мужтасс, сари, жадид, қариб, хафиф ва мушокил баҳрларининг солими (ўзгартилмаган, бутун) шакллари орасида умумийлик топади ва бу умумийликни уларни бир доирага киргизиш билан ифода этади.

2) «Доирани мухталита»ни Навоий шеърда кам ишлатиладиган комил ва вофир баҳрларидан тузади. Навоийдан аввалги арузчиларда бу доира кам учраган:

3) «Доирани муштабиха» доираси ҳам аруз назарияси учун янгиликдир. Навоий уни араб поэзиясига хос бўлган тавил, мадид ва басит баҳрларидан тузади.

Тақтеъ масалаларига Навоий «Мезонул-авзон»да жуда батафсил тўхтайди. Бу бобда Навоий ўзбек тилининг ва ўша вақтдаги илмнинг хусусиятларидан келиб чиқадиган бир куп янги хулосаларни келтиради.

Баҳрлар ва вазнлар ҳақидаги бобнинг охири, «Мезонул-авзон»нинг жуда қимматли қисмидир. Бу жойда Навоий туркий халқларнинг ёзув поэзияси ва фольклор таърибаси асосида арузнинг вазнлар бобига ва умуман поэтиканинг жанрлар бобига фавқулудда аҳамиятли қўшимчалар қилади. Навоийнинг фикрича, одатда аруз ҳақидаги китобларда келтириладиган вазнлардан ташқари, яна бир неча вазн борким, ажам (форс ва ўзбек) шоирларининг сўнгилари ва Навоийнинг замондошлари асарларида учрайди, ammo арузга таалуқи бўлса ҳам, аруз ҳақидаги китобларда қайд этилмаган.

Навоий томонидан жуда таъсирли деб таърифланувчи сўнги шакл («чанги») шу жиҳатдан характерлики, у халқ поэтик шакллари дандир (Навоийнинг айтишича, «турк улуси зиёф ва қиз кўчирув тўйларида они айтурлар», унинг бир навъи аруз қондаларига тўғри келмайди, яъни бармоқ вазнидадир).

Ҳаммаси бўлиб Навоий тўққизта янги вазн ва шеърӣ шаклни қайд этади. (Навоий уларнинг халқда машҳур номларини келтиради, ёки номи йўқ шакллари уларнинг аруздаги вазнлардан қайси бирига тўғри келса, шу вазн номи билан атайди).

Навоийнинг шеърӣ шакллар ва вазнлар ҳақидаги фикрларининг яна бир муҳим томони бор. Вазнлар бобда Навоий фольклор поэ-

эясининг метрикасига ҳам тўхтайди. Биринчидан, Навоий туркий ҳалқларда аруздан бошқа яна мустақил поэтик вази, метрик форма борлигини бир неча мартаба қайд этади.

«Мезонул-авзон»нинг майдонга келишига иккинчи катта сабаб Хуросон адабий доираларида аруз ҳақида (айниқса, ўзбек тилида) мукаммал ва популяр асарга бўлган катта эҳтиёждир. Ўзбек адабий тилига асос солишни ўзига олий муддао билган Навоий бу эҳтиёжни сезмаслиги мумкин эмас эди.

«Мезонул-авзон» ёзилган даврда (XV асрнинг охири) аруз ўзбек ёзма адабиётида алақачондан бери ягона ҳукмрон метрик форма бўлиб келаётган эди. «Қутадғу билик»нинг аруз билан ёзилганини асга олсак, Навоий даврида энди аруз туркий адабиётда тўрт-беш аср умр кўрмоқда экани равшан бўлиб қолади. Аммо арузнинг классик адабиётимида XV асрдан аввал ҳам шунча узоқ умр кўрганига ва XV аср поэтик практикасида ҳукмрон ролини ўйнаётганига қарамай, қийин ва мураккаб аруз назариясини яхши биладиган кишилар кўп эмас эди.

«Мезонул-авзон» Навоийнинг замондошлари томонидан катта қаноат билан қабул этилгани бежиз эмасдир. Буни бу асарга Хондамир томонидан берилган юқори баҳодан кўриш мумкин: «Эҳсонлар ағаларидан энг гузалининг (яъни Навоийнинг И. С.) таснифларидан тагин бири «Рисолаи мезонул-авзон»дир. Бу китоб туркий тилда аруз фани ҳақида ёзилган бўлиб, олий ҳазратнинг чуқур ва нозик шеърлар тўқишда жуда кўп истеъдодли ва ортинқ даражада маҳорати бор эканлиги мана шу китобдан аниқ маълум бўлади. Чунки у, ўтмишдаги олимлар ва шоирларнинг сезгилари нури тушмаган бир қанча мақбул баҳр қўшиб, аруз доирасига киритган».

«Мезонул-авзон» адабиётшуносликнинг муҳим соҳаларидан бири бўлган шеърнинг тузилиши назариясига бағишланган асардир. Алишер Навоий ўзининг бу асарида адабиётшунос сифатида майдонга чиқади. Машҳур «Мажолисун-нафонс» билан бир қаторда, «Мезонул-авзон» — Навоийнинг адабиётшунос сифатида адабиётимиз ва маданиятимиз тарихида ўйнаган ролини характерлайдиган илмий ва тарихий ҳужжатлардан бириндир.

*Изват Султонова*

#### ТАРИХИ МУЛУКИ АЖАМ

Бу асар буюк Алишер Навоийнинг ажойиб тарихчи эканидан дарак беради. Бу асарини ёзар экан, муаллифнинг ўзидан илгари ўтган машҳур тарихчилар асарларини қўнт билан ўрганиб чиққани кўзга аққол ташланади.

Асарда Эроннинг афсонавий ва тарихий ҳукмдорларидан тўрт сулола — Пешодийлар, Каёнийлар, Ашконийлар ва Сосонийлар ҳамда шу сулолаларнинг ҳар бирига мансуб бўлган подшоҳлар ҳақида алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтади.

«Тарихи мулуки Ажам»да кўтарилган диққатга сазовор масалалардан бири Хисрав Парвез ва Искандари Зулқарнайн тарихидир. «Фарҳод ва Ширин» дostonидаги Хисрав Парвез билан тарихий Хисрав Парвез бир-биридан тамомилан фарқ қилишини кўриб ҳайратда қоламиз. Шоир Алишер Навоий бу образга бошқача муносабатда бўлган, тарихчи олим Навоий эса Хисрав Парвезнинг реал портретини чизиб берган. Худди шундай ҳолатни Искандари Зулқарнайн ҳаётига оид саҳифаларда ҳам учратамиз.

*Р. Комилов*

## МУНДАРИЖА

Ҳамсатул-мутахаййрин . . . . .	5
Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер . . . . .	73
Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад . . . . .	87
Муҳокаматул-луғатайн . . . . .	103
Меъонул-авзон : . . . . .	133
Тарихи мулуки Аҷам . . . . .	183
Изоҳ ва таржималар . . . . .	239

*На рабском языке*

АЛИШЕР НАВОИЯ  
СОЧИНЕНИЕ В 15 ТОМАХ  
Том XIV

Редактор РУСТАМ КОМИЛОВ

Рассом М. Я. Ширковский

Раснаар редактори Э. Валиев

Техн. редактор В. Н. Шуклинова

Корректорлар М. Абдушкурова, Ш. Собирова

Босмакхонага берилди 25/XI-66 й. Босишга рухсат этилди 29/V-67 й. Формати 84×108/м. Босма а. 8,5. Шартли босма а. 14,27. Нашр а. 12,87. Тиражи 10000. Гафур Гулом номдаги бадий адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 184—66.

Узбекистон ССР Министрлар Совети матбуот Давлат комитетининг 3-босмакхонасида 1-қоғоғга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1967 йил. Заказ № 3. Баҳоси 1 с. 5 т.

Навойи Алишер.

Асарлар 15 т. Т. 14 Т., Фафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1967.

(ЎзССР Фанлар Акад. А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт ин-ти).

Т. 14. Ҳамсатул-мутаҳаййирин. (Ҳайратланганлар ҳамсаси. Таҳрир хайъати Ойбек, В. Зоҳидов, А. Қажумов ва бошқ. Изоҳ ва тарж. билан нашрга тайёрловчилар: Порсо Шамсиев, Изаат Султонов ва Латиф Ҳалилов. Муҳаррир: Суйима Ғаниева). 272 бет. Тиражи 10000.

Навои А. Сочинения. Т. 14

Н14

Уз1  
Н14

Индекс 7-3-3